R 677

ISSN 2010-5517

Jahon ADABIYOTI

Adabiy-badiiy, ijtimoiy-publitsistik jurnal

Fevral – 2019



Шомаҳмуд Муҳаммаджонов. *"Кўксаройда базм"*

R 577

J Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston MK

Jahon ADABIYOTI

Adabiy-badiiy, ijtimoiy-publitsistik jurnal

Эск № 2

Жамоатчилик кенгаши:
Сирожиддин САЙЙИД
Наим КАРИМОВ
Иброҳим ҒАФУРОВ
Эркин АЪЗАМОВ
Муҳаммаджон ХОЛБЕКОВ
Хуршид ДЎСТМУҲАММАД
Абдураҳим МАННОНОВ
Шуҳрат РИЗАЕВ
Комилжон АЛЛАМЖОНОВ
Алишер ҚОДИРОВ
Баҳодир КАРИМОВ
Зуҳриддин ИСОМИДДИНОВ
Муҳиддин ОМОН

МУАССИСЛАР:

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ КЕНГАШИ

Журнал 1997 йил июндан чика бошлаган

Бош муҳаррир:
Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ

Таҳрир ҳайъати:

Амир ФАЙЗУЛЛА
Муҳиддин РАҲИМ
Назира ЖЎРАЕВА
Алимурод ТОЖИЕВ
Алишер ОТАБОЕВ
Даврон РАЖАБОВ
Жамила АСҚАРОВА
Мафтуна МУҲАММАДАМИНОВА

МУНДАРИЖА

2019 / 2 (261)

НАВОИЙ САБОҚЛАРИ

Алишер НАВОИЙ. Кимки ошиқ бўлса... *(Рус ва инглиз тилларига Т.Боровкова, Қ.Маъмуров тарж...)*. 3

МУҲАРРИР МИНБАРИ

А.МЕЛИБОЕВ.Тарих уммонидан қатралар. 8

ШАРҚ ТАФАККУРИ ДУРДОНАЛАРИ

А.НАСАФИЙ. Комил инсон китоби. Рисола. *(Форс тилидан Н.Комилов, О.Давлатов тарж.)*. 18

ШЕЪРИЯТ МИНТАҚАЛАРИ

Ж.КИТС. Шеърлар. *(Рус тилидан С.Оллоёр тарж.)*. 43

НАСР

Б.НУШИЧ. Ўн уч ойдан сўнг. Роман. *(Рус тилидан Б.М.Шариф тарж.)*. ...47
Э.ТУРОН. Туманли кунлар ёхуд Боғдон қашқири. Қисса. 102

АДАБИЁТШУНОСЛИК. ФАЛСАФА

У.ҲАМДАМ. Истиқлол даври ўзбек адабиёти ҳақида икки оғиз сўз. 97
Ҳ.ҲОМИДИЙ. Маърифатни олқишлаб... 123
К.ҚУРАМБОЕВ. Алишер Навоий ва туркман адабиёти. 127

ҚИЁС ВА ТАЛҚИН

Р. УММАТОВ. Бобур ва Наполеон. Эсседан боблар. 134

САРГУЗАШТ. ДЕТЕКТИВ. ФАНТАСТИКА

Ҳ.Ф.ЛАВКРАФТ. О.ДЕРЛЕТТ. Остонада пинҳона. *(Рус тилидан Р.Обид тарж.)*. 162

САНЪАТДАГИ СИЙМОЛАР

С.АЗИЗБОЕВ. Алишер Навоий ғазаллари мақом оҳанглари талқинида. ...198
Муковамизда. 202
Қомус. 204
Журналнинг русча ва инглизча мухтасар мазмуни. 206

Алишер НАВОИЙ

(1441–1501)

КИМКИ ОШИҚ БЎЛСА...

Кимки ошиқ бўлса зору хастаҳол ўлмоқ керак,
Рашкдин олам элига бадхаёл ўлмоқ керак.

Васл топмоғлиғки ишқ аҳлига амредур маҳол,
Кечаву кундуз иши фикри муҳол ўлмоқ керак.

Шавқ аро гаҳ мўядин бўлмоқ керак андоқки мўй,
Ҳажр аро гаҳ ноладин андоқки нол ўлмоқ керак.

Васл мумкин йўқ, вале ҳижронда ҳар дам юз бало
Мундоқ офат мубталоси моҳу сол ўлмоқ керак.

Ишқ кўйида зулоли васл ичмайдур киши,
Дайр сори толиби жоми зулол ўлмоқ керак.

Зулм кўрким чарх этиб икки сипаҳни кийнавар,
Мўрлар хайли арода поймол ўлмоқ керак.

Эй Навоий, истасанг махлас кудуратдин, санга
Хонақаҳдин дайр сори интиқол ўлмоқ керак.

("Ғаройиб ус-сиғар", 333-ғазал)

ЛУҒАТ:

Бадхаёл – ёмон хаёлларга борувчи
Моҳол – амалга ошмайдиган, имконсиз
Мўя – инграмоқ
Мўй – соч толаси
Нол – қамишқалам ичидаги туклар
Моҳу сол – ою йил
Дайр – бутхона, роҳиблар турадиган жой

Сипаҳ – қўшин
Кийнавар – қасоскор
Мўр – чумоли
Махлас – халос бўлиш, қутулиш
Кудурат – ғаму ташвиш, алам
Интиқол – кўчиш, ўтмоқ

Ғазалнинг умумий мазмун-моҳияти

Дилнавоз ЮСУПОВА шарҳи

Ушбу ғазал Алишер Навоий ижодининг ўзак концепцияси ҳисобланган ишқ ва ишқ ҳақиқати назариясига доир бўлиб, ҳар бир байт шоир дунёкарашига дахлдор муайян позицион ёндашувни ўзида акс эттиради.

Дастлабки байт ғазал йўналиши ва мавзусини белгилайди ҳамда шеърнинг мақтаъсига қадар мазкур муаммонинг турли қирраларини ёритиб боради:

Кимки ошиқ бўлса зору хастаҳол ўлмоқ керак,
Рашкдин олам элига бадхаёл ўлмоқ керак.

Матлаъдаги "Кимки ошиқ бўлса..." жумласи бутун ғазал учун асосий калит, яъни очқичдир. Алишер Навоий байтдан байтга кўчиш жараёнида ошиқликнинг шартларини, таъбир жоиз бўлса, қатъий тамойилларини баён этиб боради. Ғазалнинг умумий руҳидан англашиладики, бу шартларга амал қилмаган киши ошиқ ҳисобланмайди. Шоир ошиклик тириклик дунёсидаги энг баланд мартаба эканини асослаб, бу даражага етиш учун ўзликдан кечиш ҳамда барча бало ва синовлар қаршисида мардонавор туриш лозимлигини уқтиради.

Алишер Навоийнинг фикрича, ошиқликнинг илк шарти "зору хастаҳол бўлмоқ" ва бутун олам аҳлидан ўз маъшуқасини рашк этиши, яъни қизғониши лозимдир. Лекин қизиғи шундаки, зору хастаҳол ва ўта рашкчи ошиқнинг "васл топмоғлиғи" амри маҳол – имконсиз бир иш бўлса-да, кеча-кундуз айнан шу ҳақда фикр этиши шарт:

Васл топмоғлиғки ишқ аҳлиға амредур маҳол,
Кечаву кундуз иши фикри муҳол ўлмоқ керак.

Бу ишқ аҳли амал қилиши лозим бўлган иккинчи тамойил. Алишер Навоий имконсиз васл ҳақида фикр юритишни ошиқ учун етарли деб ҳисобламайди, шунинг учун шавқ ҳақида сўз очади. Ошиқ имконсиз васл иштиёқида нола чекиб, гоҳ соч толасидек, гоҳ қамишқалам ичидаги тук ҳолига тушсин:

Шавқ аро гаҳ мўйдин бўлмоқ керак андоқки мўй,
Ҳажр аро гаҳ ноладин андоқки нол ўлмоқ керак.

Шоирнинг бадиий маҳорати "мўя" билан "мўй" сўзини, "нола" билан "нол" сўзини ёнма-ён қўллаб, бетакрор тимсоллар ярата олганлигида яна бир бор намоён бўлади.

Кейинги байтларда ишққа доир тамойиллар давом этади. Шоирнинг фикрича, ишқ кўйида васл шарбатини ичмаган инсон дайрда май ичишга талабгорлик қилсин:

Ишқ кўйида зулоли васл ичмайдур киши,
Дайр сори толиби жоми зулол ўлмоқ керак.

Маълумки, зоҳидлик ва қуруқ расм-русумлар, моҳиятдан узоқлашиб, шаклни маҳкам тутган аҳли зоҳирга мухолиф бўлган Алишер Навоий ўз ғазалларида дайрни ошиқлар макони, унда ичиладиган майни ишқ деб билади. Бу ўринда ҳам шоир шунча изтироб ва аламга боқмай, ошикни дайр сари ундар экан, бу билан ишкни камолга етказмоқ лозимлигига ишора қилади.

Мактаъдан аввалги байт бир қарашда лирик чекиниш тарзида, мавъиза мазмунида туюлса-да, аслида унда ғазал мазмуни билан бевосита боғлиқлик бор. Шоир "висол" ва "ҳижрон" тушунчаларини ўзаро зид тарзда таърифлаб келар экан, ушбу байтда бу икки тушунчани сипоҳга киёслайди. Навоийнинг наздида чарх – тақдир висол ва ҳижронни бирбирига адоватли қўшинга айлантириб, ишқ аҳлига зулм кўрсатди, чунки бу икки сипоҳ орасида ошиқлар чумоли каби оёқ остида қоладилар:

Зулм кўрким чарх этиб икки сипаҳни кийнавар,
Мўрлар хайли арода поймол ўлмоқ керак.

Мактаъда шоир кудуратдан – алам ва ситамдан халос бўлиш йўлини кўрсатади: бу – хонақоҳдан юз буриб, дайр (бутхона) сари бош олиб кетишдир. Чунки хонақоҳ – риёкорлар, ўзини диндор кўрсатувчилар, аслида, қалбида ишқ ғами бўлмаган инсонларнинг макони, у ерда қолиш чинакам ошиқ учун андуҳу аламдан бошқа нарса эмас. Ишқ кўйида киши риё ва иккиюзламачиликдан воз кечиб, ёрга ўзини буткул бағишламоғи лозим:

Эй Навоий, истасанг махлас кудуратдин, санга
Хонақаҳдин дайр сори интиқол ўлмоқ керак.

Алишер Навоий "ишқ" тушунчасини баланд мақомда тасвирлайди, унинг ижодида ишқ ўткинчи ҳою ҳавас ёки жисмоний истаклар қатламидан юксалиб, илоҳий маъно касб этади. Ғазалда тараннум этилган фидойилик ва ишққа бахшида бўлмоқ тириклик чегараларидан чиқиб, мангулик сарҳадларига бориб етган. Бу Алишер Навоий ижодининг бош концепцияси ҳисобланган ишқнинг айнан Илоҳий моҳиятга боғлиқ эканини тасдиқлайди. Зотан, чинакам ишқ бу дунё синовларидан доимо ғолиб келиб, ҳатто, уларни писанд этмайди, таҳлил қилганимиз ғазалда ҳам айни шу тамойил устувордир.

Шоир ўз бадиий услубига қатъий риоя қилган ҳолда ғазални шеъриятнинг етук намунасига айлантирган. Бу шеърхонда эстетик завқ ҳиссини туғдиради. "Ишқ", "ошиқ", "васл", "ҳижрон", "шавқ" каби сўзлар воситасида вужудга келтирилган таносуб, "зулоли васл", "ишқ кўйи", "ҳажр аро

қолиш” каби ташбиҳлар, тасвирлардаги муболағалар, рамал баҳрининг туркона оҳанги, кофиядаги ранг-баранглик Алишер Навоийга хос нафис бадииятни юзага келтирганки, бу ғазал мазмунидаги концептуал позиция билан уйғунлашиб, нуктадон ғазалхонда маънавий таъсирланиш туйғусини уйғотибгина қолмай, уни ҳаётнинг асл маъно-моҳияти ҳақида ҳам тафаккур қилишга ундайди.

Ғазал аруз тизимининг хушоҳанг ва туркий тил имкониятларига ниҳоятда мос бўлган ўлчови – Рамали мусаммани маҳзуф вазнида ёзилган. Ғазал оҳанги бир мисрада фоилотун, фоилотун, фоилотун, фоилун рукнларининг такроридан ҳосил бўлади. Ғазал тақтиъи қуйидагича:

– V – – | – V – – | – V – – | – V –

Ғазал матлаъсини шу асосда таҳлил қилиб кўрамиз:

Кимки ошиқ /бўлса зору / хастаҳол ўл/ моқ керак,
Фоилотун / фоилотун / фоилотун / фоилун
–V – – / – V – – / – V – – / – V –

Рашк(и)[1]*дин о/ лам элига / бадхаёл ўл / моқ керак.*
Фоилотун / фоилотун / фоилотун / фоилун
–V – – / – V – – / – V – – / – V –

Ғазал рус тилига мутаржим Татьяна Боровкова томонидан ўгирилган. Таржимада аслият ҳажми (7 байт), радиф (ўлмоқ керак – быть должен) ва умумий мазмун-моҳиятнинг сақланганлиги ғазалнинг рус тилида қайта жонланиши билан боғлиқ муваффақиятини таъминлаган. Гарчи ғазалнинг биринчи ва олтинчи байтларида асосий мазмундан бир оз четга чиқиш кузатилса-да, лекин рус китобхонининг Навоий ғазалидан умумий ҳолатда баҳраманд бўлишига эришилган.

Ғазалнинг русча таржимаси

Таржимон –Татьяна БОРОВКОВА

Тот, кто влюбляется, в стонах и воплях несдержан быть должен,
Мудрых покою завидуя, в помыслах грешным быть должен.

Встречи с любимой искать безуспешно, но в поисках встречи
Целые дни напролет проводя, безутешным быть должен.

В страстном желаньи, от вечных стенаний седеет влюбленный,
При расставаньи от льющихся слез похудевшим быть должен.

Свидания нет, и в разлуке мгновенье – сто бедствий,
Этим несчастьям и месяц, и год он подвержен быть должен.

Чистый напиток свиданья не выпьет стремящийся к страсти.
Кто в кабачок устремился, тот с чашею нежным быть должен.

[1] Мисралар таркибида қатор ундошли сўз ёки бўғин келганда, уни арузий талаффузга мослаш учун иккинчи ундошдан сўнг қисқа “и” орттирилади.

Ты – красота и жестокость, два воина в яростной битве,
И муравей под ногами растоптан небрежно быть должен.

Эй, Навои, если хочешь избавить себя ты от бедствий –
Путь твой из кельи в веселый кабак неизбежен быть должен.

Ғазалнинг инглизча таржимаси

Таржимон – Қосимбой МАЪМУРОВ

HE WHO IS IN LOVE…

He who is in love, for love always be sick he must,
From jealousy, of world folks think badly he must.

For lovers' folk to reach love dating is a difficult trust,
Night and day, dream of this impossible affair he must.

Once doing woes you must become thin as hair from lust,
Once moaning in missing turn into weed's woes you must.

No way for dating, separation is accompanied by bad luck,
Months, years with lots of misfortunes encounter you must.

Burning for love drink the dating wine a man would not,
For this go to an idol's house and ask pure wine you must.

Against one another the fate put two revenging troops,
Under this fierce battle ant's troops be trampled must.

Hey Navoiy, if you want from grieves, concerns to be free,
At once leave the mosque, to an idol-house you must flee.

ТАРИХ УММОНИДАН ҚАТРАЛАР

Профессор Шариф Юсупов ўтган асрнинг етмишинчи йиллари бошларида ТошДУнинг (ҳозирги ЎзМУ) журналистика факультетида талабаларга сўнгги хонликлар давридан сабоқ берган. Домланинг яқин ўтмишимизга доир мароқли суҳбатлари қизиқарли бўлибгина қолмай, ўша пайт учун бир мунча кутилмаган хулосалари, кўпчиликка маълум бўлмаган фактлари билан бошқа сабоқлардан ажралиб турар эди. Устознинг дарсига қатнашмаган талаба кўп нарсадан бехабар қоларди.

Шариф Юсупов бадиий асарларда, айникса, кинофильмларда жоҳил, саводсиз бир кимса қилиб тасвирланган Қўқон хони Худоёрхон ҳақида сўзлар экан, унинг яхшигина шоирлигини айтиб, бизни тааҳжубга соларди. Бир куни дарс якунида устозга "Шу мулоҳазаларингизни мақола ёки китоб қилиб ёзмайсизми, ҳамма учун қизиқарли бўларди-да", дейишга журъат этдим. Домла: "Ҳай-ҳай, биров эшитмасин, ҳозирча бу гапларим шу ерда тура-турсин, вақти-соати келиб ёзилар ҳам", дедилар. Йиллар ўтиб адабиёт газетасида ишлай бошлаганимда устозга ваъдаларини эслатгандим, "Ҳа, замон ўзгаряпти, мана энди бор гапни борлигича ёзадиган пайт келди, унча-мунча нарса коралаб қўйдим", дедилар ва бу ишга астойдил киришиб, Қўқон хонлиги тарихига оид туркум мақолалар ёзиб бердилар. Ҳаммаси "ЎзАС"да эълон қилинди, кейинчалик "Тарих уммони сирлари", "Хуфия қатламлар" номи билан тўплам ҳолида чоп этилди.

Маълум бўлишича, Худоёрхон хон бўлиш билан бирга, гўзал ғазаллар ҳам ёзган, оналари вафот этганида, уч кун унсиз фарёд қилиб, бугун ўқисангиз ҳам вужудингизни титроққа келтирувчи марсия битган экан. Содда хон Оқ подшо ҳузурига меҳмонга отланганида, Оғача бегимнинг "Борманг, ҳазратим, сизни банди қиладилар", дея зорланганини, хон вафотидан кейин бу оқила аёлга генерал Жўрабек ошиқ бўлиши-ю, Оғача бегим унинг севгисига "Мен хоннинг хотинимен, саллотнинг тенгги эмасмен!", деган жасоратли жавоб берганини ҳаяжонсиз ўқиш мумкин эмас.

Бир гал Қўқонда, тадбиркор дўстимиз Нурилла ҳожи Абдуллаев билан ёйма дўкондан тарихчи олима Анна Леонидовна Троицкаянинг 1968 йили Москвадаги "Наука" нашриётида чоп этилган "Каталог архива Кокандских ханов XIX века" сарлавҳали ноёб китобини сотиб олдик. Қўқон хонлиги чор Русияси томонидан босиб олингач, ўрдадаги жамики мол-мулк, ёзма манбалар, китоблару ҳужжатлар боскинчилар тасарруфига ўтади, копларга жойлаштирилиб, кўп бор уёқ-буёққа ташиб юрилади. Йиллар ўтиб, Анна Леонидовна сақланиб колган ҳужжатларни саралаб, маъносига кўра алоҳида бўлимларга ажратиб, китоб ҳолига келтирган. Турли мазмундаги фатволарнинг ҳар бири ўзига хос тарихга эга, хонлик давридан нишона. Улардан бири тошкентлик иккита боббў аёлнинг Қўқонга келиши муносабати билан чиқарилган: "Фатво. Тошкентдан муҳтарам хонимизнинг оналари ҳузурига аёл меҳмонлар келишгани боис, хазинадан бир кулча совун, бир юмалоқ кўк чой, бир юмалоқ кора чой ажратилсин. Бердим, бармоқ имзо. Олдим, бармоқ имзо".

Гоҳо "Сизлар ўтмиш тарихни улуғлаб, аста-секин ўн олтинчи асрга қайтмоқдасизлар, бу ишингиздан жаҳолатнинг ҳиди келмоқда", деган истеҳзолар кулоққа чалинганида, уларга бизда аслида қандай улуғ қадриятлар мавжуд бўлганини эслатиб қўйиш учун шу фатвони ёдга оламан.

"Хуфия қатламлар"га сўзбоши ёзган профессор Бегали Қосимовнинг фикрларига эътибор беринг: "Адабиётшунос олим, профессор Шариф Юсупов билан суҳбатлашганмисиз? Тошкентнинг сўнгги юз-юз эллик йиллик тарихи, маҳалла-қўйлари, осори атиқалари, қўйингки, бек-амалдорларидан қозию қуззотларигача, идора-маҳкама иморатларидан бойваччалари йиғилиб турадиган чойхоналаригача беками кўст биладиган ва улар ҳақида бир-биридан қизиқарли ҳикояларни айтиб бера оладиган кишилар у қадар кўп эмас. Айниқса, сўнгги 50-60 йилдаги ўзи кўрган, гувоҳ бўлган воқеаларни, хусусан, санъаткорлар ҳаёти, феъл-атвори, гап-сўзлари, улар билан юз берган турли-туман ҳодисаларни у кишидек ўрнига қўйиб, таъсирчан тарзда айтадиган иккинчи кишини топиш қийин..."

Ҳар гал, домла менга дастхат ёзиб тортиқ қилган китобларини қўлимга олар эканман, устознинг "Муқимий ва Муҳйи", "Комил ҳақида янги маълумотлар", "Сатторхоннинг таржимаи хол асари", "Исёнкор додхох" (Генерал Жўрабек), "Гап канизакда эдими?" (Амир Насруллонинг Қўқонга юриши тарихи, сабаблари) каби тадқиқотларини, Худоёрхоннинг ўғли шоир Фансуруллобек, саркарда Алимқули, Шарифхўжа, Муҳиддинхўжа, Саидрасул Азизий, Эшонхўжа, Ҳакимхўжа қозикалон ва бошқа таниқли кишилар тўғрисидаги мақолаларини, қани энди, бошқалар ҳам ўқишса, маъноларидан баҳраманд бўлишса, деган фикр хаёлимдан ўтади. Негаки, уларда якин ўтмишимизга доир воқеа-ҳодисаларнинг муҳим тафсилотлари билан бирга, миллий ғурур, Ватанни севиш, унинг тақдирига бефарқ бўлмаслик, бу туйғудан бебаҳраларнинг аянчли тақдири ҳақида жиддий мулоҳаза юритилади.

Домла Юсуповнинг китоблари ўқувчини фикрлашга, олис мозий воқеа-ҳодисалари моҳиятини чуқур, айни чоғда тўғри идрок этишга, ўзи учун зарур хулосалар чиқаришга ундайди.

"Тарих уммони сирлари"ни олайлик. Сарлавҳанинг ўзиёқ эътиборни тортади. Тарих уммонида сир кўп, синоат кўп. Очилмай қолган, англанмаган ҳақиқатлар бисёр. Муаллиф тарихни ўрганишда холислик ва адолат бош мезон бўлиши зарурлигини, бирор бир хулосага келишда "етти ўлчаб, бир кесиш" лозимлигини таъкидлайди.

1875 йилнинг август ойида Худоёрхон Туркистон генерал-губернаторидан ҳарбий ёрдам олиб, Қўқонга қайтиш, тахтни яна бир бор эгаллаш ниятида Тошкентга келади. Аммо маккор фон Кауфман унга Петербургга боришни, император ҳузурига киришни, аълоҳазратнинг ўзидан ёрдам сўрашни маслаҳат беради. "Шундай қилсангиз, Қўқонга қайтишингизга, тахтни эгаллашингизга умид қилса бўлади", дейди. Бу маслаҳат, аслида, пухта ўйланган тузоқ эди ва хон унга осонгина илиниб, Оренбургда бир муддат уй қамоғида сақланади.

Худоёрхон Петербург сафари олдидан якин таниши бўлмиш Мулла Маъруф деган кишига ўзига тегишли Алишер Навоий ва Мирзо Бедил қаламига мансуб нодир китобларни сақлаш учун қолдиради. Кейинчалик Оренбургдан Тошкентга ишончли одамини жўнатиб, шу китобларни олиб келишни буюради. Шарафиддин Али Яздий "Зафарнома"сининг жаҳонда

ягона тўлиқ нусхасини себзорлик таниқли маърифатпарвар Муҳиддинхўжа қозига совға қилади. Кейинчалик қозининг амакиваччаси уни Беруний номидаги Шарқшунослик институтига топширади. Мустақиллик йилларида "Зафарнома" кирилл алифбосида тўла ҳажмда нашрдан чиқади.

"Тарих уммони сирлари"ни ўқир экансиз, "биргина ҳужжатнинг ўзи тарих бўла олмайди", деган гап беҳуда айтилмаганига ишонч ҳосил қиласиз. Узоққа бормай, Худоёрхон ва фон Кауфман муносабатларини олайлик. Тарихнинг ўзида бу икки шахсга доир бири иккинчисини инкор қилувчи маълумотлар етарлича. Буни Шариф Юсупов ўта синчковлик билан таҳлил қилган. Чунончи, фон Кауфманнинг 1871 йилнинг 21 мартида Худоёрхонга ёзган мактубидан келтирилган қуйидаги сатрларга эътибор беринг: "Сиз "оқ подшоҳ"нинг буюк ҳомийлигида экансиз, Сизнинг ҳар бир дўстингиз бизнинг дўстимиз, ҳар қандай душманингиз эса бизнинг ёвимиз бўлиб қолади".

1872 йили валиаҳд шаҳзода Насриддинбек Тошкентга келганида, унинг шарафига қуюқ зиёфат берилиб, шу маросимда фон Кауфман Худоёрхонни ўз мамлакатини юксак поғонага кўтара олган Пётр I га тенглаштиради ва "Яшасин Худоёрхон!" деб шарафли қадаҳ кўтаради. Айни чоғда, унинг ўзи Худоёрхоннинг Оренбургда" пойтахтдан алоҳида кўрсатма келгунига қадар яшаб туришини" аввалдан режалаштиради, бу иш амалга ошгач, Қўқон аҳлига мурожаат қилиб: "Сизларнинг собиқ хонингиз Худоёрхонни мен Петербургга жўнатдим. Энди у сизларга хон эмас", деб мунофиқлик қилади. Бир муддат аввал, Худоёрхон Хўжандда яшаб турганида, хонлик тахтига эндигина ўтирган Насриддинхонга нома битиб: "Сизга маълумдирки, узоқ йиллар давомида дўст бўлишимга қарамай, мен ҳеч қачон унинг (Худоёрхоннинг) хатти-ҳаракатини маъқуллаган эмасман", дейишгача бориб етади.

Яқин ўтмишимиз ҳақида кўп ибратли тадқиқотлар олиб борган устоз Сайфиддин Жалилов "Худоёрхон" номли рисоласида ("Мумтоз сўз", 2014) XIX асрнинг 60-йилларида Қўқон хонлигида юзага келган иқтисодий ва сиёсий вазиятни шарҳлар экан, хонликнинг Жанубий Қозоғистон, Тошкент, Хўжанд, Ўратепа каби иқтисодий жиҳатдан бойлик келтирадиган вилоятлари Русия томонидан босиб олиниб, бу ҳудудлар қўлдан кетгач, давлатнинг иқтисодий аҳволини яхшилаш учун Худоёрхон яқин амалдори бўлмиш Иса Авлиёнинг маслаҳати билан халқдан ундириладиган солиқларни янада кўпайтирганини ёзади. Тарихдан маълумки, фон Кауфман 1867 йил охирида Худоёрхон билан, олти ойдан кейин Бухоро амири билан тинчлик битими тузади. Айёр Кауфман бу билан, ваъда қилганидек, ўзаро савдо алоқаларини ривожлантиришни эмас, Қўқон ва Бухорони бир-бирига яқинлаштирмай, хон ва амирни хотиржам қилиб қўйиб, ўзининг босқинчилик ниятини давом эттиришни кўзда тутган эди. Шундай бўлади ҳам.

1861 йилнинг 10 январида Оренбург корпуси қўмондони генерал-адъютант Безак Русия ҳарбий вазири Чернишевга мактуб ёзиб, унда амир Насруллони қуйидагича таърифлайди: "Ажойиб ақл эгаси, энг уддабурон ва моҳир сиёсатчилардан бўлмиш Насрулло Бухорода ҳукмронлик қилган ўттиз тўрт йил давомида Туркистондаги барча халқлар устидан алоҳида бир жозибали қудратга эга бўлди". Шариф Юсуповнинг фикрича, "чор амалдорларининг оқни қорадан, яхшини ёмондан, савобни гуноҳдан ажрата олмаган бу нодон ҳукмдорга бундай юқори баҳо беришининг сабаби у узоқ йиллар давомида юргизган сиёсат Русия ҳукуматининг мустамлакачилик мақсадларига мувофиқлигидадир". Китобда бу фикр ишончли далиллар билан асослаб берилган. Чунончи, юқорида номи кел-

тирилган Оренбург корпуси қўмондони Безак амир Насрулло вафот этиши биланоқ, буқаламундек фикрини ўзгартиради ва Русия ҳарбий вазирига қуйидаги мазмунда мактуб йўллайди: "Насрулло Баҳодирхон 5 октябрда (1860 йил) Самарқанддан қайтиши биланоқ вафот этди. Унинг хотини, ўз акаси маслаҳатига кўра, Насруллонинг дорисига заҳар аралаштирганини бўйнига олган. Бунинг учун амир ўша заҳоти ҳар икки жиноятчини ўлимга ҳукм этган". Манбаларда амирнинг чидаб бўлмас даражадаги зулми ва қилмишларидан тўйиб кетган хотини Кенагас бегим амир ухлаб ётганида қулоғига симоб қуйиб ўлдиргани ҳам айтилади.

Фитратнинг "Абулфайзхон" асари хусусида Шариф Юсупов шундай ёзади: "Фожиада Абулфайзхоннинг хожасаройи бўлмиш Улфат унга (хонга) "Хоконимизга маълумдирким, подшоҳлик қон билан суғориладиган бир оғочдур. Қон оқиб турмаган ерда бу оғочнинг қуриб қолиши аниқдир", дейди.

Бошқа бир ҳолат. Якин ўтмишда ва ҳатто, мустақиллик йилларида ёзилган баъзи тадқиқотларда ҳам Тошкентнинг сўнгги қозикалони Ҳакимхўжа эшон Норхўжа эшон ўғли ҳақида асосан салбий мулоҳаза юритилади. Бу ҳолатга Шариф Юсупов жиддий тузатиш киритади: "Эмишки, Тошкентга Черняев қўшини ҳужум қилган 1865 йилнинг ёзида қозикалон Ҳакимхўжа ўзи истиқомат қилган Себзор даҳаси йигитларини босқинчиларга қарши курашга бошлаган, кучи етмагач, ўз одамлари билан қочиб қолган, мансабини сақлаб қолиш илинжида шаҳар дарвозасини босқинчиларга очиб берган экан ва ҳоказолар... Аслида воқеа бундай бўлган. Тошкент шаҳри қамалда қолгач, бир ярим ой мобайнида кўз кўрмаган, қулоқ эшитмаган азоблардан қирилиб битишга маҳкум этилган аҳоли Абулқосимхон эшон, Солиҳбек охунд, Ҳакимхўжа қозикалон сингари покдомон зотларга илтижо қилиб, босқинчилар билан муроса йўлини топишни сўрайди. Шу тариқа сўнгги чора сифатида таслим бўлиш ҳақида Черняев билан битим тузилади. Бу тўғрида энг ишончли манбаларда ёзиб қолдирилган. Ана шу воқеалардан кейин Ҳакимхўжа қозикалон Туркистон губернатори Романовский иштирок этган катта йиғилишда бу ҳукмдордан асло тап тортмай, дилидаги гапни дангал айтади: "Ҳаммамизни яратган Ҳақ таоло бор. Унинг амри ҳар бир инсон учун муқаддасдир, бинобарин, сизнинг амрингиздан ҳам юқори туради. Агар Ҳақ таоло мени ўз паноҳида асраса, фақат сиз эмас, балки сиздан юқорида турганлар ҳам ҳеч нарса қила олмайсизлар. Муҳтарам жаноб, сиз мени қўрқитиш билан шариат йўлидан тойдиришга мажбур қиламан деб ўйлай кўрманг".

Бу жасоратли гап император саройигача етиб боради, катта-кичик ҳукмдорлар орасида "Туркистонда Худодан бошқа ҳеч кимдан қўрқмайдиган миллатпарвар бир одам бор, у ҳам бўлса Ҳакимхўжа қозикалондир", деган овоза тарқалади.

Тарих қатларида қолиб кетган қанчадан-қанча ҳақиқатлардан баҳраманд бўлганингда, кўнглинг ёришади. Хожасарой Улфат, қозикалон Ҳакимхўжа ва яна бошқа кўплаб жасур, фидойи ватандошларимиз мисолида бугунги ёш авлод учун тарбиявий аҳамиятга эга бўлган асарлар яратиш нечоғли зарур эканини англаб етасан.

Истеъдодли ёзувчи Алишер Ибодиновнинг "Шафқатсиз тоғлар" китобида Аҳмад Заки Валидий, В. Наливкин, Н. Остроумов, Ибрат домла, тошкентлик қози Сатторхон Абдулғаффоров, Мулла Олим Махдум, Мирзаолим Мушриф ва бошқаларнинг Кўқон хонлиги тарихига доир китоблари ва хотираларидан ўринли фойдаланилган. Бу манбаларда Худоёрхоннинг отаси Шералихон

1842 йили ўзим туғилиб ўсган Сафед Булон қишлоғидаги йиғинда оқ кигизга ўтқазилиб, хон деб эълон қилингани, шу табаррук жойдан Косонсой, Тўрақўрғон ва Чуст орқали Қўқонга юриш бошлангани айтилади. Мен учун янгилик бўлгани – рус олими В. Наливкиннинг XIX аср охирида рафиқаси билан икки йил Сафед Булоннинг шундоққина ёнгинасида жойлашган сўлим Нанай қишлоғида яшагани, маҳаллий аҳолининг турмуши, урф-одатларини ўрганганн бўлди. Иккинчи янги факт шуки, Шералихон Қўқон тахтига ўтиргач, унинг саводи тўла чиқмаган ўғиллари Худоёр ва Сўфибекка нанайлик машҳур мактабдор мулла Тошбой сабоқ берган экан.

Абдулла Қодирий ўтган асрнинг 20-йилларида Қўқонга келиб, Худоёрхоннинг ўша пайтда ҳаёт бўлган хотинларидан бири Розиябегим билан учрашгани илмда бор гап. Ҳабибулла Қодирийнинг отаси ҳақидаги хотиларида хонлар давридаги Қўқоннинг йирик уламоларидан бири, мўътабар диний арбоб Миён Фазл Ваҳҳобнинг фожиали севгиси тилга олинади. Бу табаррук зот Худоёрхонга пир мақомида бўлган экан. Аммо...

Хонликлар тарихига кўз ташласангиз, турли офатлар, эл-улус бошига тушган мислсиз кулфатлар, аёвсиз қатлиомларнинг сон-саноқсиз сабаблари маълум бўлади. Имон-эътиқоди суст, хиёнаткор кишилар ҳукмдорларга яхши кўринмоқ, бирор ёғли мансабга илинмоқ илинжида ҳарамни ёш соҳибжамоллар билан тўлдиришга ҳаракат қилганлар. Бундай кишилар Худоёрхон ўрдасида ҳам бўлган. Улар хоннинг қулоғига Миён Фазл Ваҳҳобнинг ҳусида тенгсиз хотини борлигини шипшийдилар. Ҳирс-ҳавас жазавасига тушган хоннинг буйруғига биноан қўшмачилар эшон хонадонига бориб, сулув аёлни кўриб, оғзилари сув очиб қайтади. Бу аёл ўша – Абдулла Қодирий сухбатлашган Розиябегим эди.

Худоёрхон Розиябегимни ўрдада ўтказиладиган аёллар зиёфатига таклиф эттиради ва уни шу ерда тунаб қолишга мажбур қилади. Тунда меҳмон аёл ётган хонага... хон кириб келади. Ҳарамда икки-уч кун қолиб кетган Розиябегимдан содир бўлган воқеани эшитган ориятли эшон хотинига уч талоқ қўяди ва уни ўн тўрт арава сеп билан хон ўрдасига қайтариб юборади. Ҳажр азобида куйиб-ёнган эшон шаҳарда тарқаган гап-сўзларга чидамай, Қўқондан бош олиб чиқиб кетади ва Ўш шаҳрига туташ тоғдаги ғорда (бу жой ҳозир ҳам бор) садоқатли шогирдларидан бири билан дарвешона ҳаёт кечира бошлайди. Аммо орадан қирқ кун ўтар-ўтмас шамдай куйиб адо бўлади. Ўлими олдидан шогирдига: "Мулла Абдулбоқи, менга яқинроқ келиб, оғзимни ҳидланг-чи, ниманинг ҳиди келяпти?", дейди. –"Кабоб ҳиди келяпти, устоз, кабоб" дея жавоб беради шогирд. Миён Фазл Ваҳҳобнинг жигари ҳажр оловида қоврилиб кетган экан...

Тақдир бундай номусли зотни хўрлаган Худоёрга умри сўнггида бунданда оғир жазо – ватангадоликни ҳозирлаб қўйганини кўринг...

Бугун ижодкорлар орасида тарихий мавзуда қалам тебратиш урф бўлиб бормоқда. Аммо, ютуқлар билан бирга, бир асардаги тўқима образ бошқа бир асарга тарихий шахсга айланаётгани, таниқли шахслар тўғрисида "қўлбола", мантиққа зид талқинлар кўпаяётгани кўнгилни хижил қилади. "Қиз Жибек" бадиий фильми билан боғлиқ "асрга татигулик" янглишув бошқа соҳаларда ҳам тўхтовсиз такрорланмоқда. Ён-атрофимизда чоп этилаётган мактаб дарсликларида у ёки бу миллатнинг фавқулодда алоҳидалиги, улуғлиги ва қадимийлиги давоси қучайиб бораётир.

Аслида, ўтмиш ҳақида қоғоз қоралашнинг ёмон жойи йўқ, бироқ яқин ва олис тарих воқелигини, аввало, тўғри идрок этиш, моҳиятини бугунги

ўқувчига бузмай, камитмай, бошқа либосга ўрамай, оширмай-тошимай етказиш ҳам илмий, ҳам ижодий ҳалолликни талаб этади. Тарих фанлари доктори, профессор Мирсодиқ Исҳоков бу масъулиятни қуйидагича ифодалайди: "Тарих ўтмиш экан, унга нисбатан тарихчи ўз мақсадлари, қарашлари орқали кириб боради. Яъни, тарихни ўзидан холи (ўзи билганича) тадқиқ қила олмайди... Тарихни билишда тарихий маълумотларнинг аслияти қанчалик ҳаққонийлиги ёки сохталиги масаласи диққат марказида турмоғи лозим. Кўп ҳолларда муайян вазият тақозоси билан воқеанинг тафсилотлари атайлаб сохталаштирилган бўлиши мумкин. Бундай ҳолларда манбалар, агар уларнинг вариантлари бўлса, қиёсий ўрганилиши зарур бўлади..."

Шу қиска иқтибоснинг ўзида жуда кўп масалалар кундек равшан бўлиб турибди: тарихшунос бу ишга қандай мақсадда ёндашаётгани ва унинг шахсий қарашлари қандайлиги, билими, имон-эътиқоди, сўзга масъулияти жуда муҳим. Воқеа-ҳодисалар тафсилотининг сохталаштирилишига эса Парижнинг Версал саройи залларидан бирини безаб турган "Наполеоннинг тож кийиши" сурати мисол бўла олади. Рассом бу асарни реал воқеа асосида ёзган, аммо буюк фотиҳнинг эътирози туфайли, муаллиф унга тузатиш киритиб, сохталикка йўл қўйган.

Илмий тадқиқотларда яқин ўтмишнинг адолатсиз, ақл-идрок билан англаб бўлмайдиган хунрезликлари, Шарқни неча асрлар давомида қонга ботириб келган, юртни вайрон, халқни бенаво қилган уч мудҳиш қусур – кўпхотинлик, бойликка, айш-ишратга берилиш асоратлари тўғрисида куюнчак мулоҳазалар бор. Шу уч қусур не-не салтанатларнинг тагига сув қуйди, отани болага, болани отага қарши қўйиб, саройнигина эмас, мамлакатни қонга ботирди. Ҳали соҳибқирон Амир Темурнинг муборак жасади тупроққа қўйилмай туриб, тахт атрофида қонли можаролар бошланиб кетгани хусусида Алишер Ибодинов: "Агар Темурнинг ворислари, саркардалари унинг васиятига сўзсиз амал қилиб, жон диллари билан Пирмуҳаммадга бўйсунганида, уни қўллаб-қувватлаб, чин садоқат билан хизмат қилишганида қандай тарихий вазият вужудга келарди?", деб ёзади. Бу сатрларни ўқиганингда ич-ичингда ўкинч пайдо бўлади: тахт учун курашларда миллатнинг қанчадан-қанча бўлғувси сардорлари, донишманд даҳоларининг ҳам бошлари кесилиб кетган бўлиши мумкин-ку! "Бу хунрезлик илм-маърифат бобида олис юлдузлар қадар баландликка кўтарилган бобомиз Улуғбек даврида ҳам давом этганини изоҳлаш қийин", дейди Хуршид Дўстмуҳаммад. Алишер Ибодиновнинг фикрича, "Ҳақиқий тахт эгасини хиёнат йўли билан ўлдириб, унинг мамлакатини қонунсиз эгаллаб олиш қонуний ҳол, нақд бўлмаса миллий анъанага айлангани, аслида, давлатчилигимиз асосларини емиргани, буюк бир миллатни мустамлака занжиридаги ғариб ва хокисор халққа айлантириб, дунё сиёсати тўридан остонага улоқтиргани ҳақиқат".

Бу фикрга қўшилмасликнинг иложи йўқ. Негаки, биргина Қўқон хонлигида "милодий 1740 йилдан то 1875 йилгача, яъни 135 йил ичида тахтга қонуний тарзда ўтирган хонлардан ўн беш нафардан ортиғи ёлланган қотиллар, фитначи унсурлар, қиличи қонсираган жаллодлар қўлида жон беради. Абдураимбий, Сулаймонбий, Олимхон, Муҳаммадалихон, Султон Маҳмудхон, Шералихон, Султон Муродхон, Маллахон, Султон Саидхон, Шоҳмуродбек ва бошқалар тахтга ўтирганларидан кейин ўлдирилган, сўйилган хонлардир. Ҳатто амир Умархондай маърифатли подшоҳ ҳам ўз акаси Олимхоннинг жасади устидан юриб ҳукмронликка эришган".

Атоқли ёзувчи Чингиз Айтматов инсоният тарихидаги қонли одамкушликлар ҳақида ёзар экан, "Урушнинг дахшати шундаки, бу қирғинбаротларни бошлаган фотиҳлар, саркардаларнинг номи тарихда қолади, аммо бегуноҳ қурбон бўлган миллион-миллион кишилардан ном-нишон ҳам қолмайди", дейди. Мана шуниси алам қилади.

Тахт учун қонли кураш фақат Шарқдагина мавжуд бўлмаган. Салтанат йўлидаги тирик "ғов"ларни пичоқ, ойболта тиғи билан даф қилиш бугун дунёга маърифатдан, инсоф-диёнатдан сабоқ бермоқчи бўлаётган Ғарбда бундан икки ярим – уч аср аввал росмана анъанага айланиб кетганини ҳеч ким инкор этмайди. Ўлим жазосига ҳукм қилинган Шотландия қироличаси Мария Стюарт, Англия қироли Карл I, Франция қироли Людовик XVI ва унинг беваси қиролича Мария Антуанетта бошларини жаллод кундасига қўйишдан олдин мириқиб ухлаганлари, ювиниб, энг яхши кийимларини кийишгани, сочларини силлиқ қилиб тарашгани, бева қиролича жаллод бошини танасидан жудо қилиши олдидан ўзига оро бергани, кўп вақт Версал саройининг ҳашаматли мармар зиналаридан баланд пошнали туфлисида шахд билан юқорига кўтарилган бўлса, дор остига ҳам худди шундай, янада виқор ва салобат билан мардона юриб келгани, қатл содир бўлганида майдонга йиғилган оломон "Яшасин республика!" дея қичқиргани бу фикрнинг, шубҳасиз, исботидир. Улар ҳар қандай гуноҳкор, у қироли, каззоб ўғрими, давлат сирини душманга сотган хоинми, шундай жазоланиши керак, деб ўйлашган, қатл майдонига ажойиб томошага гувоҳ бўлиш учун келишган. Боксда жанг биринчи раунддаёқ тугаб қолса, томошабинларнинг ҳафсаласи пир бўлганидек, қатл маросими гильотина ёрдамида амалга оширилса, оломон зўр томоша бўлмади-да, дея бундан норози бўлиб, шовқин солган. Камдан-кам киши бу қон тўкиш, аслида, саройдаги фитна-фасод оқибати, тожу тахт, бойлик, баланд мартаба учун кураш эканини билган, аммо овоз чиқармаган. Шарқда эса, ҳар гал, саройда фитна уюштирилиб, кимнингдир боши кесилганида, яна бир муттаҳамдан, фирибгардан, сотқиндан, туллакдан қутулдик, энди буёғига хотиржам яшаймиз, деб ўйлашган. Тожу тахт бор экан, бу биродаркушлик ҳеч қачон барҳам топмаслигини ҳаёлларига ҳам келтиришмаган. Ухлаб ётган Мўмин Мирзони ширакайф бобосининг фатвосига биноан қўлига кишан солиб, қатлга олиб кетишаётганида, у мулозимларга "Мени қаёққа олиб кетаяпсизлар, нима қилмоқчисизлар ўзи?" деб эмас, "Мен шаҳзодаман, бобомнинг суюкли набирасиман, шунга яраша ҳурмат қилишингизни талаб қиламан", дейди. Ғафур Ғулом қаламига мансуб мақолалардан бирида айтилишича, жаллодлар унга: "Шаҳзодам, хотиржам бўлинг, қўлингизга авомнинг қўлига солинадиган оддий темир эмас, тоза кумушдан ясалган кишан солдик, бу ҳурмат эмасми?" деб жавоб беришади.

Бу келтирилганлар узоқ давом этган, йиллар, асрларни ортда қолдирган адолатсизлик, қонхўрлик инсоннинг қон-қонига, жон-жонига сингиб кетиши ҳам мумкинлигидан далолат беради.

Алоуддин Атомалик Жувайнийнинг "Жаҳон фотихи тарихи" асарида (Назарбек Раҳим таржимаси) Марказий Осиё ва Эрон, Мўғулистон ва Хитойнинг XIII асрдаги ижтимоий-сиёсий тарихи акс эттирилган. Муаллиф бу даврни "ҳур кишилар озиқсиз, йигитлар сургунда, ҳисоблилар ҳисобидан адашган, ақллилар фалокат ҳудудига тушиб қолган, тадқиқотчилар ўз мавзуларининг асири бўлиб қолган, билимдонлар жоҳилнинг хизматига кирган, етук баркамол кишилар разиллик касалига дучор бўлган, мақом соҳиблари

ғафлатда қолиб, залолат йўлига кирган, яхшини ёмондан фарқлай оладиган кишилар виждонсиз, разиллар қўлига асир бўлиб тушган давр эди", дея тарифлайди. Китобда ҳикоя қилинган баъзи воқеаларни ўз кўзи билан кўрганини, баъзиларини гап-сўзлари ишончли бўлган кишилардан эшитганини, яна бир қисмини эса эътиборга молик манбалардан олганини айтади. Мирзо Муҳаммад ибн Абдулваҳҳоб Қазвиний "Тарихи Жаҳонгушо"нинг иккинчи жилдига ёзган махсус муқаддимасида (1916 йили) Жувайнийнинг боболари, отаси Баҳоуддин ва акаси вазир Шамсиддин обрўли, илмли давлат кишилари бўлганини, Алоуддин ўн беш йил муддат мўғуллар томонидан Эрон волийлигига тайинланган амир Арғун ёнида бўлиб, котиблик, дафтардорлик ва элчилик вазифаларида ишлаганини уқдиради. Жувайний бу китоб мўғул ҳукмдорларининг талаби (буйруғи) билан уларнинг ишларини тарих саҳифаларига муҳрлаш учун ёзилганини ўқувчига аста шипшитиб қўядики, бу эслатма муаллифнинг имон-эътиқодли кишилигидан далолат беради. Ҳукмдор буюртма бердими, уни бажариш керак, воқеа-ҳодисалар тафсилотини буюртмачига маъқул келадиган қилиб ёзмоқдан бошқа йўл йўқ. Жувайний асосан шу йўлдан боради. Буни китобда келтирилган, тўғрилиги, аниқлиги хусусида бир тўхтамга келиш анча мушкул бўлган кўплаб ривоятлар, ҳамду саноларда кўриш мумкин. Мана, улардан бири:

"Чингизхоннинг халққа ер бўлиб бериб, деҳқончиликни тарғиб қилиши туфайли озиқ-овқат маҳсулотлари кўпайди, ичимликлари Жайхун ирмоғи мисоли оқа бошлади... Бозорлари ва савдо расталарида жавоҳир ва газламалар шу даражада арзонлашдики, мўғуллар торлик ва қашшоқликдан мўл-кўлчилик ва роҳат-фароғатга эришдилар". Яна бири: "Ўқтой ҳоқон даврида унинг даргоҳи олимлар учун бошпана ва ҳузур-ҳаловатли жойга айланди, тўғрилик тонгининг нури оқшом коронғулигини тарқатиб юборди, мамлакат ҳудудлари Чин ва Мочиндан Сурияга қадар узайиб, неъматлар одамларнинг устига ёғилди. Улуғ ҳоқоннинг саҳийлиги боис, машҳур Ҳотами Тойнинг номи унутилди, Ўқтойнинг бошқаруви пайтида дунё ҳузур-ҳаловатга тўлди, ҳатто фалак яратган машаққатлар (азоб-уқубатлар) ҳам йўқ бўлиб кетди" (215-бет).

Жувайний шундай йўл тутишга мажбур бўлгандир, аммо у бошқа кўплаб тарих ёзарларга ўхшаб, ўзи эътироф этганидай, "буюртма асирига айланмай", бу давр ҳукмдорлари томонидан амалга оширилган мислсиз қатлиомлар, кўз кўриб, қулоқ эшитмаган қирғинбарот жанглар, талончилик, вайронкорлик ва бошқа адолатсизликларни четлаб ўтмайди, уларга рамзий, шеърий ва нақлий ишоралар орқали муносабат билдирадики, бу ҳол асарнинг тарихий манба сифатидаги қимматини оширади. Қуйидаги икки иқтибосга эътибор беринг: "Чингизхон аскарлари Самарқандда қалъа атрофини ҳалқа тарзида ўраб, тош ва ўқлар ёрдамида ички қалъанинг девор ва миноралaридан тешиклар очадилар, икки номоз орасида дарвозаларни синдириб, ичкарига кирадилар. Жасур йигитлардан ташкил топган минг кишилик гуруҳ (маҳаллий халқ) катта масжид ичига кириб, ташқарига ўтли шишалар отиб, ўзларини ҳимоя қиладилар. Босқинчилар масжидни ёқиб юборишади. Масжид ва масжид ичидаги одамлар дунё оловида ёниб, охират сувида ювинадилар... 1221 йилнинг апрель ойида юз берган тўқнашувлар пайтида Самарқанд шаҳри батамом йўқ бўлиш нуқтасига келади (162-163-бетлар).

Алихонтўра Соғуний ёзади: "Нима учун кейинги асрларда Туркистон халқи жоҳилият ботқоғига ботди? Бунинг бош сабаби – динни асоси би-

лан тушунмаган илм-маданият душманлари ҳокимият тепасида бўлдилар. Ўзларини дин ҳомийлари деб эълон қилиб, халқни маърифат нуридан маҳрум, замонавий фанний илмлардан бутунлай йироқ тутдилар... Шунинг учун Туркистон халқининг ичида уйғониш, фикр очилиши бўлмади. Давлатнинг инкирози, миллатнинг онгсизлигига шу жоҳиллар сабабчидур".

Рад этиб бўлмайдиган бу муҳим ҳулосани маърифатпарвар олим Исмоилбек Гаспринский қаламига мансуб "Дорур-роҳат мусулмонлари" асари мисолида янада кучайтириш мумкин. Унда Исломнинг Ғарб маданияти ва, умуман, дунёвий илм-фан тараққиётига қўшган бемисл ҳиссаси кўрсатиб берилади. Муаллифнинг ёзишича, Андалузияда мусулмонлар томонидан олиб борилган оқилона ва одилона сиёсат натижасида ушбу ўлка Оврупо ва Осиё давлатларига анча йиллар намуна бўлиб турган, илм-фан, қурилиш беқиёс тараққий топган, 800 дан ортиқ мадрасаларда олим ва донишмандларнинг анжуманлари муттасил ўтказиб турилган. Биргина шаҳар ҳокимининг шахсий кутубхонасида 600 мингдан ортиқ китоблар бўлган. Мамлакатдаги етмишдан ортиқ кутубхоналарда сакланаётган китоблардан аҳоли, талабалар абонемент орқали фойдаланишган. "Оврупо мамлакатларидан фаранглар Андалузга келиб, мусулмон мадрасаларида илм ва ҳунар ўрганганлар,– деб ёзади Исмоилбек. – Шу сабабли, Андалуз мусулмонлари Оврупонинг маданияти ва жадидаси (янги маданияти) юксалишига асосий сабабчи бўлганлар. Улар Оврупонинг муаллим ва устозлари ҳисоб этилсалар жоиз..." (Ушбу асардан келтирилган иқтибослар Бегали Қосимов таржимасида берилди).

Америкалик олим Драбер "Европада ақлий тараққиёт тарихи" китобида: "Европанинг бугунги улуғ зиёси мусулмонлар ёққан шам ва чироқларнинг ёғдусидан майдонга келгандир", деб ёзган экан. Гаспринский бу фикрни давом эттириб, "Юнон маданияти Овруподан аввал Ислом дунёсига ёйилди, мусулмонлар уни тараққий эттириб, нуксонларини камайтириб, Оврупога топширдилар", дейди.

"Дорур-роҳат мусулмонлари"дан баъзи маълумотлар: "Абу Жаъфар Юнон ҳукмдори билан иноқ бўлиб, Афинадан беадоқ китоблар олдиради. Маъмун даврида Яҳё ибн Холид Бармакий Птоломейнинг "Мажистий" асарини таржима қилади. Санад бин Али ва Холид бин Абдумалик Марварудий астрономия бўйича янги маълумотларни қўлга киритадилар. Ер шарининг узунлик ва кенглик даражалари ўлчаб чиқилади. Аббос бин Саййид Жўшарий каби машҳур олимлар юнонларнинг астрономияга оид асарларидаги кўплаб хатоликларни аниклайдилар, қуёш доғлари, ой-кун тутилиши, думли юлдузлар борасида бир қанча кашфиётлар қиладилар. Европа ҳандаса (геометрия) илмини хуросонлик Абулвафонинг ҳижрий бешинчи аср бошида тузган "Аз-зижи Шомил" ва "Мажистий"сидан ўрганди... Афсуски, XI асрдан бошлаб замон нотинчликлари кучайиб боради. Бир томондан ғазнавий, салжуқийларнинг мулк дағдағаси, иккинчи томондан Чингиз истилоси, учинчи томондан Қуддуси шариф учун бошланиб кетган "салб юришлари" ислом оламини ларзага солиб, илму ҳунар йўлларини бузди. Лекин илм-маориф нури сўнмади, аксинча, душманларга ҳам зиё бериб, мунаввар қилди. Мўғулларнинг катта қисми ислом маданиятини қабул этдилар, овруполилар эса юз йиллик салб юришлари давомида қанчадан-қанча санъат ва ҳунарларни ўрганиб қайтдилар. Ислом маданияти ўчоқлари Бағдод, Шероз, Нишопур, Самарқанддан ташқари, Африка ва Ис-

панияда, яъни ислом оламининг деярли барча нукталарида мавжуд бўлиб, бу ерларда илм-фан бениҳоя ривож топди. Муаллиф ушбу маълумотларни келтирар экан, ҳар бир миллат, халқнинг буюклиги ва қувватлилиги унинг илм ва ҳунарни нечоғли эгаллагани билан ўлчанишини таъкидлайди: "илм ва ҳунарга эга миллат ва халқ энг улуғ, энг буюк халқдир".

Тарих саҳифаларида гўзал хотира бўлиб қолиб кетган Андалузияга қайтамиз. Бу ерда юз берган таназзулнинг сабаби нимада эди? Исмоилбек бу саволга ғоят аниқ жавоб беради: "Инсон иши, инсон тартиби ҳеч қачон боқий бўлмайди. Чунки борлик ва йўқлик, тараққиёт ва таназзул сабаблари ўз ичимизда. Талофатимизга сабаб бўлган оғу ва заҳар ҳам, жони саодатимизга сабаб бўладиган қувваи маънавия ҳам вужудимиздадир. Тўғрилик ва нафсоният, ҳаққоният ва зулм, марҳамат ва ғаддорлик, танбаллик ва ғайрат, илмга муҳаббат ва жаҳолатга майл, мардлик ва олчоқлик, баҳодирлик ва қўрқоқлик – барчаси инсонга хос. Шундайки, ушбу ҳолларнинг қай бири ғолиб келса, жамияти башария ана шунга мувофиқ тартиби маишат қилади... Инсонлар ҳусн ахлоқли, хуш қилиқли бўлсалар, жамият ва ҳаётлари давомли бўлиб, тараққий этар, саломат ва саодатҳол бўлурлар. Акс ҳолда, ичидан чириган олмадек, бир-бир тўкилиб, инқирозга юз тутади... Уч юз йил камоли шуҳрат ва ном ила салтанат қилиб, Андалуз давлати охир-оқибат бошқа йўлга юз тутди. Афкорлар, одатлар ва ҳиссиётлар ўзгара бошлади. Туғён, танбаллик, қайғусизлик, кибр, тафриқа (бўлиниш, парчаланиш) илон оғуси каби, вужуди давлат ва миллатни чирита бошлади. "Ҳолсизланмиш дарахтда соғ мева бўлмас" деганларидай, адолатсиз қозилар, порахўр волийлар, ақли ноқис ва ғайратсиз ҳукмдорлар келиб, фитнабозлар – уламога, ширин ёлғон сўйловчилар – содиқ бандаларга, нафсоний ва манфаати шахсия – фавоиди умидияга, риёбозлик ва намойиш учун ўқилган намозлар амали хайрияга ва миллатпарварликка ғолиб келди. Бу заҳар икки юз йил Андалузнинг вужудини кемириб ҳароб қилди. Бир давлат уч-тўрт қисмга бўлиниб, бир-бирларига иддао билан уруш йўлига ўтдилар... Мусулмонлар орасида пайдо бўлган иттифоқсизлик ва фасоддан фойдаланиб, ўша пайтга қадар мағлуб ва ночор бўлиб келган Кастилия насронийларининг ҳукмдори Фердинанд Андалузиянинг ички ишларига аралашиб, ўлка инқирозини тезлаштириб юборди..."

Шу ўринда эслаб ўтиш жоизки, Андалузияни осонлик билан қўлга киритган Фердинанд ғалаба шарафига ўтказилган маросимда: "Мен мусулмонларнинг бу қадар олчоқланганини (пулга, мол-мулкка, совға-саломга сотилишини) хаёлимга ҳам келтирмаган эканман", деган экан.

Бу ва бошқа кўплаб тарихий воқеалар замирида аччиқ бир ҳақиқат мавжуд: илмсизлик, тарқоқлик, ички низо, фитна, огоҳлик кўзларининг юмилиши барча офатларнинг доясидир. Салтанатларнинг кулаши, хонликларнинг осонгина босиб олиниши, Чингиз қўшинларининг маҳаллий ҳимоячилар устидан ғолиб келиши ва, ҳатто, олис Андалузияда озодликнинг қўлдан кетишига ҳам тахт талашиш, соткинлик, мунофиқлик, узоқни кўра олмаслик, маишатпарастлик, манманлик, эл-юрт дардидан узоқлашиш, дардини тингламаслик сабаб бўлган. Туркий дунё тарихи бундай мисоллар билан тўла. Таассуфки, бу иллатлар тарих омборларида қолиб кетган эмас. Нур бор жойда соя бор, дейдилар. Буни асло унутмаслигимиз керак.

Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ

Азизиддин НАСАФИЙ

КОМИЛ ИНСОН КИТОБИ[1]

Форс тилидан
Нажмиддин КОМИЛОВ,
Олимжон ДАВЛАТОВ таржимаси

УЧИНЧИ РИСОЛА

РУҲЛАР ВА ЖИСМЛАР ЯРАЛИШИ БАЁНИДА

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳим.

Алҳамду лиллаҳи роббил-ъаламийн вал-ъақибату лил-муттақийн, вас-солату вас-саламу ъала анбиёиҳи ва авлиёиҳи хойру холқиҳи, ва ъала алиҳим ва асҳабиҳим ат-тойиибийн ат-тоҳирийн.

Аммо баъд, заифларнинг энг заифи ва фақирларнинг ходими, камина – Азизиддин Муҳаммад Насафийдан дарвешлар – Аллоҳ уларни янада кўпайтирсин – руҳларнинг яралиши, руҳларнинг даражалари, руҳларнинг тушиши ва кўтарилиши (нузул ва уруж) ҳақида шариат аҳлининг қонун ва қоидаларига мос келадиган бир рисола тартиб бериб, унда инсон руҳи ўз камолини комилликнинг юксак нуқтасига етказиши мумкинми-йўқми; жисмни тарк этганидан сўнг бориш жойи бўлган мақомини ҳам олий мақомлардан айлаши мумкинми-йўқми; ёхуд унинг камолоти ҳам, мақоми ҳам тақдирга боғлиқми, тақдирда нима ёзилган бўлса, саъй-ҳаракат билан ундан бирор нарса камайтириб ёки бирор нарса ортиб бўлмайдими – шулар ҳақида маълумот беришимни, шунингдек, тақдири илоҳий ҳақида баён этишимни сўрадилар. Уларнинг таклифларини қабул қилдим ҳамда хато ва гумроҳликдан паноҳ истаб, Аллоҳ таолодан мадад ва ёрдам сўрадим. Негаки, фақат У нимагаки, истаса Қодир эрур ва сўраганларни ижобат қилишга муқтадир.

Биринчи фасл

ОДАМ РУҲ ВА ЖИСМДАН ТАРКИБ ТОПГАНИ ҲАМДА ОДАМЛАРНИНГ УЧ ТОИФАСИ БАЁНИДА

Аллоҳ сени икки дунёда азиз қилсин, билгилки, одамлар ушбу тупроқ оламида мусофирдирлар. Шу жиҳатданким, осмон фаришталарининг жавҳари бўлмиш инсон руҳини улвий оламдан ушбу сифлий (қуйи олам,

[1] Давоми. Бошланиши аввалги сонда.

тупроқ олами) оламга комиллик талабида юбордилар, токи ўз камолини ҳосил этсин. Ўз камолини ҳосил этганидан сўнг унинг қайтиши осмон фаришталарининг жавҳарлари томон бўлиб, улвий (олий, юксак) оламга юксалади. Комилликка олот – қурол-воситасиз етишолмасди, чунки инсон руҳи куллиёт (умумий) нарсаларни биларди, жузъиёт (хусусий) нарсаларни билмасди. Тупроқ оламидан инсон руҳига бир олот бердилар, токим жузъиётни билиб олди. Куллиёт ва жузъиётга асосланиб, ўз Парвардигорини таниди. Бу олот – жисм қолипидир. Одам руҳ ва жисмдан таркиб топган бўлиб, руҳ улвий оламдан, жисм қуйи оламдандир; руҳ амр оламидан, жисм халқ оламидандир.

Олдингиларни билиб олдинг, энди билгилки, айрим одамлар бу тупроқ оламида мусофир эканликларини ҳамда комиллик талабида келганликларини билмайдилар. Билмаганларидан кейин камол касбига машғул эмаслар, корин шаҳвати, жимоъ шаҳвати ва бола-чақа муҳаббати уларни йўлдан оздириб, ўзларига машғул этибди. Бу уч нарса авомнинг бутларидир. Баъзи одамлар ушбу оламда мусофир эканликларини ҳамда комиллик талабида келганликларини биладилар, аммо камол касбига машғул эмаслар. Кичик бут – зоҳирий кўркамлик, катта бут – мол-дунё муҳаббати, шунингдек, энг катта бут – мансабпарастлик уларни йўлдан оздириб, ўзларига машғул этиб қўйибди. Бу уч бут – хос бутлардир. Олтови дунёнинг олтита шоҳидир. Дунёнинг лаззати бу олтитадан кўп эмас.

Эй дарвеш! Дунёнинг охирги учта шоҳи қувват олиб, ғолиб бўлса, аввалги учта шоҳ заифлашиб, мағлуб бўлади. Демак, инсоннинг бутлари еттитадир. Биринчиси, нафсни дўст тутмоқ. Қолган олтита бут ушбу воситасида пайдо бўлади. Барчасини синдириш мумкин, фақат нафсни дўст тутмоққим, энг улкан бут ўшадир, уни синдириб бўлмас.

Айрим одамлар бу тупроқ оламида мусофир эканликлари ҳамда комиллик талабида келганликларини биладилар. Улар комиллик талабига машғулдирлар, баъзилари комилликни ҳосил қилиб, бошқаларни камолга етказишга машғулдирлар. Баъзилари комилликни ҳосил этиб, ўзлари билан машғулдирлар.

Аллоҳнинг сўзи: Бас, уларнинг орасида (унга амал қилмай) ўз жонига (гуноҳ қилиб) жабр қилувчи ҳам бор, уларнинг орасида ўртача амал қилувчи ҳам бор ва уларнинг орасида Аллоҳнинг изни билан мудом яхшиликларда ўзиб кетувчи ҳам бордир[1].

Одамлар ушбу уч тоифадан ортиқ эмаслар. Бу тоифадан айримлари инсондирлар, айримлари (шунчаки) одамга ўхшайдилар.

Гап чўзилиб, мақсаддан узоқлашмайлик, эй дарвеш! Комилликка етказувчи йўл биттадир. Бу йўл – бошида таҳсил ва такрор, охирида мужоҳада ва азкордир. Дастлаб мадрасага боришсин, ундан кейингина хонақоҳга келишсин. Кимки бунга амал қилса, шоядки мақсад ва мақсудга етишгай. Кимки бундай қилмаса, ҳеч қачон мақсад ва мақсудга етишмас.

Эй дарвеш! Кимки мадрасага бормасдан, тўғри хонақоҳга борса, балким сайр илаллоҳ (Аллоҳга сайр)дан баҳраманд бўлиб, Ҳаққа етар, аммо сайр филлоҳ (Аллоҳда сайр)дан бебаҳра ва бенасиб қолур.

[1] Фотир, 32-оят.

Иккинчи фасл

РУҲЛАР ВА ЖИСМЛАР ЯРАЛИШИ БАЁНИДА

Билгилки, шариат аҳли айтадиларким, Аллоҳ таоло соҳибихтиёр Яратувчидир, ўз зотига кўра Яратувчи эмас (яъни У бу оламни Ўз ихтиёри билан яратди, уни яратишга мажбурийлик ёки эҳтиёж сезмади). Жавҳар ва аразлар(субстанция ва атрибутлар)дан иборат бу оламни яратмоқчи бўлганида дастлаб бир нарса яратди. Бу бир жавҳар эди, уни жавҳари аввал дейдилар. Аллоҳ таоло руҳлар ва жисмлар оламини яратмоқчи бўлганида, бу жавҳари аввалга назар солди, жавҳари аввал қайнаб эрий бошлади ва кўпирди. Неки ўшал жавҳарнинг хулосаси ва қаймоғи эди, шакар қиёми каби ажралиб чиқди. Ўшал жавҳарнинг қуйқаси ва қолдиғи шакарнинг қуйқаси (лойқаси) каби пастга чўкди. Аллоҳ таоло жавҳарнинг нурли хулоса ва қаймоғидан руҳлар оламининг даражаларини яратди, жавҳарнинг коронғи ва зулматистон қуйқасидан жисмлар оламининг даражаларини яратди.

Эй дарвеш! Бу нурли моҳият Одамдир ва зулматли қуйқа Ҳавводир. Одам ва Ҳавво мавжудотдирлар. Шунинг учун ҳам Ҳаввони Одамнинг чап томонидан олдилар, деб айтишади.

Учинчи фасл

РУҲ ВА РУҲЛАРНИНГ ДАРАЖАЛАРИ ҲАҚИДА

Билгилки, инсон руҳи басит (оддий, бўлинмас) жавҳардир. Бу руҳ ихтиёр ва ақл билан жисмни мукаммаллаштиради ва ҳаракат бағишлайди. Ҳайвоний руҳ жавҳардир. Бу руҳ ихтиёр билан жисмни мукаммаллаштиради ва ҳаракатга келтиради. Ўсимлик руҳи жавҳардир. У табиатга кўра жисмни мукаммаллаштиради ва ҳаракатга келтиради. Агар бу сўзларни англамаган бўлсанг, бошқача сўзлар билан ифодалаб берайин. Билгилки, инсон руҳи латиф жавҳардир, у майдаланмайди ва таксимланмайди. У амр оламидан, балки, амр оламининг ўзидир.

Руҳ маънисини билиб олдинг, энди билгилки, Аллоҳ таоло руҳларнинг даражаларини яратмоқни истаб, ўша мунаввар жавҳарга назар солди. Ул мунаввар жавҳар қайнаб, эрий бошлади. Шу жавҳарнинг қиёми (мағзи) ва қаймоғидан У хотамуланбиё руҳини яратди, унинг қолдиғи мағзи ва қаймоғидан улулазм пайғамбарлар руҳини яратди, унинг қолдиғи мағзи ва қаймоғидан қолган пайғамбарлар руҳини яратди, унинг қолдиғи мағзи ва қаймоғидан авлиёлар руҳини яратди, унинг қолдиғи мағзи ва қаймоғидан маърифат аҳлининг руҳини яратди, унинг қолдиғи мағзи ва қаймоғидан зоҳидлар руҳини яратди, унинг қолдиғи мағзи ва қаймоғидан обидлар (тақво аҳли) руҳини яратди, унинг қолдиғи мағзи ва қаймоғидан бошқа мўминлар руҳини яратди, унинг қолдиғи мағзи ва қаймоғидан олов табиатини яратди, унинг қолдиғи мағзи ва қаймоғидан ҳаво табиатини яратди, унинг қолдиғи мағзи ва қаймоғидан сув табиатини яратди, унинг қолдиғи мағзи ва қаймоғидан тупроқ табиатини яратди. Ҳар бир руҳ билан бирга кўп сонли фаришталарни яратди. Шу тариқа малакут оламининг муфрадоти – бўлинмас асослари якун топди.

Тўртинчи фасл

ЖИСМ, ЖИСМ ОЛАМИ ҲАМДА ЖИСМНИНГ ДАРАЖАЛАРИ БАЁНИДА

Билгилки, жисм (материя) ғализ жавҳар, майдаланиш ва бўлиниш хосиятига эга бўлиб, халқ оламидан, балки, халқ оламининг ўзидир. Жисмнинг маъносини билдинг, энди билгилки, Аллоҳ таоло жисмлар оламини яратишни истаб, ўз нигоҳини ўша қоронғи ва зулматистон қуйқасига қаратди. Ул қуйқа қолдиқ кизиб, қайнай бошлади. Унинг мағзи ва хулосасидан Аршни яратди, унинг қолдиғи мағзи ва хулосасидан, Курсини яратди, унинг қолдиғи мағзи ва хулосасидан еттинчи осмонни яратди, унинг қолдиғи мағзи ва хулосасидан олтинчи осмонни яратди, унинг қолдиғи мағзи ва хулосасидан бешинчи осмонни яратди, унинг қолдиғи мағзи ва хулосасидан тўртинчи осмонни яратди, унинг қолдиғи мағзи ва хулосасидан учинчи осмонни яратди, унинг қолдиғи мағзи ва хулосасидан иккинчи осмонни яратди, унинг қолдиғи мағзи ва хулосасидан биринчи осмонни яратди, унинг қолдиғи мағзи ва хулосасидан олов унсурини яратди, унинг қолдиғи мағзи ва хулосасидан ҳаво унсурини яратди, унинг қолдиғи мағзи ва хулосасидан сув унсурини яратди, унинг қолдиғи мағзи ва хулосасидан тупроқ унсурини яратди. Мулк оламининг оддий жисмлари шу тариқа якун топди. Мулк ва малакут оламидаги муфрадот – бўлинмас асосларининг ҳаммаси йигирма саккизтадир. Ўн тўрттаси мулк оламида, ўн тўрттаси малакут оламида. Мураккаб асослар учтадир – маъданлар, ўсимликлар ва ҳайвонот. Шунингдек, алифбонинг ҳарфлари ҳам йигирма саккизтадир, гап эса учта нарсадан – исм, феъл ва ҳарфдан таркиб топган.

Бешинчи фасл

РУҲЛАРНИНГ ҲАР БИРИ ҚАЕРДА ЖОЙЛАШГАНИ БАЁНИДА

Руҳ даражалари ҳам, жисм даражалари ҳам якун топгандан сўнг, руҳ даражалари ва жисм даражаларининг ҳар бири ўз-ўзида мақом топди. Арш – хотамуланбиё руҳининг мақоми, унинг хилватхонаси ва ибодатгоҳи бўлди. Курси – улулазм пайғамбарлар руҳининг мақоми, унинг хилватхонаси ва ибодатгоҳи бўлди. Еттинчи осмон – мурсал пайғамбарлар руҳининг мақоми, унинг хилватхонаси ва ибодатгоҳи бўлди. Олтинчи осмон – анбиёлар руҳининг мақоми, унинг хилватхонаси ва ибодатгоҳи бўлди. Бешинчи осмон – авлиёлар руҳининг мақоми, унинг хилватхонаси ва ибодатгоҳи бўлди. Тўртинчи осмон – маърифат аҳли руҳининг мақоми, унинг хилватхонаси ва ибодатгоҳи бўлди. Учинчи осмон – зоҳидлар руҳининг мақоми, унинг хилватхонаси ва ибодатгоҳи бўлди. Иккинчи осмон – обидлар руҳининг мақоми, унинг хилватхонаси ва ибодатгоҳи бўлди. Биринчи осмон – имон аҳли руҳининг мақоми, унинг хилватхонаси ва ибодатгоҳи бўлди. Тўрт табиат тўрт унсурда мақом топдилар. Дастлабки тўққиз даража олий мақом, охирги тўрт даража қуйи мақом келди. Тупроқ мартабаси асфалассофилийн (энг қуйи даража), Аршнинг мартабаси эса аъло-л-иллиййин (энг олий даража) келди. Демак, Арш энг аъло макон, тупроқ олами эса, тубанликларнинг тубани ҳисобланди.

Эй дарвеш! Барча руҳлар пастга – тубанликларнинг тубанига тушиб, қолип (жисм) маркабига миниб, қолип воситасида комилликка эришиб, бу ердан яна ўзларининг аввалги манзилларига кўтариладилар. Ўзининг дастлабки (асл) мақомини эгаллаш билан уруж (кўтарилиш) тугайди ва унинг доираси беркилади. Доира беркилгандан кейин кўтарилиш – тараққиёт бўлмайди. Тараққиёт дастлабки (асл) манзилгача – имон аҳли руҳи биринчи осмонгача, ибодат ва такво аҳли руҳи иккинчи осмонгача, зоҳидлар руҳи учинчи осмонгача, шу тариқа тўққиз даражага етгунча бўлади, аммо ўзининг дастлабки (асл) мақомидан ўзиб кетиш имконсиздир. Йўлда тўхтаб қолиш мумкин, аммо ўз мақомидан ўзиб кетиш мумкин эмас. Йўлда тўхтаб қолиш шу маънодаки, бировки руҳи уни имон мақомида тарк этса, унинг руҳи биринчи осмонгача манзил тутади, агар бировни унинг руҳи обидлик мақомида тарк этса, унинг руҳи иккинчи осмонгача кўтарилади. Бошқа мақомларни ҳам шундай деб билгил. Кимки қайси мақомда вафот этган бўлса, унинг руҳи ўша мақом аҳлининг маконига кўтарилади, унинг руҳи юксакроқ мақомдан нузул қилган бўлса ҳам. Агар бировнинг руҳи юксак мақомдан нузул этган бўлса-ю, қайтиш қилганда ўзининг асл мақомини эгаллай олмасдан, йўлнинг ярмида қолиб кетса, жуда қайғули ҳолдир. Кимки имон мақомига етмаса, руҳи қайси мақомдан нузул қилишидан қатъи назар, унинг қайтиши осмонга бўлмас, чунки у умрини бефойда ўтказиб, пайғамбарлар ва авлиёлар сўзига кулоқ солмабди.

Аллоҳнинг сўзи: "Албатта, оятларимизни ёлғонга чиқарган ва улардан кибрланиб бош тортганлар учун осмон эшиклари сира очилмагай ва нина кўзидан туя ўтмагунга қадар жаннатга кирмаслар. Жиноятчиларни ана шундай жазолагаймиз"[1].

Эй дарвеш! Пайғамбарларга эргашмаган кишилар одамийлик қиёфалари бўлгани билан маъно юзасидан одам эмаслар, ҳайвонлар қаторида ҳисобланадилар, балки, ҳайвондан ҳам пастроқдирлар.

Аллоҳнинг сўзи: "Жаҳаннам учун жинлар ва инсонларнинг кўпчилигини яратганмиз. Уларда қалблар бор, (лекин) улар билан "англамайдилар". Уларда кўзлар бор, (лекин) улар билан "кўрмайдилар". Уларда қулоқлар бор, (лекин) улар билан "эшитмайдилар". Ана ўшалар ҳайвонлар кабидирлар. Балки, улар (янада) адашганроқдирлар. Айнан ўшалар ғофиллардир[2].

Ҳайвонлар учун юксак оламларга йўл йўқдир, негаки, юксак оламлар покларнинг ибодатгоҳи ва хилватхонасидир, фаришталар ва такво аҳлининг манзилидир; таквосиз ва илмсиз юксак оламларга етиб бўлмас. Шунинг учун имон даражасига етишмаганларнинг руҳи дастлаб қайси мақомдан нузул қилганидан қатъи назар, Ой фалаки остида қолажак.

Эй дарвеш! Аллоҳ таоло жамийки руҳларни фитрат аслида пок ва нуқсонсиз қилиб яратди, аммо қуйи оламга комиллик талабида келганларида айримлари дунёга алдандилар ва йўлда қолиб кетдилар, "куллу мавлудин ювлиду ъало фитратиҳи фаабвоҳу яҳудонаҳу ва юнсиронаҳу ва ямжисонаҳу" (Ҳар бир чақалоқ ўз фитратига кўра мусулмон туғилади, аммо ота-оналари уни яҳудий, ёки насроний, ёки маъжусий қилиб тарбиялайдилар – Ҳадиси шариф). Агар сўрашсаки, агар руҳлар ўзларининг дастлабки (асл) мақомларидан ўзиб кетолмас экан, бу нузул ва уруждан нима фойда? Билгилки, ушбу қуйи оламга нузул этганларигача руҳлар нимаики билишган бўлсалар, билишарди; ривожланиш йўқ эди, илмлар-

[1] Аъроф, 40-оят.
[2] Аъроф, 179-оят.

ни ўзлаштириш ва (тажаллий) нурлардан баҳраманд бўлиш қобилиятига эга эмасдилар. Оламнинг куллий нарсаларини билишарди, аммо жузъиёт ҳақида билишмасди. Ушбу қуйи оламга нузул қилганларидан кейин қолип (жисм) уловига миндилар, колип воситасида тараққий топдилар, илмларни ўзлаштирдилар ва тажаллий нурларидан баҳраманд бўлиш имконига эга бўлдилар. Оламнинг куллиёти ва жузъиётини ўргандилар ва ўз Парвардигорларини танидилар.

Эй дарвеш! Руҳлар нузул қилганларида комиллик талабида келдилар, уруж қилганларида камол топганлар. Демак, нузул ва уружда кўп фойдалар бор. Аммо ҳар бирининг камоли маълум, мақоми ҳам маълум, ўзларининг комиллик даражаси ва маълум мақомларидан ўзиб кетолмайдилар.

Аллоҳнинг сўзи: "(Фаришталар дедилар): "Бизларнинг ҳар биримиз учун (осмонларда) аниқки, маълум бир мақом бордир"[1]. Агар буни тушунмаган бўлсанг, очиқроқ тарзда тушунтириб бераман.

Олтинчи фасл

МАЪЛУМ МАҚОМ БАЁНИДА

Билгилки, шариат аҳли айтадиларким, бу тўққиз даража белгилаб берилгандир, ўзлаштирадиган мақомлар эмас. Ҳанифий (яккахудолик) дин ва қайюм (ўзгармас) дин ушбудир. Одамларни Аллоҳ фитрати билан яратдилар, Аллоҳ фитрати руҳларнинг мартабаларидир. Кимки қандай бўлса, шундайлигича яратдилар. Аллоҳнинг яратиқларида ўзгариш йўқдир.

Аллоҳнинг сўзи: "Бас, (эй, Муҳаммад!) Юзингизни (ўзингиз)ни доимо тўғри бўлган динда (Исломда) тутинг! Инсонларни ўша асосда яратган Аллоҳнинг яратувчилигини (англангиз!) Аллоҳнинг яратишига ўзгартириш йўқ. Энг тўғри дин шудир, лекин кўп одамлар (буни) билмаслар"[2].

Эй дарвеш! Агар ушбу руҳий мартабалар касбий – ўзлаштирма бўлганида эди, кимки кўпроқ ўзлаштирса, унинг мақоми олийроқ бўларди. Ориф валийлар мақомини эгалларди, валий ўзлаштириш орқали набийлар мақомини эгалларди. Бошқа мақомларни ҳам шундай деб ҳисобла. Аммо бу мақомлар ўзлаштирадиган эмас, балки белгилаб берилган мақомлардир.

Эй дарвеш! Руҳларнинг мақоми ҳақида билдинг. Демак, ҳар бир киши руҳининг маълум мақоми бор, у ушбу маълум мақомидан ўзиб кетолмайди. Уларнинг амаллари ва сўзларини ҳам шундай деб билгил. Яъниким, ушбу оламга келадиган ҳар бир руҳ жисм маркабига минади; унинг муайян чегараси ва маълум мақоми бор – жисм ичида қанча бўлиши, неча нафас яшаши, нима ейиши, қанча ейиши, нима ва қанча муддат сўзлаши, қанча фаолият юритиши, нимани ўрганиши, қанча ўрганиши, умуман, барча ишлари олдиндан белгилаб қўйилган. Аллоҳнинг илми азалдан ушбуларнинг барчасини қамраб олгандир. Яъниким, Аллоҳ таоло азалдан оламнинг барча кул ва жузъини билгувчидир.

Аллоҳнинг сўзи: "Аллоҳ етти осмонни ва Ердан ҳам ўшанча миқдорни (етти қаватни) яратган зотдир. (Аллоҳнинг) амри (фармони) уларнинг (осмон ва Ер) ўртасида нозил бўлиб турар. Токи сизлар Аллоҳнинг барча нарсага қодир эканини ва Аллоҳнинг барча нарсани (Ўз) билими билан иҳота қилиб олганини билишларингиз учун (У шундай қилди)"[3].

[1] Соффот, 164-оят
[2] Талоқ, 12-оят.
[3] Талоқ, 12-оят.

Еттинчи фасл

ИЛОҲИЙ ТАҚДИР БАЁНИДА

Билгилки, Аллоҳ таоло азалда бор эди, бошка ҳеч нарса йўқ эди. "Коналлоҳа ва лам якун маъаҳу шайъин сумма катаба физ-зикри кулла шайъин". Аллоҳ таоло ва Аллоҳ таолонинг илми азалий ва абадийдир. Ўзи истаган вақтда азалда билганидек мулк олами ва малакут оламини яратди. Демак, Аллоҳ таолонинг аввали – ибтидоси йўқ, мулк олами ва малакут оламининг аввали – ибтидоси бордир. Мулк – жисмлар оламидан иборат, малакут – руҳлар оламидан иборат, жабарут – Аллоҳнинг зот ва сифоти оламидан иборат. Яъниким, мулк – маҳсусот (сезгилар) оламидир, малакут маъқулот (ақллар) оламидир. Жабарут мулк ва малакут оламининг яратувчисидир. Бу манзилда жабарут оламини шундай тушунтирганлар.

Буларни билиб олдинг, энди билгилки, айримлар айтадиларким, Аллоҳ таоло азалдан барча нарсанинг зоти ва сифатларини ва барча нарсанинг миқдорини билади. Аллоҳнинг тақдири – яъниким, Унинг Илми – Унинг тақдиридир. Бу тоифа шиа аҳлидирлар. Баъзилар дейдиларким, Аллоҳ таоло азалдан барча нарсанинг зоти ва сифатлари, миқдорини билган ва (шундай бўлишини) истагандир. Илоҳий тақдирнинг маъноси шудир, яъниким, Унинг Илми ва Иродаси Унинг тақдиридир. Бу тоифа аҳли суннат ва жамоатдирлар.

Эй дарвеш! Шариатнинг зоҳирида Аллоҳнинг ҳукми, қазо ва қадари, тақдири бир маънидадир. Баъзилар бунда Унинг илмини хоҳлайдилар, баъзилар Унинг илми ва иродасини хоҳлайдилар. Агар Унинг Илми ва Иродаси Унинг тақдири бўлса, демак, Аллоҳнинг Илми ва Иродаси барча нарсани қамраб олган ва куллий ҳамда жузъий нарсаларни билгувчидир. Демак, барча ашёлар Унинг тақдирида. Унинг тақдирини рад этиш умуман имконсиз бўлар ва аслида ҳам шундай. Уламо ва шайхлар ушбу дуони кўп ўқирдилар ва ўқийдилар: Аллоҳумма ло мониъ лимо аътайта ва ло мутъи лимо манаъта, ва ло ҳодий лимо азлалта ва музилл лиман ҳадайта ва рода лимо қазайта, ва ло янфаъ зол-жидда минкал-жидду.

Эй дарвеш! Агар Унинг Илми Унинг тақдири бўлса, бундай ҳолатда барча одамлар ўз сўзлари, ҳолатлари ва амалларида ихтиёрлари ўзларида бўлади. Истаган нарсаларини ейдилар, хоҳлаганларини гапирадилар, хоҳлаган ишни қиладилар (яъни бу ҳолатда Аллоҳ уларнинг ишларига дахл қилмайди). Агар Унинг Илми ва Иродаси Унинг тақдири деб билсак, бундай ҳолатда одамлар барча сўз, амал ва қилмишларида мажбурдирлар, Аллоҳ хоҳлаган нарсани ейдилар, Аллоҳ хоҳлаган гапни сўзлайдилар, Аллоҳ хоҳлаган ишни қиладилар. Негаки, Аллоҳнинг Илми одамларнинг ихтиёрига монеъ бўлолмайди, аммо Унинг Иродаси одамларнинг ихтиёрига монеъ бўлади.

Саккизинчи фасл

СИРОТДАН ЎТИШ БАЁНИДА

Билгилки, руҳнинг бу нузул ва уружлари Сиротдан ўтишга менгзайди. Негаки, келтиришларича, Сирот соч толасидан ингичкароқ ва қилич дами-

дан ўткиррок, дўзахнинг устига тортилган бир йўлдир. Бу Сиротдан дастлаб пастга қараб эниб, сўнг тўғри юрмоқ, охирида юксалмоқ керак. Баъзилар бу Сиротдан осонлик билан, ортиқча зиён-заҳмат кўрмай ўтадилар. Баъзилар қоқилиб-тойилиб ўтадилар, кўп машаққатлар тортадилар, аммо барибир бу йўлдан ўтадилар. Айримлар эса Сиротдан ўтолмайдилар, дўзахга қулаб тушадилар. Инсоний руҳнинг нузули ва уружи ҳам шу кабидир. Чунки табиат олами дўзахга ўхшар, руҳлар оламидан табиат оламига нузул этиб, табиат оламидан ўтмоқ керак. Демак, руҳлар бир муддат пастга қараб тушиб, сўнг бир муддат тўғри юрадилар, ундан кейин яна юксаладилар. Баъзилар табиат оламидан тез ва осон ўтадилар, ҳеч қандай зиён-заҳмат тортмайдилар. Айримлар йиқилиб, қоқилиб ўтадилар, кўп машаққат кўрадилар, аммо оқибат ўтадилар. Баъзилар табиат оламидан ўтолмайдилар. Шу оламда қоладилар, улвий оламга юксалишдан маҳрумдирлар. Сиротнинг соч толасидан ингичкароқ ва қиличнинг дамидан ўткиррок эканлигига боис шуки, барча ишларда энг тўғри йўл – васатийлик (ўртачалик, мўътадиллик) ҳисобланади. Васатийлик ақл йўлидир. Ифрот ва тафрит (ҳаддан ташқарилик) эса табиат оламининг йўлидир ва бу дўзахдир. Ўрта йўл соч толасидан ингичкароқдир, васатийликни ушлаб туриш ва шу йўлда бориш қиличдан ҳам ўткир ишдир.

Тўққизинчи фасл

ДУНЁ ВА ОХИРАТДАГИ БАРЧА НАРСАЛАР ОДАМДА МАВЖУДЛИГИ БАЁНИДА

Билгилки, дунё ва охиратда нимаики мавжуд бўлса, одамийда ҳам мавжуддир. Одам – дунё ва охиратнинг нусхаси ва намунасидир.

Эй дарвеш! Инсон руҳининг унинг келиш-кетишига нисбатан ҳамда донолиги ва нодонлигига нисбатан турли ҳолатлари ва саноқсиз номлари бор. Нузул қилаётган пайтида инсон руҳи ботиш пайтидаги нур эрур, уруж пайти эса чиқиш пайтидаги нурдир. Нузул ботишдаги нур бўлгани боис инсоний руҳларнинг нузули тун эрур. Уруж – тулуъ пайтидаги нур бўлгани боис инсоний руҳларнинг уружи кундуз эрур. Яна шуки, нузул пайти инсоний руҳда барча нарсалар тақдир қилинган ва қатъий тарзда белгиланган бўлиб, барчаси яширин ва кўринмасдир, шу сабаб инсоний руҳнинг нузули Қадр кечаси кабидир. Уруж пайти эса инсоний руҳда яширин ва кўринмас бўлган барча нарсалар ошкор бўлдилар, шу сабаб инсоний руҳнинг уружи Қиёмат куни кабидир. Нурнинг ботиши жисмдадир, нурнинг чиқиши ҳам жисмдандир. Демак, инсоннинг жисми ҳам Мағрибдир, ҳам Машриқ. Инсоний руҳ эса Зулқарнайндир, бир шохи нузулдир, бир шохи уруж. Бу Зулқарнайн Мағрибга етганида иссиқ булоқда ботаётган қуёшни кўрди, "Ҳатто изо балаға мағрибаш-шамси важадаҳо фий ъайнин ҳамиъатин ва важада ъиндаҳо қавман".

Аллоҳнинг сўзи: "(Кетаётиб) Қуёш ботадиган жойга етгач, унинг (Қуёшнинг) бир лойқа (ёки қайноқ) булоқ (орти)га ботаётганини кўрди ва (булоқ)нинг олдида бир қавмни учратди."[1]

Бу иссиқ булоқ – одамнинг жисмидир.

[1] Каҳф, 86-оят.

Эй дарвеш! Инсон жисми иссиқ бўлиб, табиий ҳарорати бўлгунича Руҳ қуёши унга нузул этиб, табиий ҳарорати тугаб, совигунича унда бўлади. Совигандан кейин Руҳ қуёши ундан уруж этади. Демак, Руҳ қуёши иссиқ булоқда нузул этиб, совуқ булоқдан уруж этади. Бу Зулқарнайн Мағрибда бир қавм топди – улар жуда заиф, кучсиз, нодон ва бехабар эдилар, улар зимистон қаърида, ёруғликдан бебаҳра ва бенасиб эдилар. Машриққа етганида эса бир қавмни кўрди – улар жуда кучли, бақувват, жуда ақлли ва огоҳ кимсалар эдилар; қоронғиликдан чиқиб, рўшнолик кўргандилар. "Ҳатто изо балаға матлиъаш-шамси важадаҳо татлуъу ъало қавмин лам нажъал лаҳум мин дуниҳо ситран".

Аллоҳнинг сўзи: "(Кетаётиб) Қуёш чиқадиган жойга етиб боргач, унинг (Қуёшнинг) бир қавм узра чиқаётганини кўрди. Биз улар учун ундан (Қуёшдан тўсувчи) бирор парда қилмаган эдик"[1].

Эй дарвеш! Мағрибда топилган қавм ва Машриқда кўрилган қавм – буларнинг барчаси руҳоний сифатлар ҳамда жисмоний сифатлар эди. Дейдиларким, Зулқарнайн зулмат оламига борди. Бу зулмат олами – жисмдир, ҳаёт суви эса илмдир. Мағриб ва Машриқни билдинг, энди шуни ҳам билгилки, Мағриб – садд – девордир, Машриқ ҳам садд – девордир. Машриқ ва Мағриб ўртаси эса байнас-саддайн (икки девор ораси) ҳисобланади. Бу байнас-саддайн бутун умрни қамраб олади. Бу икки девор ўртасида бир қавмни топди. Яъжуж ва Маъжуждан шикоят қилган бу қавм – руҳоний сифатлар ва ақлий қувватлар эдилар. Бу қавм Яъжуж ва Маъжуждан шикоят қилдилар. Яъжуж ва Маъжуж – шаҳват ва ғазабдирлар. Айнан шаҳват ва ғазаб бузғунчилик қилиб оламни хароб қиладилар. Айтилганидек, Яъжуж ва Маъжуждан шикоят қилган қавм – руҳоний сифатлар ва ақлий қувватлар эди. Зулқарнайн буларга айтадиким, сизлар менга ёрдам беринглар, токи мен сизлар билан Яъжуж ва Маъжуж ўртасида бир девор барпо этайин; "Отуний зубарал-ҳадид".

Аллоҳнинг сўзи: "Сизлар менга темир парчаларини келтирингиз!"[2]

Ҳадид – қаттиқлик, тўғрилик ва суботдан иборат, нафсни қаҳр ва манъ этади. Агар бу сўзларни тушунмаган бўлсанг, бошқача тарзда баён этаман.

Эй дарвеш! Кимки донишманд одамнинг наздида ва сухбатида риёзат ва мужоҳада тариқини ихтиёр этса, зоҳир ва ботини рост бўлур. Соликнинг зоҳир ва ботини рост бўлгач, соликнинг иши тугал бўлур. Яъниким, соликнинг зоҳири ботини каби пок бўлса, ўшанда ички олами билан ташқи қиёфаси бир хил бўлур. Зоҳир пок бўлмагунча, ботинда мунаввар бўлиш қобилияти бўлмас. "Ҳатто изо сова байнас-садафайни қола-нфуху"

Аллоҳнинг сўзи: "То (парчалар) иккала тоғ ёнбағирлари билан баробар бўлгач, (оловга) дам урингиз!"[3], – деди.

Инсоннинг зоҳир ва ботини – инсоннинг икки деворидир. Зоҳир ва ботин тузалгач, пир манфаатли илм ва маърифат ўргатар; ўшанда солик донишманд ва ориф бўлар. Солик донишманд ва ориф бўлгач, ҳосил қилган илм ва маърифати олов каби бўлур, шаҳват ва ғазабнинг Яъжуж ва Маъжужидан ҳосил бўлажак барча бузуқ ўй-хаёллар ва ботил фикрларни нест-нобуд қилиб, соликни покиза ва сафоли этар.

Эй дарвеш! Дастлаб Руҳнинг нафхи (жисмга пуфлаш) бор эди; "фаизо саввайтуҳу ва нафахту фийҳи мин руҳий".

[1] Каҳф, 90-оят.
[2] Каҳф, 96-оят.
[3] Каҳф, 96-оят.

Аллоҳнинг сўзи: "Бас, уни тиклаб, ичига Ўз (даргоҳимдаги) руҳимдан киритганимда, сизлар унга сажда қилган ҳолингизда йиқилингиз!"[1] – деди.

Бу илмни нафх этишдир – "ҳатто изо сова байнас-садафайни кола-нфуху ҳатто изо жаъалаҳу норан".

Аллоҳнинг сўзи: "Сизлар менга темир парчаларини келтирингиз, то (парчалар) иккала тоғ ёнбағирлари билан баробар бўлгач, (оловга) дам урингиз!", – деди. Бас, қачон у (темир-терсакларни) оловга айлантиргач (эритгач), деди: "Менга эритилган мис ҳам келтирингиз, токи унинг (темир парчаларининг) устидан қуяй!"[2]

Умрнинг аввалидан охиригача тўртта нафх бор: биринчиси, Руҳ нафхи – жон бағишлашдир; иккинчиси шундай нафхдирки, ёмон сифатлар ва номақбул хислатлар бу нафхдан ўлади; учинчиси, яхши хислатлар ва мақбул хулқларни тирилтиради – "ва нуфиха фис-суври фасаъиқа ман фис-самовоти ва ман фил-арзи илло ман шоаллоҳу сумма нуфиха фийҳи ухро фаизо ҳум қиёмун янзуруна ва ашрақатил-арзу бинури раббиҳо".

Аллоҳнинг сўзи: "Сур чалиниши билан осмонлар ва Ердаги бор жонзо тўлади, илло Аллоҳ хоҳлаган зотларгина (тирик қолурлар). Сўнгра у яна бир бор чалинганда, ногоҳ улар (барча халойиқ тирилиб, қабрларидан) туриб, (Аллоҳнинг амрига) қараб тургайлар. Ер (маҳшаргоҳ) Парвардигорининг нури билан ёришур; китоб (номаи аъмол ҳозирлаб) қўйилур; пайғамбарлар ва гувоҳлар (фаришталар) келтирилади ва уларнинг ўрталарида зулм қилинмаган ҳолда ҳаққоний ҳукм қилинади"[3].

Тўртинчиси шундай нафхдирки, руҳ бадандан айрилади ва бадан хароб бўлади. Қола: Ҳаза роҳматун мин Раббий фаизо жоа ваъду Раббий жаъалаҳу даккоа ва кона ваъду Раббий ҳаққан.

Аллоҳнинг сўзи: "Бу Раббим (томони)дан бўлмиш бир марҳаматдир. Энди, қачонки, Раббимнинг (Яъжуж ва Маъжуж чиқади, деб) ваъда қилган вақт келганида (Қиёмат олдидан), Ўзи у (тўсиқ)ни теп-текис қилиб қўяр. Раббимнинг ваъдаси ҳақдир", – деди у."[4]

Алҳамду лиллоҳи роббил-ъаламийн.

ТЎРТИНЧИ РИСОЛА

МАБДАЪ ВА МАОД БАЁНИДА (ҲИКМАТ АҲЛИНИНГ ҚОНУНИ БЎЙИЧА)

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм.

Алҳамду лиллаҳи роббил-ъаламийн вал-ъақибату лил-муттақийн, вас-солату вас-саламу ъала анбиёиҳи ва авлиёиҳи хойру холқиҳи, ва ъала алиҳим ва асҳабиҳим ат-тойиибийн ат-тоҳирийн.

Аммо баъд, заифларнинг энг заифи ва фақирларнинг ходими, камина – Азизиддин Муҳаммад Насафийдан дарвешлар – Аллоҳ уларни янада кўпайтирсин – мабдаъ ва маъод ҳақида ҳикмат аҳлининг қонуни бўйича бир рисола тўплашимни сўрадилар. Уларнинг таклифларини қабул қилдим ҳамда хато ва гумроҳликдан паноҳ истаб, Аллоҳ таолодан мадад ва ёрдам сўрадим. Негаки, фақат У нимагаки, истаса Қодир эрур ва сўраганларни ижобат қилишга муктадир.

[1] Ҳижр, 29-оят.
[2] Каҳф, 96-оят.
[3] Зумар, 68,69-оятлар.
[4] Каҳф, 98-оят.

Биринчи фасл

МАБДАЪ БАЁНИДА

Аллоҳ сени икки оламда азиз қилсин, билгилки, вужуд икки ҳолатдан ҳоли бўлмас – унинг ё ибтидоси бор, ёхуд ибтидосиздир. Агар унинг ибтидоси бўлмаса, ўз зотига кўра вожиб ул-вужуддир. Агар ибтидоси бўлса, у ўз зотига кўра мумкин ал-вужуддир. Ўз зотига кўра вожиб бўлган вужуд таоло ва тақаддас сифатли бўлмиш оламнинг Парвардигоридир. Ўз зотига кўра мумкин ал-вужуд бўлган борлиқ эса Парвардигорнинг оламидир. Оламлар Парвардигори бўлмиш бу вожиб ул-вужуд ҳикмат аҳлининг фикри бўйича ўз зотига кўра сабабчидир, соҳибихтиёр яратувчи эмас. Қуёш кўрасидан нур чиққани каби Ақли аввал ҳам унинг Зотидан содир бўлди; бу натижа сабабдан вужудга келишига менгзайди. Демак, У фақат сабабнинг борлиғи эмас, балки, натижанинг борлиғи ҳамдир.

Бу муқаддималарни ўзингга маълум қилдинг, энди билгилки, аҳли ҳикмат аҳлининг айтиши бўйича, Борий таоло ва тақаддаснинг зотидан фақат битта жавҳар содир бўлади; бу жавҳар Биринчи ақл эрур. Бу Биринчи Ақл оддий, бўлинмас ва ўзгармас жавҳардир. Бошқа обо ва уммаҳот (етти фалак ва тўрт унсур) Биринчи Ақлдан содир бўлдилар, чунки аҳади ҳақиқий бўлмиш Биринчи Ақлда қўшимча тарзда касрат – кўпайиш эътибори пайдо бўлди. Яъниким, Ақлнинг зоти (асос, моҳият)га назар қилиш ва Ақлнинг сабабига назар қилиш, шунингдек, робита, яъни сабаб ва натижага назар қилиш – бу уч назардан Биринчи Ақлда учта эътиборни пайдо қилди. Ҳар бир эътибордан бир нарса ҳосил бўлди – битта Ақл, битта Нафс ва битта фалак. Худди шу каби ҳосил бўлган ҳар бир Ақлдан битта Ақл, битта Нафс ва битта фалак ҳосил бўлди, оқибат Биринчи Ақлдан тўққизта ақл, тўққиз нафс ва тўққиз фалак ҳосил бўлди. Сўнг Ой фалаки остида Олов унсури ва олов табиати пайдо бўлди. Яна Ҳаво унсури ва ҳаво табиати пайдо бўлди. Яна Сув унсури ва сув табиати пайдо бўлди. Яна Тупроқ унсури ва тупроқ табиати пайдо бўлди. Обо ва уммаҳот яралиши тугаллади, нузул ниҳоя топди. Ўн тўрт мартаба нузул этди, уруж нузул миқдорича бўлар; демак, доира ёпилиши учун ўн тўрт мартаба уруж бўлиши керак.

Эй дарвеш! Айтилган бу кетма-кетлик вакт кетма-кетлиги маъносида эмас. Чунки кетма-кетликнинг бир неча тури бор: замон нуқтаи назаридан кетма-кетлик, макон жиҳатидан кетма-кетлик, даражага асосланган кетма-кетлик, сабабиятга боғлиқ бўлган кетма-кетлик. Айтилган бу мартабаларнинг кетма-кетлиги даража ҳамда сабабиятга асосланган кетма-кетлик ҳисобланади, чунки бу тўққиз фалак ва тўрт унсур Биринчи Ақлдан бир лаҳзада, балки, ундан-да камроқ муддатда содир бўлдилар; ундан кейин учлик маволид – маъданлар, наботот, ҳайвонот олами бу тўққиз фалак ва тўрт унсурдан пайдо бўлдилар. Инсон ҳам ҳайвонот оламининг бир туридир.

Эй дарвеш! Инсон барчадан кейин вужудга келди, маълум бўладики, инсон Борлиқ дарахтининг мевасидир. Инсон Ақлга етишганда мукаммал бўлади, маълум бўладики, Борлиқ дарахтининг уруғи – данаги Ақлдир. Нимаики охирда вужудга келган бўлса, аввалда ҳам ўша (нарса вужудга келган)дир. Инсон Ақлга етишганидан кейин доира ўз бошланиш нуқтасига етишгани сабабли, тугади. Демак, Биринчи Ақл ҳам ибтидодир, ҳам интиҳо – нузул қилмоқ маъносида ибтидодир, ибтидо нуқтасига қайтиш маъно-

сида интиҳодир. Келмоққа нисбат олганда мабдаъдир, қайтмоққа нисбат олганда маъоддир. Келмоққа нисбат олганда Лайлатулқадрдир, қайтмоққа нисбат олганда Қиёмат кунидир.

Эй дарвеш! Биринчи Ақл – Аллоҳ таоло ва Унинг расулининг Қаламидир; яралиш сабабидир; Борликнинг Одам Атосидир; Аллоҳнинг сифатлари ва хулқлари-ла безангандир. Шу сабабдан айтмишларким, Аллоҳ таоло Одамни Ўз суратида халқ қилди. Ақллар, нафслардан бирортаси Аллоҳ таоло ва тақаддасдан файз қабул қилолмайдилар, илло, Биринчи Ақлким, ақлларнинг энг шарафлиси ва билгувчироғидир. Биринчи Ақл Аллоҳ таоло ва тақаддасдан файз қабул қилиб, ўзидан кейингиларга таркатади. Ҳар бир Ақл ўзидан олдинги Ақлдан файзни қабул қилиб, ўзидан кейинги Ақлга таркатади. Ҳар бирларининг олувчи қўли ва берувчи қўли бордир, оладилар ва берадилар. Вожиб ул-вужуд Ўзи файз беради, аммо олмайди, чунки ундан олийроқ турадиган ҳеч нарса йўқдир; танзеҳ ва тақдис, илм ва ҳикмати Зотидадир.

Эй дарвеш! Улвий (олий, юксак) оламдаги барча ақллар ва нафслар барчалари шариф ва латиф бўлиб, илм ва поклик соҳибидирлар. Қайси бирики мартабаси юксакроқдир, Биринчи Ақлга якинроқдир, шарифроқ ва латифроқдир, илм ва поклиги ҳам кўпроқдир. Фалаклар масаласида ҳам худди шундай – қайси фалак юксакроқ бўлса, фалак ул-афлокка яқинроқдир, шарифроқ ва латифроқдир. Нузулда ҳам қайси мартаба мабдаъга яқинроқ бўлса, шарифроқ ва латифроқдир; уружда эса қайси мартаба мабдаъдан узоқроқ бўлса шарифроқ ва латифроқдир; чунки нузул пайти қудурат пастга тушади, уруж пайти софлик тепада бўлади. Агар айтсаларким, оддий нарса ўз мабдаъидан узоқроқ бўлганида ғашлик бўлади, мураккаб нарсалар ўз мабдаъидан узоқлашганида тозароқ бўлади, бу ҳам тўғридир.

Биламанки, буни тўлиқ тушуна олмадинг, ойдинроқ баён этаман. Билгилки, аввал – Аллоҳдир, кейин Ақл, кейин Нафс, сўнг Табиат – нузул тугади. Нузул бу даражага тушганидан кейин, уруж унинг аксидир. Демак, уружда аввал Табиат, кейин Нафс, кейин Ақл, сўнг Аллоҳ – уруж тугади. Маълум бўладики, нузулда нима аввалда бўлса, уружда охирдир, демак, нузулда аввал шарифроқдир, уружда эса охири шарифроқдир.

Эй дарвеш! Аввал Аллоҳдир, пайғамбарлар ва валийлар Аллоҳнинг мазҳаридирлар. Кейин Ақл – ҳакимлар ва олимлар унинг мазҳаридирлар. Ундан кейин Нафс – султонлар ва подшоҳлар унинг мазҳаридирлар. Сўнгра Табиат – оми одамлар ва кўчманчилар Табиат мазҳаридирлар. Аввал Аллоҳ бўлганлиги учун бир қисм келди, Ақл иккинчи даражага тушганлиги учун икки қисм келди, Нафс учинчи ўринга тушганлиги учун уч қисм келди, табиат тўртинчи ўринга тушганлиги учун тўрт қисм келди. 1+2+3+4=10 бўлади. "Тилка ъашаратун комилатун" дегани ана шу мулк, малакут ва жабарутнинг даражалари ҳисобланади.

Аллоҳнинг сўзи: "Шулар ҳаммаси роса ўн кундир"[1].

Эй дарвеш! Шариат аҳли ҳамда ҳикмат аҳли наздида мулк маҳсус (сезги) оламидир, малакут маъқул (ақл) олами, жабарут эса Вожиб ул-вужуднинг Зоти ва Сифоти– Аллоҳ таоло ва тақаддасдир. Вахдат аҳли наздида эса мулк маҳсусот (сезгилар), малакут маъқулот (ақллар) ва жабарут олами ижмол (хулоса, моҳият)дир.

[1] Бақара, 196-оят.

Иккинчи фасл

ҚУЙИ ОЛАМНИНГ АҚЛЛАР ВА НАФСЛАРИ БАЁНИДА

Билгилки, айрим ҳакимлар айтадиларким, қуйи оламнинг ақллари ва нафсларининг мабдаъ – сарчашмаси Ақли ъошир (ўнинчи ақл) – Ой фалакининг Ақлидир. Ал-Ақл ал-фаол унинг иккинчи номи бўлиб, қуйи оламнинг ишларини бошқарадиган ҳамда шаклларни вужудга келтирадиган унинг зиммасидадир. Аммо ҳикмат аҳлидан кўпчилигининг фикри бўйича, улвий оламдаги ўнта ақлнинг барчаси фаолдир; ўнта ақлнинг барчаси қуйи оламнинг ақллари ва нафсларининг мабдаъ сарчашмасидирлар. Шу сабабдан одамлар ўртасида тафовут бу даражада кўпдир – Ой фалакидан файз топган нафс – жон ҳеч қачон Қуёш фалакидан файз топган нафс билан тенг эмас, чунки Қуёш фалакидан файз топган нафс ҳиммати баланддир, Ой фалакидан файз топган нафс эса пастҳимматдир.

Эй дарвеш! Одамлардаги фарқиятларнинг сабаби айтганимиздек, мабдаъларидандир. Бу фарқиятларнинг яна бошқа бир сабаби ҳам бордир– бу, тўрт унсурдан қайси бири асос бўлганлигининг хосиятидир. Бахтлилик ва бахтсизлик, зийраклик ва аҳмоқлик, бахиллик ва сахийлик, диёнат ва хиёнат, олийҳимматлилик ва пасткашлик, дарвешлик ва бойлик, иззат ва хорлик, умрузоқлик ва жувонмарглик ва шу каби нарсалар мабдаъларнинг таъсири ва унсурларнинг хосиятига боғлиқдир.

Эй дарвеш! Билдингки, одамзоднинг ишини бу дунёга келишидан олдинроқ тўғрилаб қўйган эканлар, шунинг учун Аллоҳнинг берганига қаноат қилиб, рози ва таслим бўлгин. Дарвеш дарвешлигига кўникиши керак, бой ҳам бойлигига кўникиши керак, чунки дарвешлик ҳам, бойлик ҳам одамнинг машаққат тортишига сабабдир. Сахий қилиб яратилган киши саховат қилиши учун дунё талабидадир; бахил бўлиб туғилган киши ҳам тўплаш учун мол-дунё талабидадир – иккаласи ҳам азобдадир. Дарвеш ўйлайдики, бой киши доим роҳат ва фароғатдадир, бой ўйлайдики, дарвеш доим роҳат ва фароғатдадир.

Эй дарвеш! Шубҳа қилмаки, бу дунёда хурсандчилик йўқдир.

Учинчи фасл

МАЪОД БАЁНИДА

Билгилки, жисм қолипини тарк этган инсон жони, агар камол касб этган бўлса, улвий оламнинг Ақллари ва Нафслари сари юксалар. Агар камол касб этмаган бўлса, дўзах бўлмиш Ой фалакининг остида қолар, айримлари абадулабад бу ерда қолиб кетар. Инсон жонининг камоли улвий оламнинг Ақллари ва Нафсларига мутаносиб келар.

Эй дарвеш! Улвий оламнинг Ақллари ва Нафслари барчалари покдирлар, мудом илмларни касб этиб ва илоҳий нурлардан баҳраманд бўладилар, илм ва поклик ҳосил этадилар. Демак, инсон ҳам доимо илмларни касб этиб, илоҳий нурлардан баҳраманд бўлиши, билим ва поклик ҳосил этиши керак. Кимки муносабат ҳосил этса, унга шафоат истеъдоди ҳосил бўлар. Жони баданини тарк этган пайтда улвий оламнинг Ақллари ва Нафслари уни ўзлари томон жазб этадилар – шафоат истеъдоди маъноси шудир. Қайси

Акл ё Нафс билан муносабат ҳосил этган бўлса, ўша мақомга қайтади. Агар Ой фалакининг Нафси билан муносабат ҳосил қилган бўлса, Ой фалакига қайтади, агар фалак ул-афлок билан муносабат ҳосил килган бўлса, қайтиши фалак ул-афлокка бўлур. Аввал ва охирни билиб олдинг, бошқаларни ҳам шундай деб бил. Инсон жонлари улвий оламга етишиб, фоний олам маркабларидан халос бўлиб, боқий маркабларга минганларида бу суворийлик абадулабадгача давом этар; ҳар бирлари ўз мақом ва мартабаларига яраша лаззат ва фароғатда боқий умр кечирарлар. Ҳар бир жоннинг мақоми унинг илми ва поклигига муносиб мукофот эрур. Кимки илми ва поклиги кўпроқ бўлса, унинг мақоми ҳам олийроқ бўлур. Шариат аҳли ҳар бир одамнинг мақоми маълумдир, дейдилар, аммо бундаймас. Маълум мақомга етгандан сўнг доира тугайди ва тараққий топишга имкон қолмайди, бу эса одамларнинг руҳлари жисмларидан олдин, ҳар бири ўзининг маълум мақомида яралган, ўша маълум мақомдан куйи оламга нузул этиб, фоний маркабларига минадилар, фурсати келиб, бу фоний маркабларни тарк этгач, ўша маълум мақомгача қайтадилар, ундан ортиқ уруж қилолмайдилар, деган гапларига хилофдир.

Аммо ҳикмат аҳлининг фикрича, одамларнинг жони уларнинг жисмидан олдин мавжуд эмасди, жасад билан бирга яралдилар, демак, уларнинг маълум мақоми бўлмаган, ҳар бир жон ўз мақомини энди маълум этади. Айтилганидек, ҳар бир мақом ҳосил этилган илм ва покликка муносиб мукофотдир, кимки кўпроқ илм ва поклик ҳосил этган бўлса, олийроқ мақомга эришади.

Эй дарвеш! Кимки ўз нафси камолини юксалтириб, фалак ул-афлок Нафси билан муносабат ҳосил этса, илм ва покликнинг энг юксак чўққисига кўтарилган ҳамда инсоний камолотнинг энг олий мақомотига муяссар бўлибди. Биринчи Акл унинг даракчиси ва даргоҳининг элчиси бўлар: мин ал-маликил-Ҳаййил-лазий ло ямут илал-Маликил-Ҳаййил-лазий ло ямут. Ушбу мақомда гоҳида Биринчи Акл орқали ва гоҳида воситачисиз Ҳақ билан сўзлашиб, Ҳақдан Сўз эшитар, абадулабад Раббул-оламиннинг Ҳазрати ёнида хуррам ва шодумон қолиб, Унинг яқин кишиларидан саналар. Бу – хослар жаннатидир, комиллар маконидир. Кимки бу жаннатда бўлса, мутлақ роҳат ва фароғатдадир. Қолган саккиз мартаба жаннатнинг саккиз боғидир, бу саккиз боғда бўлганлар мутлақ роҳат ва фароғатда бўлмаслар, аммо алам ва машаққатда ҳам мутлақ қолмаслар; дўзахдан қутулиб, жаннат даражаларининг қайсидир даражасига эришганликлари учун лаззат ва роҳатдадирлар, аммо Раббул-оламиннинг яқинлигидан маҳрумликлари жиҳатидан фуркат ва айрилиқ оловида куярлар ва абадулабад бу фуркат оловида қолажаклар. Бу саккиз жаннат ноқисларнинг жойидир. Агар бу фуркат азоби илм нуқсони сабабидан бўлса, бу азобдан ҳеч қачон қутулмайдилар, агар бу азоб покликдаги нуқсон сабабидан бўлса, вақтлар ўтиб бу азобдан қутулажаклар.

Эй дарвеш! Инсон руҳи жасадни тарк этганидан сўнг олтита ҳолатдан ташқари қолмас: ё содда (оддий)дир, ё мураккаб, содда ҳам ё пок, ё нопок бўлади, мураккаб ҳам ё пок, ё нопок бўлади. Мураккаб ё комил бўлади, ё ноқис. Ҳар бир руҳ жасадни тарк этганидан кейин ушбу олтита ҳолатда бўлади.

Тўртинчи фасл

РУҲЛАРНИНГ ЖАСАДНИ ТАРК ЭТГАНИДАН КЕЙИНГИ ҲОЛАТИ БАЁНИДА

Билгилки, илм ва поклик ҳосил этмаган инсонларнинг руҳи жасадни тарк этгандан кейин Ой фалаки остида қолиб кетадилар ва улвий оламга етишолмайдилар. Айрим файласуфлар айтадиларким, бу руҳлар бошқа жасадларга кириб, олдинги ҳаётида кайси сифатда бўлсалар, ўша сурат билан қайта тириладилар. Бу ё одамийлик қиёфаси бўлиши ҳам мумкин, ҳайвонлар ёки ўсимликлар ёинки маъданлар ҳам бўлиши мумкин. Ўша суратда қилган гуноҳлари миқдорида азоб тортадилар, қилган жиноятларига яраша жазо оладилар. Бир колипдан бошқа колипга пастга қараб кўчиб юрадилар, охири маъданлар суратини оладилар; бу пастга қараб кўчишни масх деб айтадилар. Яна бу суратдан даражама-даража кўтарилиб, инсон қиёфасини оладилар; бу жараённи насх деб айтадилар. Худди шу каби тушиб, кўтарилаверадилар, бу ҳолат қилган гуноҳга яраша азоб чекиб, қилинган жиноятларга муносиб жазо тортиб, илм ва поклик ҳосил этгунча давом этади.

Аллоҳнинг сўзи: "Албатта, оятларимизни инкор этувчиларни дўзахда куйдиргаймиз. Азобни тортсинлар деб терилари куйиб битиши билан ўрнига бошка (янги) териларни алмаштириб турамиз. Албатта, Аллоҳ кудратли ва ҳикматлидир."[1]

Илм ва поклик ҳосил этиб бўлгандан кейингина жасадни тарк этганларида улвий оламга кўтариладилар.

Бу – таносух аҳлининг сўзлари эди.

Файласуфларнинг бошқа бир гуруҳи айтадиларким, бу руҳлар бошқа жасадга кўчиб ўтолмайдилар, чунки ҳар бир жасад албатта ўз руҳи билан бирга яралади, бир жисмда икки руҳ бўлиши имконсиздир, шу сабаб Ой фалаки остида жасадсиз саргардон кезарлар.

Файласуфларнинг бошка бир тоифаси айтишича, куйи оламда колиб кетган бу руҳлар аслида жинлардир – истаган қиёфага кира оладилар, пинҳон ва ошкор бўла оладилар, кимга хоҳласалар кўринадилар.

Файласуфларнинг яна бир гуруҳи айтишича, жин аслида мавжуд эмас, уни одамлар ўз тасаввурларида яратганлар. Аслида жинлар – саҳро ва тоғларда ваҳшийлик билан кун кечирувчи одамлардир; улар донишманд зотларни кўрмаганлар ва унинг сўзларини ҳам эшитмаганлар, шу сабабли ҳайвон қатори, балки, улардан-да пастроқ ҳисобланадилар. "Жин"нинг луғавий маъноси яширинмоқ ёхуд яширмоқдир. Ақл улардан пинҳон бўлганлиги сабабли девоналарни шу маънода мажнун ёки жинни деб айтишади.

Шариат аҳли айтадиларким, жинлар мавжуддирлар, аммо уларнинг борлиғи одамларнинг борлиғига ўхшамайди. Жин билан одамзод – борликнинг бошка-бошка турларидир. Башариятнинг ўз ота-онаси бор, яъни Одам ва Ҳавво, жинларнинг ҳам ягона ота-онаси бор, уларнинг исми Мориж ва Морижа. Аллоҳ таоло Одамни тупроқдан яратди, Морижни эса оловдан: Халақал-Жонна мин морижин мин нор.

[1] Нисо, 56-оят.

Аллоҳнинг сўзи: "Жинларни (ва Иблисни ҳам) оловнинг тутунсиз алангасидан яратди."[1]

Эй дарвеш! Ушбу тўрт рисолани тўрт вилоятда ёзиб, тўплам ҳолига келтирдим. Биринчи рисолани 660 йили Бухоро шаҳрида, иккинчи рисолани Хуросоннинг Бахрободида, шайхлар шайхи Саъдиддин Ҳамавий – Аллоҳ унинг руҳини муқаддас қилсин – мақбараси қошида тўпладим. Учинчи рисолани Кирмон шаҳрида ёздим, тўртинчи рисолани Шероз шаҳрида, шайхлар шайхи Абу Абдуллоҳ Хафиф – Аллоҳ унинг руҳини муқаддас қилсин – 680 йили ёзиб тугатдим.

Бешинчи фасл

НАСИҲАТ БАЁНИДА

Эй дарвеш! Камина оламда кўп сафарлар қилдим, кўп улуғ зотлар, олимлар, файласуфлар ва шайхларнинг суҳбатига етишдим, ҳар бирининг хизматида бўлдим, таҳсил ва такрор, мужоҳада ва азкор юзасидан нимаики буюрган бўлсалар, амалга оширдим; улардан кўп фойдалар менга етди. Мулк, малакут ва жабарут оламларига менинг қалб кўзим очилди. Тафаккурим миқёси кенгайди, серқирра билим эгаси бўлган олимларни дўст тутдим.

Эй дарвеш! Кимки битта илмни билса, унинг фикрлаш майдони тор бўлур, турли билимлардан хабардор олимларни душман тутар. Кимки илмнинг турли соҳаларидан хабардор бўлса, унинг фикрлаш майдони кенг бўлиб, серқирра билим соҳибларини дўст тутади.

Мен бундай олимларнинг илмларидан энг хулоса ва қаймоғини тўпладим. Тўртинчи рисола мабдаъ ва маъод бўйича файласуфлар фикрининг хулосаси ва қаймоғидир. Учинчи рисола инсон руҳининг уружи ва нузули масаласида уламо фикрларининг хулосаси ва қаймоғидир. Иккинчи рисола машойихнинг тавҳид бобидаги фикрларининг зубдаси ва хулосасидир. Биринчи рисола эса бу бечоранинг инсон маърифати борасидаги мулоҳазаларидир. Кимки бу тўрт рисолани таҳқиқ билан билиб олса, кўпгина китоблардан ҳожатсиз бўлиб, мулк, малакут ва жабарут оламлари сари қалб кўзи очилади, фикрлаш қамрови кенгайиб, толибларнинг ҳаётдан асл мақсади ва матлабига муяссар бўлади.

Эй дарвеш! Ҳеч қачон билим ва ҳикмат берувчи кўп китоб ўқиб, олим ва ҳаким номига эришмоққа кўп уринма, кўп тоат-ибодат қилиб, ўзингча обид ва шайх бўлишга ҳам ҳаракат қилма, бу амаллар аслида барчаси бало ва қаттиқ азоблардир. Илм ва ҳикматдан зарурат даражасида баҳраманд бўл ва фойдали нарсаларнигина қўлга киритишга интил; тоат ва ибодатинг ҳам зарурат даражасида бўлсин, фақат охират учун керакли бўлган ибодат амалларини бажо келтир.

Аллоҳни таниганингдан кейин фақат руҳ поклигига эришмоқ фикрида бўл, беозор ва одамларга манфаат етказадиган бўлгин; оламийнинг нажоти ҳам ушбудир.

Эй дарвеш! Кимки руҳ поклигига эришмаса, мол-дунё ва амал-мансабнинг асиридир. Қорин ва шаҳватни яхши кўриш дахшатли бир оловдирким, соликнинг дунё ва охиратини куйдириб, барбод этади ва оқибатда соликни

[1] Раҳмон, 15-оят.

дунё ва охиратни бузувчи этади. Дунёпарастлик ва амалпарастлик мисли одамхўр аждаҳо эрурким, минглаб одамларни ютиб юборди ва келажакда ҳам ютиб юборади. Кимки шаҳват ва қорин ғамидан, дунё муҳаббати ва амалпарастликдан қутулса, ҳақиқий эран ва ҳур киши эрур. Бутунлай озод ва ҳур киши мавжуд эмас ва бунинг имкони ҳам йўқ, аммо нисбатан озод ва ҳур бўлиш мумкин.

Эй дарвеш! Барча одамлар бу оламда зиндон асирларидирлар, пайғамбарлар ҳам, авлиёлар ҳам, султонлар ҳам, ҳокимлар ҳам – ҳамма занжир ва кишандадир. Кимдир битта кишан билан боғланган, кимдир иккита кишан билан, кимдир ўнта кишан билан, кимдир юзта кишан билан, кимлардир мингта кишан билан бандда тутқиндир. Кимки битта кишан билан занжирланган бўлса, мингта кишанга банди бўлган кишига нисбатан озод ва ҳур эрур, азоб ва машаққати ҳам камроқдир. Чунки занжир ва банд кўпроқ бўлса, машаққат ва азоб ҳам шунга яраша кўпаяди.

Эй дарвеш! Агар озод ва ҳур бўлиш имконинг бўлмаса, жиллақурса, тақдирингга рози ва таслим бўл.

Валҳамду лиллоҳи Раббил-ъоламийн.

БЕШИНЧИ РИСОЛА

СУЛУК БАЁНИДА

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳим.

Алҳамду лиллаҳи роббил-ъаламийн вал-ъақибату лил-муттақийн, вас-солату вас-саламу ъала анбиёиҳи ва авлиёиҳи хойру холқиҳи, ва ъала алиҳим ва асҳабиҳим ат-тоййибийн ат-тоҳирийн.

Аммо баъд, заифларнинг энг заифи ва фақирларнинг ходими, камина – Азизиддин Муҳаммад Насафийдан дарвешлар – Аллоҳ уларни янада кўпайтирсин – сулук ҳақида бир рисола тартиб бериб, унда сулукнинг маъноси, сулукнинг шартлари ва рукнлари ҳақида маълумот беришимни сўрадилар. Уларнинг таклифларини қабул қилдим ҳамда хато ва гумроҳликдан паноҳ истаб, Аллоҳ таолодан мадад ва ёрдам сўрадим. Негаки, фақат У нимагаки, истаса Қодир эрур ва сўраганларни ижобат қилишга муқтадир.

Биринчи фасл

СУЛУК НИМАЛИГИ БАЁНИДА

Аллоҳ сени икки дунёда азиз қилсин, билгилки, "сулук" сўзи араб тилида бормоқ, юриш маъносини билдиради. Яъни, борувчи зоҳир оламида сафар қилса ҳам, ботин оламида сафар қилса ҳам, шу сўз қўлланилади. Тасаввуф аҳли олдида бу сўздан мурод хос сафарни билдиради, бу – сайр илаллоҳ (Аллоҳга сафар) ва сайр филлоҳ (Аллоҳда сафар) эрур.

Эй дарвеш! Биздан олдин ҳам машойих сулук ҳақида кўп китоблар тузганлар. Жумладан, айтибдирларким, сулук – сайр илаллоҳ ва сайр филлоҳдир. Камина ҳам олдинги рисолаларимда бир неча марта айтиб ўтганманким, сулук – сайр илаллоҳ ва сайр филлоҳдир. Энди ушбу рисолада бошқа таъбирлар билан бошқача сўзламоқчимиз.

Эй дарвеш! Инсонийликнинг мартабалари бордир. Инсоннинг сифатлари ва хулқлари унинг зарралари (хужайралари)да яшириндир. Ҳар бир мартабада бир сифат ё хислат зоҳир бўлур. Инсоннинг мартабалари буткул зоҳир бўлган пайтда сифат ва хулқлари ҳам тўлиқ аён бўлади ва кичик олам тугалланади. Кичик оламни тугал қилган бу солик катта оламда Худонинг ноиби ва халифаси бўлур. Унинг сўзи – Худонинг Сўзларидир, унинг амаллари – Худонинг амалларидир. Бу – энг улуғ тажаллийдир, негаки, ахлокнинг зуҳури ҳам, илмнинг зуҳури ҳам шундадир.

Эй дарвеш! Илм кўп жойларда зоҳир бўлади, аммо барча нарсани қамровчи илм фақат бундадир. Бу ерда ўзини таниди, бу ерда нарсаларнинг моҳиятини англади ва кўрди. Демак, сулук – йўловчи ўз мартабаларига юзланиши ва ўз мартабаларини тадрижий тарзда зоҳир қилиши, кичик оламни тугал этишидан иборатдир. Кичик олам тугал бўлмагунча, у катта оламда Аллоҳнинг ноиби ва халифаси бўлиши имконсиздир. Унда олам аҳлига нисбатан қудрат пайдо бўлур. Ўзига кучи етмаган одам бошқаларга чикора?! Айримлар шу ерда адашиб, турли азобларга гирифтор бўлиб, ўз мурод-мақсадларига етмаганлар. Йўловчининг мартабалари тўлиқ зоҳир бўлгандан сўнг сулук ҳам ниҳоясига етар.

Эй дарвеш! Маълум бўлдики, йўловчи сенсан, йўл ҳам сен, манзил ҳам сен. Йўловчининг мартабалари тугаллангандан сўнг сайр филлоҳ ибтидо топар. Бу сайр ҳеч қачон адоғига етмас. Билурманки, буни тўлиқ англамадинг. Шунинг учун очиқроқ баён этурмен, чунки бу сўзни билиш жуда муҳимдир.

Иккинчи фасл

СОЛИКНИНГ СУЛУКДАН НИЯТИ НИМАЛИГИ БАЁНИДА

Эй дарвеш! Соликнинг риёзат ва мужоҳадаларидан нияти Аллоҳни талаб этиш бўлмасин, чунки Аллоҳни талаб қилишга ҳожат йўқ. Поклик ва яхши ахлоқ талаби ҳам, илм ва маърифат талаби ҳам, сирларни кашф этмоқ ва нурларнинг зуҳурини кўрмоқ ҳам сулукнинг нияти бўлмаслиги керак. Чунки буларнинг ҳар бири инсоний қайсидир мартабасига оиддир. Солик ўша мартабага етмагунча шу мартабага хос бирор сифат ё хислат унда пайдо бўлмас. Шу мартабага етганда эса, ўзи хоҳласа-хоҳламаса, биров айтса-айтмаса ҳам, шу мартабага хос бўлган барча сифат ва хислатлар ўз-ўзидан аёнлашур. Агар ёш гўдакка шаҳват суриш лаззати ҳақида бутун олам сўзлаб берса ҳам, у бу лаззат нелигини билмас, балоғат мартабасига етгач, айтсалар-айтмасалар ҳам, ўзи бу ҳақда билиб олур.

Эй дарвеш! Дарахтнинг даражалари бўлгани каби инсоннинг ҳам даражалари бор. Дарахтнинг ҳар бир даражасида ундан нима ҳосил бўлиши маълумдир. Боғбоннинг иши – ерни юмшоқ тутиб, бегона хору хасдан пок тутмоқ, ўз вақтида сув бериб, зараркунанда ва офатлардан асраб-авайлаш каби юмушлардир. Бунинг натижаси сифатида дарахт ўз ривожи босқичларини тўлиқ ўтаб, вакт-соатига қараб, ўз хосиятларини намоён этиб боради. Соликларнинг иши ҳам шундай бўлиши керак. Солик риёзат ва мужоҳадалари орқали одам бўлмоқни ният қилмоғи керак. Ўшанда инсоний мартабалар унда тўлиқ зоҳир бўлур. Инсоний мартабалар унда зоҳир бўлгач, солик хоҳласа-хоҳламаса, поклик ва гўзал ахлоқ ҳам, илм-

маърифат ҳам, сирларнинг кашфи ва нурларнинг зуҳури ҳам ҳар бири ўз вақт-муддатида зоҳир бўлур. Шундай нарсалар аёнлашурки, солик уларнинг номини ҳам билмаган ва олдин хотиридан ҳам ўтмаган бўлади. Кимки бу йўлда бўлмаса, бу сўзларни ҳеч қачон англамас. Гап чўзилиб, мақсаддан узоқлашмаслик учун айтайин: солик ҳиммати баланд бўлмоғи керак. Умри охиригача бу ишда бўлиб, саъй-ҳаракат қилиши керак, чунки Худонинг Илми ва Ҳикматининг охири йўқ.

Эй дарвеш! Дарахтнинг барча камолот босқичлари уруғида мавжуддир. Фақат миришкор боғбоннинг тарбияти ва парвариши лозимдир, токи уруғ дарахт бўлиб, рўёбга чиқсин. Шу каби, поклик ва гўзал ахлоқ, илм ва маърифат, сир-асрорларнинг кашф бўлиши, нурларнинг зуҳури – барчаси инсоннинг зотида мавжуддир. Фақат донишманднинг суҳбати, тарбият ва парвариш лозимдир, токи булар тўлиқ зоҳир бўлсин.

Эй дарвеш! Аввал ва охир илми сенинг зотингда яширидир. Нимаики истасанг, ўзингда иста, ташқарида нима излайсан?! Қулоғинг орқали кўнглингга жойлашадиган билим бошқалар қудуғидан сув олиб, ўзингнинг қудуғингга қуйишингга менгзар. Агар ўз қудуғингнинг кўзи очиқ бўлмаса, қуйилган сувингнинг бақоси бўлмас, тезда айниб, турли касалликларни тарқатар.

Эй дарвеш! Бу сувдан кибр ва манманлик касаллиги пайдо бўлар ҳамда бойлик ва мансабга иштиёкингни кучайтирар. Ва лайсал-хабару кал-муъояна (Эшитмоқ кўрмоқдек эмасдир – араб мақоли). Сен шундай қилишинг керакки, ўз қудуғингдан сув чиқсин ва канча ундан олиб бошқаларга берсанг, ҳеч камаймасдан, аксинча, кўпайсин. Турган жойида ҳам айнимасдан, покизароқ ва софрок бўлиб, турли касалликларга даво бўлсин.

Эй дарвеш! Айтиб ўтилган йўлда соликда илм ва маърифат ҳосил бўлур. Унинг кўнгил чашмасидан ҳаёт суви оқар. Кимки қирқ кеча-кундуз Аллоҳга ихлос билан ибодат қилса, унинг кўнглидан ҳикматли сўзлар тилига жорий бўлур. Яъни, соликка бу йўл билан илм ва ҳикмат ҳосил бўлганидек, тескари йўл билан ҳам илм ва ҳикмат ҳосил бўлади. Шунча тафсилга берилмасликка ҳаракат қиламан, аммо ихтиёримдан ташқари ҳолатда сўз чўзилади.

Эй дарвеш! Бу иш донишманднинг тарбият ва парваришига боғлиқдир. Донишманднинг тарбиятисиз биров бирор мақомга эришиши гумон. Ёввойи меванинг таъми боғбон парваришлаган меванинг таъмига тенг келмас. Шу каби, донишманднинг суҳбатини топган соликка бундай суҳбатдан бебаҳра қолган солик тенг келолмас.

Учинчи фасл

ТЕСКАРИ ЙЎЛ ОРҚАЛИ СОЛИКДА ИЛМ ВА МАЪРИФАТ ҚАНДАЙ ҲОСИЛ БЎЛИШИ БАЁНИДА

Билгилки, пайғамбарларнинг даъватлари ва валийларнинг тарбияти одамлар эзгу сўз, эзгу амал ва эзгу ахлоқ соҳиби бўлишлари ва шу орқали зоҳирлар тўғри бўлиши учундир. Зоҳир тўғри бўлмагунча, ботин туз бўлмас. Чунки зоҳир қолип кабидир, ботин эса қолипга солинадиган нарсадекдир. Қолип тўғри бўлса, унга солинадиган нарса ҳам тўғри чиқади, агар қолип эгри бўлса, қолипдаги нарса ҳам эгри бўлади.

Эй дарвеш! Ҳеч шубҳа йўкки, зоҳирнинг ботинга таъсирлари бор. Шунингдек, ботиннинг ҳам зоҳирга таъсирлари бор. Бас, донишманднинг суҳбатида риёзат ва мужоҳада таъсирида зоҳир тўғри бўлгандан кейин ботин ҳам туз бўлур. Зоҳир ва ботин туз бўлгандан кейин ботин икки олам аросида покланади. Бир томони шаҳодат олами бўлар, иккинчи томони ғайб олами. Яъни бир томон бадан – шаҳодат ва сезгилар оламига оид бўлса, иккинчи томон фаришталар ва пок руҳлар олами бўлмиш ғайб ва маъқулот оламидир. Ғайб оламига оид бўлган томон ҳамиша пок ва мусаффодир. Ботинга у томондан ҳеч қачон захмат, зулмат ва кудурат етмас. Баданга оид бўлган томон шаҳват ва лаззатларга боғлиқ ва ҳирсу ғазабга асир бўлгани сабабли тийра ва қоронғидир. Ботинни бу томон қоронғи ва зимистон тутар. Шу сабабдан ботин фаришталар ва пок руҳлар макони бўлмиш ғайб олами томонидан илм ўзлаштириб, илоҳий маърифат нурларидан мунаввар бўлолмайди. Бадан пок ва мусаффо бўлган чоғда, ботин икки олам аросида покланар. Фаришталар ва пок руҳлар олами бўлмиш ғайб оламида нимаики бўлса, соликнинг ботинида пайдо бўлур. Икки ғуборсиз кўзгуни бир-бирига қарама-қарши қўйилгани сингари, бу кўзгуда нимаики бўлса, нариги кўзгуда акс топар, нариги кўзгуда нимаики кўринса, бу кўзгуда жилваланар. Қабрларни зиёрат қилиш ҳикмати шудир, зиёрат ҳақиқати ҳам ушбудир.

Эй дарвеш! Бу сўзда нозик бир нукта бор. Бу нукта шундан иборатки, ғайб оламининг мартабалари бор. Бир мартабанинг иккинчи мартабадан катта фарқиятлари бор. Биринчи мартаба иккинчи мартабадан нимадир ўзлаштирмоғи мумкин, охирги мартаба эса фақат охирги мартабадан ўзлаштирмоғи мумкин. Соликнинг илм ва маърифати бу йўл орқали ҳам ҳосил бўлиши мумкин. Раҳмоний тушлар, важд ва воридот, илҳом ва ладунний илмлар шу орқали ҳосил бўлур. Бу маънонинг куфр ва исломга алоқаси йўқдир. Кимки кўнгил кўзгусини покласа, булардан асар топар. Бу маъни кўпчиликнинг тушига оиддир. Уйғоқликда эса камдан-кам ҳолларда содир бўлур. Чунки туш – бошқарилмайдиган туйғулардан иборат. Бошқа сезги аъзолари, ғазаб ва шаҳватдан ҳосил бўладиган ғашликлар тушга таъсири камроқ бўлар. Шу сабабдан ботин бадан уйқудаги ҳолатда нариги оламдан хабардор бўлиш имконига эга. Соликларнинг риёзати, хилват ва узлатда ўтиришлари ва мужоҳадаларидан мақсад – бедорликда ҳам баданлари уйқудаги кишининг баданига ўхшаш, балки, унданда покроқ ва мусаффороқ бўлишидир.

Эй дарвеш! Соликлар турличалир, мижозлари ҳам турлича. Айримлари озгина риёзат билан бу асарларни ўзларида топарлар, айримлари узоқ йиллар чексиз риёзатлар тортарлар, аммо булардан ўзларида асар топмаслар. Бу таъсирланиш ибтидонинг хосияти ва тўрт унсурнинг заминасига боғлиқдир.

Тўртинчи фасл

ОДАМЛАР УЧ ТОИФАДАН ИБОРАТ ЭКАНЛИКЛАРИ БАЁНИДА

Билгилки, Аллоҳ таоло одамларни турлича яратибди ва ҳар бирига турли ишга истеъдод берибди. Олам низоми баркарорлиги учун шундай ҳам

бўлиши керак эди. Шаҳарлик керак, қишлоқи ҳам керак. Баззоз ҳам керак, баққол ҳам керак ва ҳоказо. Агар барчага бир хил истеъдод берганида эди, оламда муназзамлик бўлмасди. Шу учун донишманд ҳар бир кишини қайси иш учун яратилган бўлса, ўша ишга сафарбар қилмоғи керак.

Қисқа қилиб айтсак, айримларнинг ҳимматлари олийдир ва айримларнинг ҳимматлари олий эмас. Шу сабабдан айримлари дунёни хоҳлайдилар, айримлари укбо (охират)ни, айримлари эса Мавло (Аллоҳ таоло)ни истайдилар. Одамлар шу уч тоифадан бўлак эмаслар. Мавло излайдиган тоифа ҳимматбаланд кишилардир. Улар одамларнинг энг яхшиси ва шу тоифа аҳли соликлардирлар. Минглаб кишилардан у улуғроқдир, қолган икки тоифа у туфайли ҳаёт кечирадилар ва у сабабли тарбият топадилар.

Эй дарвеш! Кимки сулук қилса, унга тўрт нарсанинг маърифати (билиши) зарурдир: биринчиси, мақсаднинг маърифати, иккинчиси, мақсад томон борувчининг маърифати, учинчиси, мақсадга элтувчи йўлнинг маърифати, тўртинчиси, ҳидоят этувчи – шайх ё пирнинг маърифати. Бу тўрт нарсани билмасдан, сулук муяссар бўлмас. Билгилки, соликларнинг мақсади ва мақсуди ўзининг камолидир. Баъзилар айтибдиларким, мақсад томон борувчи Худонинг Ўзидир, баъзилар солиқнинг Руҳи, деб айтибдилар, айримлар солиқнинг Ақли, деган бўлсалар, баъзилар Аллоҳнинг нури, деб айтибдилар. Камина айтадирким, борувчи – солиқнинг ботинидир. Негаки, солиқнинг ботини бир нурдир, бу нурни турли исмлар ва қўшимча сифатлар билан зикр этишади: нафс, руҳ, қалб, ақл, Аллоҳнинг нури ва ҳоказо. Булардан мурод ўша бир жавҳардир. Бу жавҳар – одамнинг ҳақиқатидир.

Бешинчи фасл

МАҚСАД ТОМОН ЙЎЛНИНГ БАЁНИДА

Билгилки, мақсад сари йўл бу заиф(мен)нинг наздида бир йўлдан бошқа эмас. Бу йўл – аввалда таҳсил ва такрор, охирда мужоҳада ва азкор (зикр тушиш)дир. Дастлаб мадрасага бориб, шариат илми ва бошқа энг керакли илмларни ўрганишади. Керакли илмларни ўзлаштиргандан сўнг сўзда чечан ва фикри теран бўлиши учун фойдали билимларни ўзлаштиришади. Чунки сўз билан тўғри муомалада бўлиш энг улуғ рукнлардан ҳисобланади. Сўз санъатига фақат мадрасада эга бўлиш мумкин. Ундан кейин хонақоҳга келиб, бирор шайхга мурид тушадилар. Битта шайхга каноат қилиб, тариқат илмидан энг керакли нарсаларни ўрганадилар. Асосий нарсаларни ўзлаштиргандан сўнг шайхларнинг ҳикоятларини ўқийдилар. Яъни, шайхларнинг риёзатлари, мужоҳадалари, тақво ва парҳезкорликлари, аҳвол ва мақомотлари ҳақида тасаввур ҳосил қилиб, сўнг китоб ўқишни тарк этадилар. Шайх нимани салоҳ кўрса, ўша иш билан машғул бўладилар.

Баъзилар наздида, мақсад сари йўл иккита бўлиб, ҳар иккала йўл ҳам мақсадга етказувчидир. Бошқача қилиб айтганда, илаллоҳга сафар этувчилар икки тоифадан иборат. Ҳар бир тоифанинг мақсадга етишишнинг ўз йўли бор. Бирининг йўли таҳсил ва такрор бўлиб, булар шариат қўйининг солиқларидир. Иккинчисининг йўли мужоҳада ва азкор бўлиб, булар тариқат қўйининг солиқларидир.

Эй дарвеш! Баъзида солик улдурким, ҳар куни ниманидир ўрганади, баъзида солик улдурким, ҳар куни ўрганган нарсаларидан ниманидир

бутунлай эсидан чиқаради. Баъзида тариқатдаги вазифа – ҳар куни оппоқ қоғознинг бетини кораламоқдир, баъзида тариқатдаги вазифа – қора кўнгилдан ниманидир покламоқдир.

Эй дарвеш! Соликлардан баъзилари айтмишларким, биз наққошлик ҳунарини ўрганамиз. Кўнгил лавҳини таҳсил ва такрор қалами билан жамийки билимлар билан нақшинкор этамиз, токи жамийки билимлар бизнинг кўнглимизда нақшлансин. Бизнинг кўнглимиз лавҳида нақшланган билимлар туфайли кўнгил Лавҳи Маҳфузга айланар.

Баъзи соликлар айтмишларким, биз сайқалийлар ҳунарини ўрганамиз. Кўнгил кўзгусини мужоҳада эгови ва зикр ёғи ёрдамида сайқал бериш йўли билан пок ва мусаффо этурмиз. Кўнгил кўзгуси мусаффо ва покиза бўлганидан сўнг ғайб ва шаҳодат оламида нимаики илм бўлса, унинг акси бизнинг кўнглимизда жило топар. Акс топиш китобат қилишдан кўра шубҳадан холироқдир. Негаки, китобат пайти хатога йўл қўйиш хавфи бор, акс эттиришда эса саҳв ва хатога йўл қўйилмайди. Чин ва Мочин наққошларининг ҳикоятлари машҳурдир, шунинг учун такрорлашга ҳожат йўқ. Яна шуки, илмнинг турлари кўп ва ҳисобсиздир. Инсоннинг умри эса қиска. Умр вафо қилиб, барча илмларни тўлиқ камраб олиш гумондир. Аммо умр вафо қилиб, кўнгил кўзгусини мужоҳада ва зикр йўли билан жоми жаҳоннамо айлаш имкони бор.

Сўз чўзилмаслиги ва мақсаддан узоқлашмаслик учун яна айтаман: эй дарвеш! Йўл биттадан ортиқ эмас. Агар иккита бўлган тақдирда ҳам мужоҳада ва зикр тушиш йўли саломат ва яқинроқдир.

Олтинчи фасл

АВОМ КИШИЛАР ДАРАЖАСИ БАЁНИДА

Билгилки, фарзанд оқ-қорани ажрата бошлаган ёшидан ибодат бобида ота-онасига издошлик қилмоғи лозим. Агар қилмаса, ота-оналар бунга буюрмоқлари керак. Ибодатда издошлик қилишни ислом деб айтадилар. Ақл соҳиби бўлганидан сўнг эса исломдан кейин олтита нарса фарзандга фарз бўлур. Биринчиси, имон: фарзанд Аллоҳ таолонинг борлиги ва бирлиги, пайғамбарларнинг нубувватига ҳеч қандай шубҳа ва гумонсиз имон келтириши шарт. Билсинки, Пайғамбарлар нимаики айтган бўлсалар, рост айтибдилар ва Аллоҳ сўзини айтибдилар. Иккинчиси, амри маъруф – исломда буюрилган амалларни бажо келтириш. Учинчиси, наҳйи мункар – тақиқланган амаллардан узоқ туриш. Тўртинчиси, тавба – нотўғри амалдан чин кўнгилдан пушаймон бўлмоқ. Агар буюрилган эзгу амаллардан бирортасини бажаролмай қолса, ёки тақиқланган ишларга қўл уриб қолса, астойдил пушаймон бўлиб, бошқа бу хатони такрорламасликка аҳд қилиш ва шу аҳдга собит қолиш тавба деб тушунилади. Бешинчиси, рўзғорини таъминлашига ярайдиган бирор касб ё ҳунарни эгалламоқ. Касб эгаллашдан яна бир мақсад – таъмадан холи бўлишдир, чунки имон саломатлигига етадиган зарарларнинг бош сабабчиси – таъмадир. Олтинчиси, такво – касб эгаллашда ҳаром луқмадан, бировнинг молидан, шубҳали ризқдан, давлат моли ҳамда золим кимсаларнинг саховатидан эҳтиёт сақлаш лозим. Сўз ва амалда огоҳ бўлиб, ихлос билан яшамоқ ҳамда риё ва ҳасаддан сақланмоқ керак.

Эй дарвеш! Бу олти нарса барча одамларга оид бўлиб, барча мусулмон аҳлининг ҳуқуқидир. Бу авомнинг даражасидир. Кимки авом даражасидан хос аҳлининг даражасига кўтарилмоқни истаса, хослар амалига шуғулланмоғи лозим. Хослар амали – ё таҳсил ва такрор, ё мужоҳада ва азкор йўлига сулук қилмоқдир. Бу рисолада мужоҳада ва азкор (зикр тушиш) тариқини баён этурмиз.

Еттинчи фасл

СУЛУК ШАРТЛАРИ БАЁНИДА

Билгилки, сулук шартлари олтитадан иборат. Биринчиси, тарк эрур – мол-дунёни тарк этмоқ, амал-мансабни тарк этмоқ, мол-дунё ва амал-мансаб ҳавасини тарк этмоқ, гуноҳ қилишни тарк этмоқ, ёмон хислатларни тарк эмоқдир. Иккинчиси – сулҳдир. Яъни, олам аҳли билан бирваракайига сулҳ қилур, ҳеч кимга қўли ё тили билан озор бермас, шафқат ва марҳаматини ҳеч кимдан дариғ тутмас, ҳаммани ўзидек ожиз, бечора ва толиб деб билар. Учинчиси – узлатдир. Тўртинчиси – хомушликдир. Бешинчиси – очликдир. Олтинчиси – сеҳр эрур. Сулук шартлари ушбулардир.

Саккизинчи фасл

СУЛУК РУКНЛАРИ БАЁНИДА

Билгилки, сулукнинг рукнлари ҳам олтитадир. Биринчи рукн – ҳодий, яъни раҳнамодир. Сулук раҳнамосиз муяссар бўлмас. Иккинчи рукн – раҳнамога иродат ва муҳаббатдир. Солик раҳнамо, яъни пирга етишгандан сўнг уни бутун олам ва ундаги жамийки мавжуд нарсалар ва кимсалардан кўра кўпроқ яхши кўриши керак. Ўшанда у мақсадга тезроқ етишади, чунки соликнинг бу йўлдаги улови иродат ва муҳаббатидир. Агар муҳаббат кучли бўлса, улови ҳам шунча бақувват бўлур, улови бақувват кишига йўлнинг машаққати писанд эмас. Лекин агар иродат ва муҳаббатига заррача халал тушса, улови чўлоқланиб қолар ва солик йўлдан қолар.

Учинчи рукн – эътиқод ва амалда барча ишларда буткул пирга бўйсунишдир. Яъни, солик ота-онага тақлид қилишни тарк этмоғи лозим. Ҳидоят этувчи пирга ҳам эътиқод ва ҳам амалда издошлик қилмоғи лозим, чунки пир – табиб, мурид эса бемор. Бемор агар табибнинг буйруғига итоат қилмаса, ёки унинг айтганларига хилоф иш тутса, ҳеч қачон тузалмас. Тиббий китобларга қараб, ўзини-ўзи муолажа қилиш ҳам фойдадан кўра кўпроқ зарар етказар. Балки, ҳар куни дарди кучайиб, касаллик чуққурроқ илдиз отар. Агар бемор ҳақиқатда тузалишни истаса, табибнинг ҳузурига бормоғи ва унинг айтганларига сўзсиз амал қилмоғи керак. Ўшанда дард ва касаллик ўз-ўзидан барҳам топар.

Тўртинчи рукн – ўз фикр-андиша ва хоҳиш-истагини бутунлай тарк этмоқдир: солик бирор ишни ўзбошимчалик билан, ўз хоҳиш ва иродасига таянган ҳолда – ҳаттоки бу иш ибодат бўлса ҳам – амалга оширишдан воз кечиши керак. Негаки, нимаики солик ўз ихтиёри билан бажарса, бу нарса пирдан ва мақсад йўлидан узоқлашувига сабаб бўлади. Солик ўз раҳнамо пирининг бирор сўзига эътироз билдирмасин, бирор ишини инкор

этмасин, чунки солик яхши-ёмоннинг фаркига бормайди; тоат ва маъсият (гунох) ўртасидаги тафовутни англамайди. Ўзи яхши-ёмоннинг фарқига бориш, ибодат ва гунохнинг фарқига бориш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайдиган улуғ ишдир. Мусо ва Хизр алайҳимоссаломнинг ҳикояти бу маънидан хабар берур.

Эй дарвеш! Кўп сўзлар борки, муриднинг наздида яхшидир, аммо шайхнинг олдида ёмондир; кўп сўзлар борки, муридга ёмон кўринар, аммо шайхнинг наздида яхшидир. Амалларда ҳам шу ҳолдир. Шунинг учун муридга энг яхши йўл – бирваракайига буткул эътироз ва инкорни тарк этсин, шайхдан нимаики эшитса, яхши деб эшитсин, нимаики ундан кўрса, яхши деб қабул қилсин.

Эй дарвеш! Эътироз ва инкор муридга ғашлик ва зулмат келтирур ҳамда мурид ва шайх ўртасига айрилиқ бўлади.

Олтинчи рукн – собитлик ва доимийликдир. Солик сулук шартларига узоқ йиллар собитқадамлик билан риоят қилиши керак. Негаки, дунёвий ишларда ҳам, охират ишларида ҳам собитқадам бўлмаган киши ҳеч нарсага эришолмайди.

Эй дарвеш! Дунёвий ишларда ҳам, охират ишларида ҳам кимки бирор натижага эришган бўлса, фақат собитқадамлик туфайли эришган бўлади.

Бу – сулук шартлари ва рукнлари эдиким, айтиб ўтилди. Сулук ўн икки нарсасиз тамом бўлмайди.

Тўққизинчи фасл

ҲИЖОБ ВА МАҚОМ ТЎҒРИСИДА

Эй дарвеш! Солик айтиб ўтганимиз ўн икки нарсага агар сабот кўрсатса, албатта ҳижоблар ва пардалар унинг кўзидан кўтарилиб, олий мақомларга етади. Ҳижобларнинг асли тўрттага етади: мол-дунёга ўчлик, амалпарастлик, катта авлодга кўр-кўрона издошлик қилиш, гуноҳ ишларга ружу қўйиш. Мақомларнинг асли ҳам тўрттадир: эзгу сўз, эзгу амал, эзгу хулқ, маориф. Маориф деганда кўп нарсаларни билиш – маърифат этиш деб тушунилади. Аммо ўн саккиз нарсанинг маърифати энг зарурдир. Доно солик албатта бу ўн саккиз нарсани билиш, илмул-яқин ва айнул-яқин орқали англаши лозим: дунёнинг маърифати, дунё ишларининг маърифати, охиратнинг маърифати, охират ишларининг маърифати, ажал маърифати, ажал ҳикматининг маърифати, шайтонни билиш, шайтоннинг амрларини билиш, фариштанинг маърифати, фариштa амрининг маърифати, пайғамбарнинг маърифати, пайғамбар сўзининг маърифати, валийнинг маърифати, валий сўзларининг маърифати, ўзлигинг маърифатинг, ўз амринг маърифати, Худонинг маърифати, Худо сўзларининг маърифати. Хоҳласанг, ўн саккизта деб айт, хоҳласанг, тўққизта деб айт, хоҳласанг, битта деб айт.

Эй дарвеш! Шайтон амри билан фариштa амри, нафснинг истаги билан Худо амрининг фаркига бориш, улуғ ишдир. Шу каби набий – пайғамбар ва валийнинг сўзини англамоқ ҳам мушкул ишдир.

Эй дарвеш! Ҳижоблар кўпдир, аммо уларнинг асли тўртта, мақомлар ҳам кўпдир, аммо уларнинг ҳам асли тўрттадир. Ўзингдан даф этишинг ва йўлингдан тозалашинг керак бўлган нарса – ҳижобдир. Ўзингда шакллантиришинг ва ўшанда бўлишинг керак бўлган нарса эса – мақомдир.

Ҳижобнинг маъносини ҳам, мақомнинг маъносини ҳам билиб олдинг. Энди билгилки, жамийки соликлар шу тўрт мақомга юзланмишлар. Бу риёзатлар, мужоҳадаларни тортишларидан мақсад ҳам бу тўрт ҳижобни олдиларидан кўтармоқ ва бу тўрт мақомни камолга етказмоқдир. Кимки бу тўрт мақом – эзгу сўз, эзгу амал, эзгу ахлоқ ва маорифни камолга етказса, ўзи ҳам комил инсон бўлибди.

Эй дарвеш! Бу тўрт ҳижобни орадан кўтармоқ таҳорат олмоққа, тўрт мақомга эришиш эса намоз ўқишга менгзар. Аввал таҳорат, сўнг намоз, аввал ҳижрондир, сўнгра висол, аввал сайқал беришдир, сўнг мунаввар бўлиш. Кимки тўрт ҳижобни орадан кўтарди, таҳорати мукаммал бўлди ва доим покизадир. Кимки бу тўрт мақомга эришди, намоз ўқиди ва доим ибодат ҳолидадир.

Ўнинчи фасл

ТАРБИЯТ БАЁНИДА

Билгилки, подшоҳнинг сайёди лочинни қўлга ўргатмоқчи бўлса, дастлаб кўзларини боғлаб, оёғига банд солиб, оч-наҳор тутиб, кечаси ухлагани қўймайди. Шу орқали нафсини синдириб, ундаги ҳайвоний ва йиртқич куч-куввати камайиб қолади ва лочин сайёд билан унсият топиб, унга ўрганиб қолади. Сайёдга ўрганиб қолганидан сўнг сайёд лочинга ов қилишни ўргатади. Ов қилиш малакаси шаклланганда кейин сайёд лочинни подшоҳ ҳузурига олиб боради. Ва шу орқали подшоҳга яқинлик ҳосил қилади ва лочин энди шаҳбозга айланади. Маълум бўлдики, лочиннинг кўзини боғлаб қўйиш, оёғига банд солиш, кундузи оч-наҳор, кечаси эса уйқоқ сақлашдан сайёднинг асл мақсади унга зулм қилиш эмасди. Балки лочин сайд қилишни ўрганиши учун бу амаллар қўлланилган эди. Шунингдек, маълум бўлдики, сайёднинг лочинга ов қилишни ўргатиши шунчаки овчиликка қизиқиш эмас, балки шу орқали лочинни подшоҳнинг қўлига ўргатиш эди. Шунга ўхшаб, ҳидоят этувчи пир ҳам дастлаб соликни сайд қилар, қўлга тушганидан кейин қоронғи уйга олиб кирар, тилига банд солар, яъни хилват ва узлатга буюрар, кундузи рўза тутмоқ ва кечаси ибодатда бедор турмоққа буюрар, шу билан ҳайвоний қувват ва шайтонийдаррандалик майллар кучи камаяр. Ундан кейин ҳодий – пир соликка ов қилишни ўргатар. Соликнинг сайди илм, маърифат, муҳаббат, мушоҳада ва муоянадир. Сайд қилишни ўрганган солик Подшоҳ ҳузурига етар, Оламлар Подшоҳига қурбат – яқинлик ҳосил қилар. Подшоҳнинг қурбини топган киши эса гуноҳлар бандидан қутулар ва нажот аҳлидан бўлар. Валҳамду лиллаҳи роббил-аламийн.

(Давоми келгуси сонда)

Жон КИТС

(1795–1821)

Рус тилидан
Сафар ОЛЛОЁР
таржимаси

Ҳар қандай етук ижодкорнинг Бадиий Сўз қўллаш амалиёти ва тажрибалари фақатгина ўзига хослиги билан ажралиб туради. Шунинг учун ҳам бу соҳа, аниқроғи, бадиият адибу шоирларда ҳамиша ҳам беназир бўлавермаган. Боиси шу бўлса керакки, ижод майдонига баъзан фавқулодда юксак истеъдод соҳибларининг кириб келиши ҳам равон ва рисоладагидай кечавермаган. Масалан, инглиз шоири Жон Китс[1] (1795–1821) қисқа умри давомида адабиётда салмоқли из қолдира олди, бироқ унинг аянчли қисмати кишилик жамияти олдига "Адабий танқид ижодкорни маънан ўстирадими, ё биратўла руҳан ва ҳатто жисмонан ҳам ўлдирадими?" деган оғир савол қўйишга мажбур қилди.

Ўшанда у ёш эди: ҳали ҳаётий тажрибалари кўламли масъулиятни зиммасига олишига изн бера олмасди. Шунга қарамай у адабиёт майдонида чақмоқдай пайдо бўлди ва, ўша давр нуқтаи назаридан, ноқулай адабий муҳитнинг аянчли таъсирига қарамай, башариятга Маънавий нур – эзгулик улашишга бошқалардан кўра дадил киришди. Таассуфки, бу фавқулодда шашт унинг бебаҳо умр дарахтини навниҳоллик давридаёқ беаёв қирқиб ташлади!.. Шукурки, бу шашт унинг иккинчи, адабий жасорати боис боқийликка дахлдор умрини Абадийлик аталмиш пурвиқор ва бетакаллуф сиру тилсимот – Вақт ўтгани сари тобора улуғланиб бораверадиган муаззам чўққига олиб чиқди! Ажаб, бир тақдирда икки хил ёзиқ: бири – ачинишга, бошқа бири эса улуғлаш ва ҳавасга сабаб...

Жон Китс буюк инглиз шоири Жорж Гордон Байрон билан замондош ва ҳаммаслак эди. "У кўрганини ёзади, мен эса тасаввур қилганимни ифода этаман", деб Байрон билан ўз ижоди ҳақидаги тафовутни ўз давридаёқ аниқлаштирган эди Китс. Байроннинг ҳасратли эпиграммасида айтилишича, Шелли унга Китснинг ўлимини танқидчилар виждонига ҳавола қилиб, алам билан ёзган. Балки истеъдодли шоирни сил хуружидан кўра ноўрин ва нохолис адабий муносабатлар, вақтли матбуотдаги найрангбозликлар (ижодига нисбатан, албатта) кўпроқ бетоб қилгандир!..

Эътироф этиш жоизки, ўз даврида нақадар машҳур бўлган XVI аср шоири Эдмунд Спенсер ижоди Жон Китсни ҳайратга солгани сир эмас. Зеро, унинг машҳур назмий бандига[2] татаббу тарзида ёзган бағишлови шоирга катта шуҳрат инъом этганини таъкидлаш жоиз.

Алалхусус, Жон Китс ижодининг олмос қирраси шундаки, унинг учун Табиат ва Шеърият – қўшалоқ буюк мавжудлик, у уларнинг бирини иккинчисидан ажратиш асло мумкин эмаслигини чуқур ҳис этарди. Бу ҳол унинг – 26 ёшга ҳам тўлмай бу ёруғ дунёдан кўзи очиқ кетган навқирон ва бетакрор шоирнинг назмий битик-

[1] Манба: Джон Китс / Стихотворения и поэмы, - М., "Художественная литература", 1989.

[2] Э.Спенсер кашф этган абаббсбсс тарзида қофияланадиган, ҳар охирги сатри бир ҳижо ортиқча ҳолатда ниҳояланадиган тўққиз сатрдан ташкил топган мураккаб назмий банд

ларида бадиий жиҳатдан шу қадар ўзининг ёрқин ифодасини топганки, бу ажиб ижод намуналаридан бетакрор илоҳий хилқат – кўнгил талаби ила баҳраманд бўлган ўқувчи бунга тўла ишонч ҳосил қилиши шубҳасиз.

Таржимон

УНГА БУ

Тирик буюклар ташланар кўзга:
Бири табиат ила пайваста,
Оламни англар киприк қоқмасдан
Қалбан Хелвиллен чўққиси узра
Бошқаси – кулги ила сўйлайди,
Юртдошлар шаънин сандиқда асрар.
Учинчиси – шу, чизар зўр асар,
Гўё Рафаэлнинг кўзи ўйнайди.
Янги аср қилди қадам ранжида
Ва кўп нарсалар келди эргашиб –
Ўзга дилларга бир олам завқ-шавқ
Ва ёт хислатлар. Базмлар авжида
Донесся ётди калласин қашиб...
Одамлар! Тингланг –
Нафасда бор фарқ.

1816 йил, 20 ноябрь

БАЙРОНГА

Қандай гўзал сенинг гамгин куйларинг!
Юракда нафис ҳис жило таратар.
Гоҳ шафқатга дўниб, удга бош эгар,
Гоҳ титрар бу торга теккан қўлларинг.
Бодаст ёришиб эзгу сўзларинг
Ўзига уйгун бир ҳолатни чорлар –
Сенинг ёрқин шуўланг яшнаса агар,
Зимистон оламга юз очар заррин
Булутлар шунчаки ойни тўсгандай.
Чор тараф нур жилва шавқидан равшан –
Қора мармар оқни яширар атай
Кўрк олиб серҳашам чизиқчалардан.
Қўшиқ куйла, оққуш, куйла, ҳар қалай,
Мафтункор тасалли афзал аламдан.

1814 йил, декабрь

ЁЛҒИЗЛИККА

Агар шу ҳўмрайган бино ичра, о,
Сен ила яшашга маҳкум бўлсайдим!
Ўрлар тўлқинидан чопиб ўтсайдим –

Қўлласа Табиат – сернеъмат даҳо!
Ва ўрмонга борсак, бошимда ҳатто
Яшил қўланкалар жабрин кўрсайдим,
Жилғалар қўриқда жилва қилар жим,
Қув бугу арини ҳуркитар бежо.
Ҳа, бу – фаровонлик, сокинлик аро
Бир ширин суҳбатлар дилга бўлар жо –
Хаёлий ва ақл бовар қилмас шон, –
Бари дарвишнамо, йўқ дилбар севинч,
Қай дам хилватдаги бошпананг томон
Бир жуфт бир ошно парвоз айлар тинч.

1815 йил, октябрь

* * *

О, қандай севаман сокин ёз шомин,
Баралла таралар тилларанг шафақ
Ва кумуш булутлар тизилиб илҳақ,
Сабо сийпаланар – дилкаш бир онин
Инъом айлаб ғамдан қутқарар жонин,
Қутулиб энг қайсар хаёлдан барҳақ,
Бирдан ўнгланишга бўлиб муваффақ,
Эслар унутилган кишилар номин.
Ўтмиш жасоратин тағин эслайлик,
Сидна қабристонин, Мильтон таъқибин,
Қонни уйғотувчи буюк қулайлик,
Руҳан қанот қоқиб эркинлик сари,
Афсункор нигоҳ-ла тикилгум бетин –
Кўнглимни кўтарар севинч ёшлари.

1816 йил, ёз

СОНЕТ

Чосернинг "Ғунча ва япроқ" достонининг тоза саҳифасига ёзилган

Достон бу – дарахтзор, туйғун мисралар
Оралаб эсади салқин шабада.
Қай сайёҳ ҳансираб қолса мабодо,
Япроқлар салқини дармон бахш айлар.
Бужмайиб, у шудринг томчисин излар,
Ловуллаб ўт ёнар юз-пешонада
Ва нашазор беҳол шарпадан зада,
У қайга кўчганин фаҳмлай олар.
Қандай куч гўлликда бунча муқаддас!
Қандай холисона тасаллилар бор!
Менга на машҳурлик, на толе даркор, –
Мен ётардим қалин ўтлоқда бесас

Кўз ёшсиз! – улардай, кимда кўп ҳасрат
Ҳеч ким билмас... қушлар бохабар фақат.

1817 йил, 27 февраль

ДЕНГИЗ

Бақо шивири-ла ором олар у,
Баногоҳ чайқалиб гор сари сузар,
Ва бетин шафқатсиз уни эритар,
Ва гордан чиқаркан кўтарар гулу.
Секинроқ мисол йўқ, бўп турадиган-ку,
Лекин чиганоқни эҳтиёт қилар,
Охирги қасирга қиргоққа элтар,
Во ажаб, аларга очиқ кондир бу.
Воҳ, унинг бунчалар заиф қароги!
Кенг денгиз кўзларга беради ором.
Сиз ҳам, эй шаҳарда айлаган хиром,
Кўп икир-чикирдан битган қулоги,
Денгиз шов-шувида бир текис маром,
Кўпиклар қўшигин билмайсиз чоги!

1817 йил, 16-17 апрель

* * *

О, бунча қизарма, бунча қизарма!
Ёки сени шунча қизиқтирдимми?
Агар сен жилмайсанг – қирмизи ораз,
Муқаддаслик иффат деб билайинми?

"Йўқ, ҳеч қачон!" учун ор бўёғи бор
Ва "Марҳамат қилиб айтинг" учун ҳам,
Ўйлаб кўриш ила иккиланишга –
"Бу қандай рўй берди?" қаторда бекам.

О, бундай хўрсинма, бундай хўрсинма,
Момо Ҳаввога ҳам ёққан ёгупа!
Дудоғингга қўнган нафис қирмизи
Ва уни ҳамиша мақтардинг кўпга.

Кел бўлмаса, олма терамиз яна –
Бизлардан баҳор ҳам қочиб қутулмас!
Насиб этди айнан ўша хушбахт он,
Эмди обдан ўйнаб-кулсак бўлар, бас.

Оҳ урарлар "ҳа-я!", куярлар "йўг-е!" –
Ҳажрида ўртаниб, ёш тўкиб чак-чак...
Авло бўлмасмиди жаннат мевасин
То ўзагигача иккига бўлсак?

1818 йил, 31 январь

NASR

Бранислав НУШИЧ

(1864–1938)

ЎН УЧ ОЙДАН СЎНГ...[1]

Роман

Рус тилидан
Бобохон МУҲАММАД ШАРИФ
таржимаси

ЎН БЕШИНЧИ БОБ

Бу бобда китобхонга мутлақо нотаниш янги бева пайдо бўлади

Мен романни силлиққина, равонгина бошлаб, ҳар бир янги бобда олдингисини мантиқан давом эттирадиган, кейин эса китобхонни дафъатан эсанкиратиб қўйиш ва калаванинг учини йўқотиш учун мутлақо янги персонажни киритадиган ва бу бобда олдингисининг давоми деб ҳеч айтиш мумкин бўлмаган воқеаларни ҳикоя киладиган муаллифларни жинимдан баттар ёмон кўраман. Аммо романимда бунака номақбул усулдан қанчалик қочишни истасам-да, бунга кучим етмайди, чунки шу топда китобхонга таништирмоқчи бўлганим бевани четлаб ўтишнинг ҳеч иложи йўқ. Китобхонлар бу бева билан танишганидан сўнг, уни четлаб ўтиб бўлмаслигини тушуниб олишади.

Уни қизлик вақтларида Мица деб аташарди, эри учун Милка бўлган, эндиликда эса, яъни тулга айлангач, уни Милева хоним деб аташади. Милева хонимнинг бевага айланганига эндигина уч ой бўлган. У ҳали мотам либосида юради, ҳар шанба куни эрининг қабри тепасига боради, бу қабрнинг устига шаббўй эккан, каравотининг устида эса, эрининг гардишига юпқа қора гажим матодан ҳошия тутилган сурати туради. Марҳумни қанчалик севганини, ҳеч бўлмаса, Милева хонимнинг дафн хабарномасини қандай сўзлар билан тугатганидан билиш мумкин: “Барча дўстлар ва танишлардан чуқур қайғумизга ҳамдард бўлишни сўрайман”, имзоси: “Тасалли топмаётган Милева”.

Тасалли топмаётган бу Милева тиқмачоқдек хонимча; ёноқлари лўппи, чиройли кўз-қошлари қоп-қора, оғизчаси шунчалик кичкинаки, бу аёл эрига мутлақо гап қайтармайдигандек ёки биров тўғрисида ҳечам кабиҳ гап айтмайдигандек туюлади. Милева хонимнинг алоҳида белгиларига келганда шуни айтиш керакки, ҳомиладорлигининг тўққизинчи ойида ҳамма хотинларда кузатиладиган хусусиятлар унга ҳам бегона эмас.

[1] Давоми. Бошланиши ўтган сонда.

Атиги ўн ой олдин у турмушга чиқди, эри билан бор-йўғи олти ой бирга яшади ва мана энди отасининг вафотидан кейин туғилажак боласи билан бева бўлиб қолди. Марҳум ўз зурриёдини кўрадиган соатгача яшаганда қандай яхши бўларди, лекин унга бу насиб қилмади, ҳолбуки, бечора нечоғлиқ суюнарди.

Марҳум оққўнгил, ювош одам эди: агар унга ётиғи билан тушунтирилса, ҳар қандай нарсага ишонтириш мумкин эди. У фақат бир масаладагина бироз тихирлик қилган, ўзини тушунмаётганга олган эди. Гап уни васиятнома ёзишга кўндирмоқчи бўлганлари устида боряпти. Бирок Милева хоним унинг қаршилигини жуда усталик билан енгди. Хоним бу ҳақда эрига сўзлашни хоҳламади – бир жон-бир тан бўлиб яшаган кишини ранжитишдан худо асрасин! У истеъфодаги судья жаноб Милиядан буни илтимос қилди. Жаноб Милия – басавлат, сертакаллуф, гапга чечан, суҳбат мавзуига секин-секин яқинлашишни биладиган киши.

Марҳум вафотидан икки ой олдин ҳақиқатан ҳам шундай ёмон ҳолга тушгандики, исталган бир лаҳзада ўлиб бериши мумкин эди. Агар у васиятнома ёзмасдан ўлиб қолса, жуда ноқулай бўларди, чунки укалари ва бошқа қариндошлари бор. Ўлаётган одамга васиятнома ёз, деб айтиш ҳам оғир иш – бу унинг руҳиятини қаттиқ ларзага солади.

Шунинг учун Милева хоним жаноб Милияни уйига таклиф қилди-да кўз ёши аралаш бундай деди:

– Жаноб Милия, эримни қанчалик яхши кўришимни ўзингиз ҳам биласиз, бошқалар ҳам билишади. Тўғриси, ўлиб қолса, дош бера оламанми, йўқми, билмайман. Ҳар ҳолда дош беролмасам керак. Ўзингиз ўйлаб кўринг, мен унга қандай қилиб васиятнома ёзиш керак, деб айта оламан?

– Ростдан ҳам, – маъқуллади жаноб Милия, – буни айтишингиз жуда ноқулай.

– Вазият жуда қалтис, – хўрсинди Милева хоним.

– Ҳақиқатан ҳам қалтис, – хўрсинди жаноб Милия ҳам. У ҳамдардлигини билдириш учунгина хўрсинди, чунки унда хўрсиниш учун бошқа алоҳида сабаб йўқ эди.

– Агар шу ишни сиз ўз зиммангизга олганингизда эди... Ҳамма менга бу ишни сиз усталик билан бажаришингизни айтяпти, унга секингина шама қилган бўлармидингиз.

– Хизматингизга тайёрман, – илтифот билан жавоб берди жаноб Милия. – Шама қилишни эплайман, гапни эҳтиёткорлик билан узоқдан айлантириб олиб келаман.

Жаноб Милия шундай деб, ўрнидан турди, виқор билан йўталиб олди ва беморнинг хонасига ўтди. Касал билан саломлашгач, у ёқдан, бу ёқдан савол ташлади, сўнг узоқдан айлантира бошлади:

– Дўстим, афтидан ўзинг ҳам сезиб турган бўлсанг керак, икки кундан кейин ўласан. Бу дорилар, рецептларнинг нима фойдаси бор... ҳаммаси бекорчи иш... улар сенга ҳечам ёрдам бермайди! Аҳволингга бир қара – мана, қулоқларинг юпқалашиб қолибди, лабларинг ҳам кўкарибди. Тўғри, бу гапларни сенга ҳеч ким очиқ-ойдин айтмайди; бизнинг замонамизда ҳақиқатни кўзингга қараб очиқ айтишга қобил дўстлар оз. Лекин мен айни шундай чин дўстларданман!

Жаноб Милиянинг илк сўзларидан кейинок касалнинг кўзлари олайди, ёстиқдан бошини кўтарди ва кўркувдан терак баргидек титрай

бошлади. У ёрдамга чақирмоқчи бўлиб оғзини очди, бироқ овози унга хиёнат қилди.

Илк сўзлариёқ зарур таъсир ўтказганига ишончи комил бўлган жаноб Милия беморга дўстларча, очиқчасига ўгит беришда давом этди:

– Модомики, ўзинг кўриб тургандай, ўлим ёқасида турган экансан...

Бемор ўлимни кўрмаяпман, демоқчидек қўл силтади, лекин жаноб Милия давом этди:

– Кўрмаяпман, деяпсанми? Хўш, ҳеч бўлмаса, биттагина эътирозинг борми? Ҳа, индамайсан-а, индамайсан, чунки айтадиган гапнинг ўзи йўқ. Ўзинг ўйла, балки, "Парвардигор мурувватн, дори-дармон, докторлар..." дегандай ҳаҳоналар киларсан. Шуям важ-корсонми?! Дўстим, бу баҳоналар бир чака! Сендан қурук тери ва суяк қолганини, кўзларинг ўликникидек киртайганини наҳотки кўрмаётган бўлсанг? "Парвардигорнинг карами кенг!" дегани шунчаки, йўлига айтилган гап, ҳамма мархумлар бу гапни такрор-такрор айтган, хўш, кимга нафи тегди?

Хастанинг кўзларидан ёш сизди, лаблари баттарроқ кўкарди, қаттиқ титроқдан тишлари такиллади.

– Шунинг учун, – давом этди жаноб Милия, – сен қилишинг мумкин бўлган энг ақлли иш – васиятнома ёзишдир. Имкон борича тезроқ ёзишинг даркор. Шуни тушунгинки, айниқса, ўлаётган одам "Бугунги ишни эртага қўйма!" деган мақолни ёдда тутиши лозим.

Жаноб Милия яна нималардир демоқчи эди, лекин хаста бу даҳшатли ҳақиқатдан қандай қутулиш йўлини билолмай, бошқа ёнига ағдарилдида, бошига кўрпани тортиб, кулоқларига бармоқларини тиқиб олди.

Энди гапларини бемор эшитмаслигини фаҳмлаган жаноб Милия ўрнидан турди ва даҳлизга ўтди. Бу ерда уни Милева хоним сабрсизлик билан кутарди.

– Хўш, қалай, рози бўлдими? – сўради у.

– Ҳеч ташвишланманг, мен гапни узоқдан айлантирдим ва, энг аввало, уни яқинда ўлишига ишонтирдим. Ишонаверинг, энди у ўлишига мутлақо ишонди.

– Сизга катта раҳмат! – деди ғамгин қиёфада бўлғуси бева.

– Фақат шундан кейингина васиятнома масаласига ўтдим. Бу масалада ҳам уни ишонтирдим, шекилли.

Милева хоним жаноб Милияга жуда навозиш билан раҳматлар айтди, уни эшик олдигача кузатиб қўйди, кейин бемор эрининг хонасига қайтди. У хонага кирган чоғда бемор кўрпа остидан ишонқирамай мўралади ва бу Милия эмаслигига ишонч ҳосил қилгандан кейингина, бошини кўрпадан чиқариб, хотинини шивирлаб ёнига чорлади.

Милева хоним ғамгин қиёфада тўшакка яқин борди.

– Бу жанобни, – шивирлади бемор, – ҳозиргина бу ердан чиққан жанобни ҳеч қачон ёнимга киритма. Бу одам остонада кўринган заҳоти хизматкорларга уни кўчага улоқтиришни буюр. Итдай калтаклашсин, сўнгра тепиб чиқаришсин.

Хастани яна қалтироқ босди, ҳарорати кўтарилди, аҳволи кескин ёмонлашди. Жаноб Милия келмасидан олдин дорилар кор қилиб турган бўлса, энди бутунлай ишнинг пачаваси чиқди. Бемор ҳушини йўқотди, кейин алаҳсирай бошлади. Унга жаноб Милия энди пенсионер эмас, тиш

доктори бўлиб кўринаётган эди. У озиқ тишини суғуртириш учун жаноб Милияни таклиф килган; мана, жаноб Милия омбирни унинг оғзига тиқди, лекин тиш ўрнига жонини қисиб олди ва тортаверди, тортаверди... Энди ўлаётган беморни ана шундай тушлар қийнай бошлади, у жон ҳолатда қўлларини силтар, тепинар ва алаҳсирарди:

– Омбир... вой, вой... бу тиш эмас, жоним-ку... Милия!.. Милия!..

Бемор кечаси билан шундай азоб тортиб чиқди, эрталаб уйғонганида ўзини янада абгорроқ ҳис қилди. Шунда васиятнома ёзиш вақти етганини ўзи ҳам фаҳмлади ва бу истагини Милева хонимга айтди. Милева хоним бўлса, бир дақиқани ҳам бекор кетказмай, зудлик билан адвокат ва гувоҳларга одам юборди.

Улар етиб келишди, васиятнома тинч-осойишта тузилди ва имзоланди. Марҳум каттагина бойлигини қуйидагича тақсимлашни буюрган эди:

Агар Милева хоним эрининг ўлимидан кейин ўғил туғса, марҳумнинг икки юз минг динорлик бутун бойлиги ўғлига мерос қолади, Милева хоним мол-мулкнинг асосий ҳомийси ва бошқарувчиси этиб тайинланади. Агар қиз туғилса, унга сеп тариқасида ўн икки минг динор берилади, Милева хонимга "муносиб нафақа" тайин этилади, колган пуллар марҳумнинг укалари ва бошқа қариндошларига ўтади.

Васиятномадан кўриниб турганидек, Милева хонимга қиздан кўра, ўғил туғиш фойдалирок. Бошқача қилиб айтганда, унинг туғиши лотереяни эслатарди – хоним ё асосий ютуқни олиши, ё ютуқлар жадвалида юлдузча билан кўрсатиладиган нарсани олиши мумкин эди.

Кўз ёриши ёки "ютуқ ўйини" китобхонлар Милева хоним билан танишганларидан бир ҳафта кейин содир бўлиши лозим эди.

ЎН ОЛТИНЧИ БОБ

Бу бобда интим ҳодисалар билан боғлиқ кўз ёриш, йўргак, таглик, доя хотин, янги тоғора, поп, чўқинтирган ота, чўқинтириш маросими, кўрмана бериш ҳамда бошқа майда ва йирик ишлар баён этилади

Васиятнома ёзилгани, бемор вафот этгани, тантанали равишда дафн этилгани ва муносиб тарзда аза тутилгани ортидан Милева хонимнинг сўнгги расмиятчиликни бажариши – яъни туғишидан бошқа иши қолмаган эди.

Ўз-ўзидан тушунарлики, Милева хоним ўғил туғишига жудаям умид боғлаётганди, чунки доя – Ленка холанинг далдаларига ишонарди. Лекин ишонишининг асосий сабаби шу эдики, болани кўриб, марҳум эрини кўргандай бўлади. Боёқиш марҳум эрини ҳалигача сира унута олмаётганди.

Кампир унга жуда яхши маслаҳат берди:

– Бола чиройли бўлиши учун бадбашара одамларга караманг, кўпрок келишган йигитларга каранг.

Милева хоним шу мақсадда пешиндан кейин дераза олдига ўтириб оларди. Суд ходими Васа Жюрич шу дераза тагидан ўтиб, ўзига қайтишни хуш кўрарди. Бироқ ёш йигит ташқи кўриниши билан гўзаллик ижод этилишига кўмаклашаётганини билмасди ҳам.

Васиятномада писанда қилинган охирги расмиятчиликни бажаришга тайёргарлик шу тариқа пировардига етказилди. Ажойиб кунларнинг бирида тикувчи йўргаклар, тагликлар, яктакчалар ва бошқа турли лаш-лушларни келтирди; янги тоғора олиб келинди ва шу лаҳзадан эътиборан ҳамма нарса таппа-тахт бўлди, ҳатто, иссиқ сув ҳам керагидан ортиқ ҳозирлаб қўйилди.

Бир сафар ҳар куни ғамлаб қўйиладиган иссиқ сув мис қозонда қайнар экан, Милева хоним йўргаклар, тагликлар ва бошқа лаш-лушларга тўла хонанинг деразаси олдида жаноб Васа Жюрични кутиб ўтирганида эшик оҳистагина тақиллади.

– Киринг! – деди бевалардек маҳзун овозда Милева хоним.

Эшик очилди-ю, хонага астагина, тавозе билан, дўстона қиёфада Фича кириб келди.

Фичанинг хулқ-атвори ва машғулоти билан таниш ўқувчилар, табиийки, у Милева хонимнинг ҳузурига тери сотиб олиш ёки эски хомутларни сотиш, борингки, ё бўлмаса, оқсоч таклиф қилиш учун келгадир-да, деб тахмин қилиб ўтиришмаса керак. Йўқ, у жуда муҳим ва аниқ юридик иш юзасидан келди. Бу қанақа иш экани ҳақида Фича билан Милева хонимнинг қуйидаги суҳбатини ўқиб тасаввурга эга бўламиз.

Ф и ч а. Биз сиз билан таниш эмасмиз, лекин бунинг ишга ҳеч бир даҳли йўқ. Мен адвокат Фичаман, таниқли адвокат Фича.

М и л е в а х о н и м. Жуда яхши, сизга нима керак?

Ф и ч а. Биласизми, хоним, мен сизнинг ишингиз билан танишман. Расман бу жуда мураккаб иш ва кўпгина тегишли моддаларга тааллуқлидир; бу моддалар, Европанинг барча қонунларини ҳисобга олганда, бир-бирига зиддир.

М и л е в а х о н и м. Жаноб, мен сизни тушунмаяпман.

Ф и ч а. Тушуниш мушкул, чунки, ҳали айтганимдай, иш оддийгина эмас.

М и л е в а х о н и м. Хўш, сизга нима керак ўзи?

Ф и ч а. Ҳозир айтаман. Мен марҳум эрингизнинг васиятномасидан бохабарман.

Бу сўзлардан кейин Милева хоним ҳеч нарса демади, лекин бутун гавдаси билан Фича томонга бурилди ва диққат билан қулоқ сола бошлади.

Ф и ч а. Бу васиятнома, ҳурматли хоним, сизни ўғил туғишга мажбур қилади, чунки қиз туғсангиз борми, ишингиз расво бўлади. Қиз туғмоқчи эмассиз деб умид қиламан.

М и л е в а х о н и м. Ҳечам! Лекин қайдам, қаердан ҳам билай... Менку ўғил туғишни хоҳлайман, аммо ҳаммаси Худонинг иродасига боғлиқ.

Ф и ч а. Гап айни шундаки, бу Худога эмас, сизга боғлиқ, хоним.

М и л е в а х о н и м *(даҳшат ичида чўқинади)*. Ё Худо, сиз нималар деяпсиз?!

Ф и ч а. Эшитган гапларингизни айтяпман! Ҳаммаси ўзингизга боғлиқ – тегишли қонунни заррача бузмаган ҳолда сиз ўғил туғишингиз мумкин. Агар менга ишонсангиз, мен шундай қилишим мумкинки, сиз...

М и л е в а х о н и м *(Фичанинг охирги сўзларини нотўғри тушуниб, қип-қизариб кетади ва эшитилар-эшитилмас шивирлайди)*. Қизиқмисиз, мен тўққиз ойлик ҳомиладорман...

Ф и ч а. Жуда яхши-да. Тўққиз ойлик ҳомиладорсиз, бир неча кундан кейин кўзингиз ёрийди, ўғил туғсангиз, бахтли бўласиз. Бу ҳолда менга яхши ниятим ва хизматга ҳозирлигим учун бирваракайига юз динор берасиз, тамом-вассалом. Лекин... *(шу ерда Фича овозини баландлат*ади) қиз туғсангиз, ёнингиздаги хонада янги туғилган ўғил чақалоқ бўлади, унинг отаси ҳам, онаси ҳам йўқ. Фақат шугина эмас, унинг қандай туғилгани, умуман, номаълум.

(Милева хоним нима деярини билмай, қўрқа-писа атрофга олазарак бўлиб қарайди. Кўринишидан унга режа маъқул келган, лекин у бу кишига ишониш мумкинмикан, дея иккиланади...)

Ф и ч а *(унинг ўй-фикрини тушуниб).* Эҳтимол, сизга тамоман бегона киши бўлганим учун менга ишонишдан чўчиётгандирсиз. Сиз янглишяпсиз, бу иш жуда оддий. Фақат буни ўйлаб топиш қийин бўлди, шугинанинг қиймати, бошқача айтганда, менинг хизмат ҳақим бор, холос. Муҳтарама хоним, менга тўла ишонишингиз мумкин, чунки ҳаммаси фош бўлиб қолса, бу ишга алоқадор моддалар олдида мен ҳам сиз билан баравар айбдор бўламан. Шунинг учун мен ўзимни асрашим даркор, ўзингиз буни тўғри деб топсангиз керак...

М и л е в а х о н и м. Агар... ҳалиги... билиб қолишса-чи?

Ф и ч а. Билишмайди. Мен мум тишлаб юраман, сиз ҳам чурқ этмайсиз.

М и л е в а х о н и м. Доя-чи?

Ф и ч а. Доями?.. Сизга менинг хотиним доялик қилади, ҳозиргисини қувиб юборинг.

М и л е в а х о н и м. Бола нима бўлади?

Ф и ч а. Ўғилча сизда қолади.

М и л е в а х о н и м. Қизалоқ-чи?

Ф и ч а. Уни бирортасига берамиз, у ёғи менинг ишим. Шундай қиламанки, уни кимга берганимни ҳеч зоғ билмайди. Сиз фақат қизчангизни боқиш харажатларини ойма-ой тўлаб борасиз.

М и л е в а х о н и м *(жим қолади, узоқ жим ўтиради, ўйлайди).* Ух, буни ўйлашнинг ўзи дахшат!

Ф и ч а. Ўзингиз танланг – ё ўзингиз хоҳлаганингизча тасарруф қиладиган икки юз минг динор, ёки "муносиб нафақа".

Милева хоним ўрнидан турди, ҳаяжонга тушиб, хона ичида кезди, яна Фичанинг ёнига келди, кўзига тикилди, ниманидир сўрамоқчи бўлди, лекин сўрамади. Фича илдамлик билан давом этди:

– Сиз, афтидан, бу хизмат учун қанча талаб қилишимни сўрамоқчисиз шекилли. Сизни ишонтириб айтайки, мен камтар одамман, менга кўп керак эмас, бундай хизмат эвазига қанча ҳақ тўлаш адолатли, деб топсангиз, менга шунчаси бўлаверади.

– Йўқ, бу гапиришга ҳам арзимайди, бу осон... Аммо... юрагим бетламаяпти, бунга қарор қилиш осон эмас.

Лекин, барибир, анча иккиланишлардан кейин Милева хоним таклифни қабул қилишга рози бўлди ва Фича билан битим тузилди.

Ўша куни Милева хоним кечикиб келгани учун доя Ленка холадан ғазабланди ва уни қувиб юборди, ўрнига Фичанинг хотинини олди. Тўғри, кўплар бунга ҳайрон бўлди, чунки Фичанинг хотини ҳеч қачон бунақа ҳунар билан шуғулланмаган эди, аммо туғадиган аёлнинг хоҳиш-иродаси шундай, қўяверинг...

Ниҳоят узоқ кутилган кун келди. Милева хоним боши остида учта каштали ёстиқ, қизил ипакдан тикилган махсус кўрпа тагида ётибди, ён-верида бундай ҳолларда керак бўладиган нарсалар.

Хонага Фичанинг хотинидан бошқа ҳеч ким кира олмайди, Фича аллақачон қўшни хонада кўним топган, у васиятномада талаб қилинган болани дунёга келтиришга ҳозиру нозир.

Милева хонимни тўлғоқ тута бошлади ва Худонинг марҳамати билан... ўғил, тўғри, икки ярим ҳафталик каттагина чақалоқни туғди, лекин бунинг ҳечқиси йўқ. Ортиқча бўлиб қолган қизалоқни Фича ўша кечаси қаёққадир олиб кетди.

Эртасига Милева хоним тунда марҳумга жуда ўхшайдиган чиройли ва соғлом бола туққани ҳақидаги хабар шаҳарга тарқалди.

Халқ урф-одатига кўра, чақалоқ чўқинтирилгунга қадар Момчило деган исмга эга бўлди. Бир ҳафтадан кейин уни чўқинтириб, Неделько деб исм қўйишди. Шундай қилиб бечора Милич иккинчи марта туғилди, иккинчи марта чўқинтирилди. Чақалоқнинг чўқинтирган отаси маросим ўтгунча болани кўтариб тураман деб қўли узилиб тушишига сал қолгани ҳақида кума хотинга[1] жиддий шикоят қилди.

– Худойим бу болага соғлиқ берсин, лекин бунақа дуркун чақалоқни шу чоққача бирон марта чўқинтирмаган эдим.

ЎН ЕТТИНЧИ БОБ

Қирқ кундан кейин

Орадан қирқ кун ўтди. Бошқача айтганда, йилдаги энг катта рўзага тенг вақт ўтди. Милева хоним бардам, икки юзи қирмизи, шоду хуррам ўрнидан турдики, уни кўрган жаноб Васа Жюрич "Гўзал бевача!" деб хитоб қилмай туролмади.

Жамоанинг собиқ боласи, собиқ Милич, ҳозирда бўлса, Неделько беклардек ипак йўргакда, ипак кўрпача остида, бежирим бешикда ялпайиб ётарди, оғзида – ҳалқаси никелланган сўрғич. Бундай қимматбаҳо сўрғични Прелепница жамоаси бошқаруви агар жамоанинг барча фуқароларига махсус солиқ тўлатганда ҳам сотиб олиб беролмаган бўларди.

Ўз тақдиридан мамнун Неделько ичида: "Югурдакларнинг қўлида турли расмий ҳужжатларга илова тарзида сарсон бўлгандан, ё попнинг жуббаси остида кезгандан, ёки баққол Йова оғзимга тиққан каттакон ёғоч қошиқдаги сутга тикилгандан кўра мана шуниси анча яхши", дея фикр юритаётган эди.

Аслида, Неделько ҳеч нарса ҳақида фикр юритгани йўқ, чунки у ҳали фикрлай олмасди, лекин, агар қўлидан келганида, Неделько айни шундай фикрлаган бўлишига роман муаллифининг ишончи комил.

Ҳозирча у ҳаёт завқини сураётир, Милева хоним эса, гарчи энди жаноб Васани кўриш учун ҳеч қандай зарурат бўлмаса-да, – чунки у чиройли

[1] Кум – болани чўқинтирган киши шу боланинг ота-онаси ва чўқинтирган онасига нисбатан кум бўлади; болани чўқинтирган хотин эса боланинг ота-онаси ва чўқинтирган отага нисбатан кума бўлади.

болани туғиб бўлган эди-да, – илгарилари мамнуният билан ўтирадиган ўша дераза олдида ўтиришда давом этмоқда.

Тўғри, одат – кишининг иккинчи табиати. Милева хоним дераза олдида ўтиришга, жаноб Васа бўлса унинг деразаси олдидан ўтиб-қайтиб туришга одатланган. Мана шу "иккинчи табиат" Милева хонимни шунчалик ўзгартириб юбордики, у жаноб Васа ўтиб қолган пайтда, ҳатто, деразани очиб қўядиган, жаноб Васа бўлса, ҳали муюлишга етмасданоқ бўйнини чўзиб қарайдиган бўлди.

Жаноб Васа судда ходим бўлиб ишларди ва буни карангки, у айни мерос ишлари бўлимида хизмат қиларди, шунинг учун унинг мерос иши билан ҳам, беванинг ўзи билан ҳам шуғулланишнинг ҳеч қандай ажабланарли жойи йўқ. Бева билан танишганидан кейин, меросга алоқадор маслаҳатлар бериш учун Васа ундан тез-тез хабар олиб турадиган бўлди. Милева хоним энди асосий васий сифатида меросни ўзи билганича тасарруф этарди.

Хонимни биринчи марта зиёрат килганида Васани жуда хурсанд бўлиб кутиб олишди, мураббо ва қаҳва билан сийлашди; иккинчи келишида мураббо, қаҳва, бир стакан раки... ва Милева хоним унинг учун махсус пиширган печеньени тановул қилди. Учинчи келишида мураббо, қаҳва, раки, печенье ва Милева хоним чиройли қўлчалари билан арчган ширин олма берилди. Шу муносабат билан жаноб Васа ва Милева хоним қарта ўйнадилар. Васа тўртинчи бор келишида илгари тортилган неъматларнинг ҳаммасини тановул килди, лекин бу сафар улар қартани узоқ ўйнадилар ва шу муносабат билан Милева хоним азадан чиқишга қарор берди.

– Тўғри айтяпсиз, жаноб Васа, – деди у хўрсиниб, – ҳаётда ғам шундоғам тиқилиб ётибди. Абадий азада юракнинг ғуссага ботгани етар, энди қора киймаса ҳам бўлаверади.

– Фақат шунинг учун эмас, хоним, – дарҳол уни қувватлади жаноб Васа, – гап шундаки, гулдор кўйлак сизга жуда ярашади-да. Масалан, мовий ранг кўйлак юзингиз ва сочларингиз билан уйғун бўларди! Менинг тасаввуримда фаришталар мовий рангда кўринади, шунинг учун уларнинг уст-боши ҳам осмон рангида бўлиши керак.

– Ў, сиз хушомадни жуда қойиллатар экансиз! – деди бева ва ийманибгина олма бўлагини арчди, пичоқ учига қистирди ва жаноб Васага узатди.

– Хушомад дейсизми?! – эҳтирос билан гапни илиб кетди жаноб Васа. – Худо сакласин-э! Ўзингиз бир ўйлаб кўринг, тўқ гунафша ёки тўқ қизил кўйлак кийган фаришталар қандай кўринарди? Ким билади, жуда хунук бўларди!

Бу зиёрат вақтида Милева хоним жаноб Васани эртага кечки овқатга таклиф қилди. Келгуси бобда гап шу кечки овқат ва жаноб Васа ҳақида боради, шунинг учун жаноб Васа билан яқинроқ танишиб олайлик.

У хушбичим йигит эканини ўтган бобдан билиб олган эдик; унинг ёш йигит экани ҳақида гапириб ўтиришнинг ҳожати ҳам йўқ, лекин шуни алоҳида таъкидлаш керакки, жаноб Васанинг шу ёшлигидан бошқа ҳеч вақоси йўқ эди. У қандайдир тижорат мактабини битиргач, солиқ йиғувчи бўлган, кейин эса полиция ходими сифатида хизмат қилган, у ердан суд идорасига ўтган. Бу хизматда у икки жуфт бошмоқ, тўртта оқ нимча, тўрт жуфт шим, учта камзул, ўн еттита галстук, йигирма тўртта дастрўмол орттирган, шунингдек, маошининг ярми хатга тушган. Қарзларини

ҳисобга олмаганда, унинг бор нақдинаси шундан иборат. Унинг турли-туман қарзлари бор, улар орасида шундайлари ҳам борки, ҳайратга тушади киши. Масалан, "Спасич ва компания" савдо фирмасининг қарз дафтарида унинг қарзлари рўйхати қуйидаги кўринишда эди:

6 та аёллар кўйлаги – 18 динор
"Бронер" фирмасининг 1 жуфт аёллар туфлиси – 13 динор
24 та елпиғич – 14,40 динор

Шуни айтиш керакки, Васа аёллар кўйлагини киймас, аёллар туфлисида рақс тушмас, йигирма тўртта елпиғичда елпинмас эди.

"Ака-ука Димитриевичлар" дўконидан қарзлари қуйидагича эди:

2 қути упа – 5 динор
48 дона сочтўғноғич – 0,60 динор
1 дона юзтўр – 1,50 динор
1 дона белдамча – 4 динор

Агар жаноб Васанинг эркак киши экани – бу уни ходим қилиб ишга олиш тўғрисидаги буйруқ, чўқинтириш тўғрисидаги қайд билан ўз тасдиғини топган – ҳисобга олинса, унинг қарзлари тўғрисидаги ушбу маълумотлар ҳақиқатан ҳам ғалати туюлади. Қовоқхоначи Спаснинг қарз дафтаридаги қайдлар эса тамоман бошқа гап:

1) Хона (№7) учун беш ойга ҳақ тўланмаган – 125 динор
2) Тўрт ойлик овқат ҳаки тўланмаган – 160 динор
3) Нақд берилган қарз – 72 динор
4) Бир кеча учун машшоқларга тўланган – 10 динор
5) Бир кеча учун машшоқларга тўланган – 8 динор
6) Бир кеча учун машшоқларга тўланган – 12 динор
7) Машшоқлар учун кечки овқат ва ичкилик – 9 динор
8) Кир ювувчи хотинга тўланди – 17,50 динор

Лекин қарз берувчилар фақат юқорида номлари тилга олинган фирмалардангина иборат эмас. Унга асосий қарз берувчилар – бевалар. Энг қизиғи, бу киши мерос ишлари бўйича бўлимга жойлашди дегунча, унда бевалардан қарз олиш одати пайдо бўлди.

– Бевалардан қарз олиш жону дилим! – дерди у ва бу одатига шу қадар матонат билан риоя қилардики, масалан, бева эркаклардан ўлақолса ҳам, ҳеч қачон қарз сўрамасди.

– Уларга қарзларингни қандай тўлайсан? – сўради бечора архивариус. Бу бечора эллик ёшга тўлгандагина мерос ишлари бўйича бўлимга зўрға кўтарилганди.

– Бўлиб-бўлиб, – дея жавоб берди жаноб Васа. – Бевалардан бошқачасига қарз олинмайди. Мен севгини ҳам насияга оламан, қарзларимни ҳам бўлиб-бўлиб тўлайман.

– Насияга севги? – ёқасини ушлади архивариус. У ҳаётда бирор марта бўлсин севги нашидасини сурмаганди, умрида бирон марта ананас ёки банан еб кўрмаган кишиларга ўхшарди.

– Ҳа, насияга, – тасдиқлади жаноб Васа. – Севги – муайян мажбурият, севган кишимиз олдида ана шундай мажбурият оламиз, тўғрими?

– Тўғри! – деди архивариус гарчи бу ҳақда умуман тасаввури бўлмаса-да.

– Шундай экан, – давом этди жаноб Васа, – қачон, қай йўсинда бўлмасин, мен муҳаббат бобидаги қарзларимни ҳам ана шу тариқа бўлиб-бўлиб тўлайман. Энди тушунарлими?

– Тушунарли! – жавоб берди архивариус. Аслида, у ҳеч нарсани тушунмаган эди.

Жаноб Васа Жюрич ана шунақа киши эди. Аммо, юқорида тилга олинганлардан ташқари, унинг яна бир жозибали фазилати бор эди – у ҳикоя қилишга уста бўлиб, ўзгаларнинг кўнглини ёзишни биларди. Романнинг кейинги бобини ўқиб, бунга ишонч ҳосил қиламиз.

ЎН САККИЗИНЧИ БОБ

Жаноб Васанинг қадоғи

Ўтган бобдан билиб олганимиздек, жаноб Васа эртасига кечкурун Милева хонимникига кечки овқатга таклиф қилинган эди.

Хонанинг ўртасида чоғроқ тўртбурчак стол; ликопчаларнинг устида юрак шаклида қатланган қоғоз сочиқлар, стол ўртасида настарин, марваридгул ва гунафшалар солинган баланд пиво кружкаси. Милева хоним беваларнинг кувноқ кўшиғини айтиб, Неделькони аллаламоқда ва жаноб Васани ҳайрон қолдиришни истаб, мовий кўйлак кийиб олган.

Энди минбаъд киймайдиган кора кўйлаги билан видолашар экан, хоним оғир хўрсинди, бундан кейин эгнидан тушмайдиган мовий кўйлагини кияр экан, янада оғирроқ хўрсиниб қўйди.

Келишганларидек, соат етти яримда жаноб Васа хонага кириб келди. Эгнида оқ нимчаларидан бири. У ҳайратга тушиб, бўсағада туриб қолди. Фаришталарнинг мовий кўйлаги ҳақидаги эски мақтовини яна ёғдира кетди, Милева хонимнинг рўпарасига ўтиб ўтирди ва улар дилкаш суҳбатлашиб, овқатлана бошладилар.

Овқат маҳали жаноб Васа ўтирган жойида ажабтовур типирчилайверди ва фақат овқатдан кейингина бошмоғини стол тагига ечиб қўйишга мажбур бўлганини тан олди, чунки оёғининг қадоғи қаттиқ оғриётган экан. Шу муносабат билан у Милева хонимга бутун бошли бир воқеани ҳикоя қилиб берди.

– Бир куни мен мана шу лаънати қадоқни деб ишдан айрилишимга сал қолди. Мен полиция амалдори эдим. Округ бошлиғининг келиши тўғрисида хабар тарқалди. Шаҳар бошлиғимиз ҳали янги эди, у ховлиқиб, югур-югурга тушди, хуллас, бутунлай томи кетди! Ҳаммамиз байрам мундирларимизни кийиб олдик. Округ бошлиғи етиб келди, биз уни рисоладагидек кутиб олдик. У уезд бошқармаси идорасига кириб, бошлиқларнинг азалий ва беғараз одатига кўра, бизга ўз хизмат бурчига виждонан ёндашиш, уни аниқ бажариш ва вилоятга жўнатиладиган кўпдан-кўп йўриқномаларда ёзилган бошқа кўпгина нарсалар ҳақида ваъз ўқиш учун барча амалдорларни чақиришни буюрди.

Агар жаноб бошлиқ камроқ гапирганида уни бамайлихотир ва итоатгўйлик билан эшитган бўлардим. Аммо жаноб бошлиқ нуткни ҳаддан ташқари чўзиб юборди ва роппа-роса кирқ беш дақиқа сўзлади. Олдинига жаноб бошлиқнинг ваъзини хотиржамлик ва диққат билан эшитдим. Унга кўзимни лўқ қилиб бақрайиб туравердимки, беихтиёр диққатини менга қаратди ва аста-секин менга кўпроқ мурожаат қиладиган бўлиб қолди. Хуллас, шундай бўлдики, у асосан менга гапирди.

Биринчи марта қадоқ роппа-роса ўн бешинчи дақиқада ўзининг борлигини билдирди ва оёғим ўз-ўзидан силтаниб кетди; бу уч мартача такрорланди ва мен турнага ўхшаб, оёқларимни қисиб олишга мажбур бўлдим. Яна бироз вақт ўтди ва кўзларимдан ёш тирқирай бошлади, ўттиз бешинчи дақиқада кўзларим олайди, лабларимни тишладим ва, умуман, афтимни буриштириб, тириштира бошладимки, фақат менга қарашга одатланган жаноб бошлиқ икки марта адашиб кетди ва ваъзи расво бўлди. Менинг лабларим гоҳ "О" шаклига кирар, гоҳ ёноқларим "Ф" шаклини олиб, гоҳ чап, гоҳ ўнг ёноғим шишар эди...

Охир-оқибат амалдор саросима ичида ваъзини юмалоқ-ёстиқ қилди ва бизга рухсат берди, ўзи бўлса бошлиғимиз билан қолди. Бироздан кейин бошлиғимиз мени чақиртирди.

– Жаноб Васа, сизга нима бўлди? Жаноб бошлиққа нисбатан қилган бу қиликларингизни қандай изоҳлаш мумкин?

– Кечирасиз, кайси қилиғимни?

– Қанака қилиқ бўларди? Бошлиқ сўзлаётган вақтда тишларингизни иржайтирдингиз, ишшайдингиз, афтингизни бужмайтирдингиз, шунинг учун ҳам у сизни ишдан бўшатишни таклиф қилди, – деди қатъий қилиб бошлиғимиз.

– Итоаткор кулингизни авф этишингизни сўрайман, жаноб бошлиққа иржайишга юрагим бетлармиди?! Мен тиришқоқ, виждонли ходимман ва умримда бирон марта ҳам ҳокимларга тиш қайрамаганман, – дея ўзимни оқлай бошладим.

Шу паллада, бахтимга, яна оёғимнинг қавариғи хуруж қилди ва афтим бурушиб кетди.

– Мана, мана, менга ҳам иржая бошладингиз, яна ўзинигизни оқлашга уринасиз!

Лаънати қадоғим ҳақида сўзлаб беришга тўғри келди ва устимга қўйилган оғир айб зўрға олиб ташланди.

Милева хоним бечора жаноб Васанинг кулфати устидан қотиб-қотиб кулди ва бу вақт ичида ўз қўли билан арчган олмани унга узатди.

Ҳикоя Милева хонимга ёққанини кўрган жаноб Васа давом этди:

–Яна бир сафар бундан ҳам қизиқ воқеа бошимдан ўтган, бир хоним билан...

– Худо ҳаққи, дарров айтиб беринг! – деди Милева хоним ва жаноб Васага ўйноқи назар ташлади.

– Бу ўша йили қишда бўлган эди, – дея ҳикоясини бошлади жаноб Васа. – Бир куни мени округ суди раиси жаноблари шарафига уюштирилган кечки овқатга таклиф қилишди. Столда раис жанобларининг рафиқаси ёнидан жой олдим, чап томонимда раис ёрдамчисининг қайнсинглиси ўтирарди. У даврадаги энг чиройли қиз бўлиб, ҳамма ўлиб-тирилиб унга мулозамат қилаётганди. Мен бор маҳоратимни ишга солиб, унинг

вақтини чоғ этишга урина бошладим ва сафсаталарим унга ёқаётганини дарҳол сездим. Мен унга мулозамат қилар, нимани кўнгли тусаса, дарров ўша егуликни олиб берардим. Жуда эътиборли бўлдим ва қизга шунчалик ёқиб қолдимки, жаноб раис шарафига ашула айтишаётганда унга севги изҳор қилдим. Қизга севги изҳор қилаётган пайтимда қадоқ қаттиқ азоб бера бошлаганини айтиб ўтирмасам ҳам бўлар. Суҳбатни давом эттириш имконига эга бўлиш учун мен, худди ҳозир қилганимдай, пойабзалимни ечиб кўйдим-у, янада қатъийроқ ва дадилроқ севги изҳор қилишга ўтдим. Христина изҳоримга дарҳол жавоб қайтаргиси келмади, фақат кўлимни эркалатиб қисиб кўйди. Раиснинг қизи шарафига кўшиқ айтила бошлаган чоғда астагина деди:

– Кечки овқатдан кейин рақс бошланади. Сиз мени лансьега[1] таклиф қилинг, рақс вақтида жавобимни айтаман.

Ҳақиқатан ҳам кечки овқатдан кейин туш[2] янгради, чунки амалдорлардан бири "қаттиққўл, адолатли ва ажойиб раҳбар, ўзи бошқараётган халқнинг отаси бўлган" жаноб уезд бошлиғи шарафига қадаҳ кўтарган эди. Ундан кейин кирол ороси чалинди, биринчи бўлиб жаноб раис жаноб уезд бошлиғи билан ўртага тушди; сўнгра коло[3] янгради, кейин рақс кетидан рақс бошланди...

Қачон лансье эълон этилишини кутиб, сабрсизликдан ўлиб қолаёздим. Олдинги рақсларда иштирок этиш у ёқда турсин, ҳатто, ўрнимдан ҳам турмадим. Ниҳоят Христина ёнимга келиб, кулимсираб деди:

– Жаноб, ҳозир лансье чалинади!

– Шунда жавобини оламанми? – шодон шивирладим мен.

– Оласиз! – жавоб берди у уялинқираганча кўзларини ерга тикиб. Сўнг бетокат бўлиб деди: – Кетдик!

Стол тагига кўл юбордим, лекин... пойабзал йўқ. Қайта-қайта тимирскиландим... йўқ! Баданимни тер босди.

– Марҳамат қилиб, сиз бораверинг, мен ҳозир...

У нарироқ кетди дегунча, стол тагига бош тиқдим, лекин... ҳеч қаерда оёқ кийимим йўқ, тушуняпсизми, худди ер ёрилиб, тагига тушиб кетгандай, йўқ!

Менга жуда муҳим жавобни айтишлари керак бўлган пайтда қандай вазиятга тушиб қолганимни ўзингиз тасаввур қилаверинг.

Христина яна ёнимга қайтиб келди, чунки машшоқлар куйни бошлаб юборган, учта жуфтлик ўртага чиққан, бизни, яъни тўртинчи жуфтни кутиб туришарди. Фиғоним чиқиб, яна стол тагига бош тиқдим, лекин пойабзалим ҳеч қаерда йўқ. Ниҳоят, бошқа ақллироқ важ тополмай, Христинага ўзимни ёмон ҳис қилаётганим, бошим оғриётгани ҳақида маъюс шикоят қилдим ва рақсни бошқа биров билан тушишини сўрадим.

Христина менга нафратланиб қаради-ю, зарда билан ўгирилиб, бир ёш йигитнинг ёнига борди. У рақс тушишни билмасди, лекин Христина ўргатишга ваъда берди.

Мен қимирламай ўтирар, ўйнаётганларни кузатар, энди каминага ҳатто назар ташлагиси ҳам келмаётган қизга қарар эдим. Христина ўз йигити билан кўшни хонага ўтиб кетди, мен бўлсам, аввалгидай ўз жойимга михланиб қолгандим. Шу тариқа тонггача қимирламай ўтирдим.

[1] Лансье – рақсбоп шўх мусиқа.

[2] Туш – қисқа мусиқа тури.

[3] Оро, коло – жанубий славянларда кенг тарқалган миллий мусиқа турлари.

Меҳмонлар таркала бошлади, мен эса ҳамон жойимда ўтирардим. Аптекачи жаноб Коста хотини ва қайнсинглиси билан кетди, маросим қўшиғини айтган дьякон[1] Йова хотини билан кетди, хотини эса чиқаркан, "болаларга" деб бир рўмолни печеньега тўлдириб олди. Мен ҳануз ўтирардим. Христина опаси ва поччаси – раис ёрдамчиси билан кетди, кетаркан, менга қарагани ҳам йўқ, хайрли кеч тилагани ҳам йўқ, камина қоккан қозиқдай ўтиравердим. Жаноб раис сахийларча пул тўлаган лўлилар ҳам кетди, мен эса ҳамон ўтирибман.

Ниҳоят, лўлиларни кузатган жаноб раис хотини билан қайтиб кирди ва овқатланган жойимдан кимирламай ўтирганимни кўриб, ажабланди. Мен бошимга тушган кулфатни айтдим ва энди биз уч киши бўлиб пойабзални қидира бошладик, ошпаз хотинни ҳам ёрдамга чақирдик. Бехосдан ошпаз хотин пешонасига шапати уриб, эслаб қолди:

– Вой ўлмасам, пойабзални боягина Кастор ўйнаб юрган эди!

Ҳақиқатан ҳам шундай экан, ошпаз хотин Кастор ухлаётган катак томонга югуриб кетди ва оёқ кийимимни топиб келди.

Жаноб раис ва унинг хотинидан узр сўрадим-да, дунёдаги барча итларга лаънат ёғдирганча, пойабзалимни кийиб уйга кетдим. Йўл-йўлакай оёқ кийим, ёки аниқроқ айтганда, қадоқ, ёки янада аниқроқ қилиб айтганда, Кастор сабабли жувонмарг бўлган гўзал севги ҳақида ўйладим.

Милева хоним бу ғамгин вокеанинг интиҳосини эшитаркан, қиқирлаб кулди, жаноб Васани яна олма билан сийлади, қадаҳини шаробга тўлдирди.

Шундай қилиб, улар яна анча вақт олма, печенье ва шароб ебичиб ўтиришди, ҳар хил вокеалар ҳақида гап сотишди. Милева хоним печеньенинг хамирини зўр тайёрлашини айтди, сўнг тишига пломба қўйдирмоқчи эканини, ҳеч қачон крахмалланган юбка киймаслигини сўзлади. Жаноб Васа бўлса, гармонни зўр чаладиган амакиси, идорада расмий қоғозларни муҳрлашга ишлатиладиган тузсиз тешиккулчаларни кун бўйи еб ўтирадиган ҳамкасби Пера тўғрисида, ўзи ҳақида, конькида учишга усталиги, муз устида бир оёқда туриб саккиз рақамини чиза олиши ҳақида гапирди.

Улар бошқа нарсалар ҳақида ҳам гаплашган ва хуш суҳбатдан маза қилаверган бўлишарди, бироқ девор соати ярим кеча бўлганини билдириб, занг уриб қолди. Бу ҳам етмагандай Неделько худди оғзида никелли сўрғич йўқдай, нафис бешикда, мовий пашшахона тагида эмас, югурдак Среянинг чопони барида ётгандай қаттиқ жазава билан чинқира бошлади.

Жаноб Васа кетадиган пайт бўлди, деб ўйлади ва пойабзалини кийиш учун эгилди, лекин стол остида оёқ кийимининг йўқлигини кўриб, жуда ҳайрон бўлди. У роса қидирди, ҳатто Милева хоним ҳам кўмаклашди, бироқ... пойабзални гўё ер ютган эди.

Шу тариқа у оёқ кийимини эрталабки соат тўртгача излади, кетаётган пайти бўлса, бевани кучоқлаб, сўради:

– Менга ростини айтинг!

– Нимани?

– Уйингизда ит борми-йўқми?

– Йўқ, – деди уялинқираб бева ва бошини унинг кўксига қўйди.

[1] Дьякон – православ черковида руҳонийларнинг қуйи унвони.

Жаноб Васа ўша куни мамнун бўлиб уйига кетди, йўлда оғриқли қадоқ ҳар доим ҳам кўнгилсизликка сабаб бўлавермаслиги ҳақида ўйлаб борарди.

ЎН ТЎҚҚИЗИНЧИ БОБ

Барча романларда бўлгани каби асар қаҳрамонининг кайфияти ниҳоятда чоғ лаҳзада тасодифан рўй берган нохуш воқеа

Жаноб Васанинг "Спасич ва компания" фирмасидан ҳамда "Ака-ука Димитриевичлар" дўконидан қарзлари рўйхати қандай кўринишда эканини билиб олганмиз ва шунинг учун ҳам бу рўйхатлардаги нарсалар тури ўзгаргани биз учун кутилмаган ҳол бўлади.

"Ака-ука Димитриевичлар" дўконининг янги қарзлар рўйхатида белдамча, сочтўғноғич, елпиғич ва шу кабилар ўрнига бир неча кундан кейин қуйидагилар пайдо бўлди:

1) Битта коптокча – 0,80 динор
2) Битта шақилдоқ – 0,40 динор
3) Битта сўрғич – 3,20 динор
4) Битта ипак яктакча – 5 динор
5) Битта тўр қалпоқча – 1,30 динор

Барча ўқувчилар мерос ишлари бўйича бўлимнинг амалдори жаноб Васа сўрғич сўрмаслигини, коптокча ўйнамаслигини, шақилдоқ шақиллатмаслигини, айниқса, яктакча ва тўр қалпоқча киймаслигини яхши билганликлари учун, жаноб Васа буларнинг ҳаммасини кичкинтой Неделько учун сотиб олгани ва олиб бориб берганини дарров тушунган бўлсалар керак, чунки ўша унутилмас кечки овқатдан кейин, у пойабзалини яна йўқотишдан заррача ҳам қўрқмасдан, Милева хонимни тез-тез зиёрат қилиб турди.

Милева хоним то бир куни (романларда доим шунақа бўлади) кўришни ҳечам хоҳламайдиган бир киши пайдо бўлмагунча вақтини кўнгилли ўтказиб, маза қилиб юраверди.

Романнинг икки бобидан буён ҳеч эсга олинмаган бу киши Милева хонимга каттакон меросга васийликни муваффақиятли таъминлаб берган адвокат Фичанинг худди ўзи эди.

Адвокат Фичанинг тўсатдан пайдо бўлишининг ҳеч қандай ажабланарли жойи йўқ, бироқ у Милева хонимнинг олдига ҳеч кутилмаганда қўйган даъво хонимнинг бахтини пуфакдай ёриб ташлаши мумкин эди. Фича тегишли моддаларни дастак қилиб ўтирмай, беванинг тақдири ўз қўлида эканини очиқчасига ва қисқа қилиб тушунтириб қўйди. Агар истаса борми, бола алмаштириб қўйилганини судда айтиб беради, бу эса Милева хонимнинг бахтини вайрон қилибгина қолмай, балки хонимга сира ёқмайдиган кўпгина моддалар билан таништириб ҳам қўяди.

Фичанинг бу сўзларидан кейин Милева хоним бўзариб кетди десам, ўқувчилар менга ишонсалар керак. Гарчи оқаргани хонимга ярашиб

тушган бўлса-да, Фичага заррача кор қилмади, ҳолбуки жаноб Васага бошқача таъсир этган бўларди. Фича моддаларни санай кетди, бу моддаларнинг бири иккинчисидан баттар эди. Милева хоним ҳушдан кетишга уриниб кўрди, лекин Фича у ўзига келгунча лоқайдларча кутиб ўтираверди ва Сербияда кейинги йигирма беш йил ичида қабул қилинган турли қонунларнинг моддаларини санашда давом этди. Ниҳоят, санокни тугатганидан кейин, сўзини мана бундай якунлади:

– Муҳтарама хоним, мен бу гапларни шунчаки айтдим-қўйдим, аслида, сиздан юз дукат сўрагани келгандим. Бу пул менга жуда зарур. Агар ишонмасангиз, бу пул менга жуда зарурлиги ҳақида истаган нарсангизни ўртага қўйиб қасам ичишга тайёрман.

– Уҳ! – деди Милева хоним.

Жаноб Фича бу пул унга жуда зарурлиги ҳақида яна бир бор қасам ичди ва тағин моддаларни санашга ўтди. Агар у хоҳласа, бу моддалар хонимга ёвузларча тажовуз қилиши мумкин. Шундай қилиб, у Милева хонимни бошқа чораси йўқлигига ишонтирди ва хоним унга юз дукат берди. Пулни бераркан, эрини эслаб ачинди ва чуқур хўрсинди, лекин пулни узатгач, ундан ҳам оғирроқ уф тортди.

Мамнун бўлган Фича жувонни унутмасликка ва тез-тез келиб туришга ваъда бериб, чикиб кетди.

Бу, айтайлик, бугун юз берган бўлса, эртасига Фичанинг хотини Цайка хоним кириб келди. У Милева хонимни кўзи ёриганидан буён кўрмаганини, шунинг учун уни бир кўриб кетгиси келганини айтди. Цайка хонимнинг биринчи иши Недельконинг қандай ўсаётганини кўриш бўлди. Гўдак яхши ўсаётир деб топган Цайка хоним уч марта (кўз тегмасин деб) туфлади. Кейин ўтириб олиб, аптекачининг хотини қўйдирган тиш, протоиерейнинг[1] хотини Сара хонимнинг қуриб қолган чиннигули, Арсиница хоним ҳеч ким билмайди деб ўйлаб, пўстинини ағдариб тиктиргани ҳақида ҳикоя қила бошлади.

– Худо ҳаққи, синглим сифатида менга тўғрисини айтинг, бошига тепелук[2] кийган Арсиница хонимга ағдариб тиктирилган пўстин ҳеч ярашадими?

Цайка хоним гапни мана шунақасига айлантириб, тепелукка тақади ва шу заҳоти ҳаётда ягона орзуси – тепелук кийиш эканини айтди.

– Наҳотки менга тепелук ярашмаса? – деб сўради у Милева хонимдан ва худди телпак кийиб олгандай, бошини у ёқдан бу ёққа бура бошлади.

– Жуда ярашган бўларди, – дея жавоб берди ҳеч нарсадан гумонсирамаган Милева хоним.

– Биласизми, жонгинам, – гапни илиб кетди Цайка хоним, – сизга қилган катта хизматим ва сизни деб яшириб юрган катта сир учун менга тепелук олиб берсангиз адолатдан бўларди.

Милева хоним Фичанинг ёнида қандай оқарган бўлса, шундай бўзарди, лекин Фичанинг хотини ҳам бунга лоқайд қаради.

– Худодан қўрқинг! – чинқирди Милева хоним ниҳоят. – Ахир, бу ишлар учун сизга мўмайгина ҳақ тўладим-ку!

– Ё худойим, Милева хоним, – хотиржам жавоб берди Цайка хоним, – лекин уни қувонганингиздан суюнчи ўрнида бергандингиз. Ҳаммаси шу,

[1] Протоиерей – олий мартабали поп.
[2] Тепелук – турмуш қурган аёлларнинг бош кийими.

деб ўйлаётганингиз йўқми, ишқилиб? Жонгинам, мен сирингизни бир умр асраб юришим, ўзим билан гўрга олиб кетишим керак, сиз бўлсангиз қўлимга кистирган ўн дукат билан кутуламан деб ўйлаяпсиз.

– Лекин мен жаноб Фичага эллик дукат бердим, – деди алам билан Милева хоним.

– Унинг хизмати шунга лойиқ.

– Кечагина унга яна юз дукат бердим.

– Унга пул керак бўлиб қолгандир-да.

– Энди сизга лозим бўлиб қолса, бир умр пул беришим керак деб ўйлаяпсизми?

– Нега энди бир умр? Эҳтимол, бизга пул керак бўлмайдиган вақт келар.

Бу тасаллидан кейин Милева хоним яна оқарди, чунки кимнинг чангалига тушганини энди билган эди, лекин орқага йўл йўқ. Милева хоним тепелук сотиб олиши учун Цайка хонимга ўттиз олти дукат санаб берди.

Цайка хоним мулойимлик билан миннатдорчилик билдирди ва ҳар гал тепелугини кийганда ҳотамтой Милева хонимни эслашга ваъда берди.

Лекин бу ҳаммаси эмас эди. Бир неча кундан кейин Милева хонимникига яна бир шахс келди, хоним у билан шу чоққача ҳеч учрашмаганди. Бу Маца деган кекса бева хотин эди. Фича Милева хонимнинг қизалоғини тарбиялаш учун шу кампирга берганди.

Агар ушбу роман воқеалари айрим муаллифларнинг асарлари сингари қандайдир махфий боланинг махфий туғилиши атрофида айланганида эди, Маца Милева хонимнинг уйига бутунлай бошқача йўсинда кириши лозим бўларди, чунки у – ишончли, сирни сақловчи киши-да. Маца рўмолга ўраниб олиши, тахминан ярим тунда дарвоза олдида пайдо бўлиши, ўнгу сўлга қараб ҳеч ким кўрмаётганига ишонч ҳосил қилгандан кейин кўча эшикни уч марта тақиллатиши лозим эди. Бироздан кейин эшик очилган, кекса хизматкор унга бош ирғаган ва бир оғиз сўз айтмай, уни яширин зинапояга бошлаган, у ердан Маца яширин эшик орқали Милева хонимнинг ётоқхонасига кирган бўларди.

Аммо Маца роман ёзиш қоидаларидан ҳечам воқиф эмаслиги ва умуман, ҳеч қандай адабий маълумоти бўлмагани учун пешин вақти тўппа-тўғри Милева хонимнинг олдига келди-қўйди.

Мацанинг ташрифи Милева хонимни жуда ажаблантирди, чунки Фича билан тузилган шартномага мувофиқ, бу хотин кимнинг боласини тарбиялаётганини билиши мумкин эмасди, фақат ҳар ой ўттиз динорини олиб туриши керак эди, холос. Бироқ Маца мана, уч ойдан бери Фичадан сариқ чақа ҳам олмаганини Милева хонимга айтиши билан ҳаммаси ойдинлашди. Мацанинг илтимослари жонига теккач, Фича уни Милева хоним ҳузурига йўллаган экан.

Бечора бева энди ҳеч нима ҳақида сўраб ўтирмай, Мацага уч ойлик ҳақини тўлади, яна икки ой учун бўнак берди, бунинг устига кўйлак олиши учун пул беришга ва квартира ҳақини тўлашга кўмаклашишга мажбур бўлди.

Чигил энди ечила бошлаганда, бирданига қайта чувалашиб кетди. Кўп ўтмай Фичага яна ўттиз дукат керак бўлди, сўнгра Цайка хонимнинг тепелукка мос пўстин олгиси келиб қолди, Маца бўлса, гоҳ ўтин пули,

гоҳ квартира ҳақи, яна у-бу деб тўхтовсиз келаверди. Шу тарзда, тин олгани қўйишмади.

Бечора бева тўлаганча тўлади, лекин бир куни рад қилишга уриниб кўрган эди, сир олдин оғиздан оғизга ўта бошлади, кейин савдо расталарида айланди, у ердан эса, мархумнинг меросдан маҳрум этилган укаларининг қулоғига етди.

Шунда Фича бевага санаб берган барча моддалар маккорона бирлашди ва Фичанинг ҳам, Цайканинг ҳам, бечора Мацанинг ҳам устига балоказодай ёпирилди. Хуллас, кунларнинг бирида тўрталаси ҳам панжара ортига тушди.

Суд узоқ давом этмади. Маца иқрор бўлди, Милева хоним ҳаммасини инкор этди, Цайка хоним бўйнига олди, Фича эса, айбловни рад этди. Судда Фича, ҳатто, бундай деди:

– Жаноб судьялар, расмий ва қонуний жиҳатларни ҳисобга олганда, иккита гўдакнинг мавжудлиги факти кузатилмоқда, улардан бирини ҳақиқатан ҳам Милева хоним туққан, сиз буни инкор этмасангиз керак. Боланинг ўзи буни ишончли равишда тасдиқловчи далилдир. Бола мутлақо табиий бўлгани боис, уни ҳеч қанақасига сунъий деб бўлмайди.

Лекин, Фичанинг гапга чечанлигига қарамай, суд уларнинг тўрталасини ҳам Пожаревац турмасига қамаш, Милева хоним туққан ўша қизалоққа ҳуқуқларини қайтариш ва унга мерос ажратиш тўғрисида ҳукм чиқарди.

Неделько ҳам қандайдир ҳужжатга илова сифатидами, ё ашёвий далил тариқасидами, ёки гувоҳ зайилидами судда қатнашди... Умуман, уни нега судга олиб келишганини худо билади. Асосийси шуки, уни кўчага улоқтиришди. Суд бола кимники эканини аниқлай олмагани учун уни жамоага юборди. Энди жамоа унга ғамхўрлик қилиши лозим эди. Жамоа бўлса, болани тарбиялаш учун бир кир ювувчи хотинга берди.

Шундай қилиб, бечора Неделько қисқа муддатли фаровонликдан кейин яна жамоанинг ўғлига айланди. Никелланган сўрғич бахтли кунлар ҳақида хотира сифатида унда қолди.

ЙИГИРМАНЧИ БОБ

Уста хотин Юлиана ва унинг қизи Эльза

Недельконинг тақдири билан боғлиқ яхши ва ёмон ҳодисалар бўлиб ўтган шаҳарчага олти йил олдин Юлиана деган бир аёл келган эди. У ўзини уста Юлиана деб атарди. Аслида, у оддийгина кирчи хотин, лекин бундай дабдабали унвони туфайли кўпгина аёллар унинг мижозига айланди, чунки бу унвон мижозларга ҳам обрў келтирарди. Бу ҳақда, хеч бўлмаса, Савка хонимнинг Мица хоним билан суҳбатидан бемалол билиб олишимиз мумкин:

– Айтинг-чи, кирларингизни ким ювиб беради?

– Йованченинг хотини Сара.

– Менинг кирларимни бўлса, – мағрурланиб дейди Савка хоним, – уста Юлиана ювиб, дазмоллаб беради. Тўғри, бу бироз қимматроқ, лекин арзийди. Эримнинг ёқасига бир каранг – худди бугунгина дўкондан олинганга ўхшайди.

Лекин бу ҳақдаги гапларни чўзишнинг ҳожати йўқ (ўзгаларнинг ички кийимини титкилашга роман муаллифининг ҳечам хуши йўқ), бу ерда асосий гап шундаки, бизнинг Неделькомиз айни шу Юлиананинг уйидан кўним топди.

Уста Юлиананинг, албатта, ўз ўтмиши бор, бу ўтмишдан ортгиргани ўн саккиз яшар қизи. Лекин бу ўтмиш Юлианани Белграддан ҳайдаш билан якун топган. Шунинг учун ҳам у бизнинг шаҳарчамизда кир ювувчи уста бўлишга қарор қилган.

Қизи Эльзанинг ўтмиши йўқ, лекин келажаги бор – ана шу келажакни ўйлаб, Эльза онасига кўшилиб, вилоятга кетмади, Белградда қолди.

Эльза оқ-сариқ сочларини майда ўриб юрадиган истараси иссиққина қизча эди. У олдинлари аёлларнинг катта қоғоз кутига солинган шляпаларини эгаларига ташиб юрарди, бироз ўтгач бундай кутиларни унга келтирадиган бўлишди. Бу вокеа "бир жаноб" унга кулиб боккaнидан кейин рўй берди. Бу "жаноб" унга иккинчи марта кулиб боқди. Шундагина қиз бу ҳақда онаси Юлианага айтиб берди. У вақтларда Юлиана уста эмасди. Юлиана "жаноб" унга ҳам кулиб боқишининг йўлини топди.

Сўнгра Эльзада шинамгина квартира, тузуккина шляпа ва бежирим кўйлаклар пайдо бўлди ва у оқ-сариқ сочлари майда ўрилган қизча бўлмай қолди."Бир жаноб" ҳам номаълумликдан чиқди, чунки у вазирликда катта лавозимда ишлайдиган Сима Недельковича экан. Ҳаммаси изига тушиб кетди-ю, бу осойишта, тинч хонадон ҳақиқий жаннатга айланди. Бу ерда катта бошлиқ – хушфеъл Одам Ато, Эльза – олмаларнинг турли-туман навларини татиб кўрган Момо Ҳавво ролини ўйнар эди. Юлиана илон ролини бемалол ўйнаши мумкин эди, лекин вазирликдаги бошлиқ буни ўз вақтида сезиб қолди ва шундай қилдики, арзимаган бир иши учун уни Белграддан қувиб юборишди.

Онасининг ғамхўрлиги маслаҳатларисиз ёлғиз қолган Эльза ўз ҳомийсига тўла ишонди ва олти йил ичида унинг маслаҳатлари ва ўгитларига шунчалик ўрганиб қолдики, уни отаси деб ҳисоблай бошлади. Лекин бу ҳолат негадир бошлиқнинг аччиғини чиқардики, у Эльзани ташлаб кетди.

Айнан Неделько уста Юлиананинг уйида пайдо бўлган вақтда меҳрибон она қизидан мактуб олди. Қизи мактубда ёмон хабар йўллаган, тақдир измига ташлаб кўйилганини ёзган эди. Юлиананинг шунчалик жаҳли чиқдики, ўша заҳоти Неделькога шапалоқ туширди, ҳолбуки, у бечора Эльза билан мутлақо таниш эмасди.

Она билан қиз ўртасида қизғин ёзишма бошланди.

Қиз биринчи хатида қайғули ҳодиса ҳақида хабар берган эди; иккинчисида – жаноб бошлиқни қарғади; учинчисида бўлса – жаноб бошлиқ уйланаётгани ҳақида ёзди.

Она биринчи мактубида қизига − таскин топишни; иккинчисида – жаноб бошлиққа мактуб юбориб, уйига таклиф қилишни; учинчисида – ўч олишни маслаҳат берди.

Сўнгги мактубда қиз бу ишга розилигини ва, албатта, қасос олишини билдирди, лекин бу ишни қандай қилиш кераклигини онасидан сўради. Онаси зудлик билан ёнига етиб келишини буюриб, жавоб юборди. Улар бу ерда ҳамма нарсани пишитиб олишади, Юлиана аллақачон интиқом режасини тузиб кўйган.

Мана, ажойиб кунларнинг бирида фойтун етиб келди, бу ташрифни уста Юлиана сабрсизлик ва кўз ёши билан кутаётган эди. Фойтундан сафарбоп камзул ва юмшоқ сомон шляпа кийган Эльза тушиб келди. Қиз тоғ эчкиси каби онанинг қучоғига отилди ва кирчи хотиннинг кўз ёшларига ғарқ бўлди.

Шундан кейин улар уйга киришди ва ҳамма нарса: нима бўлган ва нима бўлиши кераклиги ҳақида узоқ ва батафсил суҳбатлашишди. Ғамхўр, меҳрибон она қизига бундай ўгит берди:

– Қўлимда бир гўдак бор, уни тарбиялаш учун менга беришган, лекин у билан ҳеч кимнинг иши йўқ. Сен чақалоқни Белградга олиб кет, тўйнинг эртасига жаноб бошлиқнинг уйига олиб бор-да, эшигининг тагида қолдир. Чақалоқ унинг боласи эканлиги ҳақида мактуб ҳам қолдир. Бундан яхшироқ қасос етти ухлаб тушингга кирмайди.

Эльза бу режага жон деб рози бўлди, чунки ҳақиқатан ҳам бошлиқдан ўч олишнинг бундан яхшироқ йўли йўқ эди. Шундай қилиб, режа кабул қилинди. Эльза эртасига Неделько билан йўлга чиқадиган бўлди.

Она билан қиз қасос ҳақида сўзлашаркан, Неделько саватда кимнингдир кирларига ўралашиб, бахтли кунлардан хотира сифатида жаноб Васа Жюричдан олган никелланган сўрғич ва шақилдоқни ўйнаб ётарди. Ўша бахтли кунларни Васа Жюрич Неделькодан кўпроқ кўмсаётган эди.

ЙИГИРМА БИРИНЧИ БОБ

Семинария талабаси Томанинг туйғуси Недельконинг туйғусидан бироз ўзгачароқ

Тонг чоғи извош тараклаб тош йўлга чиқди, сўнг телефон симёғочлари билан безатилган йўлдан юрди. Бу йўл тўппа-тўғри Белградга олиб борар эди.

Извошнинг соябони кўтариб қўйилган, унда Эльза билан Неделькодан ташқари, яна бир йўловчи ўтирарди. Фойтунчи бу йўловчини Эльзанинг рухсати билан яқиндаги шаҳарчагача олган, йўловчилар ўша шаҳарчада тунамоқчи эдилар.

Бу йўловчи камишдак нозик, оч чивиндай рангпар. Сочлари узун, оқ пике[1] шим ва бақалоқ архимандритга[2] атаб тикилганга ўхшайдиган аллақандай бесўнақай камзул кийиб олган. Йўловчининг биринчи сўзлариданоқ исми Тома, ўзи семинария талабаси экани аён бўлди.

Тиззасига Неделькони ўтказиб олган Эльзани безовта қилишдан чўчиган Тома бутун йўл бўйи ўйга ботиб, ўриндиқнинг четида тавозе билан ғужанак бўлиб, жим ўтираверди. Жим ўтириш Эльзанинг жонига теккач, ўзаро суҳбат бошлаш учун сўради:

– Сиз узоққа кетяпсизми?

Талаба олдинига жуда уялиб кетди, сўнг ўзини қўлга олиб, қизларникидай нозик овозда жавоб берди:

– Узоқ эмас, биринчи шаҳарчагача.

– У ёққа нега кетяпсиз? – сўрашда давом этди Эльза.

Тома бирданига дадиллашди-да, бамайлихотир сўзлай бошлади:

[1] Пике – ғижим қилиб тўқилган мато тури.

[2] Архимандрит – роҳибларнинг олий унвони ва шу унвонга эга бўлган роҳиб.

– Ойимқиз... яъни, бу сизнинг болангиз бўлмаса керак?!

– Меники, – жавоб берди Эльза ва она тусига кирди.

– Хуллас, хоним, – давом этди семинария талабаси Тома, – каминанинг тарихи ажойиб, аникроғи, ажойибдан ҳам кўра, ғаройиб.

– Хўш, – сўз котди Эльза Томанинг тарихига қизиқсиниб.

Шундан кейин Тома черковда малаклар ҳақида қўшиқ айтаётгандек, равон, нафис, бир оҳангдаги овозда ҳикоясини бошлаб юборди:

– Биласизми, мен илоҳиётни ўрганаётган, диний семинариянинг уч босқичини аъло баҳоларга тугатган ҳам эдим. Руҳоний бўлиш орзусида семинарияни қачон тамомлар эканман, деб ошиқардим... Эҳ, хоним, менинг олий максадим – руҳоний бўлиш. Ўзингиз тасаввур қилинг: мен таксирман, энг зўр руҳонийман... Жубба, черков хизмати, епитрахиль[1], причастие, сўз... Парвардигорнинг сўзлари, бу сўзларни ҳар якшанбада ёддан қироат қилган бўлардим... Ўйлаб кўринг, ёддан...

Ҳикоя қиларкан, Тома ғоят жўшиб кетди, у қандайдир илоҳий тилда нутқ ирод қилаётганга ўхшарди. Агар Неделько қаттиқ чинқирмаганида, худо билади, у шу тарзда яна қанча гапирган бўларди. Эльза ҳам, семинарист Тома ҳам, чақалоқнинг бағиллаши жонига теккан фойтунчи ҳам болани юпатишга урина кетдилар.

Тома шу қадар беминнат дастёр эканки, Эльза хоним бироз дам олсин дея Неделькони олиб, тиззасига ўтказди ва тебратаркан, сўзда давом этди:

– Аммо, хоним, қодир худонинг карами кенг, иродасига шак келтириб бўлмайди. Мен руҳоний бўлмоқчи эдим ва қарангки... актёрликни танлашга қарор қилдим.

– Вой, вой, вой! Бу қанақаси? – сўради Эльза.

– Билмайман, яратганнинг иродаси! – елка қисди семинарист Тома ва худди диний ашуланинг паст оҳангига ўтгандай овозини пасайтирди.

– Бу иродадан қандай хабар топдингиз? – соддадиллик билан сўради Эльза.

– Қандай?.. Тушимда. Яқинда шаҳарчамизга кичкина бир театр гастролга келган эди. Бу театр ҳозирда сиз тунамоқчи бўлган шаҳарчада турибди. Мен ўша ерда қоламан, чунки каминани гуруҳга қабул қилишди. Мана, қабул қилинганим ҳақида труппа директори йўллаган мактуб.

Тома чап чўнтагидан кир бўлиб кетган мактубни чиқарди ва ўқишга тутинди:

"Муҳтарам жаноб, бизнинг ҳадсиз оламимизда кенг имкониятларга эга бўлган бир тор соҳа борки, у инсоннинг бутун турмушини, бутун ҳаётини қамраб олади, ҳамма нарсаларни инъикос эттиради. Саҳна, саҳна, саҳна, муҳтарам жаноб, мана инсониятнинг идеали. Саҳна Сизни ҳам илҳомлантиргани учун Сизга муваффақият тилайман. Сизни труппага ойига 30 динор маош билан ишга қабул қиламан..." ва ҳоказо.

– Кўриб турганингиздек, мени ишга олишди. Бу қандай юз берди, дерсиз. Бир куни оқшом театрга бордим ва уйга қайтиб, одат бўйича, уйқу дуосини ўқиб, уйқуга ётдим. Қаттиқ ухлаб қолибман, тушимда баногоҳ ёнимга Мария Магдалина[2] келибди. У ҳозирги ойимқизлар, мисол учун, мана сиздек, шляпа, қўлқоп кийган, қўлида шамсия тутган ҳолда намоён

[1] Епитрахиль – насроний руҳонийлари либосининг бир қисми – бўйинга солиб юриладиган узун мато.

[2] Мария Магдалина – Исо пайғамбарнинг аёл издошларидан бири, насронийлар ақидаларига кўра, авлиё.

бўлди. Мен бундан ҳайрон қолдим ва унга шеърий йўсинда сўзлай бошладим: "Мария Магдалина, тилга кир, нечун бундай ҳолда турурсан?" У бўлса, нафис, меҳрибон овозда жавоб берди: "Қулоқ сол, Тома, аҳмоқгарчиликни йиғиштир, актёрликка кир, пушаймон бўлмайсан!" Қўркиб кетиб, бундай дедим: "Сизга нима бўлди, Мария Магдалина, қанақасига сиз менга бундай маслаҳат беряпсиз?" Мария Магдалина эса менга жавоб қилди: "Аҳмоқгарчиликни йиғиштир, актёрликка кир!.." Шу ерда Мария Магдалина ғойиб бўлди, мен эса, худди ҳаворий Пётрнинг[1] ўзи ёки семинария ректори билан гаплашгандек, кора тер босган ҳолда уйғониб кетдим.

Бу сирни ўзим эмас, Мария Магдалинани шармисор қилмаслик учун ҳеч кимга айтмадим. Кейинги кеча уйқу олдидан яна икки марта дуо ўқиб, тўшакка чўзилдим. Яна, худди ўтган сафардагидек, тушимда замонавий урфда кийинган Мария Магдалина намоён бўлди. Мен унга яна назмий йўсинда дедим: "Мария Магдалина, тилга кир, нега қалтис йўлга бошлайсан?" – "Тома, аҳмоқгарчиликни йиғиштир, – дея жавоб қилди Мария Магдалина, – айтганимни қил, актёр бўл!" – "Лекин бу менга ярашадиган ишми?" – сўрадим ундан. "Менга бўлган муҳаббатинг ҳаққи актёрликни танла!" – деди Мария Магдалина. Ишва билан кулиб, чаккамни чимчилади. Мен бўлсам, уятдан ерга кириб кетай дейман. Эртага унинг устидан семинария ректорига шикоят қилишимни айтдим. Аммо у шодон кулди ва деди: "Тома, Тома, менга яхшироқ қара-чи!" Мен тикилиб қарадим... нима бўлди денг, бу Мария Магдалина эмас, шум хотинлар ролини ўйнайдиган, мана шундай муғамбирона кулишни боплайдиган актриса Ленка бўлиб чиқди.

Энди, ўзингиз тушуниб тургандек, иш кўз олдимда бошқача тусга кирди. Актрисани Мария Магдалина деб ўйлаганим учун мени кечиришини сўраб, Парвардигорга ёлвордим, ўзим бўлсам ҳаммасига тушда нуқул авлиёларни кўриш одати айбдор, деб ўйладим. Кейинги куни баайни Мария Магдалина каби кийинган актриса Ленкани учратдим. Негалигини билмадим-у, балки Парвардигорнинг иноятн биландир, Ленка менга кулиб қаради. Шундай ишва билан кулиб қарадики, гўё: "Тома, аҳмоқгарчиликни йиғиштир, актёр бўл!" демоқчидай эди.

Кейин труппа шаҳримиздан кетди. Аммо ҳар кеча Ленка, ўқтин-ўқтин ректор тушимга кирадиган бўлди. Охир-оқибат йўлдан озмай туролмаслигимни, бу қандайдир ғойибона куч эканини, бу Парвардигорнинг иродаси эканини тушундим ва... театр директорига хат ёзишга жазм қилдим. У эса, кўриб турганингиздек, ижобий жавоб қайтарди.

Шу ерда Тома жим қолди ва Неделькони шапатилаб қўйди. Неделько Томанинг тиззасида, гўё ҳикоясини эшитаётгандек, унинг кўзларига тик қараб ётарди.

Томанинг ҳикоясини шоён қизиқиш билан эшитган Эльза (баайни Мария Магдалинадек) ишва билан кулди ва деди:

– Энди, жаноб Тома, менга ҳаммаси тушунарли, мутлақо тушунарли.

– Кечирасиз, нима тушунарли? – қўрқа-писа сўради Тома.

– Парвардигорнинг иродаси тушунарли бўлди. Аслида, сиз актриса Ленкани севиб қолгансиз.

[1] Ҳаворий Пётр (мил. 1–67) – Исо пайғамбарнинг ўн икки нафар шогирдидан бири. Католиклар уни биринчи Папа деб ҳисоблашади. Асли исми Симон, содиқлиги учун Пётр (грекча – "тош") деган номни унга Исо берган.

– Ким, менми?! – хитоб қилди Тома ва олчадай қизариб кетди, чунки ўзи ҳали бунга ишонмаётганди.

– Иқрор бўлаверинг.

– Ёлғон гапга қандай қилиб иқрор бўлай, – ўзини қатъий ҳимоя қилиб деди семинарист Тома гарчи бу мудҳиш ҳақиқатни биринчи марта англаётган бўлса ҳам.

– Ана қаранг, ҳар гал унинг исмини эшитганингизда қизариб кетяпсиз, – ғамза билан деди Эльза.

– Кечирасиз, кимнинг исмини дедингиз?

– Ленканинг. Мария Магдалинанинг эмас, ҳар ҳолда.

– Билмасам... – деди хижолат тортиб Тома ва Неделькони тушириб юборишига сал қолди.

– Тан олинг, шунда мен сизга ёрдам бераман.

–Сиз-а?!

– Ҳа, мен. Кечки пайт шаҳарга етиб борганимиздан кейин ҳаммасини Ленкага айтиб бераман. Иқрор бўлинг.

– Иқрор бўладиган нарсанинг ўзи йўқ. Уни севаман ("севаман" сўзини Тома урғу билан айтди) деб айта олмайман, лекин қандайдир туйғу бор. Мен шу туйғуни ҳис қиляпман, у менга азоб беряпти, бутун вужудимни сиқиратяпти. Юрагимда, қалбимда, кон-қонимда, кўкрагимда бу туйғуни ҳис қилмоқдаман. Қўлларимда ҳам шу туйғуни сезаётирман...

Бирдан Томанинг тили қалимага келмай қолди, чунки ҳақиқатан ҳам қўллари ниманидир сезган эди... Лекин бу нимадир семинарист Томанинг эмас, Неделькониг "туйғу"си эди ва семинаристнинг туйғусидан бироз фарқ қиларди...

Эльза бурнини бекитиб олди, фойтунчи сўкинди, семинарист Тома бўлса, мотамсаро қиёфада гоҳ кафтларига, гоҳ оқ пике шимига боқди. Шим бандаргоҳлари, қўлтиқлари, ороллари ва ярим ороллари бор ҳарбий харитага ўхшаб қолганди.

Семинарист Тома ва Неделькониг янгидан йўргакланиши-ю тозаланиб олиши учун фойтунни тўхтатишга тўғри келди, шундан кейин ҳар иккаласи ўз туйғуларини жиловлаб, извошга чиқишди ва олға кетишди. Кўп ўтмай фойтун хиёбоннинг тош йўлига бурилди, бозор майдонида тараклади ва ниҳоят "Олтин шер" мусофирхонаси олдида тўхтади.

ЙИГИРМА ИККИНЧИ БОБ

Даҳшатли тун

Извош "Олтин шер" олдида тўхтаганида аллақачон қош корайганди. Бу иккинчи даражали мусофирхона бўлиб, жаноб Радисав Станкович раҳбарлигидаги театр труппаси ҳозир бу ерда томоша кўрсатаётгани билан эътиборли эди.

Неделькони кўтариб олган Эльза билан семинарист Тома извошдан тушган маҳалда мусофирхона хўжайини эшик олдида турганди. Уларни кўрган хўжайин тупурди ва ёмон сўкиниб эшик ортида ғойиб бўлди. Хўжайин уларни актёр деб ўйлагани учун шундай қилган эди. Труппа

унинг меҳмонхонасида томоша кўрсатиб, овқатлана бошлаганидан буён бу юксак касб эгаларини жуда ёмон кўриб қолганди.

Мусофирхона ходимаси ҳам уларни шубҳаланиб каршилагани учун, зўрға жой олишди. Эльза – еттинчи, Тома – ўн биринчи хонага жойлашди. Улар шу заҳоти ишга киришдилар: Эльза Недельконинг йўргакларини алмаштириб, овқатлантира бошлади, Тома эса, шимини ювиб, куритишга киришди. Ахир, труппа директорининг ҳузурига бинойидек бўлиб бориши керак-да.

Тома ишнинг биринчи қисмини эндигина битирган ҳам эдики, кимдир эшигини тақиллатди. У шимини аллақачон дераза олдига ёйганди, шунинг учун сапчиб тушди ва печканинг орқасига яшириниб, сўради:

– Ким у?

– Кечирасиз, – деди Эльза эшикни қия очиб, – бир илтифот кўрсатишингизни сўрасам бўладими?

– Ў, марҳамат, марҳамат.

– Шаҳарда бир яқин дўстим бор, у билан учрашсам девдим. Болага қараб туролмайсизми?

– Жоним билан... лекин... – чайналди Тома печка ортидан чиқмай... – Сиз тезда қайтиб келасизми? Кечқурун жаноб директор ҳузурига боришим кераклигини ўзингиз ҳам биласиз.

– Ў, албатта, биламан, – жавоб берди Эльза ва эшикни ланг очиб Недькони узатди. Семинарист Тома митти зулмкорни оҳистагина қўлига олди. Неделько айни бугун, Томани ёш актриса Ленка билан учрашув кутаётган бир вақтда оқ шимни ёвузларча булғаган эди.

Эшик ёпилди. Эльза енгил қадам ташлаб пастга тушиб кетди, Тома бўлса, иккита ташвиш – шими ва Неделько билан қолди.

Анча вақт ўтди, коронғи тушди, чироқлар ёқилди, шим ҳам қуриди, лекин Эльзадан дарак йўқ. Тома деразадан белигача чиқиб, у ёқ-бу ёққа алангланди, лекин у кўзга ташланмади. Пастда мусиқа янграб, томошабинлар йиғила бошлади, лекин Эльза ҳануз йўқ эди. Семинарист Томанинг жони халқумига келди. У гоҳ деразадан бош чиқарар, гоҳ эшикка югурар эди. Бир марта, ҳатто, юқори қаватдан ҳовлигача тушди, лекин табиатан виждонли одам бўлгани боис, болани ёлғиз қолдирмаслик учун шу заҳоти юқорига қайтиб чиқди.

Мана, томоша ҳам бошланди. Тома биринчи қўнғироқни ҳам, иккинчисини ҳам, қарсакларни ҳам эшитди. Жаноб директорни олкишлаётган эдилар. У қайсидир кўринишда пайдо бўлиши биланоқ ғазначи ва чипта текширувчи, кейин парда ортидаги актёрлар ва, ниҳоят, текин патта олган томошабинлар қарсак чалишлари лозим эди. Мусиқа, қўнғироқ, қарсак овозларини эшитаётган Тома бўлса, Недькони кўтарганча, худди вахший ҳайвон каби хона ичида бетокатлик билан югураверди.

Ким билади, ҳозир ўша мадемуазель Ленкани олкишлаётгандирлар; ким билсин, у ҳозир Томанинг тушига Мария Магдалина қиёфасида кирган оқшомдагидек, сахнада шум хотин ролларидан бирини ўйнаётгандир? Хона ним коронғи бўлиб, очиқ деразадан ой ғира-шира нур сочиб турарди, бу нимкоронғида семинарист Тома қаёққа караса, ўша ёқда – хонанинг барча бурчакларида, каравот орқасида, жавон ортида, печка орқасида – ҳамма ёқда Ленкани кўраётгандек бўлаверди. У Ленканинг

одамни йўлдан оздирар даражада ишва билан кулишини аниқ-тиниқ кўриб турар, унинг овозини эшитар, кизнинг кўзлари, мафтункор кўзлари ҳамма томондан унга боқиб тургандек туюларди. Худди тунги осмонда юлдузлар каторлашиб кўрингандек, Ленканинг сон-саноқсиз кўзлари коронғи хонада порлаб турар ва пасха арафасидаги тунги бедорлик вақтида такводор насронийлар қўлида ёнган шамларга ўхшар эди.

Томанинг кўзи қўлидаги бахтикора Неделькога тушиши биланоқ бу мўъжизавий ҳолатдан аянчли вокеликка қайтди. Неделько ўжарлик қилиб, унга бахтини орзусида эмас, балки чинакамига кўриш имконини бермаётган эди. Шу дамда пастдан яна қарсак садоси эшитилди ва Томани қандайдир енгилмас истак пастга судраб кетди.

У таваккалига мардона қадам ташлашга қарор қилди, чунки бошқа иложи ҳам йўқ эди. Қараб туриш учун қолдирилган болани ташлаб кетишга виждони йўл қўймасди, шунинг учун Неделькони ўзи билан олиб кетишдан бошқа чораси қолмади. Тома бегона гўдак билан сахнага чиқиб, жаноб директор ва мадемуазель Ленкага шу алфозда кўринмоқчи эмасди. У томошабинларга аралашиб кетмоқчи, бирор хилват бурчакка бикиниб олиб, ўша ерда томошани ва уни... Мария Магдалинани кўрмоқчи эди.

Тома юрак ютиб, ўз ниятини амалга оширишга киришди. Гарчи хонада ҳеч нарсаси бўлмаса-да, одатига кўра, эшикни қулфлаб, мусиқа ва қарсак садолари келаётган тарафга йўналди. Афтидан биринчи, эҳтимол, иккинчи кўриниш тугаган бўлса керак, чунки кириш эшиги олдида ғазначи йўқ эди, Тома томоша залига айлантирилган қовоқхона залига кирди.

Эҳтимол, танаффус бўлса керак, чунки сахнадаги парда туширилган, стол атрофида ўтирган томошабинлар баланд овозда гапиришар, сахна пастида ўтирган лўлилар асбобларини созлар эдилар. Тома шу пардадан бошқа ҳеч нарсани пайқамади, ҳеч нимани кўрмади, чунки парда ортида ўша "инсоннинг бутун ҳаётини қамраб оладиган, кенг имкониятларга эга бўлган тор соҳа" бор. Бу ҳақда жаноб директор ўз мактубида ана шундай ажойиб гапларни ёзган. Ленка ҳам ўша ерда.

Елвизак тебратаётган пардага ажойиб сурат чизилган. Паға-паға булутлар оралаб кит учиб кетяпти. Тўғри, бу шаклни фақат биринчи қарашда кит деб ўйлашарди. Синчиклаб қараган томошабин яланғоч аёл кўринишида тасвирланган сув парисини илғарди. Сув парисининг қорнида чок бор. Гўё сув парисини қачонлардир операция қилишган – арқон билан тикилган қорин битиб кетган, лекин докторлар арқонни олиб ташлашни эсдан чиқарган. Бу оптик янглишув шу сабабдан юз берардики, пардани ташкил этувчи икки бўлак мато айни сув парисининг қорни устида бирлаштирилган ва уқувсизларча бўялган эди. Вақт ўтиши билан бўёқ ўчиб кетган ва чок кўриниб қолган. Бир қарашда сув парисининг бир қўлида бир жуфт сосиска, иккинчи қўлида сон гўшти бордай туюларди. Лекин диққат билан қаралса, қайнатилган бир жуфт сосиска лирага жуда ўхшашига, сон гўшти бўлса, мўл-кўлчилик рамзи бўлган мугуздан бошқа нарса эмаслигига шубҳа қолмасди. Анчагина юқорида, сув парисининг ўнг биқинида тешик бўлиб, актёрлар парда ортида туриб, мана шу тешикдан томошабинларни кузатар эдилар.

Пардадаги ажойиб суратга маҳлиё бўлиб қолган Тома томошабинлар унинг устидан кулишаётганини пайқамади. Тома томошага гўдакни

олиб келгани кулгига сабаб бўлгани йўқ. Бунинг ҳеч кулгили жойи йўқ эди, лекин одатда чақалоқларни оналари олиб келишар, тиззаларида олиб ўтиришар, томоша пайтида эмизишар, йўргакларини алмаштирар эдилар. Қопга ўхшаш ҳилпиллаган камзул кийиб олган, қўлида чақалоқ кўтарган Томанинг ўзи кулгига сабаб бўлганди. Бутун зал хохолаб кула бошлагандагина Тома ўзига келди, пардадан кўзини узиб, томошабинларга қаради ва ҳамма унга қараб турганини, устидан кулаётганини кўрди. У эсанкиради, қизарди ва қочиб қолиш кераклигини тушунди, лекин нега яқиндаги эшикка ўзини уриб, кўздан йироқ бўлиш ўрнига томошабинлар ўртасидан саҳна томонга ўта бошлаганининг сабабини ҳозир ҳам тушунтириб беролмаган бўларди. У ўтиб борар экан, томошабинлар қаҳқаҳа отиб кулар эдилар. Балки у пардага қараб, бир чеккада мато сирилган чоғроқ эшик борлигини кўргандир. Саҳнада банд бўлганлар мана шу эшикдан чиқар эдилар. Бу эшикдан янги ҳаётга кириларди; у бу эшикдан ҳозироқ ўзининг оламига айланадиган дунёга киради. Оломоннинг таҳқиридан қочиб кутуларкан, Тома мана шу эшик ортида янги ҳамкасбини кучоқ очиб кутиб оладиган ва шармандаликдан қутқарадиган дўстларимни дарров топаман, деб ўйлади.

Эшикдан ўтиб, декорациялар, синган оромкурсилар, тўнкарилиб ётган столлар ва бошқа қақир-қуқурларнинг ўртасига тушди. Саҳнада нималарнидир ўрнаштираётган хизматкордан бошқа ҳеч ким йўқ эди. Тома ундан актёрлар каердалигини сўради. Хизматкор кир-чир, жулдур латта осилган ва эшик ўрнида хизмат қиладиган дарчани кўрсатди. Тома латтани кўтариб, актёрларга тўла пардозхонага кирди. Бировлари кийинар, бошқалари ечинар эди. Баъзилари соқол-мўйлов ёпиштираётган бўлса, яна кимдир олиб ташлаётганди... Ҳаммаси узун стол атрофида ўтиришар, стол устида керосин чироқ ёниб турарди. Бу чоғроқ хонани тутун, қўланса ҳид босиб кетган, турли-туман ашёлар полга сочиб ташланган, деворларга осилган эди.

Тома киргач, барча актёрлар бошларини кўтариб, ғалати меҳмонга қаради. Тома ўзини таништириши кераклигини фаҳмлаб, деди:

– Мен актёрман... яъни актёр бўлмоқчиман. Жаноб директордан мени ишга олгани ҳақида мактуб олдим ва мана, ишга келдим.

Актёрлар унга кўз қирини ташлашди, уларнинг лабларида истеҳзоли кулги зоҳир бўлди. Табиийки, улар бу билан чекланиб қолмади – Томанинг устига заҳарли лукмалар дўли ёғилди.

Биринчи жазман Томадан сўради:

– Сиз она ролини ўйнашга таклиф этилганмисиз?

Масхарабоз мушфиқона қўшимча қилди:

– Қандай ёқимтой бола! Сиз уни кўкракдан ажратган бўлсангиз керак?

Гапни бадкирдор илиб кетди:

– Сиз ҳали жуда заиф экансиз! Тўшакдан турганингизга канча бўлди?

Масхарабоз майин оҳангда давом этди:

– Сиз, албатта, унинг отаси кимлигини сир тутасиз, шундайми?

Бир бурчакда кийинаётган олижаноб қария бақирди:

– Худо ҳаққи, хотинлар бўлмасига ўтинглар, сизларнинг олдингизда шимимни ечолмайман.

Бу таҳқиромуз лукмаларнинг ҳар биридан кейин пардозхонадагиларнинг барчаси бирдай қаҳқаҳа отар, бечора семинарист бўлса, шундай

аҳволга тушдики, йиғлашини ҳам, Неделькони бўғиб ташлашини ҳам билмас эди. Бўлғуси ҳамкасбларига қўлида нега бола борлигини тушунтиришга ҳам журъати етмади, шу аччиқ лукмаларни эшитар экан, фақат шивирлаб сўрайверди:

– Жаноб директорни қаердан топсам бўлади?

Ниҳоят ёш актёрлардан бирининг Томага раҳми келди ва уни пардозхонадан олиб чиқди. Бу ерда Тома ўзини ари уясига тушиб қолгандай ҳис қилаётган эди. Ёш актёр директорни кутиши учун Томани парда ортида қолдирди.

Кўп ўтмай мусиқа янграб, саҳнада тўс-тўполон бошланди. Бир актёр: "Дастурхон, бу ерга тезроқ дастурхон келтир, Сима!" деб фарёд кўтарди. Актрисалардан бири режиссёр ёрдамчисининг онасини "эслади", суфлёр афиша ёпиштирувчининг қулоқ-чаккасига шапалоқ тортиб юборди. Бу, одатда, парда кўтарилиши олдидан бошланадиган ўша театр жазаваси эди. Тома буларнинг ҳаммасини шу чоққача бошидан ўтказмаган янги ҳиссиёт билан қизиқсиниб кузатиб турарди.

Мана, саҳна ўртасидаги пол ёрилди ва ҳосил бўлган чуқурга суфлёр тушди, сал ўтмай қўнғироқ чалинди. Ҳамма тинчланди ва саҳна ортида ўз ўрнини эгаллади. Кимдир қичқирди: "Иккинчисини чал!", яна қўнғироқ жаранглади ва парда кўтарила бошлади. Тома олдинига сув парисининг оёқларини, сўнгра мўл-кўлчилик мугузини, бикинидаги тешикни, қорни ўртасидан ўтган чокни, икки жуфт сосискани, сув парисининг юзини, сочларини ва, ниҳоят, булутларни кўрди. Парда кўтарилди, саҳнага биринчи жазман чиқди ва ғамбодалик билан титроқ товушда ҳар хил севги сўзларини айта бошлади.

Бироздан кейин саҳнада у – Мария Магдалина пайдо бўлди. Томанинг юраги ўйнаб кетди, у хузур-ҳаловатга кўмилди, бу туйғу олдинига энсасига хуруж қилди, сўнг оёғининг учига қадар бутун аъзойи баданини қамраб олди. У яна Ленканинг ёнида, унинг овозини эшитяпти; Ленка парда ортига бир қараса бас, уни кўради. Аммо, афсуски, Ленка томошабиндан кўз узмас, ҳар бир сўзидан кейин қарсак кутиб турарди.

Тома киприк қоқмай унга қараб турар, ҳар бир сўзини симирар, унинг ҳар бир ҳаракатини кузатар эди. Шу онда биринчи жазман, худди омбир билан гўштини этидан ажратишаётгандай, дод-вой солди:

– Эҳ, иқрор бўл, севишингни айт! Шу ерда айт, бу ерда биз ёлғизмиз, фақат Парвардигорнинг ўзи гувоҳимиз!

У кўкрагига урди.

– Йўқ, биз танҳо эмасмиз! – майин овозда жавоб берди қиз. – Сен мана бу сеҳрли оймомани кўряпсанми?.. (У шифтда осилиб турган лампа чироқни бармоғи билан кўрсатди.) Эшитяпсанми, анови ерда, майсазорда қуш қандай ажойиб сайраётир! – Ленка қўли билан парда ортини, айни Тома турган жойни кўрсатди.

Шунда ҳеч эшитилмаган, қандайдир дахшатли, момоқалдироқдан ҳам қўрқинчли, зилзиладан ҳам ваҳималироқ воқеа содир бўлди. Ленка парда ортини қўли билан кўрсатган, "Эшитяпсанми, анови ерда, майсазорда қуш қандай ажойиб сайраётир!" сўзларини айтган чоғда Неделько тўсатдан гўё пичоқ билан тилишгандай, қаттиқ чинкириб йиғлаб юборди. Бу одатдаги бола йиғисига ўхшамас, балки кимдир бор кучи билан карнай чалганга ўхшарди.

Бу қандай даҳшат бўлганини тасаввур қиляпсизми? Айни шу сўзларидан кейин Ленка қарсак чалиб, олқишлашларини кутиб турган эди. Лекин томошабинлар қарсак ўрнига қаттиқ қаҳқаҳа отиб кула бошладилар. Ленка адашди, қизариб кетди ва жим қолди. Биринчи жазман пьесага кўра сўзлаш навбати уники бўлмаса-да, мулойим, ошиқона овозда сўкинди, томошабинлар қаҳқаҳа отиб кулаверишди, Неделько ҳам эшакдек бўкираверди. У, худди унга роль беришгандек, астойдил бўкирарди. Уят ва аламдан Ленка ҳўнграб юборди ва саҳнадан чиқиб кетди. Қўнғироқ чалинди, томошабинларнинг тинчланиши ва саҳнадаги жанжални кўрмаслиги учун парда туширилди.

Парда туширилгандан кейин семинарист Тома бир умр эсдан чиқармайдиган ҳодиса рўй берди. Ленка унинг устига шаллақиларча бостириб келди.

– Эшак! Парда ортига бола олиб келиш мумкинми, ахир?!

Масхарабоз югуриб келиб, боланинг оғзига сариқ мўйлови ва соқолини тиқа бошлади, сочини юлаётган театр директори ҳам югуриб келди, бир оғиз гапиргани ҳам, ўзини таништиргани ҳам йўқ, Томани гирибонидан ушлаб олди, сўнг унинг онасини "эслади", олижаноб жўшқинлик билан "Даф бўл!" деб бақирди ва семинаристни эшикдан тепиб чиқарди.

Ўша "инсоннинг бутун ҳаётини қамраб оладиган, кенг имкониятларга эга бўлган тор соҳа"га кириладиган эшик ланг очилди, Тома у ердан учиб чиқди, орқасидан директорнинг оёғи лип этиб кўринди, бу оёқ семинарист камзулининг орқа қисмида муҳр қолдирган эди. Шундай қилиб, Тома билан Неделько бир зумда томошабинлар ўртасига тушиб қолди, бу ерда уларни яна кулоқни коматга келтиргудек бўлиб янграган кулги кутиб олди. Омади келмаган актёр томошабинлар орасидан ўқдай учиб ўтиб, юқори қаватга югуриб чиқди, хонасига отилиб кирди ва Неделькони тўшакка ташлаб, устига келиб, икки қўлини белига тираганча гўдакка ваҳшиёна тикилди.

– Сенга мендан нима керак?! – хитоб қилди Тома умидсизларча. – Келажагимни барбод қилганингни биласанми?

Шундан кейин у хона бўйлаб катта қадам ташлаб юра бошлади, дили хуфтон бўлди ва ўз аҳволини ўйлаб қайғуга ботди. Ҳар гал тўшак ёнидан ўтганда Неделькога нафрат тўла назар ташлаб қўярди. Тома умрида Иуда Искариотдан[1] бошқа ҳеч кимни ёмон кўрмаган эди. Энди у Неделькони жинидан баттар ёмон кўриб қолди. У, ҳатто, каравотнинг четига ўтириб, Неделькога тупурганча бақирди:

– Иуда!

Калласига акалари Юсуфни[2] ташлашганидек, Неделькони бирор чоҳга улоқтириш, ўзини бўлса, Юнус[3] сингари, наҳангнинг оғзига ташлашдек ғайринасронийча фикр келди. Лекин бу ерда, меҳмонхонада Неделькога

[1] Иуда Искариот – насронийлик ақидаларига кўра, Исонинг ўн икки ҳаворий шогирдларидан бири. Инжилда келтирилишича, ўттиз кумуш танга эвазига Исони сотган. Шу боисдан у сотқинлик рамзига айланган.

[2] Юсуф алайҳиссалом (Инжилда Иосиф) – ривоятларда айтилишича, Исҳоқнинг ўғли Яъқубнинг ўн икки ўғли бўлган, исроил халқининг ўн икки бўғини шулардан тарқалган. Отаси Юсуфни бошқа ўғилларидан кўпроқ яхши кўргани учун акалари уни ёмон кўришган ва ҳасад қилишган. Улар Юсуфни олдин туби чуқур чоҳга ташлайдилар, сўнгра Мисрга кетаётган савдогарларга сотиб юборадилар. Юсуф ақл-фаросати туфайли Миср ҳукмдорининг хазинабонига айланган.

[3] Нашрда Иов дея янглиш кўрсатилган, чунки наҳанг Айюб алайҳиссалом (Инжилда Иов)ни эмас, балки Юнус алайҳиссалом (Инжилда Иона)ни ютган.

чоҳ, ўзига наҳангни қаердан топиши мумкинлигини тасаввур ҳам қилолмади. Миясида бошка осий ва қабиҳ фикрлар ҳам ғужғон ўйнай бошлади. Қайсидир бир лаҳзада ўзини ўлдиргиси келди ва деразага қаради, тош йўлкага қанча вақтда тушиши мумкинлигини чамалади, лекин шу заҳоти сесканиб кетди, ҳушёр тортди ва ичида хитоб қилди:

– Quo vadis[1], Тома?!

Оғир ва қаттиқ хўрсинди, манглай терини артди ва Эльза қайтган-қайтмаганини билиш учун унинг хонасига караб кетди.

Эҳтимол, ҳозиргина бошидан кечирган катта фожиа сабаб кўзлари хиралашгани учунми, балки даҳлиз қоронғироқ бўлгани сабаблими, хона рақамларини яхши фарқламади, еттинчининг ўрнига тўққизинчи хонага кирди. Бу ерда ҳеч ким йўқ эди, эшик қулфланмаганди, бу Эльзанинг қайтиб келганини англатиши унга тасалли берди. Тома ўз хонаси томон югурди, Неделькони қўлтиғига қисиб, яна 9-хона томонга чопди ва Неделькони тўшакка ташлади. Сўнгра, елкасидан тоғ ағдарилгандай, енгил қадамлар билан пиллапоядан пастга югуриб тушди ва мусофирхонанинг томоша кўрсатилаётган зали эшигига яқин борди. Эшик ортидан қарсак товушлари эшитиларди, лекин боягина уни шайдо этган қарсаклар энди унда жирканиш ҳиссини уйғотди. У мусофирхонадан кўчага отилиб чиқиб, муюлишга қайрилди ва қоронғида боши оккан томонга сандироқлаб кетди.

ЙИГИРМА УЧИНЧИ БОБ

Бадкирдорнинг ҳикояси

Тома бунақа ваҳимали кечани бошига солган мусофирхонадан имкон борича тезроқ узоқлашишни кўзлаб, бир даҳани босиб ўтди, сўнг иккинчисини, учинчисини... Қоронғи кўчаларда одимлаб бораркан, ёритилган кичикроқ деразани ва кириш эшиги устига осиғлиқ фонусни кўрди. Фонус ёруғида пешлавҳадаги ёзувни ўқиди: "Жўмрак ёнидаги қовоқхона" ва шу ондаёқ ташналик ҳиссини туйди. Бир йилда бир неча мартагина причастие маросимида ялаб кўрганини ҳисобга олмаганда, семинарист Тома ҳеч качон шароб ичмаган эди. Лекин энди ичида қандайдир жонзод пайдо бўлиб, ошқозонини таталай бошлади. Тома қовоқхонага кириб, ўзини курсига ташлади ва ярим литр шароб буюрди.

Қўшни столда бадкирдор ролини ўйнаган кимса ўтирганини Тома кўрмади. Бадкирдор учинчи кўриниш бошида ролини ижро этиб бўлган, юзидаги гримни артиб ташлаган ва Томадан олдин қовоқхонага келган эди. Томага бир шиша шароб келтиришганини кўрган заҳоти бадкирдор ўрнидан турди ва худди олдиндан ажралмас дўст бўлишгандай, Томанинг столи ёнига келиб ўтириб олди. У, ҳатто, столни тақиллатиб, тоза қадаҳ келтиришларини буюрди, сўнг хушмуомалалик билан Томадан сўради:

– Бир финжондан қаҳва ичмаймизми?

– Бўлади! – Тома бош кўтармай қўрсроқ жавоб берди.

– Нима ҳам қилардик! – қаҳва буюргач давом этди бадкирдор. – Х-ў-ў-ш, бўлар иш бўлди, сиқилишга арзимайди. Бу шунчаки қизиқ тасодиф, бундай воқеалар бизнинг ҳаётимизда кўп учрайди.

[1] Қаёққа кетяпсан? *(лотинча).*

– Бунакаси ҳали ҳеч кимнинг ҳаётида бўлмаган! – дея ғулдиради Тома кўз ёши тўкиб.

– Бунакаси бўлмаса, унакаси бўлади, чунки буни ҳаёт дейдилар, бу – абадий жумбоқ, жаноб! Бола ростдан ҳам ўзингизникими ёки укангизми?

– Ҳечам ундаймас! – хитоб қилди Тома ва бадкирдорга ҳаммасини бир бошдан айтиб берди.

Бадкирдор унга чин дилдан ҳамдардлик билдирди ва ҳамдардлик рамзи сифатида яна бир шиша шароб буюрди. Ичкиликни келтиришгач, Томага ва ўзига қуйди, қадаҳидаги шаробни ичди, яна қуйди, чуқур ўйга толди ва Томага ҳалигина айтган юпатувчи ҳикматли сўзини такрорлади:

– Ҳа, ҳаёт – абадий жумбоқ, жаноб, бу ҳодиса бўлса, ҳаётимизда кўп учрайдиган эпизодлардан бири, холос.

Бадкирдор стол ёнидан ўтиб бораётган хизматкордан тамаки сўраб олди ва махорка ўраркан, давом этди:

– Сизнинг бошингизга тушган воқеанинг, табиийки, тугуни бор, лекин ҳар ҳолда бунда бир фожиа йўқ. Мен у қайсидир даражада фожиали эканини инкор этмаяпман, лекин бу ҳодисада ҳақиқий, классик фожиа йўқ!

Тома бадкирдор айтаётган гапларнинг ҳаммасини тушунмаётган бўлса-да, унинг сўзлари тасалли бераётганини ҳис қилди ва шунинг учун ҳам қулоқ солаверди.

– Агар мен сизга ўз фожиамни айтиб берсам, жаноб, инсон қалбининг оғриқлари нима эканини, гўзал, ширин хаёллардан ҳафсаланинг пир бўлиши нима эканини ўзингиз кўрган бўлардингиз!..

Бу нафис изҳорлар бадкирдорнинг ўзига яна шароб қуйиб олишига заррача монелик қилмади. У "Ёш дўстим, ҳувиллаган юрак, совиган кўнгил нималигини биласизми?" деган жумлаларни айтаркан, шиша бўшаб қолганини пайқади ва қўшимча қилди:

– Агар мудҳиш фожиам тарихи сизни қизиқтирса, яна бир шиша шароб буюринг, ўз фожиамни сиз билан бажону дил ўртоқлашаман.

Томанинг столни тақиллатганини кўриб, севиниб кетган бадкирдор давом этди:

– Мен сиз билан ўртоқлашаман, дедим! Ҳа, тўғри айтдим, чунки бу бошимдан ўтган энг махфий воқеадир, бу ҳақда гапиришни хуш кўрмайман, фақат яқин дўстларимгагина ишониб айтишим мумкин.

Гарчи охирги жумлалар қандайдир ролдан олинган бўлса-да, уни ўз дўсти деб атаётган улуғ артистнинг эътибори Томага ёқди ва у яқиндагина бошига тушган бало-қазоларни унутди.

Бадкирдор сийрак сочларини ўнг қўли билан сийпади, калласини сўл қўлига тиради ва ҳикоясини бошлади:

– У жуда гўзал эди!..

Шундай деди-ю, саҳнада тургандек, хўрсинди.

– Ким? – чўчиб сўради Тома.

– Ўша... Перса... хотиним! – жавоб берди бадкирдор оғриқдан узуқ-юлуқ чиққан овозда. – Оҳ, унга қараб неча марталаб: "Ў менинг қувончим, ў юрагимнинг суйгани!" деб хитоб қилганман.

У жим қолди ва тўлдирган қадаҳини чуқур ҳаяжон ичида бўшатди, сўнг давом этди:

– Мен уни шалтоқдан олиб чиқдим, бошқалар ҳасад қиладиган чўққига кўтардим, шундай сеҳрли оби ҳаётга тўйдирдимки, у бир кечада

актрисага айланди. У зўр актриса эди. Персани бутун дунё билади, истаган кишингиздан сўранг, ҳар бир киши унинг санъати ҳақида ҳурмат билан сўзлайди. Бадбахт, ҳаммасини бой берди-я!

Бу сўзларни айтаркан, бадкирдорнинг кўзларида ёш айланди, каттиқ таъсирланиб кетган Тома эса, сал бўлмаса, йиғлаб юбораёзди.

– Эҳ, жаноб! – давом этди бадкирдор. – Мен ўша оқшомларни, ўша сеҳрли оқшомларни эслайман. Булутлар, юлдузлар, оймоманинг ёғдуси... биз ёнма-ён ўтириб, Отеллони машқ қиляпмиз. У – Дездемона, мен – Яго ролида ўйнардик. "Тезрок! Уйқудаги фуқароларни бонг уриб уйғотинг, акс ҳолда бу иблис сизларни доғда қолдиради. Тез бўлинг!"

Бу сўзларни бадкирдор худди саҳнада тургандек айтди. Нафас ростлаб олгач, давом этди:

– Яго ролини ўйнаганимни кўрганингизда эди! Дейлик, Белграддаги Ягонинг уст-боши, балки, яхшироқдир. Биз классик кийимларга бой эмасмиз. Мен, одатда, оқ жун шим, туфли ва Персанинг қизил кўйлагини киярдим, суфлёр бўлса, йўл-йўл чизиқли шлаяпасини бериб турарди. Фараз қилайлик, Белградда Яго яхшироқ кийингандир, лекин ижро масаласига келсак, гарчи у билан гаплашмасак-да, марҳамат қилиб, жаноб мирза Паянинг ўзидан сўраб кўринг. У Лесковацда ҳам, Ягодинода ҳам, Смедеревада ҳам Ягони кўрган ва шунинг учун ҳам баҳо бериши мумкин. Гарчи биз у билан гаплашмасак ҳам, ундан сўранг, ҳеч чўчимай сўранг.

Ўз буюклигига Томани ишонтирганини ҳис қилган бадкирдор қуриган томоғини ҳўллаб олди ва давом этди:

– Мен унга ишонардим, ҳеч қачон ҳеч нарсада гумонсирамаганман, шунчалик юксакликка кўтарилган Перса шунчалар паст кетишга қодир экани хаёлимга ҳам келмаган. Мен худди Отелло каби ўйлардим: "Ў, агар у ёлғон сўзлаётган бўлса, билки, унда фалак сени хўрламоқдадир!" Эҳ, жаноб, воқелик асло шеърият эмас. Перса ўша уезд идорасининг мирзаси Пая қиёфасидаги қўпол воқелик қурбони бўлди. Бу киши калхат чангалига олишдан олдин жўжа устида қандай айланса, Перса устида шундай айланаверди. Жаноб, мен шубҳаландим! Ягонинг айтганлари эсингиздами: "Хиёнатга парвойи палак гўсхўр эр хушбахт, лекин севган ва ишонмаган, гумонсираб ҳаддан зиёд суйган эр аянчлидир". Хуллас, бир куни ҳақиқат бўй-басти билан ошкор бўлди.

Бир куни эрталаб биз – мен, мирза Пая ва экспедитор Михайло "Сазан"да ўтирган эдик. Раки ичар ва тузланган бодринг билан газак қилардик. Бирдан – ўҳ, эслашнинг ўзи даҳшат! – мирза Пая рўмолча чиқариб, бурнини қокиб қолди. Бу мени каттиқ ларзага солди, юрагимда оғриқ турди. Эҳ, бу рўмолча, Шекспирнинг рўмолчаси! Бир пьесада менга монограмма туширилган дастрўмол керак бўлиб қолди. Труппамизда монограммали дастрўмол ҳеч кимда йўқ эди ва биз аптекачидан биттасини қарзга сўрадик. Табиийки, биз рўмолчани қайтармадик, у менда қолди. Бу оқ ҳарир рўмолча бўлиб, унга қизил рангли С ва Р ҳарфлари туширилганди. Рўмолчани Персага ҳадя қилдим... ва энди тўсатдан кўриб қолдимки, мирза Пая рўмолчага бурнини қокяпти. Қандай ҳолга тушганимни ўзингиз тасаввур қилаверинг!

Бадкирдор нафасини ростлади, қадаҳдаги шаробни охиригача ичди, яна тўлдирди ва давом этди:

– Пешинда уйга келдим. Перса ковурилаётган жигарга солиш учун эндигина пиёз тўғраётган экан. Яқинлашиб, қўлидан ушладим ва... тўртинчи парданинг иккинчи кўриниши бошланди.

М е н. Қўлингни бер. Бунча ҳўл!

П е р с а. Пиёз ҳўл қилди. Тўхтаб тур, артиб оламан.

М е н. Бу исрофгар юракнинг аломати: ҳам иссиқ, ҳам ҳўл. Бу ўринда чилла ўтириш, қатъий парҳез, дуогўйлик, эътикод маросимлари, танни ўлдириш керак бўлади. Бу қўллардан ёш, жўшқин, гоҳо кутуриб турадиган иблис кўриниб турибди. Бу қўллар олийҳиммат, хасис эмас.

П е р с а. Бундай дейишга ҳақлисан: бу қўллар менинг юрагимни сенга туҳфа қилди.

М е н. Бадхоҳ эмас. Қадимда юрак қўлни ҳадя қилгувчи эди. Энди бўлса, туғрода юрак эмас, фақат қўл тасвири бор, холос.

Унга бошқа ҳеч нарса демадим, биз ўтирдик ва пиёзда ковурилган жигар ея бошладик. Мен иштаҳа билан еяётган бўлсам-да, бу юрак оғриғимни боса олмади. Тўйиб олгунимча миқ этмадим, кейин бўлса, жаноб, тўртинчи парданинг иккинчи кўриниши пировардига етди. Мен, Шекспир айтганидай, рўмолчани Паянинг қўлида кўрганимни унга айтдим. У бўлса, бу нотўғрилигини, рўмолча ўзида эканини айтди.

М е н. Мен рўмолчани Паянинг қўлида кўрдим, у ҳамманинг кўзи олдида унга бурнини артди...

П е р с а. Овозинг мунча узук-юлуқ ва норавон!

М е н. Рўмолча қаерда? Айт менга! Йўқми? Йўқолдими?

П е р с а. Ё худо, ўзинг кутқар!

М е н. Айт дедим!

П е р с а. Рўмолча йўқолгани йўқ. Агар йўқолган бўлса-чи?

М е н. Нима?

П е р с а. Сенга айтяпман, йўқолгани йўқ.

М е н. Бор олиб кел, кўрмоқчиман!

П е р с а. Хўш, олиб келишим мумкин, лекин ҳозир олиб келишни хоҳламайман, сен жаноб Паяга туҳмат қилиш учун баҳона қидиряпсан.

М е н. Рўмолчани олиб кел. Бир фалокатни кўнглим сезиб турибди.

П е р с а. Менга ишон, жаноб Пая ҳурматга лойиқ киши.

М е н. Рўмолча!

П е р с а. Жаноб Пая мушкулотларингни баҳам кўрган. Сен ундан ўттиз икки динор қарзсан..

М е н. Рўмолча!

Пе р с а. Йўқ, бу ҳақиқатан ҳам яхши эмас!

М е н. Йўқол!

Шундай дедим-у, уйдан чиқиб кетдим.

Бадкирдор чарчоқ ҳис қилди, чунки у бутун диалогни саҳнадаги каби жўшқинлик билан айтганди. Тома шу чоғда ўзига аллақандай афсонавий мавжудот каби кўринаётган бадкирдорга бақрайиб қараб турарди. Буфет ортидаги официант тишларини ғижирлатди, чунки у бу ҳикояни ёддан биларди – бадкирдор бу ҳикояни ҳар кеча ким шароб қуйиб берса, шунга такроран айтарди.

– Ана энди хотима қисми бошланади! – хитоб қилди бадкирдор, бироз куч тўплаганини ҳис қилган заҳоти. – Агар хотимани эшитгингиз келса, яна яримта олиб келишларини буюринг... Хотимани бошлаймиз.

Бешинчи парда, биринчи кўриниш. Сахнанинг ёритилиши: зимзиё тун. Сахнада – одатдаги хона. Ярим тунда уйга қайтяпман, дилимда мудҳиш ният. Қулф шиқиллайди. У аскарлар шинелига бурканганча, тўшакда ётибди. Эртаклардаги сеҳрли малакдек ухлаб ётибди. Уйғонади.

П е р с а. Пера, бу сенмисан?

М е н. Ҳа, Перса!

П е р с а. Ечингин-да, ёт, сен ғирт мастсан!

М е н. Сен тунги дуони ўқиб ётдингми?

П е р с а. Ҳа, Пера!

М е н. Тангри кечирмайдиган гуноҳ қилганингни биласан, энди ҳозироқ тазарру қил!

П е р с а. Нималар деб алжираяпсан?

М е н. Тезлаш, мен четроқда тураман. Ажалга тайёр бўлмаган жонингни олиш менга жуда қийин. Ё Худо, руҳингнинг қотили бўлишдан мени ўзинг асра.

П е р с а. Сен ўлдираман, деяпсанми?

М е н. Албатта, ўлдираман.

П е р с а. Ё Худойим, менга раҳминг келсин! Бутун борлиғим билан илтижо қилай.

М е н. Омин!

П е р с а. Омин, дединг, демак, мени ўлдирмайсан, шундайми?

М е н. Ҳм!

П е р с а. Лекин шундай бўлса-да, мени қўрқитяпсан – ичиб маст бўлганингда жуда ёмон бўлиб кетасан.

М е н. Яхшиси, гуноҳларинг ҳақида ўйла!

П е р с а. Менинг гуноҳим – сенга бўлган муҳаббатим.

М е н. Мана шунинг учун ҳам ўласан.

П е р с а. Севги учун ўлдириш – жиноят. Пастки лабингни бунчалар тишламасанг?!

М е н. Жим бўл!

П е р с а. Жимман. Лекин нима бўлди ўзи?

М е н. Сенга берган табаррук ҳадям –монограммали рўмолчани мирза Паяга совға қилибсан.

П е р с а. Йўқ, онам ҳақига онт ичаман! Сен жаноб Паянинг ўзидан сўра.

М е н. Алдама, алдама, гўзал: ўлим ёқасида турибсан.

П е р с а. Ҳа, лекин якин орада ўлмайман.

М е н. Йўқ, ҳозирнинг ўзида ўласан. Шунинг учун ҳам ўз гуноҳларингга очиқчасига иқрор бўл. Сен ўласан.

П е р с а. Ё Худо, ўзинг шафқат қил!

М е н. Омин!

П е р с а. Сенинг ҳам раҳминг келсин! Сенга ҳеч қачон хиёнат қилганим йўқ. Мирзага бўлган хиссиётим эса, фақат динда буюрилганидай холос; унга ҳеч қачон бирон совға бермаганман.

М е н. Унинг қўлидаги рўмолчани ўз кўзим билан кўрдим. Мирза рўмолчага бурнини қоққанини шу кўзларим билан кўрдим.

П е р с а. Мени эртага ўлдиракол, ҳозир тинчгина ухлаб олишимга имкон бер.

М е н. Йўл қўймайман!

П е р с а. Ҳеч бўлмаса, ярим соатгина!

М е н. Бошладимми, охирига етказаман.

П е р с а. Оҳ, ҳеч бўлмаса, дуо ўқиб олишимга изн бер!

М е н. Энди кеч!

...Венециялик ҳабашга ўхшаб, мен ваҳшиёна куч билан Персанинг гирибонидан олиб, тўшакка йиқитдим ва шундай савалай кетдимки, у умрида бундай калтак емаган бўлса керак. Пўстагини яхшилаб қоққач, чиқиб кетдим, лекин остонада орқага қайрилиб, Ягонинг сўзлари билан дедим: "Буни қара-я, одамлар кўзи олдида сиз – картинасиз, меҳмонхонада – шиқилдоқ, ошхонада – йўлбарс, сўкинганда – авлиё, ранжиганда – иблис, кундузлари – танбал, тунда меҳнаткашсизлар".

Мана шу сўзларни айтиб, уйдан чиқдим ва қовоқхонага бордим. У ерда мени ҳамтовоқларим кутиб туришарди.

Эрталаб қайтиб келдим, лекин уйда на у, на унинг нарсалари бор эди. У мирза Паяникига кетганди!

Бадкирдор мудҳиш фожиаси ҳақидаги ҳикоясини тугатиб, жим қолди. Сўнг бир қадаҳ шаробни узоқ симирди ва деди:

– Ҳа, ҳаёт – абадий жумбоқ, жаноб!

ЙИГИРМА ТЎРТИНЧИ БОБ

Бу бобда даҳшатли кеча давом этади ва Томанинг фожиаси ниҳоясига етади

Эшик тараклаб очилиб қовоқхонага бир тўда янги меҳмонлар шовқин-сурон билан ёпирилиб киришган пайтда Тома ҳалиям бадкирдор ҳозиргина айтиб берган буюк классик фожиа таъсири остида ўтирганди. Булар театр директори, Ленка, иккинчи инженю[1], биринчи жазман ва яна икки нафар шинаванда эди. Еб-ичиш ҳақини мана шу шинавандалар тўлаши керак эди. Томага кўзлари тушгач, бир-бирини туртиб, кулиша бошладилар, бадкирдорнинг ҳикояси туфайли мусибатидан бироз чалғиган бечора Тома яна ўз фожиасини эслади, қизарди ва бошини эгиб, маъюс тортди.

Улфатлар катта стол атрофига ўтиришди, ҳалиги иккита шинаванда шу заҳоти шароб ва қаҳва буюрди. Иш, албатта, кулги билан чекланиб қолмади ва биринчи қадаҳдан кейиноқ Томанинг шаънига қочирим, пичинглар ёғила бошлади. Шахсан унга ҳеч ким мурожаат қилмади, лекин шунчалик қаттиқ сўзлашардики, ҳар бир сўз унинг юрагини ханжардай тилимларди.

– Афтидан, у болани эмизиб тўйдирган, аллалаган, кейин эса ёзилиб келиш учун қовоқхонага кирган бўлса керак! – ўқ ёмғирини бошлаб берди масхарабоз.

– Томошабинларга ғулув солишни истамаганим учун Худога шукр қилсин, акс ҳолда уни шундай савалаган бўлардимки, яна туғворган, биттани эмас, эгизак туккан бўларди, – деб қўшимча қилди директор.

– Туғмасди, бола туширган бўларди! – ўз ҳиссасини қўшди директорнинг хотини.

[1] Инженю – французча "ingénue" сўзидан олинган; содда қиз, баъзи ҳолларда тажрибасиз, гўл йигит ролини ўйнайдиган актёрларни "инженю" дейишади.

Ҳар бир ҳазилдан кейин стол теварагида ўтирганлар орасида қаттиқ кулги кўтарилар, бечора Тома эса ўзини қўярга жой топмас, дарра остида ётгандай ҳис қиларди. Агар Ленка ҳам гапирмаганида Тома, эҳтимол, буларнинг барига чидаган бўларди.

– Нега полиция эркакми ёки хотинми – кимлиги номаълум турли-туман қаланғи-қасанғиларга эътибор бермайди, буни ҳеч тушунолмайман, – деди у.

Эркак эканини аниқ биладиган Тома буни кўтара олмади. Кўзларида иккита каттакон ёш томчиси пайдо бўлди ва у бадкирдорга деди:

– Бўлди, кетаман, энди бу ерда қололмайман!

– Йўқ, кетманг! – қатъий қарши чиқди бадкирдор. – Ўтиринг ва яна яримта буюринг, мен бир дақиқага улар ёнига бориб, гап нимада эканини тушунтираман. Сиз аёлга ёрдам бериб, ҳақиқий эркакнинг ишини қилгансиз, агар улар гап нимадалигини билишганида, устингиздан кулмаган бўлишарди. Ишонтириб айтаман, кулмаган бўлишарди!

Тома бадкирдорга миннатдорчилик билан тикилди, у ўрнидан туриб, ўша стол томонга кетди. Бадкирдорни қизиқсиниб кутиб олишди ва у нималарнидир пичирлаб тушунтира кетди. Улфатлар уни диққат билан тингладилар ва Тома улар томонга умид билан қарай бошлади. Бадкирдорнинг сўзларини эшитар экан, гоҳ униси, гоҳ буниси ўгирилиб Томага қараб қўярди. Бошқалар каторида Ленка ҳам қараб қўйди. Томанинг умиди борган сари кучая бошлади ва анча енгил тортди. Тома унга ёмон муносабатда бўлиб, қувиб юборишгани, устидан кулишгани учун барчаси пушаймон бўлишини, ойимтилла Ленка эса балки, тушида кўрганидек, унга кулиб қарашини кутиб ўтирарди. Ана шунда у яна қувончга тўлиб, ҳаммасини кечирган, бугун бошига тушган барча балоказоларни унутган бўларди.

Балки шундай ҳам бўларди, аммо қовоқхона эшиги яна очилди ва артиллерия капитани, унинг ортидан "Олтин шер" мусофирхонасининг хизматчиси кириб келди. Капитан қисқа қилиб буйруқ берди:

– Бу ерга навкарни чақир!

Кейин у тезлик билан Томанинг столи ёнига келди ва ўқирди:

– Ҳой эшак, ҳозир қилич билан каллангизни сапчадай узиб ташлайман!

– Афв этасиз, нима гап ўзи? – сўради Тома ва худди қария ролини ўйнаётгандай қалтирай бошлади.

– Каккуқуш тухумини бошқасининг уясига ташлаганидек, болани ташлаб кетишга ким сизга ҳуқуқ берди? – яна бўкирди капитан. Шу пайт қўлида Неделько билан навкар кирди.

– Бу бақироқни манави жанобга бер!

Навкар бахтиқора Томага Неделькони тутқазди. Тома нима дейишини ҳам, қаёққа яширинишини ҳам билмай бақрайиб қолди.

Стол ортида яна гулдурос кулги кўтарилди, официант ҳам, "Олтин шер"нинг хизматчиси ҳам кула бошладилар. Фақат навкаргина камтарона тиржайиб турарди, чунки у капитандан кулишга рухсат олмаганди.

Томанинг иситмаси чиқиб, чаккалари ва товони ёнаётгандай туюлди. Боши ҳам бўлиб, илоё ер ёрилсин-у, мени ютсин, дея Парвардигорга илтижо қила бошлади.

Катта стол атрофида ўтирганлар ҳануз қаҳқаҳа отаётган эдилар. Ғазабланган капитан уларга ўгирилиб, тушунтира бошлади:

– Буни қаранг-а, бу ярамас менинг хонамга кириб, болани тўшагимнинг устига ташлаб кетибди!

Яна қаҳқаҳа кўтарилди. Капитаннинг гаплари Томанинг кулоғига кирмаётган эди, кирганида ҳам Неделькони Эльзанинг эмас, бошқа бировнинг хонасида қолдириб кетганини тушунмаган бўларди.

Капитан давом этди:

– Мен машғулотлардан ўлгудай чарчаб келиб, тўшакка узандим. Қўққисдан ортимда нимадир қимирлаётганини сезиб қолдим. Қандай аҳволга тушганимни тасаввур қилишингиз мумкин. Апил-тапил ўрнимдан туриб, шамни ёқдим ва кўрдимки... гўдак, мана шу гўдак! Ух, жин урсин! Мусофирхонада шундай тўполон кўтардимки, хўжайиннинг хотинини ҳам, ходимани ҳам, ошпаз хотинни ҳам, умуман, туғишга қодир барчани ўлдиришимга сал қолди. Кейин хўжайиндан эшитдимки, бугун меҳмонхонага бола кўтарган, афтидан, уни кимгадир ташлаб кочиш ниятида бўлган қандайдир дайди келган экан! У кимни танлади, деб ўйлайсиз?.. Мени, хотини каторасига уч марта эгизак, ҳа, эгизак туккан каминани танлади, ҳурматли жаноблар! Тунаш учун қолган ҳар бир меҳмонхонамда тўшагим устида биттадан бола топишимни энди бир тасаввур қилинг... Нечта бола орттирардим-а!

Яна қаҳқаҳа кўтарилди, бу гал капитаннинг ўзи ҳам, навкар ҳам кулгига қўшилди. Томага остидаги пол чайқалгандек, столлар, стаканлар ва барча одамлар ағдар-тўнтар бўлаётгандек кўринди. Капитан эшик томонга йўналди-ю, лекин тўхтаб бакирди:

– Агар яна хонамнинг олдида изғийдиган бўлсангиз, сизга кўрсатиб қўяман! Ҳа, айтганча, мен аллақачон полицияга хабар бериб қўйдим!

У эшикни қарсиллатиб ёпганча навкар кузатувида чиқиб кетди.

Томанинг оёқлари чалишиб, курсига чўкди, Неделькони бўлса, тиззаларига ўтқазди. У ҳеч нарсани тушунмаётган, эшитмаётган, кўрмаётган эди. Неделькони Эльзанинг хонасида қолдириб кетганидан кейин у қандай қилиб тиззасида пайдо бўлганини ҳеч англай олмаётганди. Артиллерия капитани қайси гўрдан чиқиб келди? Хоналарни адаштириб қўйиши, Неделькони Эльзанинг тўшаги ўрнига машқлардан силласи қуриб қайтган артиллерия капитанининг тўшагига ётқизиб кетиши мумкинлигига ҳеч ақли етмаётган эди.

Капитан кетгач, қўшни столда Томанинг шаънига яна заҳарли пичингларга тўла суҳбат бошланди. Бадкирдорнинг уринишлари пучга чиқди. Катта стол атрофидагиларнинг пичинглари бечора Томанинг устига дўлдай ёғилар, қалбини, юз-кўзини куйдирарди. Ленка ҳаммадан қаттиқроқ сўзлар ва унинг истеҳзоли сўзлари Томанинг юрагини ҳаммадан кўра кўпроқ тилка-пора қилар эди.

Ниҳоят, у бироз ўзига келди ва бу жаҳаннамдан тезроқ кочиш кераклигини тушунди, аммо оёққа туриш учун мадори йўқ эди. Бор кучини йиғиб, официантни чақирди ва ичкилик ҳақини тўлади. Кейин Неделькони қўлтиғи остига олиб, уни кулги билан кузатишларини билган ҳолда, кета бошлади. Ҳечқиси йўқ, бу охирги кулги бўлади, бундан кейин у буларни, булар уни ҳеч қачон кўрмайди. Аммо икки одим отишга улгурмасиданоқ, эшик учинчи марта очилди ва остонада жандарм кузатувидаги полиция амалдори пайдо бўлди.

Яна Томанинг силласи қуриди, курсига чўкди, пешонасини совуқ тер қоплади.

– Демак, ўша болали эркак сиз экансиз-да? – расмий йўсинда сўради амалдор.

– Менман! – жавоб берди Тома, полиция излаётган болали эркак чиндан ҳам ўзи эканига заррача шубҳаланмай.

– У ҳолда кетдик! – қатьий оҳангда деди амалдор ва Тома бўйсунишдан бошқа иложи йўқ эканини тушунди. Қўшни стол атрофида, албатта, қаҳқаҳа кўтарилди. Бу гал бадкирдор ҳам очиқчасига кулгига қўшилди.

Тоза ҳаво Томани тетиклаштириб, кўнгли бироз ором топгандай бўлди. Ҳеч қачон полицияга иши тушмаганди. Полиция амалдори ёнма-ён бораётгани, орқасидан жандарм келаётганига қарамай, у ҳарҳолда ўзини қовоқхонада ҳазил-мазах ва сўкинишлар дўли остида ўтиргандан кўра яхшироқ ҳис қиларди.

Полициядаги сўроқ хийла узоқ давом этди, чунки Тома аввалига учта асосий саволга ҳечам аниқ-равшан жавоб бера олмади. Бу саволлар қуйидагича эди:

а) Сиз нима мақсадда ҳамма ерда, ҳатто, кечаси қовоқхонада ҳам бола кўтариб юрибсиз?

б) Ўзингиз айтгандек, ҳақиқатан ҳам актёр бўлиш учун келган бўлсангиз, сизга гўдакнинг нима кераги бор?

в) Нега болани капитаннинг тўшагига билдирмай ташлаб кетдингиз?

Тома амалдорни бутун тарихини бир бошдан эшитишга зўрға кўндирди. У гапни ўзининг ахлоксиз туши ва оқ шимидан бошлади, директорнинг мактубини ўқиб берди, саҳнада қандай аҳволга тушганини ҳикоя қилди... Амалдор маза қилиб кулди, бу ҳеч кутилмаганда Томанинг дилини оғритди, чунки у, ҳеч бўлмаганда, ҳокимият вакилларидан ҳамдардлик кутганди! Ҳикоя ниҳоясига етгач, амалдор қўнғироқчани чалди ва жандармга бугун "Олтин шер" мусофирхонасининг 7-хонасига жойлашган аёлни олиб келишни буюрди.

Жандарм кетди, амалдор бўлса, Томадан фожиасининг айрим лавҳаларини қайта сўзлаб беришни илтимос қилди. Унга Томанинг туши ва Ленка: "Эшак! Парда ортига бола олиб келиш мумкинми, ахир?!" деб бақирган мудҳиш саҳна, айниқса, мақбул бўлди.

Ниҳоят, эшик очилди ва бўсағада жандарм кузатувидаги Эльза пайдо бўлди. Мана энди чинакамига ҳайратомуз томоша бошланди, лекин бу ўқувчилар кутаётгандек, шўрпешона она ва йўқолган боланинг эмас, балки Эльза билан полиция амалдорининг учрашув саҳнаси эди. Эльза остонадан ҳатлар-ҳатламас, амалдор ўрнидан сакраб турди.

– Бу сенмисан? – қичқирди у.

– Албатта, менман! – жавоб берди Эльза ва улар бир-бирининг қучоғига отилди.

Маълум бўлдики, Эльзанинг қидириб юрган дўсти шу полициячи экан ва айни мана шу амалдор туфайли бечора Томанинг бошига кечки кўнгилсизлар ёғилган экан.

– Қаерда эдинг, Худо ҳаққи, айт? Сени кечаси билан ахтариб чиқдим, бу ерга икки марта келиб кетдим.

– Мен навбатчиман, шаҳар айлангани кетувдим.

Эльза билан амалдор Томадан узр сўрашди ва, ҳатто, амалдор сўроқ баённомасини йиртиб ташлади. Эльза Неделькони олди ва тўртовлон мусофирхонага кетди.

Томага хайрли кеч тилаб, Эльза, амалдор ва Неделько еттинчи хонага йўл олишди. Тома аллақачон маълум бўлганидек, ҳорғин капитан ухлаётган тўққизинчи хона ёнидан ўтаркан, этлари жимирлаб кетди.

У хонасига кириб, уст-бошини ҳам ечмасдан тўшакка чўзилди-да, бошига кўрпани буркаб олди.

ЙИГИРМА БЕШИНЧИ БОБ

Романда аллақачон ҳикоя қилинган оилавий сирларга мутлақо алоқаси бўлмаган яна бир оилавий сир

Эрталаб почта араваси йўлга чиқиб, Эльза билан Неделькони Белградга олиб кетди.

Семинарист Тома ўз ишини қилиб бўлди, шу боис саҳнадан чиқиб кетди. У бечора энди яёв кетиб борарди, чунки бадкирдорнинг фожиасини эшитаман деб бор пулини сарфлаб бўлганди. У йўлдан озган ўғил каби қадрдон семинарияга қайтаётган эди. У ерда ректор олдида тиз чўкиб, кўрган жабру жафолари, ўша "инсоннинг бутун ҳаётини қамраб оладиган, кенг имкониятларга эга тор соҳа"дан ниҳоятда ҳафсаласи пир бўлгани ҳақида тавба-тазарру қилиш ниятида эди. Келгусида, ўз қавмига эга руҳоний бўлгач, у қиш оқшомларининг бирида иссиққина печка олдида ўтириб, хотинига инсон ҳаёти – абадий жумбоқ эканини ҳикоя қилади.

Извошда беташвиш кетаётган Эльза энди Тома ҳақида ҳам, ҳатто, Неделько ҳақида ҳам ўйламаётган эди. Неделько Эльзанинг тиззаларида шунақаям фариштадек хотиржам ухлаётган эдики, гўё кечки англашилмовчиликларнинг сабабчиси у эмас деб ўйлардингиз.

Извошда яна бир йўловчи пайдо бўлганди. Пакана, гирдиғум, кўзлари қисиқ, мўйлови оқарган ва ҳаддан ташқари эзма бир жаноб. У Эльзага божхонада хизмат қилишини ва Белградга кетаётганини айтди. Уни бошқа ёққа ўтказишаётганини эшитиб қолган ва бунга қарши чиқишга қарор қилган. "Ўрганган ва мустаҳкам оилавий ҳамда дўстлик ришталари ўрнатган жойимдан кетишни хоҳламайман", деди у.

– Бизни ҳадеб у ёқдан бу ёққа ўтказаверадиган давлат калаванинг учини йўқотиб қўйган, – тушунтирди божхона ходими. – Савдогарлар менга ўрганган, мен уларга ўрганиб қолганман. Контрабандачилар менга, мен уларга кўникканман. Мен контрабандачини биламан, у мени билади. Мен унинг нимани ўйлаётганини биламан, у менинг нима ўйлаётганимни билади. Ҳамма ишларни хамирдан қил суғурадигандек йўлга қўйдим, энди беташвишман деганингда давлат бирданига "тарс" эткизади-ю, бошқа ёққа ўтказворади.

Сергап ҳамроҳ бир дақиқа ҳам тўхтамай жаврайверди. Неделько ҳиқиллаб қолганида божхоначи ниҳоят болага диққат қилди, гўдакни бошдан-оёқ назардан ўтказгач, сўради:

– Беш кило чиқса керак?

Эльза ҳайратга тушди – у божхоначиларнинг ҳар қандай тугунни кўз билан ўлчай олиш қобилияти борлигини билмас эди.

– У йиғлаб сизни безовта қилмаяптими? – сўради Эльза.

– Йўқ, болалар йиғласа, менга ёқади. Хотиним менга игна берган, бола кўтарган бирор хотин чегарадан ўтса, болага игна санчаман шунда у чинқириб йиғлашга тушади.

– Вой! – қичқириб юборди Эльза болаларга игна санчадиган ғалати кишига ҳайрат билан қараб.

– Нима қипти?! – ўзини оқлай бошлади у. – Давлат йиғлаганидан кўра, бола йиғласин!

Агар бу киши болага игна санчмаса, давлат нега йиғлашини Эльза тушунмагани учун божхона амалдори шу заҳоти изоҳ берди:

– Бир куни қўлларида чақалоқлари бўлган уч нафар аёл чегарадан ўтди. Мен уларнинг нарсаларини текшира бошладим, улар эса бир бурчакка ўтиб ўтиришди-да, ёқаларининг тугмасини ечиб, болаларини эмиза бошлашди. Ҳар бир гўдак камида ўн кило келади. Кейин эшитдимки, булар ҳеч қанақа чақалоқ эмас, ҳар бири ўн кило тамакини йўргаклаб олишган экан! Ҳали шунақами, дедим ва игна олиб юрадиган бўлдим. Ўшандан буён ҳар қандай гўдакка игна санчиш одатим пайдо бўлди. Ўз кўзим билан кўриб турибман: тамаки эмас, бола, лекин йиғламаяпти. Мен унга гўё оталарча яқинлашаман, ҳар хил гаплар билан эркалатаман, кейин секингина игнани... Нега энди жим ётавериши керак? Худо унга томоқ берган, чинқириб йиғласин-да.

Модомики, гап болалар ҳақида бораётган экан, ҳамроҳ шу мавзуга ўтди.

– Тўнғичими? – сўради божхоначи.

– Ҳа.

– Операциясиз туғдингизми?

Эльза бу ғалати саволдан яна таажжубланди, лекин саволларига ҳар доим ҳам жавоб кутишга одатланмаган божхоначи давом этди:

– Менинг хотиним ҳамиша операция йўли билан туғади!

Гўё операция Худо томонидан фақат танланган аёлларга бериладиган бир имтиёздек, бу хорижий сўзни у аллақандай ғурур билан айтди.

Эльза нима дейишни билмади, аммо амалдорга жавобнинг кераги ҳам йўқ эди.

– Шуниси ғалатики, негадир болаларим тирик қолмайди. Фақат тўнғич ўғлимгина, Худога шукр, тирик қолди, соғ-саломат, яхши ўсди.

Бунга ҳам Эльза ҳеч нарса демади. Бироздан кейин божхоначи яна сўради:

– Эрингиз нима иш қилади?

– Мен эрга тегмаганман, – дея жавоб берди Эльза хижолат тортиб.

– Ие, шунақами? Унда боланинг отаси ким?

– Бу сир.

– Сир? – жиддий оҳангда қайта сўради божхоначи. Сўнг ўйга толди ва узоқ жим ўтиргандан кейин ўз-ўзига гапиргандай деди: – Ҳақиқатан ҳам ғалати, деярли ҳар уч боладан бири – сир.

Унинг нима демоқчи бўлганини Эльза тушунмади, аммо у, одатдагидек, Элзанинг таажжубига тезда жавоб берди.

– Биласизми, – дея давом қилди у, – менинг болам, ўша тирик қолган ягона ўғлим ҳам – сир. Бунинг устига оддийгина сир эмас, балки бутун бошли бир роман.

Божхоначи ўйлаб колди, афтидан, сирни ишонса бўладими-йўқми, деб тараддуданаётган эди. Сўнг бир карорга келди-да, деди:

– Уйланганимда унча ёш эмасдим. Менинг бир яхши дўстим – кўшним бор, у ёш йигит, лекин уйланганига беш-олти йил бўлган. У: "Кел, мен сени уйлантириб кўяй! Сен ҳеч нарсага аралашма, ёшгина келинчакни сенга ўзим топиб бераман!" деб каминани кўндирди. Чиндан ҳам ҳеч нарсага аралашмадим, у менга келин топиб, унаштирди, сўнг уйлантириб кўйди. Тўйда бош куёвжўра бўлди. У топиб берган аёл ёшгина, сулув киз бўлиб, мендан йигирма бир ёш кичик эди.

Ўша кўшним билан олдинлари ҳам аҳил яшардик, – давом этди божхона амалдори, – аммо тўйимиз бўлганидан кейин оилаларимиз шунчалик иноклашиб кетдики, бизни энди ўт билан ҳам, сув билан ҳам ажратиб бўлмасди. Кечкурун хизматдан уйга қайтиб келсам, кўшним, яъни бош куёвжўрам аллақачон меникида ўтирган бўлади. "Хотиним уйда йўк экан, кўшниникидан бошка каерда ҳам бўларди, деб ўйладим!" дейди. Мен ҳам уникига бориб турардим.

Энг кувонарлиси – уйланганимдан бир йил ўтгач, оилаларимизда кўпайиш юз берди. Унинг хотини ўғил туғди, уч кундан кейин менинг хотиним ҳам ўғил туғди. Ўша, операциясиз туғилган ва ҳозиргача тирик бўлган ўғлим. Кўшнимнинг хотини олдин икки киз туккан, буниси, учинчиси ўғил бўлган эди. Меники бўлса, бирданига ўғил туғди. Кувончимизнинг чеки йўк эди. Ё уникида, ёки меникида ўғилларимизнинг соғлиги учун ичамиз.

Уларни биргаликда чўқинтиришга келишдик. Иккаламизнинг хотинларимизни айни доя хотин туғдиргани учун у биринчи ҳафтадаёқ келиб, ҳар иккала чақалокни черковга олиб кетди, унга биз, оталар эргашиб бордик. Кўшнимнинг ўғлига Милослав, меникига Райко деб исм кўйишди.

Ўша куни биз бўккунча ичиб, кучоқлашиб, ўпишавердик.

Аммо тўрт ой ҳам ўтмасдан унинг ўғли, Милослав хасталикка чалиниб, тўхтовсиз мудрайверди ва охири нобуд бўлди. Унга ҳам, ўзимга ҳам, албатта, ачинаман.

Менинг Райком бўлса, соғлом, хушбичим бола бўлди, яхши ўсаверди. Лекин бир ғалати ходиса кўзимга ташлана бошлади – ўғлим улғайган сари бош куёвжўрага ўхшаб бораверди. Менга эса заррача ўхшамайди!

Олдинига менга шунақа туюлаётган бўлса керак, деб ўйладим. Лекин кўшним окшом палласи меникига келиб, Райкони тиззасига олиб ўйната бошлаганида бир унга, бир болага карайман, карайвераман ва киёслай бошлайман. Бурни, лаблари, кошлари ва, хатто, кулоқлари куйиб кўйгандек ўхшайди. Баъзан ўғлимни кўлга олиб, чаккамга босаман, ойна олдида турволиб таккослайман. Ҳечам ўхшамайди: менинг лабларим калин, гўдакники юпка; мен пачокбурунман, у киррабурун; кошларим худди оччувалчангдек ингичка, уники барок, худди зулукка ўхшайди; кўзларим кисик ва яшил, уники катта ва кора. Худди биз ота-бола эмасдек, бир-биримизга ўхшамаймиз.

Шу ерга келганда божхоначи ҳикоясини узди, чунки олдинига факат билдирмай кулаётган Эльза каҳкаҳа отишдан ўзини тия олмади.

– Кулманг, – дея уни тўхтатди божхоначи, – бу сиз ўйлаётган нарса эмас асло. Сизга ҳаммасини айтиб берганимдан кейин янглишганингизни ўзингиз кўрасиз.

Эльза кулгидан тўхтади, ҳамроҳи эса ҳикоясини давом эттирди:

– Менинг ўзим ҳам бу ҳақда ўйладим, ўшанда юрагим қаҳратондаги қордек музлади. Ўйга ботиб, кўчаларда тентирадим, хизматда қўлим ишга бормади ва, умуман, шу даража паришонхотир бўлиб қолдимки, контрабандачилар яйраб қолишди. Неча марталаб тўшакда бошимни кўрпага буркаб, ўз-ўзим билан сўзлашиб ётдим. Ўзимга: ҳа, шунақа, дейман; кейин ўзимга ўзим эътироз билдираман: йўқ, бундай эмас! Гўё ўзимни ўзим икки бўлакка бўлиб ташлагандай, ҳар бир бўлакнинг ўз "мен"и бордек, бу "мен"лар ўзаро баҳслашаётгандек, жанжаллашаётгандек туюларди. Тахминан мана бундай:

Б и р и н ч и м е н. Йўқ, бу бўлиши мумкин эмас, у менинг дўстим, деярли қариндошим, тўйимда бош куёвжўра бўлган.

И к к и н ч и м е н. Бу дунёда ҳамма нарса бўлиши мумкин. Бугун дўстинг, эртасига – йўқ, бунинг устига катта куёвжўра ҳеч қанақа қариндош эмас.

Б и р и н ч и м е н. Лекин мени унинг ўзи уйлантириб қўйди-ку!

И к к и н ч и м е н. Балки у ўзини ўйлаб, сени уйлантириб қўйгандир.

Б и р и н ч и м е н. Лекин хотиним нега бундай қилди?

И к к и н ч и м е н. Чунки сен анча кексайиб қолдинг.

Б и р и н ч и м е н. Хотиним мени севади!

И к к и н ч и м е н. Қўшнинг ёшроқ ва келишганроқ.

Б и р и н ч и м е н. У ҳалол одам.

И к к и н ч и м е н. Ҳалол одамлар ҳам шунақа ишлар қилиб туради!

Б и р и н ч и м е н. Йўқ, йўқ, мен бунга ишонмайман.

И к к и н ч и м е н. Ишонмаган киши саодатлидир!

Кечалари шу йўсинда ўзим билан ўзим баҳслашиб чиқаман, эрталаб туриб, Райкога назар ташлайман – қуйиб қўйгандек бош куёвжўранинг ўзи! Борган сари унга кўпроқ, менга тобора камроқ ўхшаб бораверди. Бош куёвжўра ҳам, хотиним ҳам аҳволим яхши эмаслигини, кайфиятим ёмонлигини пайқашди. Мендан нима бўлди, деб сўрашади, мен бўлсам, айтгани қўрқаман.

Райконинг бўйи ўсди, юра бошлади. Хотиним бир куни эски шимимдан болага катталарникига ўхшаш узун шимча тикиб берди. Райко шимчасини кийиб, мақтаниш учун ёнимга чопиб келди. Не кўз билан кўрайки, каршимда кичкина эркак, миттигина бош куёвжўра турибди. Шамни олиб, ортимда туриши ва мени никоҳлаши қолди, холос. Шунда бардошим тугади, хотинимнинг ёнига бориб, шунақа, шунақа, бола қуйиб қўйгандек бош куёвжўрага ўхшайди, деб ҳаммасини тўкиб солдим.

– Ҳа! Буни мен ҳам пайқадим, – деди хотиним, – сен бу ҳақда гап очармикансан деб кутиб юргандим.

– Мана, гап очдим! – дедим.

– Сен очмасанг, ўзим бу ҳақда гап очардим! – деди у менга.

– Яхши, лекин сен буни қандай изоҳлайсан? – сўрадим мен.

Хотиним шундай хўрсиндики, уни нимадир қаттиқ қийнаяпти, деган хулосага келдим.

– Айтардим, лекин сенга ачинаман-да.

Саросимага тушиб қолдим. Демак, иккинчи "мен"им ҳақ экан-да, хотиним деярли бўйнига олди, ана менга ачиняпти. Гарчи камина совуққон одам бўлсам-да, ичимда нимадир гуруллаб ёниб, болаларга санчадиган ўша игна қўлимда ўйнай бошлади.

– Сўзла, билишни хоҳлайман! – бақирдим ҳукмфармо оҳангда. Бу божхона текшируви вақтида: "Жомадонларни очинг, текширув!" дея қатъий бақирганимга ўхшарди.

Хотиним сира хижолат бўлмасдан, очиқчасига гапирди:

– Ўзи аллақачон айтмоқчи эдим, лекин юрагингга оғир ботишини билганим учун, сени аяб юргандим. Мана энди шубҳаларинг дилимга озор бераётгани боис менга эмас, сенга озор етақолсин. Боланинг катта куёвжўрага ўхшашини мен мана бундай изоҳлайман.

Хотиним каминани шу кунгача қийнаётган сирни очди:

– Менимча, бунинг фақат биттагина изоҳи бор, – деди у, – чўқинтириш пайтида доя кампир болаларни алмаштириб қўйган.

– Қанақасига? – деб ҳайрон бўлдим.

– Менимча бундай бўлган, – деди хотиним, – кампир янглишиб болаларни адаштириб қўйган ва бизга катта куёвжўранинг боласини, унга бизникини бериб юборган.

Сочларим тикка бўлиб кетди.

– Демак, бизнинг ўғлимиз ўлган экан-да?

– Ҳа!

– Яъни, Райко менинг ўғлим эмас, шундайми?

– У сенинг ўғлинг эмаслиги ҳақида қасам ичишга тайёрман, – деди хотиним.

Нақ ақлдан озаёздим, нима деб ўйлашимни, нима дейишимни билмасдим. Хотиним ҳақлиги кундай равшан, лекин бу ҳаммадан ҳам яхши кўрадиган ўғлим меники эмаслигини англатардики, мен...

– Майли, – дедим хотинимга даҳшат ичида, – лекин бу бош куёвжўра буни фаҳмлаган заҳоти болани қайтиб беришни талаб қилади, деган гапку!

– Нобуд бўлган болани кўмиш харажатларини ҳам талаб қилади.

– Бу майлику-я, лекин...

Мен бирон нарса ҳақда ўйлайдиган аҳволда эмасдим. Худди тилимни ютгандай, узоқ-узоқ жим қолдим. Ниҳоят бошимни кўтариб, хотинимдан сўрадим:

– Маслаҳат бер, энди нима қилишимиз керак?

– Ҳеч нарса қилиш шарт эмас, – деди у. – Болани ўзингникидай қилиб кўрсатавер, гумонсираганингни бош куёвжўрага сира билдирма. У билан олдингидай тавозели бўлавер, ҳатто, олдингидан ҳам сермулозамат бўл, биз сен билан ҳаммасини сир сақлаймиз, қаттиқ сир тутамиз!

Шундай ҳам қилдим, хотинимнинг маслаҳатига қулоқ тутдим. Яна қувноқ бўлиб юравердим, бош куёвжўрага аввалгидан ҳам қуюқроқ мулозамат қилиб, ҳеч нарса билан шубҳа уйғотмасликка ҳаракат қилдим. Фақат аҳён-аҳёнда у меникига келиб, болани тиззаларига ўтқазиб, эркалата бошлаганида ичимда:

– Э Худо, у, афтидан, ўз боласини эркалатаётганини ҳам билмайди, – дердим.

Божхоначи оилавий сирини айтиб тугатгач, жим қолди. Уни эътибор билан эшитган Эльза кулгисини зўрға тийиб турарди.

– Ҳақиқатан ҳам ҳайратомуз сир! – деди у гўё жиддий қиёфага кириб.

Эльза бу ҳикояни эшитиб, Белградга қандай келиб қолганини ҳам пайқамади. Торлакдан қуйига тушадиган йўлнинг икки томонида қатор уйлар кўрингачгина у саёҳат якунига етганини тушунди.

Бироз ўтгач, извош пойтахт ястаниб ётган тепаликка кўтарилди.

ЙИГИРМА ОЛТИНЧИ БОБ

Гарчи олдинги бобларда мусиқага мутлақо қобилияти йўқлиги таъкидланган бўлса-да, Неделько ҳам мусиқа дарсида иштирок этади

Мирза – олти минг, котиб – ўн икки минг, бўлим бошлиғи – йигирма минг, вазир – бутун бошли эллик минг динор сепга умид боғлаши мумкинлигини жаноб Сима Неделькович аниқ биларди. (Бу охирги рақам ўз-ўзича ҳам, таъминлаб берадиган мавқеи билан ҳам уни ўзига оҳанрабодай жалб қилар эди.) Аммо сеп олти минг динор бўлса, фақат хотин олиши; ўн икки минг динорда хотин билан бирга "опаси бўлмаса яшай олмайдиган" қайнсингилни қўшиб олиши (бунда куёв "шунчалик марҳаматли бўлиши керакки", қайнсингилни одам қилиши, қаторга қўшиши даркор); йигирма минг динорда хотин билан бирга яна ўша "опаси бўлмаса яшай олмайдиган" қайнсингилни қўшиб олиши (бунда куёв "шунчалик марҳаматли бўлиши керакки", қайнсингилни одам қилиш, қаторга қўшиш билан кифояланиб қолмай, уни тарбиялашни ҳам бўйнига олиши лозим); агар сеп йигирма минг динордан кўп бўлса, хотин билан қайнсингилдан ташқари, "болаларсиз яшай олмайдиган" қайнонани ҳам (унга куёв "шунчалик эътиборли ва ғамхўр бўлиши керакки, қўлида кўтариб юриши даркор") қўшиб олиши кераклигини у хаёлига ҳам келтирмаганди.

Шундай қилиб, у сепга уйланди, хотинидан ташқари, фақат одам қилишгина эмас, балки тарбияси ҳақида қайғуриши лозим бўлган қайнсингилни ҳам сепга қўшиб олди. Қайғуриш дегани, биринчи навбатда, пианино сотиб олиш, мусиқа ўқитувчиси топиш, модалар журналига обуна бўлиш ва театрнинг 8-ёки 9-ложасига – "ўртароғи" бўлса бас – абонемент сотиб олиш зарурлигини билдирарди.

Жаноб Сима Неделькович бу шартларнинг ҳаммасини бажо келтирди. У пианино, 9-ложага абонемент харид қилди, модалар журналига обуна бўлди ва, ниҳоят, мусиқа муаллими топди. Бу муаллим фақат мусиқий маълумотга эга бўлибгина қолмай, қиёфаси ҳам мусиқавий эди. Оёқлари нотанинг тўртдан бирига монанд, бироз ялпоқ хумкалласи тўла нотани эслатар, ажабтовур туриши сабабли гавдаси скрипканинг калитига ўхшарди. Устига-устак сочлари пахмоқ, четдан қараганда, мени худонинг ўзи кечирсин-у, гўё калласидан нотанинг ўн олтидан бир ҳиссаси чиқиб тургандек эди. Аммо, бошқа барча фазилатларидан ташқари (яхши мусиқа ўқитувчиси деб ном қозонганини айтмаса ҳам бўлаверади), у худди мушук сингари дарров ошиқ бўладиган тоифадан эди.

У учинчи дарсдан кейинок ўқувчи қизга ошиқ бўлиб қолар, бу севги шу билан охирига етардики, ё уни ҳайдаб юборишарди, ёки ўқувчи қиз ҳеч нарса ўрганмасди.

Муаллимнинг бу одатига қарши кураш воситаси сифатида ота-оналар навбатчилик усулини ўйлаб топишди. Бир дарсда – она, бошқасида ота навбатчилик қиларди ва бу навбатчиликлар вақтида севги изҳор қилиш бамисоли қизлардай камтарин бўлган муаллимнинг хаёлига ҳам келмасди.

Жаноб Сима Неделькович уйланиб, сепни қўлга киритгач, қайнсинглисининг тарбияси билан шуғулланиш мажбуриятини зиммасига олгани учун навбатчилик қилишга мажбур бўлди.

У навбатчиликка виждонан ёндашар ва, ҳатто, муаллимнинг пианино тепкисини босишини ҳам кузатиб ўтирарди, бу унга ўта шубҳали бўлиб кўринарди. Бир куни у галдаги навбатчилиги вақтида тепкини кузатиш қулай бўлиши учун пианинодан узоқроқдаги диванда ўтириб олди, қайнсинглиси билан муаллим пианино ортида ўтирар ва оташин илҳом билан гаммани машқ қилишарди.

Жаноб Сима Неделкович ўзини газета ўқиганга солиб ўтирар, аслида бўлса, газета устидан ё муаллимнинг юз-кўзи, ёки тепкини босаётган оёғини кузатарди. Қўққисдан унинг қулоқлари қандайдир ғалати нотани эшитиб қолди. Бу товушнинг машқ этилаётган гаммага ҳеч қандай алоқаси бўлиши мумкин эмасди, қолаверса, пианино бундай нотани чиқаришга қодир эмасди. Қулоқ солиб тургач, у мушуклар февраль ойида чиқарадиган товушга ўхшаш сасни аниқ фарқлади. Бу товуш ҳовли эшиги остидан келаётган эди. У бир лаҳзага таваккал қилиб, ўзининг виждоний бурчини, мусиқа муаллими қайнсинглисига севги изҳор этиши мумкинлигини унутди ва у ерда нима борлигини кўриш учун ташқарига чиқди.

Жаноб Сима тезда қайтавермади. Мусиқа муаллими ўқувчи қиз билан холи қолганини англаб, адашиб кетди, соч ўрнидаги ўн олтинчи ҳисса баттар тўзғиди. У терга ботди, бармоқлари клавишлар устида югура бошлади ва ингичка овозда севги изҳор қила кетди.

– Жаноб муаллим! – деди қайнсингил уялиб. Мана шунақа, тўсатдан севги изҳор қилишса, унинг ўрнидаги ҳар қандай қайнсингил ҳам изо тортган бўларди.

Мусиқа муаллими клавишларни тақиллатишда ва севги ҳақида гапиришда давом этди. У кўшни хонадаги ота-оналар дарс ўз маромида кетяпти деб ўйлашлари учун мусиқа садолари остида муҳаббат изҳор этишга одатланган эди.

– Жаноб муаллим! – такрорлади қайнсингил хижолат тортиб. Қизга севги изҳор қилинганда у, ҳеч бўлмаса, икки марта уялиши лозим.

Муаллим севги изҳорида ҳам, клавиатурада ҳам баланд пардаларга кўтарилган эдики, ҳеч кутилмаганда эшик очилди ва остонада қордек оқариб кетган жаноб Сима кўринди.

Мусиқа муаллими пружина ирғитиб юборгандай, айланма курсидан сапчиб турди ва у ҳам қордек оқарганча жаноб Симага рўбарў бўлди. Иккаласи ҳам хижолатомуз, қордек оқарган ҳолда бир-бирига тикилиб, узоқ туриб қолишди. Ниҳоят жаноб Симанинг гезарган лаблари базўр қимирлади ва деди:

– Жаноб, марҳамат қилиб, менинг хонамга кирсангиз.

Муаллим бу уйда мағлубиятга учраганини тушунди ва қўлга ўргатилган каптардек жаноб Недельковичга эргашди. Номи тилга олинган хонага киришгач, жаноб Сима эшикни зичлаб ёпди, мусиқа муаллимини ғам

босди ва шу лаҳзада клавиатурага ўхшаб қолди; бир лаҳзадан кейин жаноб Сима бу клавиатурада афсонавий куй ижро этишга ҳозирланаётгандек эди.

Жаноб Сима ғалати, мусиқа муаллими ҳозиргина севги изҳор қилганга ўхшаш ингичка овозда сўзлай бошлади.

– Жаноб, менинг сизга жуда ишониб айтадиган муҳим гапим бор...

– Биламан, – жавоб берди муаллим титроқ овозда, – лекин... мен буни... азбаройи ҳурмат юзасидан қилгандим... Мени нотўғри тушунмаслигингизни илтимос қилган бўлардим.

Ранги ўчиб кетган жаноб Сима давом этди:

– Сиз менга бир катта хизмат қилишингиз мумкин. Менга очиқ айтинг-чи, ёзувингиз чиройлими?

Мусиқа муаллими саволни тушунмади, шунинг учун жаноб Сима саволни такрорлашига тўғри келди.

– Умуман олганда, ёзувим чаккимас, тамомила эркакча ёзув, – жавоб берди бечора муаллим, – аммо ҳозир қўлларим қалтираяпти, демак, ёзувим хотинча, мутлақо хотинча бўлиб қолади.

– Буниси яна-да яхши! – хитоб қилди жаноб Сима. – Мана бу ерга ўтиринг-да, мен айтиб турадиган гапларни ёзинг.

Муаллим фақат шундагина жаноб Сима нима истаётганини тушунди. У аввал ундан иқрорнома ёздириб олмоқчи, сўнг дўппосламоқчи.

Муаллим чап беришга уриниб кўрди.

– Бунақа аҳволда, жаноб, ёза олмайман... Билсангиз... бундай аҳвол...

– Марҳамат қилиб, мен айтадиган гапларни ёзинг, – деди жаноб Сима қатъий оҳангда ва бечора муаллим қўлига перони олди.

– Бошқа перони олинг, буниси тирнаяпти.

– Нима фарқи бор, – жавоб берди муаллим ва перони сиёҳдонга ботирди.

– Ёзинг: "Мен бир камбағал аёлман ва фақир бўлганим учун болани боқолмайман, шунинг учун ҳам уни бу ерда қолдириб кетяпман, яхши одамлар уни олиб, тарбиялайди, деб умид қиламан".

– Бори шуми? – деб сўради ҳайрон қолган муаллим.

– Ҳа, бори шу! – жавоб қилди жаноб Сима. – Менга беринг-чи, қандай ёзган экансиз.

Муаллим енгил тортиб, шу ондаёқ юзига қизил югурди ва кўзлари шодликдан чақнади.

– Очиғини айтганда, бу ҳаммаси эмас. Мен сиздан яна бир нарсани илтимос қилмоқчи эдим. Лекин, ўз-ўзидан маълумки, ҳеч кимга айтмаслик тўғрисида менга сўз берасиз.

Жаноб Сима охирги жумлани айтар-айтмас, китоб жавонидан биғиллаган овоз эшитилди. Муаллим ҳайрон бўлди, жаноб Сима эса, жавонни секингина очди, китоблар устида Неделько беташвиш, эркаланиб ётарди.

– Уф-э! – деди муаллим Недельконинг тагидаги китобларга лозим даражада хурмат кўрсатмаганини пайқаб.

Жаноб Сима китобларнинг расво бўлганини кўриб, сўкинди, лекин Стеван Й. Ефтич асарлар тўпламининг фақат биринчи жилди ва муаллифнинг портрети булғанганини англагач, таскин топди. У Неделькони жавондан олиб, мусиқа муаллимига ўз сирини очди.

– Жаноб, бу менинг болам!

– Сизники?

– Ҳа... тушунасиз-ку, ёшлик бебошликлари.

– Ёшлик? Лекин бу гўдак икки ойлик ҳам бўлмаган-ку?

– Ҳа, икки ойлик, туғилгунча тўккиз ой, жами ўн бир ой... Ўн бир ой мукаддам, биласизми, ёшроқ эдим.... яъни уйланмагандим. Бошқача килиб айтганда: бу менинг болам. Ўзингиз ҳам кўриб тургандирсиз, у менга ўхшайди.

Муаллим синчиклаб қаради ва болани жаноб Недельковичга жуда ўхшаш деб топди.

– Уйланишга қарор килгач, бу болани туккан кизни ташлашимга тўғри келди.

– Албатта, – деди муаллим. У энди хотиржам эди.

– Лекин ўша киз мендан ўч олмокчи, оиламни бузмокчи. Қаранг, у нима килибди? Боя дарсни ташлаб чикканимда эшик олдида болани ва хотинимга аталган мактубни кўрдим. Боёкиш бу вактда мен уйда бўлмаслигимни билган ва болани хотиним топиб олиши учун ишни мана шунака уюштирган. Бирок, яхшиямки, бу гал мен навбатчилик килишим керак эди ва уйда колгандим...

– Яхшиямки! – маъкуллади муаллим.

– Эшитинг, у рафикамга нима деб ёзибди: "Мухтарама хоним, эрингиз менинг ҳаётимни барбод килди ва шунчалик чегарадан чикдики, мендан бола ҳам орттирди..."

– Бу иш учун чегарадан чикишнинг хожати йўк! – кистирди энди вакти чоғ бўлган муаллим.

– Марҳамат, эшитинг: "Мен унга хат ёзиб, болани бокиш учун пул юборишини айтиб ялиндим, аммо у эшитишни ҳам истамаяпти. У учига чиккан ярамас одам".

– Акл бовар килмайди! – деди ҳайратга тушган муаллим.

– Ҳа, жаноб, шундай деб ёзибди. Буни қаранг-а, колаверса, яна эшитинг: "Модомики, ўз фарзандига ғамхўрлик килишни истамаяптими, у ота эмас, учига чиккан ярамас. Мен бўлсам, бир бечора кизман..."

– Боласи бор экан, у канакасига киз бўлсин? – бироз ичикоралик билан кўшиб кўйди муаллим.

– Йўк, бу ўринда у хак, у хали эрга тегмаган эди, – эътироз билдирди жаноб бошлик ва ўкишда давом этди: "Мен бўлсам, бир бечора кизман, бола бокиш учун сарик чакам ҳам йўк; шунинг учун ҳам, мухтарама хоним, болани сизга юборяпман, уни тарбияланг, чунки барибир сизнинг болангиз бўлмайди..."

– Бу ҳакорат! – энди роса ичикоралик билан лукма ташлади муаллим.

– Бу ҳакоратини кечираман, – астагина минғиллади жаноб бошлик, – киз бу мактубни аччик устида ёзган. Лекин сизга бир илтимосим бор, – давом этди жаноб Сима энди бошкача оҳангда. – Мен ўзимнинг энг катта сиримни сизга ишондим – оғзингиз маҳкам бўлади, деб умид киламан.

– Марҳамат, агар жавонингизда яна бола бўлса, бу хакда менга бемалол айтишингиз мумкин, – шу захоти жавоб берди муаллим кайнсингил хакида ўйлаб. Энди бугундан бошлаб жаноб Сима навбатчилик килган вактда у кизга бемалол севги изхор килавериши мумкин эди-да.

– Лекин менинг сизга ишончим фақат шу билан тугамайди. Сиз менга яна бир хизмат қилишингиз лозим.

– Жоним билан, жоним билан! – қизғин жавоб берди муаллим.

– Сиз ёзган мактубни йўргакнинг ичига тиқамиз, бу хатни эса йиртиб ташлаймиз!

– Жуда зўр!

– Шундан кейин сиз болани кўтариб, бу ердан олиб чиқасиз.

– Менми?

– Марҳамат қилиб, мени охиригача эшитинг. Олиб чиқасиз ва, масалан, менинг эшигим олдига қўясиз.

– Узоқроққа эмасми?

– Худо сақласин, кўча тарафдаги эшик олдига. Шу ишни уддалай оласизми?

– Болани қандай олиб чиқаман? Қандай қилиб яшираман? Камзулим тор бўлса...

– Менинг эски камзулимни олинг, у сизга каттароқ, лекин шундай бўлгани ҳам яхши. Ҳовлидан ўтаётганингизда болани камзул остига яширасиз. Хизматкорлар кўрмасин. Кўчага чиққач, дарҳол ерга қўйинг. Биласизми, боладан юз ўгиришни истамайман, мен унга ғамхўрлик қиламан, лекин уни мана шу тарзда топишса, яхши бўларди. Уни мен эмас, бошқа биров топса, ундан ҳам яхши. Бошқа биров топгани маъқул!

Ҳаммасини шундай ҳам қилишди. Жаноб бошлиқнинг ишончли одамига айланган мусиқа муаллими бошлиқнинг бир неча болани сиғдириш мумкин бўлган камзулини кийди ва булғанмаслик учун Неделькони эҳтиёткорлик билан кўтариб, пастга тушди. Жаноб бошлиқ эса, енгил нафас олди.

ЙИГИРМА ЕТТИНЧИ БОБ

Бу бобда Неделько аввалига мусиқа асбоби ёки, содда қилиб айтганда, гармон ролини ўйнайди, сўнг ўз фитналари билан бирин-кетин иккита севгини барбод қилади

Муаллифнинг ниятига кўра ва олдинги бобда баён этилгандай, жаноб Неделькович билан келишувга мувофиқ, мусиқа муаллими Неделькони эшик олдида қолдириши ва ўз йўлига кетиши даркор эди. Агар у шундай қилганида йигирма еттинчи бобнинг ўрнини йигирма саккизинчи боб эгаллаган, бу боб эса, ёзилмаган ҳам бўларди, чунки у роман режасида йўқ эди.

Лекин ёзувчи чамалайди, тасодиф эса ҳал қилади. Агар бу шунчаки оддий тасодиф бўлганида, шундоғ ҳам қўлдан қўлга ўтавериб, қийналиб кетган жамоа боласининг мушкулотлари ва кулфатларини сал бўлса-да, қисқартириш учун муаллиф бир йўлини топиб, бу тасодифдан қочарди.

Тасодиф бундай юз берди. Мусиқа муаллими дадиллашиб кўча эшикдан ташқарига чиқди ва ўзи тузган режага мувофиқ, ҳовлидан ўтаркан, кўчада кимдир бор-йўқлигини билиш учун аввал ўнг томонга, сўнгра сўл томонга қараши лозим эди. Агар ҳаммаси режага мувофиқ бораётган бўлса, у Неделькони қўйган ва ўнггами ёки чапгами, жуфтакни ростлаган бўларди. Қаёққа кетишининг фарқи йўқ, чунки бу вазиятни ўзгартирмас

эди. Бироқ ҳаммаси бундай бўлиб чиқмади, чунки чапга қараганида ўн қадам наридаги София Янкович хонимни, яъни Анна Субботичнинг холасини кўриб қолди. Муаллим Анна Субботич (яъни жиян) билан уч ой шуғулланган ва бу вақт ичида икки ярим марта севги изҳор қилган, қиз бўлса қизарган, гаммани адаштириб юборган ва, умуман, шунчалик уялган эдики, ҳатто, бошини кўтаришга ҳам чўчиганди. Муаллим қизнинг уялганини муайян жавоб деб ўйлаши мумкин эмасди ва шунинг учун ҳам изҳорини учинчи бор такрорлаш ниятида эди. Улар ёлғиз қолишди дегунча, муаллим клавишлар устида бармоқ юритаркан, деди:

– Ойимқиз, сиз ҳиссиётларимдан бохабарсиз, шунинг учун...

Муаллим дил изҳорининг ўртасига келган чоғда хонага Аннанинг холаси, София Янкович кириб келди. У эрининг вафотидан кейин бева ҳисобланар, лекин бу унинг овунчоқ излашига халал бермасди. Бошқа овунчоқлар қаторида мусиқа ҳам бор эди. Бева мусиқани бажону дил тингларди, бу эрмак унда мусиқачиларга алоҳида иштиёқ ҳосил қилди. Бизнинг муаллимга нисбатан ҳам у айни мана шу иштиёқни ҳис қилган, шу боисдан қалбида жиянига рашк туғилган эди. Агар жиянлар ҳамиша холалардан кўра кўпроқ қадрланиши, қиз бола бевадан жозибалироқ бўлиши ва, ниҳоят, ёшлар кексалардан афзаллиги ҳисобга олинса, у ҳолда София хонимга рашки асоссиз эди, деб эътироз билдириш ноўрин. Ахир, дарс пайти эшик оркасида туриб яширинча қулоқ солгани учун бировга таъна қилиб бўлмайди-ку. Мана шу одати туфайли София хоним юқорида тилга олинган изҳорни эшитиб қолди ва уни қоқ ўртасида кесиб қўйди. Хола, табиийки, шу заҳоти опаси, жиянининг онаси ёнига чопди ва бунга чидаш мумкин эмаслигини айтди.

Ҳақиқатан ҳам чидамадилар. Мусиқа муаллимининг ковушини тўғрилаб қўйишди, бу эса София хонимнинг мусиқага иштиёқини янада алангалатиб юборди.

София хоним биринчи бўлиб хитоб қилди:

– Сиз, сизмисиз? Қандай тасодиф!

У назокат билан қўл узатди.

Эгнига бировнинг камзулини кийган ва камзул остида Неделькони кўтариб олган мусиқа муаллими, табиийки, бу учрашувдан ҳечамхурсанд бўлмади, назокат билан саломлаша олмади. Шу онда у чап томонида нимадир қаттиқ дупурлаганини сезди, лекин бу юрагимиди ёки Неделькомиди, билолмади. Бутунлай эсанкираб қолган муаллим София хоним билан саломлашиш у ёқда турсин, бир оғиз сўз ҳам айта оладиган аҳволда эмасди шундан қандайдир важ-корсон кўрсатиб, бу аёлдан кочиш ҳақидагина ўйларди, холос. Аммо у бирор баҳона ўйлаб топгунча, София хоним сўз қотиб қолди:

– Учрашганимиздан шундай хурсанд бўлдимки! Буни қаранг-а, сизни кўрмаганимга салкам икки ой бўлибди-я, сизга айтадиган гапларим кўп!

– Менга?

– Ҳа, кўп гап бор, бунинг устига муҳим ва махфий, – ғамза билан қўшимча қилди у.

– Бундан жуда хурсанд бўлардим, лекин айни пайтда...

– Нима, айни пайтда?

– Менинг жуда муҳим... ҳеч кечиктириб бўлмайдиган ишим бор!

– Сизнинг-а? Қўйсангиз-чи, бу бехуда гап! Қанақа иш ўзи?

– Шахсий... – чап беришга уринди муаллим. – Яъни, шахсий эмас, давлат иши... яъни, қандай карашга боғлиқ...

– Йўқ! Қўйинг бу ишни...

– Иложи йўқ! – деди тишларини ғижирлатиб муаллим.

– Лекин, – деди София хоним ишва билан кулиб, унга хиёл эгилди, – менга бўлган севгингиз ҳаққи...

– Сизга севгим ҳаққи? Майли, хўш, нима дейсиз?

– Бу ерда турмайлик, Ломина кўчаси бўйлаб молия вазирлиги ёнидаги паркка борайлик. Сиз мени кузатиб қўясиз, у ер шундай салқинки, жоннинг роҳати, устига-устак ҳеч ким йўқ – биз бемалол гаплашиб оламиз.

Мусиқа муаллими оғир нафас олиб, пешона терини артди ва жаноб Симанинг деразасига назар ташлади. Жаноб Сима юзини умидсизларча буруштираётганди.

Йўл бўйи ширинсуханлик билан муаллимнинг кўнглини олишди, бу сўзлардан фақат баъзиларигина унинг кулоғига кирар, чунки қўллари толиб кетган эди. Қўллари бутунлай увишиб, Неделько аста-секин пастга сирғалаётганини сезиб, муаллим қўрқувдан қотиб қолди.

София хоним гап орасида:

– Бу камзул сизга ярашмабди, – деганида у қандай аҳволга тушганини тасаввур қилаверинг.

– Биламан.

– Сиз бирон нарса кўтариб кетяпсизми?

– Ҳа.

– Унда ҳаммол ёлласангиз бўлмайдими?

– Ҳаммол?.. Йўқ, бу мумкин эмас... Буни ҳеч кимга ишонмайман.

– Нима бу?

– Сиз нима ҳақда сўраяпсиз? – деди муаллим қўрқа-писа. Пешонасини совуқ тер босди.

– Камзулингиз остидаги нарса ҳақида сўраяпман-да.

– Кўтариб кетаётган нарсам... бу... сизга қандай айтсам экан... бу мусиқа асбоби.

– Асбоб?

– Ҳа! – деди қатъий қилиб муаллим. Уйдирмаси ўзига зўр туюлди.

– Сиз уни ҳозир сотиб олдингизми?

– Ҳа, ҳозир.

– Машқ қилгани кетаётган бўлсангиз керак?

– Ҳа, ўқитгани кетяпман... лекин жазирамани қаранг, – деди муаллим. У гапни бошқа ёққа бурмоқчи эди.

Бу вақтда улар паркка етиб келишганди. Тахта ўриндиққа ўтирдилар. Муаллим энди дам олиши, уюшган қўлининг чигилини ёзиши мумкин эди. Аммо негадир шу пайтгача миқ этмаган Неделько камзул остида бирдан йиғлаб қолди. София хоним сесканди, бадбахт муаллимнинг кўзлари жовдиради, айб иш устида қўлга тушган боладек уялиб кетди.

– Нима, бу гармонми?

– Ҳа, гармон, – жавоб берди муаллим ич-ичдан ларзага келиб. Неделько йиғидан дарров тўхтамаслигини фаҳмлаган муаллим шу ондаёқ, ўғри

жандармдан, қарздор карз берувчидан қочгандек, кочишга қарор килди. Бу дадил, мардона қарор эди, лекин у буни қандай амалга оширишини билмасди.

Мана, ниҳоят, София хоним узундан-узоқ муҳаббат изҳор қилаётганда, нақ гапининг ўртасида у бор кучини тўплаб, бутун иродасини ишга солиб, ўриндиқдан сапчиб турди ва орқасига қарамай парк дарвозаси томон ўқдай учиб кетди. Вознесенский черкови, Аёлларнинг олий курслари ортда қолди, фақат шундан кейингина у кадамларини секинлаштирди. Бироқ қочиб бораркан, қандайдир жаноб илакишди. У:

– Тўхтанг! Тўхтанг! – дея қичқириб келаверди.

Бечора муаллим бу бир рашкчи бева пенсионер бўлса керак, деган хаёлга бориб қадамини янада тезлатди. Молия вазирлиги олдидаги паркда бунақа карияларга кўп учрарди. Аммо кўп ўтмай тез яқинлашиб келаётган таъқибчи тикувчи Йоца эканини пайқади. Йоца костюмни тамоман расво қилиб бичарди, лекин ниҳоятда чиройли бичилган қайнсинглиси бор эди (муаллим иккови бир-бирига севги изҳор этишган, у кизга уйланишга ваъда берганди). Муаллим тўхтаб, бўлғуси божасини кутиб турди.

– Тўхтанг, сиз мактубингизни тушириб колдирдингиз!

– Мактуб? – талмовсираб сўради мусиқа муаллими.

– Ҳа, – деди тикувчи. – Мана буни.

– Уни менга беринг, қадрли жаноб Йоца.

– Нима? Сизга беришим керакми? Бераман, албатта, лекин аввало очиқчасига гаплашиб олишни илтимос килган бўлардим, жаноб бўлғуси куёв!

Тикувчи "жаноб бўлғуси куёв" сўзларини худди қайчи билан кесиб олгандай қатъий айтди. Аммо тикувчининг қатъият кўрсатишга тўла ҳаки бор эди. Мусиқа муаллими унинг қайнсинглисига уйланишга етти ой илгари ваъда берган, шундан буён киз билан вақтини жуда соз ўтказар, тикувчиникига тез-тез кечки овқатга келиб турарди. Табиийки, тикувчи муаллимдан качон тўй бўлишини айтишни бир неча бор талаб қилган, лекин муаллим жавобдан қочган эди. Тикувчи тасодифдан унумли фойдаланишга қарор килди – у топиб олган хат йўргакка тиқиб қўйилган ўша мактуб бўлиб, унда: "Мен бир камбағал аёлман ва фақир бўлганим учун болани боколмайман, шунинг учун ҳам уни бу ерда колдириб кетяпман, яхши одамлар уни олиб, тарбиялайди, деб умид киламан" деб ёзилганди.

Ўз қўли билан битилган машъум мактубни тикувчининг қўлида кўрган муаллимнинг ҳоли не кечганини тасаввур қилаверинг!

– Хўш, бу нима? – сўради тикувчи худди икки йил олдин тикиб берилган кишки пальтонинг пулини тўламаган қарздор билан гаплашаётгандек.

– Мактуб, – хотиржам жавоб беришга уринди мусиқа муаллими.

– Сиз ёзганмисиз?

– Йўк.

– Қанақасига йўқ бўларкан, айни мана шу дастхатда қайнсинглимга севги мактублари ёзган бўлсангиз?

– Майли, шундай бўлаколсин, – деди муаллим нима деяётганини ўзи ҳам билмай.

– Мактубда тилга олинган бола кимники ва ўша бечора аёл ким?

– Билмайман.

– Сиз билмасангиз, мен биламан! – хитоб қилди тикувчи. – Қайнсинглимга уйланишдан нега бўйин товлаётганингизнинг сабаби энди менга аён бўлди. Мактубингизни олинг-да, сиздан илтимос қиламан-да, остонамдан бошқа ҳатламанг. Ҳаммаси тугади, деб ҳисоблайверинг!

Шу сўзларни айтаркан, тикувчи мактубни узатди ва ўз кўшинига миннатдорчилик билдирган генералдай катта-катта қадам ташлаб кетди.

Мусиқа муаллими унинг кетидан ялинчоқ овозда: "Жаноб Йоца, жаноб Йоца!" деб беҳуда қичқирди. Тикувчи, ҳатто, қайрилиб қарагани ҳам йўқ, мағрур ва ғолибона шаҳдам қадам ташлаб кетаверди.

Мусиқа муаллими хўрсинди-да, тирсаги билан Неделькони қисиб олди. Неделько ўз фитналари билан қандайдир ярим соат ичида энди иккинчи муҳаббатниям барбод қилди. Муаллим Болқон кўчаси бўйлаб жаноб Сима Неделькович уйига қайтиб келди, йўлдан ўтиб-қайтаётган ошпаз хотинларга эътибор ҳам бермай, болани дарвоза олдида қолдирди ва оркасига қарамай жуфтакни рослади.

Роман муаллифи ва жаноб Сима Неделькович мусиқа муаллими билан баҳам кўрган режа мана шу тарзда амалга ошди.

(Давоми келгуси сонда)

*Улуғбек ҲАМДАМ**

ИСТИҚЛОЛ ДАВРИ ЎЗБЕК АДАБИЁТИ ҲАҚИДА ИККИ ОҒИЗ СЎЗ

Бугунги адабий жараён, адабий танқид қай аҳволда? Ижодкорларимиз замон билан ҳамнафасми ёки бугунги ҳаёт шиддати адибларимиз тасаввурларидан бирмунча илдамлаб кетдими? Бугуннинг қаҳрамонлари кимлар?

Журналимизнинг январь сонида таниқли ёзувчи Ғафур Пўлатовнинг "Адабий турғунлик қачон тугайди?" номли мақоласида шу муаммолар илгари сурилиб, бугун адабий воқелик, ёзувчиларнинг жамиятдаги ўрни, адабий танқид масалаларида бирмунча баҳсли муносабатлар билдирилган эди.

Ушбу баҳсни давом эттириш мақсадида бугунги адабиётимиз қиёфаси, мавжуд бадиий жараён ва ёзувчиларимизнинг ижодий изланишлари, муваффақият ҳамда камчиликлари ҳақида фикр сўраб таниқли адиб, филология фанлари доктори Улуғбек Ҳамдамга мурожаат қилдик.

Истиқлол даври ўзбек адабиёти мавжуд ва у ўзига хос кўнгил адабиётидир. Уни йўқ санайдиганлар ёки бир жойда депсиняпти, дейдиганлар (бундай қарашга ҳақлари бор, албатта!) ё бу давр адабиёти билан яхши таниш эмас ёки адабиётнинг "яшаш" қонуниятларини керагича билишмайди. Бугунги адабиётдан кечаги кун – совет даври адабиёти шухратини кутиш, юмшоқ қилиб айтганда, болаларча соддаликдир. Чунки у даврда "СССР" деган империя учун дунё ёпиқлиқ қозон бўлиб, у олиб бораётган сиёсатга адабиёт "югурдак" тайинланган эди. Шу икки факт бирлашиб, адабиёту санъат мавқеини сунъий равишда мисли кўрилмаган даражада ошириб юборганди у пайтлар. Хўш, у нималарда акс этарди? Ўйлайманки, бу саволнинг жавобини тушуниб олмагунимизча бугунги кун ўзбек адабиётига тўғри баҳо бера олмаймиз. Шундай қилиб, қуйида кечаги кун адабиётини тушунишга уриниб кўрамиз.

Мамлакатнинг "ёпиқлиги" ўқувчини дунёдан узиб қўйган бўлиб, у ҳар турли янгиликларга ташна кайфиятда яшар эди. Адабиёт (бошқа санъат турлари ҳам) ташқи (дунё) ва ички (кўнгил) олам(и)га бўйлашнинг деярли ягона даричасига айланиб қолган эди (инглиз ёзувчиси Жорж Оруэллнинг "1984" ва "Молхона" романлари айнан совет тузумидан улги олиб яратилганини эсланг). Барча тур ва жанрдаги асарлар социалистик метод қолиплари асосида яратилиши (1934 йилдан кейин) талаб қилинарди. Айни дамда, истиснолар мавжуд эдики, лейтмотиви "Энг тўғри йўл – социалистик йўл" деган адабиётнинг ёнида секин-аста инсоннинг у ёки бу муаммоси,

*Ёзувчи, филология фанлари доктори

дарду кувончи акс этган адабиёт ҳам туғила бошлади. Айниқса, Сталин ўлимидан кейинги "илиқлик" даврида адабиёт гарчи "тўғри йўл"ни инкор қилмаса-да, инсонга, унинг кўнглига эътибор қилишни ўзининг бош амолига айлантирди (60-йиллар адабиёти). Бир неча ўн йилликлар давомида риторикаю шиорбозликдан чарчаган ўқувчи бундай адабиётни жону дили билан қабул қилди ва севиб қолди. Кейин 70-йиллар адабиётида яна бир кўтарилиш сезилди. Улар жамиятнинг ижтимоий муаммоларини қаламга олиб, адолат, ҳақиқат, Ватан туйғуларини майдонга ташлашди. 130 йиллик тутқунликда яшаб келган халқимиз илғор қатламининг ботинидаги ҳуррият истакларига уйғун тушаётган мазкур адабиёт ҳам олқишлар билан кутиб олинди. Кейин мамлакат мустақил бўлди. Халқ юрт озодлиги билан боғлиқ мукаддас орзусига қовушди. Беҳбудий, Фитрат, Ҳамза, Қодирий, Чўлпонлардан бошланган ХХ аср адабиётимиз ҳам қарийб юз йиллар мобайнида интилиб келган мақсадига етди. Истиқлол даври адабиёти эса айни шу "нукта"дан ибтидо олди. Бу тамомила янги давр эди. Лекин, буни қарангки, янги даврда янги адабиётнинг зиммасига ҳеч қандай мафкуравий вазифа юклатилмади, у ўз ҳолига қўйилди. Натижада адабиётни илгари унга "тегишли" бўлган, унинг "қарамоғи"да жон сақлаган дин, публицистика, сиёсатшунослик, психология... каби соҳалар бир-бир тарк этиб, уларнинг ҳар бири ўз йўлига равона бўлиб, адабиёт "уйи" анчагина "бўшаб қолди". Унинг одамларга таъсири ҳам камайди. (90-йилларда "Шарқ юлдузи" журнали ададининг кескин ортиши ўқувчиларнинг шеър ёки ҳикоя ўқишга рағбатидан эмас, балки "Қуръони карим"ни ўқиш истагидан эди, эсланг!) Яъни, масалан, динга эркинлик бериш натижасида аввал диний туйғуларини қайсидир маънода бадиий адабиёт ўқиб қондираётган ўқувчи энди тўғридан-тўғри диний адабиётни ўқиб, масжидга, ҳажга бориб ўз чанқоғини қондира бошлади. Бир пайтлар ҳақиқат излаб тополмаган, ҳақиқат ҳақидаги айчайин мулоҳазаларни ҳам бадиий адабиётдан олган ўқувчи энди тўғридан-тўғри публицистикага мурожаат қилди. Чунки публицистика жанр сифатида масалани очиқ ва дангал ўртага ташла(й)ди. 80-йилларнинг иккинчи ярми ва 90-йиллар бошларидаги ошкоралик даврини, у пайтда матбуот юзини кўрган мақолаларни эсга олсак, фикримиз ўз исботини топади. Ўша йиллари ҳатто адабиёт ҳам публицистик мазмун касб этганди. Қолаверса, ёшлар ўйин-кулгига бўлган эҳтиёжларини ҳам аввал (собиқ советлар даврида) бадиий адабиётдан қидиришар ва топишар эди, кейинги қарийб 30 йил мобайнида бу борада ҳам вазият ўзгарди: концертлар, ресторанлар, тунги клублар каби кўнгилочар ўчоқларининг кўпайиши, уларга эркинлик берилиши натижасида ўйин-кулги эҳтиёжлари ҳам шу масканларда қондирила бошлади. Бир вақтлар кино, ҳар турли клипу видеоларга бўлган эҳтиёжларни бадиий адабиёт "босиб" келарди, мустақиллик йиллари видео, DVD, компьютер, интернет, мобил телефон имкониятлари бу вазифани ўз зиммасига олди. Яъни қайси томондан қараманг, совет даврида, умуман, ўтмиш замонларда ҳамма республикаларда адабиёт бажариб келган ишларнинг катта бир қисмини энди бошқа санъат ва фан турлари, ижтимоий тармоқлар ҳамда техника воситалари "ўзиники" қилиб олди. Бунинг натижасида эса адабиётнинг инсонга, жамиятга таъсири камайгандан камайди. Ниҳоят, энг муҳим воқеа содир бўлди: адабиёт ўз ўрнида, ўз мавқеида, ўз вазифаси билан қолди. Бундай

адабиёт симобдек қайнаб турган, эврилишларга учраётган замон билан бирга янги шакллар топиш, инсонни янгича бадиий кашф этиш йўлларини қидирмоққа тушди. Лекин кечаги адабиётнинг шаклу шамойилига, унинг шуҳратига кўниккан ўқувчи адабиётдаги бу ўзгаришларни бирданига қабул қилолмай қийналди, ҳануз қийналмоқда. Ҳозирда мен талаба-ёшларга дарс бераман. Уларнинг орасида ҳар хили бор, албатта. Жумладан, Истиқлол даври ўзбек адабиётини севиб, қўлдан қўймай ўқийдиганлари ҳам талай. Қизиғи шуки, уларнинг аксари совет даврида сизу биз – ўрта ва катта авлод кечалари ёстиғимиз остига яшириб, кундузлари қўлимиздан қўймай ўқиган адабиётнинг аксар намуналарини унча хушлашмайди. Ўрта ва катта авлод вакилларининг талай қисми эса бугунги, Истиқлол даври адабиётидан кўнгли унча тўлмаяпти. Назаримда, шу қиёснинг ўзида кўп сир аён бўлади-қолади. Шундай эмасми?.. Чунки ҳар бир авлод ўз замонасига яқин адабиётга эш бўлиб вояга етмоқда.

Яна шуки, кеча Совет ҳукумати адабиётни мафкура тарғиботчисига айлантирган, демак, адабиёт совет кишисининг кундалик ўй-ташвишлари билан ҳамқадам юрган эди. Яъни адабиёт бу – айни дамда сиёсат ҳам эди. Бугун эса адабиёт бундай мафкуравий бўйинтуруқдан халос этилган. У энди кўпроқ кўнгил ишига айланди. Натижада, замондош ўқувчининг ҳаёт йўли кўнгил томон тушса, қўлига бадиий адабиёт олмоқда, йўқса, турмуш уни бунга сира мажбур қилаётгани йўқ. Кеча инсон қайси томонга қарамасин, йўли адабиёт билан кесишаверган. Бунинг сабабларини эса юқорида бир қадар изоҳлаб ўтдик. Бугун ундай эмас. Бугун туғма ва тарбияланган бадиий завқи бўлган кишигина бадиий адабиёт ўқимоқда. Афсуски, улар биз кутганчалик кўп эмас. Шунинг учун ҳам бугунги адабиётнинг жамиятга таъсири унчалик катта эмас. Бундан таъсирланган адабиётшунос олим, профессор И.Ҳаққул ва Ўзбекистон халқ шоири Х.Даврон "Хуршид Даврон кутубхонаси" интернет сайтида 2018 йил эълон қилган суҳбатида Истиқлол даври ўзбек адабиёти ҳақиқатни айтмади, деб ёзди. Мен уларни нега бундай деганини яхши тушунаман: замонамизнинг забардаст олими ва катта шоири бугунгидан янада каттароқ, янада таъсирлироқ адабиётни соғинмоқдалар. Айни дамда, таъкидлаб айтишни истардимки, агар адабиётнинг вазифаси фақат ҳақиқатни айтиш бўлса, у айтди! (Аслида, адабиётнинг вазифаси анчайин кенг). Бу борада ўзбек совет адабиёти қилолмаган ишни мустақиллик адабиёти адо этди: у инсон ва миллат ҳақидаги аччиқ ҳақиқатни айта олди! Мен бунга истаганча мисоллар топиб беришим мумкин. Ҳозирча биргина Аҳмад Аъзамнинг "Рўё ёки Ғулистонга сафар" деган романини ўқинг, дейиш билан чекланаман. Лекин бундай адабиётнинг ҳайқириғи жамиятда акс-садо бердими? Йўқ! Уни замондош ўзбек ўқувчиси деярли эшитмади. Эшитса ҳам, жамиятнинг умумий ривожланишидан ажралиб қолган адабиёт унга, яъни жамиятга таъсир қилмади ёки деярли таъсир қилмади. Шунинг учун ҳам бугун тузук адабиёт йўқ, дейиш маъқул гап эмас. Қайтага, бугун жамиятнинг адабиётни қабул қилиши, яъни рецепция масаласи ўзгарди десак, ҳақиқатга анча яқин келамиз.

Энди қаҳрамон масаласи тўғрисида ҳам икки оғиз сўз айтсам: яхшиямки, Истиқлол даври ўзбек адабиёти совет даври адабиёти қаҳрамонларига ўхшаш қаҳрамонларни "ясаб" ташламади. "Ясагани"да эди, бугунга келиб ўз қилмишимиздан уялиб қолган бўлардик. Эслайман: камина-

нинг "Мувозанат" романини кино тилига кўчиришмокчи бўлишганди. Ўша вақтда киночиларимиз "Сценарийсини ўзимиз ёзамиз", дейишди. "Қандай ёзасизлар?" десам, "Охирини бутунлай ўзгартирамиз, Юсуф роман сўнггида байроқ кўтариб кўчага чиқиши керак. Бу мустақилликни ҳимоя қилишининг рамзи бўлади", деб жавоб беришди. Мен "Юсуф бошидан оёғигача, бутун ҳужайралари билан мустиқиллик тарафдори, унинг ҳимоячиси-ку!" дедим ва яланғоч хотима билан тугаши мўлжал қилинган, ҳали ёзилмаган сценарийга рози бўлмадим. Сўнг бу борадаги ўз карашимни баён қилдим: "Агар роман кино қилинадиган бўлса, сценарий ёзишда иштирок этаман!" Шундан кейин мени бошқа "безовта" қилишмади. Асар ҳам ўз-ўзидан аёнки, кинога айланмади. Бугун мен улар таклиф этган таклифга рози бўлмаганимдан чунон мамнунман. Чунки халкимиз мустақилликка, улар иддао қилганидек, байроқ кўтариб эришгани йўқ. Бу – тарихий ёлғон бўлур эди. Ҳаёт билан санъат ўртасига ёлғон парда бўлиб тушдими, унга ҳеч ким ишонмайди. Роман ҳам бузилган, уни ўз қўлларим билан ерга урган бўлар эдим. Эътибор берилса, менга қилинган таклиф совет даврида адабиёту санъатга ёндашувдаги маълум ва машҳур колип асосида шаклланган таклиф эди. Бундай колип – стереотиплардан воз кечиш замони аллақачон келганини тушунишимиз керак. "Хўш, у ҳолда бугуннинг қаҳрамони ким?" деган ҳакли савол туғилади. Назаримда, замондош инсондан алпомишларнинг қаҳрамонликларини кутиш, талаб қилиш кулгили бўлади. Ҳар бир даврнинг ўз қаҳрамони бўлади. Бугун замонавий дунё жуда қалқиб турибди. Унда ур-сур, ёвузлик, фириб, шафкатсизлик, фаҳш... урчиб ётибди. Шундай пайтда қабоҳат йўлини танламай, ўзининг ва дунёнинг зиддиятларини енгиб ўтиб, оламга бир даста гул тута олган инсон, назаримда, ҳакиқий қаҳрамондир! Ўзидан ортиб, ўзганинг олдига ёрдам бериш учун келган одам – яна қаҳрамон! Ўз касбининг профессионал устаси бўлиб, шу касб орқали ўзига, оиласига, юртига ва инсониятга моддий-маънавий фойда келтираётган одам – қаҳрамон! Бутун ҳаётини, ўй ва амалини оламни тутиб турган Олий Низом – мувозанатга уйғун этиб ҳаракатланаётган одам, ким бўлишидан қатъи назар, шоҳми у ё гадо, бугуннинг қаҳрамони, ҳатто барча замонларнинг қаҳрамонидир! Бугун ўз юртимиздан келиб чиқадиган бўлсак, шу элнинг, шу ўлканинг оғирини енгил қилаётган инсон – қаҳрамон!.. Ҳа, кечаги "алпкелбат" қаҳрамонлардан фарқ қилиб, бугунги қаҳрамонларнинг баҳодирлиги уларнинг ботинида – юрагида, ақлу заковатида, ёвузлик ва эзгуликнинг абадий жангидаги танловидадир.

Чунки адабиёт мафкуравий "кувди-кувди" (тахминан, 1930–1985 йиллар ораси) дан чарчаб, инсонга, унинг ҳолига эътибор қила бошлаган даврда яшаяпмиз. Шунинг учун ҳам у ёки бу ғояни дастак қилиб олиб, кўчада байроқ кўтариб юрадиган қаҳрамонларни бугун адабиётдан кутиш ярамайди. Шунга қарамай, адабиётнинг зиммасида жуда кўп вазифалар бор. Улардан энг асосийлари, назаримда, инсоннинг нақадар мукаррам зот эканини бот-бот эслатиш ва шу йўл билан уни ҳайвон даражасига тушиб қолишдан сақлашдир. Ўқувчи – инсон, бас, инсонлик деган олий шоҳсупага интилиши керак. Бадиий асарларнинг асл қаҳрамонларидан ҳам шу йўлнинг йўлчилари бўлиши кутилади. Бизнинг мумтоз адабиётга бўлган меҳримизнинг ҳануз сўнмагани боиси ҳам шунда. Лекин бу фикримиздан

“адабиёт фақат шундай бўлиши шарт!” деган хулоса келиб чиқмасин. Адабиёт даврга кўра ўз мавзулари навбатини ўзгартириб туради. Масалан, уруш замонида адабиёт кўпроқ тинчликка, тинчлик даврида кўнгилни кашф қилишга, нафс ҳакалак отган паллада уни тийишга, ҳар турли ёв бостириб келаётган вақтда эса қаҳрамонликка чорлаши ғоят табиийдир. Шу маънода, у турфа бўлиши, турли қатламлар кайфиятини акс эттириши лозим. Шундаям, ёвузликни, зулмни, фаҳшни, қўйингки, борлиқ негативни тарғиб қилмаслиги керак у. Адабиёт олдига қўядиган ёлғиз талабим – шу. Гарчи у талабларни писанд қилмаса-да, барибир, адабиёт ҳам чегарани, меъёрни билиши керак, деб ҳисоблайман. Шу маънода, Истиқлол даври ўзбек адабиёти кўпроқ кўнгил адабиёти бўлиб майдонга тушди. Чунки у неча ўн йиллар мобайнида кўчада байроқ кўтариб чопишлардан, социалистик мафкурани куйлашдан чарчаган, зериккан эди. Энг муҳими, мафкуранинг миси чиқди ва адабиёт ундан воз кечди. “СССР” деган империя парчаланиб, ҳар бир республика мустақил бўлгач, адабиёт ўз нигоҳини кўнгилга қаратди. Биз мана шу ҳолни, адабиёт мавзусининг ўзгарганлигини, у сиёсий-ижтимоий мавзуларни эмас, кўпроқ кўнгилни тараннум эта бошлаганини қабул қилолмаяпмиз. (Аслида, “кўнгил даври”да ҳам сиёсий-ижтимоий ва бошқа мавзулар қаламга олинаверади. Бу ерда доминантлик ҳақида гап бораяпти, холос). Ҳолбуки, адабиётнинг ўз ривожланиш қонуниятлари мавжуд. Ўша қонуниятларни тушуниб етсаккина, бугунги адабиёт ҳақидаги кўпгина саволларимизга жавоб топамиз.

Гул даврлар меники эмас,
Менинг уйим – кўкрак қафасим,

деб ёзганда шоира Зебо Мирзо ана шу умумкайфиятни ифодалаган эди.

Айни дамда, таъкидлаб айтиш лозимки, кўнгил – адабиётнинг абадий мавзуси бўлишига қарамай, у ҳам даврга қараб долзарблик бобида навбатни бошқа мавзуга бериши мумкин. Шунинг учун ҳам “адабиёт мановиндек бўлсин!” дея унинг олдига катта талаблар қўйиш мақбул эмас. Ҳозирги ўзбек адабиёти ўз йўлида эркин нафас олмоқда. Ижодкор икки дарё оралиғида қалам тебратишга маҳкум қилинмаяпти, у икки қутб орасидан ҳам чиқиб, коинот миқёсида фикрлаш ва ёзиш эркига эга. Мана шуниси муҳим.

NASR

Эврил ТУРОН

(МАМАДАЛИ МАҲМУДОВ)

ТУМАНЛИ КУНЛАР ёхуд БОҒДОН ҚАШҚИРИ[1]

Қисса

Ўзлигини қадрлаган эл қул бўлмайди.
Аҳмат Оқсоқол

16

Саҳар чоғи Юсуфбек бақириб, қўркиб уйғонди. Яна ёмон туш кўрди: ёввойи одамлар куршовида қолганмиш, ўқ-ёй, сунги билан бостириб келармиш, у орқага чекинай деса, елкасига найза қадалармиш, йиқилармиш, шунда ёввойи одамлар бўриларга айланармиш, тишларини шақиллатиб Юсуфбекка ташланармиш.

У бу мудҳиш тушдан анчагача ўзига келолмай, довдираб ўтирди. Сўнг секин қалқди, сўнган гулханга ўтин ташлади, у аланга олди. Юсуфбек тик турган оти олдига келди, унга ғамгин боқди. Саманнинг кўзидан ёш томчилади.

Энг яхши кишида ҳам қандайдир даражада ваҳшийлик бўлганидек, энг ваҳший одамда ҳам қандайдир даражада меҳр бўлади. Юсуфбек отнинг ёлини, манглайини силади, ўпди ва сўнг камардан чиқди. Жала тинган. Ер ўликдай жим-жит, ўликдай совуқ тун тўсма[2]сида кўринмайди. Гўё олам зимистон бўшлиққа айланиб қолганга ўхшайди. Бу тагсиздек туюлган бўшлиқдан жала, ўт-ўлан, тоғ-тошларнинг намчил ва тахир бўйлари унсиз оқиб келади. Булар ва йироқ осмонда милтираётган бир митти юлдуз очунда ҳаёт борлиғидан дарак беради.

Юсуфбек: "Ҳали жўнашимга эрта", деди ичида ва камарга кирди. Бояги жойига ўтирди ва мизғиш учун кўзини юмди. Ухлолмади. Оғриқ, очлик бунга йўл қўймади. У тонг бўзаргунча тўлғониб ўтирди. Кейин саманга миниб, тоғлар ортидаги уйига жўнади. Осмон деган давонга чиққанда, қорли чўққидан қонга бўялган улкан қуёш қўринди. Юсуфбек яқин ўртада сўқмоқ бормикан, деган умидда атрофга олазарак боқди. Йўқ. Теваракни кул тусли қоялар қуршаган. Уларнинг ораларида эркин ўсаётган ёввойи хина, чумчуккўз, жамбил каби ўсимликлар шудринглар оғушида яшнаб

[1] Охири. Бошланиши аввалги сонда.
[2] Тўсма – парда.

кўринади. Этакда одамга бўйсунмас сой, оқ шаршаралар кўнгилга севинч бағишлайди. Олис юксакликда кўм-кўк, қуюқ, сўнгсиз ўрмон кўзга ташланади. Булар ва ҳув ғуборсиз чўккиларга кўксини қўйган осмон ҳам тунги ёмғирда "чўмилганликлари" сабабли мусаффо. Бироқ Юсуфбекни бу ибтидоий, бу мунис гўзаллик кизиктирмайди. У юкоридаги ўрмонга етиш ва у ерда ёввойи мева ейиш учун отини никтайди. Сағрига қамчи босади. Арғумоқ аввалгидай икки оёғини осмонга кўтариб кишнамайди, пишкириб олдинга отилмайди. У оч, чарчаган ҳамда ғамнок бир алпозда ўрта тезликда йўртишда давом этади. Юсуфбек унинг корнини тўйдирай деса, вакт кетади, ўзи очдан ўлади, ўлиги бўриларга ем бўлади. Шунга отини тез юришга кистарди. Саман эгасининг амрига бўйсунишни истасада, юкорига шитоб билан ўрлашга куввати етмасди.

Юсуфбек отни тушунди, қайта зўрламади, ўз ҳолига қўйди. Саманнинг туёқлари тегиб бораётган яшил ўтларга, улардан тўкилаётган шудрингларга қараб борди. Бироқ бундан завқ олмади, теграга таралаётган чечаклар ҳидини ҳам туймади. Оғриқ, очлик олдида Юсуфбекка бу гўзаллик татимади.

Ниҳоят ўрмонга етди. Сарғиш, кизғиш, корамтир дўланаларга бекиёс очкўзлик билан тикилди. Шунга карамай, биринчи ўринда отининг айилини бўшатди, тизгинини ечди, ўтларга қўйди. Сўнг ўзи эгик шохлардан маймундек тез дўланаларни юлиб олиб, маймундек данак-панаги билан ютишга киришди. Бироқ кўп ўтмай, ғойибдан миясига ушбу сўз урилди:

"Оч қоринга кўп дўлана ема, кўнглинг айнийди".

Ноилож нафсини тийди. Саман бўлиқ ўтдан бош кўтармаётгани учун унга ярим соатча тегмади. Кейин уни жиловлади, айилини тортди ва узангига чап оёғини қўйиб, эгарга чиқди. Сўнг арчазор ўрмон ёнидаги ёввойи ҳайвонлар, тўғрироғи, олқорлар изидан ҳосил бўлган сўкмоққа бурди. Сўкмоқ минг бир буралиб қорли тоққа ўрлаган ва унинг четларини ўт-ўлан босган эди. Сўкмоқнинг ўнг томонида Ажалдара гувулламоқда. Юсуфбек: "Кўзим тиниб, отдан учиб кетмай", деган ўйда тубсиздек кўринаётган дарага бир марта ҳам қарамади. Унинг сўлида ва боши томонида узун-узун асрларни кечиб келаётган қақшоқ қоялар ваҳшат билан осилиб турибди. Уларнинг тирқишларидан тариқдек осмон дам кўриниб, дам йўқолади. Онда-сонда у қояларга тирмашиб ўсган ёввойи олма, ёввойи бодомларга дуч келади. Бодомнинг аччиғлигини билади, емайди. Бандларида узилмай қолган олмаларни узиб ейди.

Юсуфбек тоққа кўтарилган сари совуқ шамол кучая борди. Кўнгли дўлана ва шўр олмадан айниди. Елкаси бўлса шишган ҳамда аввалгига нисбатан қаттиқ оғрирди. У: "Ишқилиб йўлда қолиб кетмай-да", деб ўйлаб отга қамчи босди. Саман ноилож бир тарзда юксаклик сари тезроқ йўртди. Лекин жонивор иккита давондан ошгандан кейин ҳолдан тойди. Юсуфбекнинг бўлса кўнгли баттар айнир, ўкчир, кекирар, қайт қилгиси келарди. Бунинг устига ниҳоясиз очган корни чидаб бўлмас даражада оғрирди. У қанча чидашга уринмасин, ҳар уч-тўрт юз қадамда отдан тушар, корнини чангаллаб, у ердан-бу ерга чўнқайиб ўтирар... ва кусар эди. Шундай онларда оқ тош тагидаги ҳамда уйидаги олтинлари кўз олдидан йилт этиб ўтар, бундан қандайдир даражада рух олар, отига осилиб минар, от эса эгасининг ҳолатини тушунар ва бир амаллаб юришда давом этарди.

Бора-бора жониворга қамчилар ҳам таъсир қилмай қўйди. У Юсуфбекка кичрайиб, бужмайиб қолгандай туюлди. Унинг оёқлари, гавдаси дирдир қалтирай бошлади. Ҳаво совуқ бўлса ҳам, ҳамма ёғидан тер оқмоқда эди. У энди имиллаб, зўрға-зўрға қадам босарди.

Саман Яримой давонига етай деганда, юролмай, тўхтаб қолди. Энди унинг бутун вужуди музлаб бораётган одам ҳолига тушди. Жониворнинг тор сўкмоқда омонат туриши жўрға[1] учида осилиб қолган музга ўхшарди. У эгасини тубсиз дарага ағдариб юбормаслик учун сўкмоққа чўккалаб йиқилди. Юсуфбек оёқларини кериб ерлади. Унинг ҳеч ери лат емади.

У дам ўлим талвасасида ётган отга, дам ярми қорли чўққи орқасига ботган қуёшга маъюс термулиб, бир дақиқа жим турди. Ҳаво совуб кетган, осмонни нукра ранг, юпқа, ола-чалпоқ булут қоплаган, тоғлар ораларига эса ним қоронғилик чўка бошлаган эди. Қўрқмас одамнинг ҳам кўнглига ғулғула, қайғу, ёлғизлик ҳисларини солувчи дара энди дахшатлироқ гувилларди. Бундан Юсуфбекнинг кўнглига мунг, алам чўкди. Ваҳм ҳам. Бунинг устига оти ўляпти.

У ҳар бир ўзбек каби ҳалол молнинг ҳаром ўлишига йўл қўймади. Қинидан ханжарини суғирди ва жониворнинг бўғзига тортди. Шўрлик бир-икки типирчилаб, жон берди. У жониворнинг бўғзидан тиркираб оқаётган қип-қизил, иссиқ қонга оғзини тутди ва уни қултиллатиб ичди. Қорни тўйгунича ичди ва ўзини енгил ҳис этди. Сўнг тун, туман, булут ҳидларини олиб келаётган совуқ шамолнинг кучаяётганига ҳам эътибор бермай, отнинг терисини шилди, унга анча этни ўраб олиб, сўкмоқдан юз қадамча наридаги (ғарб томондаги) тош камарга борди. Шунда бўриларнинг увлашаётганини эшитиб қолди. Афтидан, улар қон исини туйишган эди. Бундан Юсуфбекнинг юрагига ғулғула тушди. У бу хатарли тоғлар орасида ёлғизлигидан, ёнида ўзини ўлимдан қутқарган вафодор оти йўқлигидан эзилди.

17

Юсуфбек ханжарини қўлида ушлаб, у ёқ-бу ёқдан шох-шабба, тутантириқ териб келди. Чўнтагидан оқ тошларни чиқариб, ўт ёқди. Унинг кўнглида чироқ ёнгандай бўлди. Сабаб: оловдан бўрилар қўрқади.

Тун қуюлди. Мунгли чийиллаётган шамол ёмғир томчиларини учириб келиб камарга ура бошлади. Юсуфбек ханжари билан этларни бўлакларга бўлди. Сўнг уларни ингичка-ингичка, узун-узун оғочларга санчди ва оловга тутди. Камар пишаётган гўшт ҳидига тўлди. Юсуфбек тўйгунича кабоб еди. Бадани яйради. Исиди.

Энди унга елкасидаги ўқ азоб берарди. Юсуфбек гулханга йўғон-йўғон шохларни ташлади, ўт ҳовури тегадиган тошга ёйилган от терисини олди, жунли томони билан ўранди, гулхан яқинидаги ялпоқ тошга ўтирди ва уйқуга кетди.

У тонг саҳарда совқотиб уйғонди. Ўт ўчаёзган эди. Юсуфбек ханжарини яркиратиб, ташқарига чиқди... Шамол тинган, борлиқ машъум қоронғилик қўйнида ўз шаклини, рангини йўқотиб, ўликдай қотиб ётибди. Камарга қайтди. Қолган-кутган чўғларни тўплади, ўт ёқди. Сўнг бор этни пиширди, еттидан бир бўлагини еди, қолганини белбоғига ўради, терини ёпиниб йўлга чиқди.

[1] Жўрға – тарнов.

От йиқилган жойда тўхтади. Ундан суяклар қолганди, холос. "Бўрилар еб кетибди-да!", деди ўкиниб. Лекин осмонда, булутлар остида канотларини қоқмай, кенг ёйиб айланаётган қузғунларни кўриб, фикридан қайтди, аникроғи, иккиланди.

"Бу ҳам бир кисмат! – деб ўйлади. Ўйладию не учундир юраги сиркиради, – балки, мени эртага бундан-да аянчли кисмат кутаётгандир?" – У ўз сўзидан ўзи ларзага келди. Ва булутдай оғир ўй-ғамлар исканжасида зил-замбил қадамлар билан ўрлашда давом этди. Бир соат ичида мангу корлар билан копланган довонга етди. Чанқоғини қондириш учун капалаб-капалаб кор еди. Сўнг қорли сўкмоқдан, тўғрироғи, аллақандай ёввойи ҳайвонлар изида хийла юриб, Селдара музлигига чиқди. Бу азалий музликнинг кенглиги саккиз чакиримдан ортиқ эди. Юсуфбек: "Бундан ўтолсам, уйга соғ-саломат етаман", деб кўнглидан ўтказди.

У музликнинг ярмини кечганда, чарчади. Ҳаво ҳам ўзгарди. Атрофни сийрак, совуқ туман босди. Игна кор ёға бошлади. Ҳаво етмаганидан Юсуфбек бўғилди. Бу абадий тунд, беором макон ер сатҳидан беҳад баланд эди. Йўл йўқ. Ҳаммаёқни муз қоялар куршаган. Унинг аъзойи бадани музлади. У от терисидан тўрт бўлак кесди. Уларга оёк-қўлини ўради. Сўнг бу дахшатли музликдан гоҳ ўрмалаб, гоҳ судралиб, гоҳ юриб масофани қисқартира борди. Унинг бу кўриниши аллакандай ёввойи махлуқни эслатарди. У уч марта ҳолдан тойиб, уч марта ҳушидан кетди. Уччала гал ҳам кўзига хира туман ичида оқ тош тагидаги ҳамда уйидаги олтинлари кўринди. Бундан ҳам руҳий, ҳам жисмоний кувват олди, ўзига келди:

"Ҳали бу азоб-укубатларни унутиб юбораман! – деди қатъий ишонч билан, – ҳали мен дунёда энг бой одам бўламан! Бир замон келади, турклар замони, ўшанда мен кизиллар бошига кирон соламан! Мислсиз кирон!!!"

18

Юсуфбек коронғи тушмай, жуда машаккат билан музликдан ўтди. Энди Богдонга ўн бир кунлик йўл колди. У бу масофани ўн беш кунда, бели мажакланган итдай қийналиб, судралиб кечди. Озиб-тўзди. Ўнг оёғи, елкаси ҳадсиз шишиб, ларсиллаб оғримоқда. Бутун бадани шилинароқ кийим-кечаги титилиб кетди.

У шундай хароб холда қишлоққа киришдан уялди ҳам чўчиди. Чунки Юсуфбек:

"Оғайнилар, ҳали-замон менам элликка чиқиб коламан, – деб қариндошларига айтган эди, – яширмайман, умримда кўп ёзуқ ишлар қилдим... Энди, покланиш учун Маккага бораман. Тангри қўлласа, иккиуч йилда қайтаман".

Улар бунга кувонишди. Оқ йўл тилашди.

Бирок Юсуфбек ўзига якин одамлар билан болшавойларга қарши курашиш учун Фарғонага кетди. Шунга у: "Одамлар алдаганимни билиб колишса нима бўлади?" – деб ўйлаб, кўркмоқда эди.

Юсуфбек Оққоя учида, катранғи остида ўтирган ҳолда қўлини дурбин қилиб Богдонга тикилди. Ич-ичига чўкиб кетган кўзи аввал коронғилашди, сўнг ёришди. Томларига курт, узум, олмакоки, ёнғоклар ёйилган Богдон мовий ғубор ичра ғариб кўринди. Ўз ховлиси ҳам. Юсуфбек шу уйда туғилди. Бир ёшга тўлар-тўлмас юрадиган, гапирадиган бўлди. Бу кезда

унинг отаси, қишлоқ оқсоқоли Қиличбек Боғдон йигитларига бош бўлиб, Сангзар дарёси бўйида Оқ подшо аскарларига қарши жанг қилаётган эди. У кўп ўтмай, чап биқини ва белидан яраланди. Уни беҳуш ҳолда уйига олиб келишди. Шу-шу Қиличбек тўшакка михланиб қолди. У оғриқ заб-тига олган онлар Оқ подшони қарғарди. Ўз яқин кишиларга ўрисни ёмон-ларди. Буни гўдак Юсуфбек ҳам эшитар ва унда босқинчига нисбатан нафрат уйғониб, улғайиб борарди.

Қиличбекнинг бошига яна бир кулфат тушди. У биринчи кўз очиб кўрган хотини Иззатхонимдан жудо бўлди. Иззатхоним Юсуфбекнинг туққан онаси эди. У баланд бўй, кўй кўз, ингичка юз, тошбағир, аммо эрига жонкуяр аёл эди. У юрак касаллигидан кетди. Энди Қиличбекнинг икки ёш хотини қолди. Бурун улар ундан зир титрарди. Энди Қиличбекни менсимай кўйишди. Қиличбек ич-ичидан эзиларди. Буни Юсуфбек се-зарди. Шунданми, у фақат ўгай оналарини эмас, бошқа аёлларни ҳам ёқтирмай кўйди.

Юсуфбек жуда соғлом, жуда тетик бўлиб ўсди. У ҳеч нарсадан тап тортмас, ҳеч кимдан кўрқмас эди. Юсуфбек курашни, отда чопишни, овни, муштлашишни яхши кўрарди. У қайси хил илон бўлмасин, дуч кел-ганини бўғиб олиб, қизларни кўрқитишдан, қишлоқ итларини бир-бири билан уриштиришдан завқ оларди.

Унинг зеҳни ўткир эди. Қиличбек Юсуфбек учун алоҳида ўқитувчи ёл-лади. Юсуфбек қийналмасдан ёзиш-чизиш, тарих, ҳисоб ва жўғрофияни ўрганди. Шундан кейин етти йил Бухорода, мадрасада ўқиди. Жуда яхши ўқиди. Аммо аёллар масаласида талай номаъқул ишлар ҳам қилди... Ота-сининг олтинлари жонига оро кирмаганда, мадрасадан ҳайдалиб, зиндон-да ётган бўларди. Юсуфбек ўша чоғларда олтиннинг қудратини билди.

Юсуфбек ўқишни давом эттирмоқчи эди. Қиличбек уни ўз ҳузурига чақириб олди. У отасининг сув ичмаган оғочдай куриб қолган узун гавда-сига, ичига чуқур ботиб кетган қорамтир, хира кўзига, суяклари бўртиб чиққан, этсиз юзига ғамгин тикилиб, беихтиёр ух тортди. Қиличбек қоқшол қўллари билан унинг манглайини силади ва:

– Бўтам, – деди заиф, ҳорғин овозда, – шу кунгача мен сен учун яша-дим. Энди сен азамат йигит бўлдинг. Оқ, қорани танидинг. Энди сенга қиладиган насиҳатим шуки, менинг ҳаётимдан ибрат ол. Мен умримда кўп одамларга яхшилик қилдим. Лекин бошим ёстиққа теккач, ҳаммаси мендан юз ўгирди. Анави менинг ўрнимга қишлоққа оқсоқоллик қилаётган Болта эса ёлғимни ялаб, одам бўлганди. Лоакал мени бир марта ҳам кўришга келмади. Қайтага у: "Қачон ўлади, бедаво", деб ай-тармиш. Қиззиғар! Қани энди аввалги ҳолимга қайтиб келсам, унинг ке-кирдагини юлиб олардим! Энди, иложим қанча? Мен эл учун, юрт учун курашдим. Лекин эл ҳам, юрт ҳам ҳолимдан хабар олмади. Энди дунёда мен учун бир сен қолдинг, ўғлим! Уй-жойни, қолган-кутган бойликлар-ни сенга топшираман. Эсингда бўлсин, одамнингэнг яқин дўсти – бойли-ги, олтини. Ўша қўр кетдими, обрўнг ҳам қолмайди, ёр-биродарларинг ҳам сендан узоқлашади. Ўша кўр борми, иззат-ҳурматда бўласан, ista-ган нарсага қўлинг етади, етти ёт бегона ҳам сенга хизмат қилади. Шу сўзларимни яхшилаб қулоғинга қуйиб олгин, бўтам. Сенга умр тилайман, ёлғизим! Лекин душмандан ўч олмай кўйма. Ўч ол! Одам ўз тупроғида эркин яшаши, ўз ерига ўзи хўжайин бўлиши керак. Буни унутма! Яна шуни эсингда тут: бойлик орттир!

Ўша куни кечқурун Қиличбек ёстиғи остидан тўппончасини олиб, ўзини-ўзи оғзидан отди.

Бойлик Юсуфбекка қолди. У бир тун ҳеч кимга билдирмасдан нодир нарсаларни оғил тагига кўмди. Иккинчи тун эса Боғдон оксоколи – Болтани бўғиб ўлдирди, уйига ўт қўйди. Буни ҳеч ким кўрмади, сезмади. Аммо улус ундан шубҳа қилди. Шунга Юсуфбек бир муддат Самарқандда – Замира исмли бой қиз[1] билан яшади. Ундан бир ўғил кўрди.

Тикон бир жойда кўкармаганидек, ваҳшийлик ҳам, фоҳишалик ҳам, ўғирлик ҳам бир жойда вужудга келмайди.

Чечак ҳам бир жойда ўсмаганидек, чин кишилар ҳам бир ерда илдиз отмайдилар.

Зотан, ҳар бир одамнинг вужудида яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам ёнма-ён яшайди. Бирида яхшилик устун бўлса, иккинчисида ёмонлик...

Очиқ айтсам: Одам боласи икковидан ҳам ўз нафси йўлида фойдаланади. Фақат ақллироғи меъёрни билади... Юсуфбек – чи? Буни юракдан сўраш керак.

Юсуфбек Боғдонга талай йилдан кейин қайтиб келди.

Сабаби, биринчидан: боғдонлик хотини Иқлимхонимдан бир ўғил, уч қизи бўлиб, улар балоғат ёшига етиб қолишган эди.

Иккинчидан: бойлиги...

Учинчидан: туғилиб-ўсган юрти соғинчи...

Тўртинчидан: Гавҳар отли гўзал хотини...

Юсуфбек (ёлғиз ўғли) Аҳмадбекнинг ёнига уч-тўрт ўғил қўшишни истаган ва шунга Ўратепа Мингбошиси Ҳазратбойнинг Гавҳар исмли ёш қизини (Боғдонга) олиб қочиб келган эди.

Ўшанда Гавҳарнинг юзини, сочини юлиб додлаганига, қайғу билан бўзлаганига одам-ку, одам, тош ҳам йиғларди. Бироқ Юсуфбекда тарифча ҳам шафқат уйғонмади. Аксинча, у Гавҳарга: "Ўчир!!!" деди ғазабнок хириллаб аста ва унинг юзига тарсаки тортди. Қиз ҳушидан кетди. Юсуфбек унинг оёқ-қўлини арқонда, оғзини белбоғда боғлади ва қанорга тиқди.

У Туркистон тоғининг хилват бир дарасида кўнғир отининг жиловидан тортиб тўхтатди. Атрофга боқди. Ана, ўзидан хийла юксакликда гунафша ранг тоғ ва чўққиларнинг ярми сийрак, олтин тус булутлар ичида элас-элас кўринаётир. Ўнг томонида муз ранг сой ҳайқирмоқда. Сўл ёғида ўрмон шовулламоқда. Этакда ёввойи ёнғоқзор... Тегра турли-туман қушларнинг сасига тўла. Юсуфбек: "Бу ердан бехавотир жой бўлмаса керак", деб миясидан ўтказди ва Гавҳарни одам бўйи келадиган ўтлар орасига улоқтирди. Ўзи ҳам отдан сакраб тушди. Қизни қанор, арқон ва белбоғдан бўшатди. У ўзига келгач, сойга қочди. Юсуфбек уни қувди. Гавҳар сойга сакрамоқчи бўлганда, Юсуфбек уни тутди.

– Қанжиқ! – деб бақирди ва қизнинг тўзғиган сочлари тўсган юзига шапалоқ тортди.

Гавҳар яна ҳушидан кетди. У қизни кўтариб, бояги жойга олиб бориб ётқизди. Кейин эгар-жабдуқларни ечди, отни ўтлашга қўйди. Қора хуржунидан узун жун арқон олди. Уни ўт устида айлантириб бориб, доира шаклига келтирди. Энди ундан илон, чаён ошиб ўтмас эди. Юсуфбек Гавҳарни доира ўртасига ётқизди. Ўзи сойда тез чўмилиб қайтди. Қизнинг ёнига ётди. Нафасини ростлагач, Гавҳарнинг белидан қучоқлади.

[1] Бой қиз – Замира ота – онасининг ёлғиз фарзанди эди. Ўн етти ёшга тўлаётганда улардан жудо бўлди. Бойлик қизга қолди.

Қиз чўчиб кўзини очди. Унинг кўзи ёз тонгидаги шаффоф осмон сингари мовий, мусаффо эди. Бу – энди очилаётган лолани эслатувчи чеҳрасига, чўғдай ёнаётган дудоғи билан бежирим бурнига, мўъҳадил ияги устидаги қора холига яна ҳам жозиба бериб турарди. Юсуфбек Гавҳарнинг бургут чангалига тушган какликдек типирчилашига қарамай, унинг оппоқ бўйнига ҳаяжон билан ўтли лабини босди. Қиз энтикиб қолди. Юсуфбек унинг атлас кўйлаги ёқасини айириб йиртди... Донболини ҳам... Қизнинг кўкраги очилиб қолди. Юсуфбек титраб-қақшаб Гавҳарнинг беҳидай етилган сийнасини қайноқ эҳтирос билан чангаллади. Умрида илк бор кечираётган нотаниш, ғалати, шу билан бирга қандайдир ғаройиб бир ҳисдан қизнинг боши айланиб қолди. Юсуфбек унинг гул иси таралаётган оқ, шаффоф, сийдам баданини ўпиб, тишлаб, зилдай гавдасини унинг устига ташлади. Қиз қаттиқ тўлғониб, чинқириб юборди.

Кейин Гавҳарнинг оловли нафаси томоғига тиқилиб қолди. Кейин... Ё Тангрим!!! Унинг нозик билаклари Юсуфбекнинг чайир бўйнига чирмашди!

Тун ёйилди. Юсуфбек бамисли олов бўлиб ёнаётган Гавҳарни яна бир марта бағрига қаттиқ босди. Қизнинг нозик суяклари қирсиллаб кетди. Юсуфбек эҳтирос аралаш дағал оҳангда:

– Энди сен менинг хотинимсан! – деди ва унинг яшнаб турган оппоқ сийнасини дам оғритиб, дам оғритмай тишлади. Гавҳар ҳиқиллаб йиғлади. Юсуфбек:

– Ўчир!.. – деди. У йиғини, оҳ-воҳни ёмон кўрарди.

Ёнғоқзордан бойўғлининг кетма-кет чинқириғи эшитилди. Бу – Гавҳарга энаси тез-тез айтиб турадиган ажиналар товушига ўхшаб туюлди. У беҳосдан баданига илон ўрмалаб чиқаётган кишидай сесканди. Яна бойўғли чинқирди. Энди, зим-зиё тунда бу товуш унга: "Га...в...ҳар... хув... Га...в...ҳар..." деб чақираётганга ўхшаб эшитилди. Унинг юраги орқасига тортиб кетди. У беихтиёр Юсуфбекнинг пинжига тиқилди. Энди, худди касд қилгандай, ўнгурда бўри улиди. От ер тепиниб, кишнади. Гавҳарни қалтироқ босди. Юсуфбек гулхан ёқиш учун ўрнидан турмоқчи бўлди. Қиз уни қўйиб юбормади:

– Қўрқаман – деди аста.

– Нимадан?

– Ажинадан... бўридан... – У Юсуфбекнинг сержун, дағал бағрига каттиқроқ сингиб борди.

О, аёл қучоғи! Сен нималарга қодир эмассан?! Истасанг сен подшони ҳам, ўғрини ҳам, ёвузни ҳам ўз иродангга бўйсундироласан!

Юсуфбек умрида биринчи марта ўзини бегона аёл ўз хоҳиши билан кучоқлаётганини бошидан кечираётган эди. О, бунинг лаззати зўрлаб кучоқлатгандан кўра ўзгача бўлар экан! Юсуфбекнинг кўнгли қуёш киздирган муз сингари эриб кетди.

– Қўрқмагин, – деди Юсуфбек унинг сочини ғадир-будир қўли билан силаб, – қўрқмагин. Совқотгандирсан? Ҳозир ўт ёқаман.

– Ёқманг... қўрқаман...

Юсуфбек ёнида турган хуржундан чопонини олиб, Гавҳарнинг устига ёпди. Муз юрак, қўпол одамнинг бундай юмшаши унга ғалати туюлди. У кўп ўтмай кўрқув аралаш қандайдир чарчоқ оғушида уйқуга кетди. Юсуфбек эса дам булутлар остида қолиб, дам кўринаётган юлдузларга қараб узоқ ётди.

Улар уч кеча-ю уч кундуз шу хилватгоҳда қолдилар. Бу вақт ичида қўрқинчли тунларнинг таъсирими... ёхуд Юсуфбекнинг юмшаганими, ҳар қалай Гавҳар уни ёктира бошлади. Йўқ, ундаги бу ўзгариш фақат шу сабаблардан эмас эди. У дунёдаги айрим аёллар сингари кучли, мағрур, бешафқат эркакларни хуш кўрарди.

Юсуфбек Гавҳарни саҳар чоғи Боғдонга – ўз уйига олиб келди. Иқлимхоним Юсуфбекни унча хуш кўрмаса ҳам, мўмин-қобил, художўй аёл бўлса ҳам, ёш кундошини совуқ кутиб олди. Аммо вужудига қалтироқ солаётган аламини ташига чиқармади. Иқлимхоним эридан бургутдан каклик кўрққанидай кўрқарди. Бунинг устига юраги касал эди.

– Бизга болахонага жой сол! – деб буюрди унга Юсуфбек.

Иқлимхонимнинг юзи мурда тусига кирди. Бирдан баданига совуқ тер тошди. Ўз-ўзидан оёғи жонсизланиб, ўтириб қолишига сал қолди. Лекин ўзини тутди. У анча иродали аёл эди. Оёқларини зўрға-зўрға судраб босиб, болохонага чиқди, эри билан кундошига жой солиб, қайтиб тушди. Шундагина у юраги қаттиқ санчиб оғриётганини сезди. Бехосдан кўз олдини зулмат босди. Теграсида коп-кора тоғлар айлана бошлади, устига осмон лопиллаб тушиб келаверди. Иқлимхоним беҳуш йиқилди.

Шундан сўнг кундан-кунга унинг аҳволи ёмонлаша борди. Юсуфбек деярли унга қарамай қўйди. У Гавҳархонимнинг хонасидан чиқмас эди. Гавҳархоним эса Юсуфбекни кундошидан рашқ қила бошлади. Кейинчалик у Юсуфбекка Иқлимхонимни ёмонлайдиган одат чиқарди:

– Алвастидан фарқи йўқ.

– Башараси таппига ўхшайди.

– Ичи қора...

Бундай кезларда Юсуфбек баъзан Иқлимхонимни таҳқирлашдан, ҳатто баъзан уришдан ҳам тоймасди.

Гавҳархонимнинг ўзи ҳам гоҳ-гоҳида Иқлимхонимни юзинг-кўзинг демай, аламли сўзлар билан ўйиб-ўйиб оларди:

– Қора Тошбақа!

– Қурбақадан фарқинг йўқ!

– Ажина!..

Қишлоқ хотинлари Гавҳархонимга бетлолмасалар ҳам, орқа-воратдан ёмонлардилар:

– Жодугар!

– Шундай эркакни жиловлаб олди-я!

– Қони бузуқ!..

Иқлимхонимга эса ачинардилар:

– Пешонасида бор экан бу кўргулик!

– Суякларигина қолди-я!

– Шўрлик!..

Иқлимхоним андишали аёл эди. Кундошига қарши бир сўз демасди. Уни Тангрига солиб қўйганди.

Бутун алам, дардини ичига ютгувчи бу хотин охири куйиб, кул бўлди, бевақт дунёни тарк этади.

Аста-секин Юсуфбекни Гавҳархонимдан кўнгли совий бошлади. Юраги сиқилиб, уйда ўтиролмайдиган бўлиб қолди. Гавҳархоним бўлса уни қаттиқ рашқ қилар, ҳеч ерга юборгиси келмас эди. Бу Юсуфбекнинг қонини қайнатарди. У бир куни тун оққанда, маст ҳолда уйига келди. Гавҳархоним бўғоз эди, айрим хомиладор хотинлардай инжиқ бўлиб

қолганди. "Шу пайтгача қаерларда юрибсиз?" деб эридан сўради. Юсуфбекнинг ғазаби қайнади. "Мени суриштирадиган хотин ҳали туғилмаган!" деди-да, уни ўлим ҳоли қилиб уриб тепди. Гавҳархоним: "Ўлдим!.. Ўлдириб кўйди!.. Войдод, ёрдам беринглар!" дея чийиллаб, осмонни бошига кўтарди.

Шу тун унинг бўйидан тушди. Кейин озиб-тўзиб кетди. Юсуфбек уни ёқтирмай кўйди. Шунданми, Гавҳархонимни арзимаган нарсага ҳам урар, сўкар, хўрлар эди. Шундай бўлса ҳам, у эрини қаттиқ яхши кўрарди.

Боғдоннинг бой, тили узун хотинлари бундан ажабланардилар ҳам, қувонардилар ҳам:

– Ё, товба, дунёда шундай хотинлар ҳам бор-а!

– Баттар бўлсин!

– Мегажинга бу ҳам оз!..

19

Юсуфбек тарикдай тарқаб кетган хаёлини йиғиштириб, ўзи туғилиб ўсган ҳовлига кўз югуртирди. Кенг, узун супада бир неча хотин дам энкайиб, дам тураяпти. Юсуфбек уларнинг гилам тўкишаётганини фаҳмлади. Супадан пастда, қайроғоч соясида бир жувон ўғирда олма талқонми ё макками янчмоқда. Юсуфбек унинг Гавҳар эканини илғади.

Ҳовли адоғидаги ялангликда болалар шовкин-сурон солиб, "Подачи"[1] ўйнашаяпти.

Юсуфбек ёшлигида шу кўм-кўк ялангликда одамлар билан баҳс бойлашиб, бир эшакни бир уриб ағдарган, ўн етти нафар тенгдоши билан навбатма-навбат курашга тушиб, хаммасини йиқитган эди. Ўшанда Боғдоннинг донгли одами – Абдураҳмон жевачи[2] унга ўткир, зийрак кўзларини тикиб:

– Ўлмаса, бу бола лашкарбоши бўлади! – деган эди.

Юсуфбек шуни эслаб хўрсинди ҳам севинди:

– Ҳали ҳаёт олдинда!

– Ҳали қизилларни чиққан ерига тиқаман!

– Ҳали мени дунё тан олади!...

У ўз сўзига ишонди, оёқ, елкасининг оғриғини ҳам унутди.

"Човган" ўйнаётган болаларнинг кунботар томони жўҳоризор, ундан қуйида, яшил ўтлоқда от, сигир, эшаклар ўтлаяпти. Шохчаларига оқ, кўк, қизил латталар осилган, танаси кавак улкан тут остида икки ола буқа ер титиб сузишмоқда. Юсуфбек: "Булар менинг ҳўкизларимга ўхшайди", деди. Сўнг беихтиёр сўкинди: "Хўй, мегажин, Гавҳар, уйда ялпайиб ўтиргунча, ҳўкизларга қарасанг ўласанми?!"

Ўтлоқ четида тошлоқ қирғоқларига сув сачратиб Боғдонсой чопмоқда. У айланиб-буралиб, нукрадай товланиб, ташна чўлга шошаяпти. Илон изидай буралган тор сўкмоқдан елкаларига кўза кўтарган кизлар маржондай тизилиб, сойга энмоқдалар. Улар олма гулли пушти кўйлак, атлас лозимда, бошларида қизил дурра, юзлари очик.[3]

Оч яшил тоғ бағридаги ёлғиз оёқ йўлдан эшак, от минишган оқ, кўк, пушти саллали эркаклар бирин-кетин сийрак дўланазор этагидаги мачитга келишаяпти. Юсуфбек: "Бугун намозжума экан-да", деди. Шу зум

[1] Подачи – хоккей, човган.

[2] Абдураҳмон жевачи – у ўрис босқинида генерал Ломакин кўшинини Жиззахдан ҳайдаб чиқарган ва уни Сайхуннинг нариги қирғоғига улоқтириб ташлаган миллий ботир.

[3] Боғдон хотин –қизлари азалдан паранжи ёпинишмайди.

беҳосдан қулоғига киши қалбида тушуниб бўлмайдиган мунг уйғотувчи кўшиқ чалинди. У қорнини тошга босган ҳолда энкайиб, қоя тубидаги булоққа қаради. У ерда бир қиз чанқовуз чалар, икки қиз кўшиқ айтарди:

Шилдир-шилдир шувоқларга
Сиргам тушди ёр-ёр-а.
Синалмаган ерларга-ё!
Синглим тушди ёр-ёр-а...

Қизларнинг ёнларида уч боғлам ўтин турибди. Юсуфбек уларга бир пас қараб тургач, ўзига-ўзи деди:

"Боғ уйимга бораман, у ёқ тинч".

Богдондан бир сой, аниқроғи, икки чакирим наридаги боғ уйига борди. Бу ердан кишлоқ кўринмас, уни мингдевона, илонўт, исфараклару оғочлар ҳамда коя тошлар тўсиб турарди. Юсуфбек таппилар ёпилган девор остидан аста, бешарпа юриб, ёнида тезаклар уюлиб ётган тандир олдига келди ва атрофига синчковлик билан разм солди: ёлғиз уй, токзор, олмазор, ёнғоқзор... Боғ айланиб бир ариқ оқаяпти. Қирғоқларида жийдалар илиқ кузнинг мусаффо шабадасидан озорсиз чайқалмоқда. Боғ тўридан тўқ-тўқ овоз келаяпти. Чамаси у ёқда кимдир тўнка ёрмоқда.

Ҳовли ўртасидан ҳам бир ариқ сув оқиб ўтаяпти. Унинг устига катта сўри қўйилган. Унга кўп юз йиллик чинор куюқ соя ташлаб турибди. Сўри тепасидаги шох бутоқларига толчивиқдан ясалган тўртта қафас илинган. Уларда какликлар сайрашаяпти. Чинорнинг нариги шохига оқимтир сузмахалта осилган. Ундан кўкимтир сув чак... чак... томмоқда.

Ҳовли ўртасида Сора деган гунг кампир товуқларга дон сочаяпти. У новча, озғин. Қадди хиёл букик. Юзи узун. Тор манглайи билан сийрак киприкли қора кўзлари остиларида ажинлар қат-қат. Унинг устки лаби калта. Оғзини очиб-юмганида кемшик тишлари юқорисидаги қизил милклари кўриниб туради. Соранинг қўллари узун, бесўнақай, худди эркакларникига ўхшайди. Унинг тупроқ ранг юзлари билан йирик-йирик кўзларида тушунтириш кийин бўлган асов бир нима бор. Ёши олтмиш бирда бўлса ҳам, ҳали қиз. Дунёдан тоқ ўтаяпти. Уни ҳамма Сорагунг, деб атайди. Лекин ҳамма алвастига ўхшаш бу хунук кампирни яхши кўради. Ҳатто Юсуфбек ҳам. Чунки табиат Сорагунгга ажойиб қалб берган. У покиза. Шунданми, боғдонликлар унинг хунуклиги билан гунглигини сезмайдилар. Сорагунг доим узун оқ кўйлак, оқ рўмол, сафсар ранг лозим, калиш кийиб юради.

Юсуфбек Сорагунгга кўринмай уйга кирмоқчи бўлди. Бироқ Сорагунг мушукдай сезгир эди. У товуқларнинг бир нимадан чўчиётганини пайқаб, орқасига қаради ва усти-боши юлиниб кетган мудҳиш одамни кўриб, бир сония қотиб қолди. Юсуфбек у томон юрди. Сорагунгнинг хотираси ниҳоятда тиниқ эди. Шундай бўлса ҳам, у Юсуфбекни бир онча таниёлмай турди. Танигач, севинганиданми ёхуд ажабланганиданми, ҳайтовур, қандайдир ёввойи товуш билан "У... У... У..." дея кичкирди. Юсуфбек чапакай кўлини оғзига олиб келиб, "жим бўл", деган ишорани қилди. Сўнг икковлон кучоқлашиб кўришишди. Юсуфбек кўли ва оғзи билан имо-ишора қилиб, "Менинг келганимни ҳеч кимга айтма!" деди. Сорагунг бошини эгиб кўтарди. Юсуфбек уйга кирди. Ўша зоҳати Сорагунг унга оқ иштон, бўз кўйлак, қора чопон, ола дўппи олиб келиб берди. Буларнинг ҳаммаси эски эди. Негаки, Юсуфбекнинг озода кийим-кечаклари кишлоқ уйида сақланарди.

Сорагунг чой қўйиш учун кетди. Юсуфбек ариқда ювиниб, оқ сочиқда артиниб, кийинди. Унинг елкаси ва суяклари қақшаб оғриётган бўлса ҳам, у сир бермади, ўзини соғдай тутиб, хотиржам ўтирди.

Сорагунг тезда хонтахта устини ноз-неъматларга тўлдирди. Булар ичида бир лаган яхна қўй эти ҳам бор эди. Юсуфбек оч эди, этни учта седана сепилган юмшоқ ок нон билан қўшиб еди. Унга Сорагунг аччиқ кўк чой қуйиб бериб турди. Юсуфбек тўйгач, "Тангрига шукур", деди. Бадани ҳам яйрагандай бўлди. Сўнг у оғриқни босиш, чарчоқ ва ғамни унутиш учун бир коса шароб ичди ва пар ёстиққа бош қўйганича ухлаб қолди.

20

Юсуфбек кўзини очганда, кенг, мухташам хонага сийрак коронғилик чўккан эди. Секин ўрнидан турди, тоза артилган икки қанотли дераза олдига келди. Сорагунг пешайвон устуни билан чинор шохига тортиб боғланган сим дорга эт илмоқда. Тош ўчоқда ўт ёнар, қозондан оқиш буғ кўтариларди. Юсуфбек қўнғир тоғларга ўйчан назар ташлади. Унга туя, от, қўй шаклларини эслатувчи тошлар юриб келаётгандай туюлди. У деразанинг бир қанотини секин очди. Димоғига лаззатли таом аралаш райҳон иси урилди. Ихтиёрсиз бир тарзда ҳовлининг жанубий қисмидаги бир парча ерни эгаллаган райҳонзору гулзорларга боқди. У ерда ўғли, ёлғиз ўғли Аҳмадбек седана гулли гултувакка райҳон солаяпти! Унинг олдида йўлбарс келбатли, Оқтой деган оқ ит чўнқайиб ўтирибди.

Юсуфбек таажжубланди: "Ўтин ёраётган Аҳмадбек экан-да. Ҳайтовур, Оқтой кўринмовди... Истамбулдан қачон келди экан?"

У бошқа ўғил болалари турмаганига Аҳмадбекка қаттиқ меҳр қўйган, шунга уни Истамбулдаги мадрасага ўзи олиб бориб қўйиб келган эди. Аҳмадбек у ерда бир усмонли турк қизига уйланди. Юсуфбек ўғлини қанчалар соғинса ҳам, лекин ҳозир уни кўрганидан негадир қувонмади.

Юсуфбек елкасига бекасам чопонини ташлаб, ташқарига чиқди. Ит уни танимади, ер титиб ириллади. У: "Ҳа, Оқтой, кўзингни ёғ босдими?", деди эркаловчи овозда. Ит унинг товушидан таниди, Юсуфбекнинг олдига чопиб борди, олдинги оёқлари билан унга осилароқ суюнган ва соғинган оҳангда ғингшиб, эркалана бошлади.

Шу он Аҳмадбек ҳам унинг қошига етиб келди. Боя у отаси ширин уйқуда ётганига уни безовта қилишдан ўзини тийганди. Ота-бола қучоқлашиб, ўпишиб кўришишди. Аҳмадбек отасининг қуйиб қўйгандай ўзи. Фақат унинг кўзи раҳматли онаси – Иқлимхонимнинг кўзидай шаффоф, ўйчан, бурни қирғий, лаби бежирим, ним қизил. У энди ўттизга тўлса ҳам, гавдасининг баҳайбатлиги, юзининг ғадир-будирлиги, соқолмўйловининг ўсиқлиги ҳамда жиддийлиги учун кирк-кирк беш ёшларга кирганга ўхшаб кўринарди.

Аҳмадбек отасининг таниб бўлмас даражада озиб-тўзиб кетганига ич-ичидан ачинди, шу билан бирга ажабланди. Лекин бунинг боисини сўрамади. У анча андишали, мулоҳазали йигит эди. Аммо Юсуфбек унинг мусаффо кўзидаги, оқиш юзидаги ифодани дарҳол уқди.

– Маккаю Мадинага қилган сафаримиз хайрли бўлмади, ўғлим, – у ўсиқ қора соқолини чапақай қўли билан ғижимларкан, Аҳмадбекнинг кўзига синчковлик билан тикилди.

– Нечун, ота? – У Юсуфбекнинг Фарғона водийсида қилган ишидан бехабар эди. Буни Юсуфбекнинг зийрак кўзлари илғади ва енгил нафас олди.

– Афғонистонга ўтиш олдимизда қизилларга тўқнаш келдик. Кўпчилигимиз қўлга тушдик. Фақат уч киши қочишга улгурдик. Лаънатилар менинг елкамдан ярадор килишди, барибир, қочдим.

– Қочмаганингизда нима қиларди?

– Ўлдирарди.

– Наҳот?

– Ўз кўзим билан кўрдим, қўлга тушганларни ўша заҳоти отиб ташлашди. Тўғри келса, улар оналарини ҳам аяшмайди! Юсуфбек алдаётганлигини сездириб қўймаслик учун гапни бошқа ёққа бурди. – Хўш, ўзингнинг ишинг қандоқ?

– Ёмонмас. Ўша ўзим ўқиган мадрасада сабоқ бераяпман. Яқинда ўғиллик бўлдик. Отини Ўлмас қўйдик.

– Муборак бўлсин, ўғлим! – Юсуфбек Ахмадбекнинг қўлини сиқиб, пешонасидан ўпди.

Оқшом осмон рангини ўчирди. У ёқдан-бу ёққа кўршапалаклар уча бошлади. Ота-бола ариқда қўлларини ювишди, сўри панжарасига осилган сочиққа артишди ва ичкарига киришди. Оқтой уларга эргашиб остонагача борди, кейин чўлтоқ думини икки оёғи орасига қисиб, истар-истамас орқасига қайтди.

Мухташам хона осма чироқдан нурафшон. Юсуфбек тўрга, атлас кўрпачалар устига ўтирди. Ахмадбек чап қўлидаги райҳон тўла гултувакни дераза раҳига қўйгач, отасига юзма-юз чўккалади.

Сорагунг юмалоқ хонтахтага оппоқ терги ёзди, икки чинни коса шўрва, сўнг бир сопол лаган эт ва олча гулли суяк идишда аччиқ-чучук олиб келди. Юсуфбек:

– Қани, ўғлим, ичимликдан ол! – деди. У бир сўзли киши эди. Бироқ бугун Тангритоғдаги аҳдидан вақтинча қайтишга мажбур бўлди. Нега? Елкаси билан совуқ урган оёғидаги беомон оғриқни босиш учун.

– Ҳозир, ота. – Ахмадбек ўрнидан турмасдан тепасидаги токчага ўнг қўлини чўзди, бир шиша усмонли турк рақиси билан иккита мовий рангли пиёла олди. Кейин у шишанинг оғзини авайлаб очди, пиёлаларга қуйди ва бир пиёлани отасига узатди.

– Ўғиллик бўлганинг учун ичамиз!

Ичишди.

– Ўткир экан! – деди Юсуфбек юзларини буриштирган ҳолда оғзига аччиқ-чучук соларкан, – даражаси қандоқ?

– Қирқ беш... Атайлаб сизга олиб келдим.

– Раҳмат. Яна қуй.

Ахмадбек отасининг пиёласига раки қуйди.

– Ўзингга ҳам қуй.

– Энди, менга...

– Қуй! – Юсуфбек ўғлининг сўзини бўлди. – Тўлдириб қуй. Кейин, майли...

Ахмадбек ўзининг пиёласига ҳам раки қуйди. Шиша бўшади.

– Омон-эсон юз кўришганимиз учун ичамиз, ўғлим.

Ичишди.

Иштаҳа билан овқатланишга киришишди. Аҳмадбек яна бир шишанинг оғзини очди. Кўп ўтмай, у ҳам охирлаб қолди. Юсуфбек қип-қизил кўзларини ўғлига қадаб, ундан сўради:

– Хўш, ўғлим, у ёқларда нарх-наво қандоқ? – Унинг сўзлари тетик, мастлиги сезилмас эди. Аҳмадбек қўлини оқ сочиққа артиб, отасига майин боқди ва:

– Шу ердагидай, деса бўлади, – деди. Кейин бир пас ўйланиб тургач, қўшимча қилди, – ҳар қалай, оддий халқнинг аҳволи оғирроқ.

– Ҳим... Хўш, улар биздаги инқилоб ҳақида қандоқ фикрдалар?

– Хусусан, бойлар, тўғрироғи, кўпчилик бойлар ёмон фикрдалар.

– Нечун?

– Улар "Энди Туркистон талон-талож бўлади", деб айтишаяпти.

– Тўғри айтишади. – Юсуфбек лагандаги сўнгги этни олиб, оғзига солди.

– Менимча, нотўғри, ота.

– Нега? – Юсуфбек қовоғини уйди.

– Чунки инқилоб ҳаммага тенглик олиб келади.

– Пул билан миллатлар бор жойда тенглик бўлмайди, ўғлим. Шуни билки, бегона миллат, айниқса, дини, эътиқоди бошқа миллат бизга сира холис бўлмайди.

– Ота, сизга шундоқ туюлаётган бўлиши мумкин, – деди сокин оҳангда Аҳмадбек. – Лекин, ота, менга ижозат беринг, ўз фикримни айтай. Ўрис халқи бизга Оврўпа маданияти билан саноатини олиб кираяпти. Буни лоақал Фарғона, Тошкан, Бухоро, Урганч каби шаҳарларда очилган завод, фабрика, мактаблар мисолларидан ҳам билса бўлади.

Юсуфбекнинг қонга тўлган кўзлари қисилди, хазон тусига кирган юзлари билан лабларига оғули табассум ёйилди. У чап қўли билан ияги охиригача осилиб тушган мўйловини аста, аммо асабий бураб, энди гапиришга оғиз жуфтлаган эди, хонага Сорагунг кириб келди. Унинг ўнг қўлида чойдиш, чап қўлида қумғон, елкасида яшил сочиқ бор эди. Юсуфбек ўғлига ҳўмрайиб қараб қўйди-да, тергига одатдагидай фотиҳа ўқиди:

– Кўп берсин, кетмас давлат берсин, омин! – У кафтларини юзига тортди. Аҳмадбек билан Сорагунг ҳам.

Сорагунг ота-боланинг олдига қумғон қўйиб, қўлларига мис идишда илиқ сув қуйди. Ота-бола қўлларини сочиққа артишди. Сорагунг тергини тартибга келтирди. Сўнг бирин-кетин сочиқ, идиш, товоқларни ташқарига олиб чиқиб кетди.

Шундан кейин Юсуфбек заҳарли табассум билан ўғлига тикилди ва юмшоқ оҳангда гапиришга тушди:

– Сенинг гапинг фарғоналик бир деҳқоннинг: "Менга ким хўжайин бўлсаям, барибир, қорнимиз тўқ, устимиз бут бўлса бас!", деган сўзига ўхшайди. Ахир, сен ундоқ авом эмассан-ку. Умрида итга ҳам, битга ҳам ялиниб яшайдиган кишилардан ҳазар қилишинг лозим. Сенга айтсам, ўзбек халқи содда, тупори халқ. Шу соддалиги, тўпорилиги ўзининг бошига етди. Қизиллар тузоғига илинди.

– Ўрислар ўша хонлардан, беклардан яхшироқ. Лелиннинг тинчлик ҳақидаги декретига қаранг, унда бир халқ бошқа бир халқнинг эзишини қоралаган, ҳамма миллатни тинч-тотув яшашга чақирган. Бизнинг элимизга шу керак-да. Халқимиз ўқисин, илм олсин. Бусиз ўзини, дунёни таниши қийин.

– Мен сени Туркияда Туркчи бўлишга ўқитганман. Коммунистликкамас! Сен эса!.. – Юсуфбек ғазаб отига минганини сездирмаслик учун бироз тин олди. Сўнг яна қаҳрли, қатъий овозда гапида давом этди:

– Унутма! Шўронинг мақсади битта: Бизнинг ер ости, ер усти бойлигимизни ўмариш. Бунга сохта сиёсат, ширин сўз, пуч ваъдалар билан эришмоқчи. Бир пайтлари дунёни титратган Туркистоннинг бундоқ аҳволга тушиб қолганига ачинаман. Хон билан бекларга келсак, улар ёмон бўлсаям ўзимизники эди.

– "Ўзимиздан чиққан балога, қайга борай давога", деган мақол бор, ота. Ана шу хонлар сабабли дунёдан, дунё илм-фани ва маданиятидан узилиб қолганмиз. Ҳар соҳада Оврўпадан, Америкадан орқада қолиб кетганмиз. Учала хон ҳам элга рўшнолик бермади. Қайтага халкни асрлар бўйи зулматда сақлаб келди, халқ мулкини эса ўзиники қилиб олди.

– Оврўпа билан Америка ҳақидаги фикрингга қўшиламан. Биз инглиз, француз, олмонлардан кўп нарсани ўргансак бўлади. Лекин ўрисданмас.

– Нимага, ота?

– Ўриснинг ўзи Оврўпадан ўрганиб одам бўлаяпти.

Аҳмадбек отасининг аёвсиз феълини билса ҳам, шу зум ўзини тутиб туролмади:

– Янглишманг, ота, – деб юборди беихтиёр.

Юсуфбек ўз ҳақлигини билса, бунга қарши кимдир, у ёшми, қондошми, айросиз, уни аяб ўтирмасди:

– Ҳали сен менинг юзимга оёқ босадиган бўлиб қолдингми? – деди бўғилиб.

Аҳмадбек отасининг овози юмшаганидан ғазаби қайнай бошлаганини сезди ва шунга чекинишга мажбур бўлди:

– Мени кечиринг, ота, – деди синиқ овозда.

Юсуфбек шаштидан хиёл тушди. Шундоқ бўлса ҳам ижирғаниб хириллади:

– Сени чиндан ҳам усмонли турк коммунистлари заҳарлашибди. Агар сен бу хато йўлдан қайтмасанг, Қиличбек бобонг гўрида тик туради. Мен ҳам сени "ўғлим" деб аяб ўтирмайман!

– Ота, сиз мени бошқаларнинг фикрларини ҳам қадрлашга ўргатгансиз.

– Бу кесатиқми?

– Йўқ.

– Мен билан очиқ сўзлаш. Биласан, қитмир гапни жиним суймайди. Қитмир одамни янада...

– Ота, сиз мени тўғри тушунинг.

– Чунки сен: "Агар душман ҳақ бўлса, уни тан ол", деган сўзимни атайлаб бузиб, ўзингдан қўшиб айтаяпсан. Коммунистлар сени издан чиқарган кўринади.

Шу лаҳза Сорагунг хонага бир зангори чойнак кўк чой билан бодом гулли иккита пиёла олиб кирди. Ва оний тезликда ота-бола ўртасида гап қочганини сезди. Чунки Юсуфбекнинг юзи қизарган, кўзи қонга тўлган, Аҳмадбекнинг эса рангида-ранг қолмаган эди. Шунга у чойнак-пиёлаларни Аҳмадбекнинг олдига кўя солиб, ташқарига йўналди.

Аҳмадбек пиёлага чой қуйиб отасига узатаркан, ушбу гапни айтишга ўзида куч тополди:

– Ота, сиз мени болалигимдан мустақил фикрлашимни, мустақил одам бўлишимни истаб келгансиз, тўғрими?

– Давом эт.

– Бу ҳақда кўп ўгитлар килгансиз ҳам.

– Эзмаланма, максадга кўч.

– Дунёдаги ҳар бир онгли киши каби менинг ҳам ўз қарашим, ўз танлаган йўлим бор. Этикод пайтава эмас-ки, у ҳар куни алмаштарилса...

Юсуфбек тутоқиб кетди. Хонтахтага чапақай қўли билан урди. Ноз-неъматлар сочилди, чойнак ағдарилди, пиёлалар учди. Ва у ваҳшат ичра кичкирди:

– Соткин!!!

Аҳмадбек отасининг ёвуз бир киёфага киргани, кўзлари йўлбарсникидек совуқ чақнагани, лаблари қалтираётганию сўл қўли ханжарига яқинлашганини кўрди. У бошига туйқис муз тушган кимсадек қўркиб, довдираб колди. Ва сўнг ўзи сезмаган ҳолда чалкаша-чалкаша ташқарига кочди. Шундагина Юсуфбек ўзига келди.

– Астағфуруллоҳ! Астағфуриллоҳ! – дея ханжар сопидан қўлини тортди, – Астағфуриллоҳ!.. Астағфуриллоҳ!..

У бироз ҳовуридан тушгач, турк рақисини шиша билан кўтариб ичди ва яна ўша сўзни такрорлади:

– Астағфуруллоҳ!..

Юсуфбек ўзини қўлга олди. Ўғлидан совиса ҳам, бир нима ногоҳ эсига тушди-ю, уни ойнадан чақирди.

– Аҳмат!

У бош эгиб, кўркиб хонага кирди. Юсуфбек ғижиниш аралаш босиқлик билан ундан сўради:

– Ҳозир таътил эмас шекилли, сенга қандоқ жавоб беришди?

Аҳмадбек инқилобни ёқлагани... учун мадрасадан четлатилганини айтишга кўрқди. Ахир, одам ҳар вақт ҳам чин гапириб яшай олмайди-ку. Баъзан рост сўзласа, ўзига зарар қилади. Ҳатто бошидан айрилади. Шу боисдан одам айрим пайтда ёлғон гапиришга, чекинишга, ҳатто ҳийла ишлатишга мажбур бўлади.

Шунга у юқоридаги саволга олдиндан жавоб ҳозирлаб кўйган эди, айтди:

– Мадрасадан кетдим, ота.

– Нечун?!

– Қишлоғимизни соғиндим... Бола-чақам билан кўчиб келмоқчиман. Шунга пул зарур бўлиб колди. Пича карзимиз ҳам бор...

Юсуфбек ўйланиб колди: "Кўчиб келгани яхшими ё келмагани? Кўчиб келмагани яхши. Шўрога ўтиб номимни булғайди. Менимча, уни мадрасадан ҳайдашган. Тангрига ёт, туркка ёт мафкура учун... Кўчиб келмаса, у ёқда хор бўлади. Қамалиши ҳам, отилиши ҳам мумкин... Йўқ, кўчиб келгани маъкул. Мен кетсам... Мол-мулкка қарайди.

– Дуруст. Кўчиб келавер. Фақат шўрога қўшилмасликка сўз бер.

Аҳмадбек қафасдаги какликдек сиқилиб турганди, отасининг жавобидан енгил тортди:

– Рахмат, ота, – деди у ва бирпас иккиланиб тургач, кўнглидагини айтди, – кўчиб келганимиздан кейин, ота, бу ерда мактаб очаман, болаларни ўкитаман. Дунёвий усулда...

– Яна?..

– Хотиржам бўлинг, ота, шўродан четда юраман, – у ёлғонни сўкди.

– Тангрининг олдида сўз берасанми?

– Ҳа... – Унинг овози қалтираб, ишончсиз чиқди.

Юсуфбек буни сезди. Сезди-ю, ўзича: "Мен унга ишонмаётганим учун, у ҳаяжонланаётгани учун менга шундай туюлаётгандир-да" деб ўйлади. Аммо кўнглида иккиланиш уруғи ҳам барг ёзгандай бўлди. Шунга қарамай ўғлига розилик берди:

– Дуруст, мен сенга ишонгандайман... Тунда қишлоққа бор, оғил остига бир хум олтин кўмилган. Уни олиб кел. Шундан ўзинггаям оласан. Буни ҳеч ким сезмасин. Анави қони бузуқ Гавҳар ҳам...

– Хўп, ота.

Аҳмадбек хумни саҳар чоғи олиб келди. Бу пайтда Юсуфбек ҳовлини кесиб ўтган ариқ сувини бошқа ёққа йиқиб, чуқур қазиётган эди.

– Ҳеч ким сезмадими? – сўради у ўғлига синчковлик билан боқиб.

– Опам... – Аҳмадбек Гавҳархонимни "опа" дер эди.

– Жодугар-да... Чакки бўпти. Хотин билган сир, сир бўлиб қолмайди.

"Ҳа, майли, энди буни тузатиб бўлмайди. Ачиниш бефойда. – Юсуфбек чарчоқдан, танасидаги оғриқдан хириллаб йўталди, – бу ерга олтин кўмганимизни одам-ку, одам, шайтонам билмайди".

– Пухта ўйлабсиз, – Аҳмадбек отасининг ой шуъласидан қорайиб, яшариб кўринаётган юзига мамнун боқди.

Олдин хам айтгандим, Юсуфбек ошиқча мақтовни хуш кўрмасди. У: "Ҳар қандай мақтов тагида таъма, шумликлар ётади", деб ўйларди. Шунинг учун у қовоғини уйиб, ўғлига норози қиёфада қаради. Аҳмадбек беғубор жилмайиб турарди. Юсуфбек унга етарли миқдорда олтин берди.

Тонг бўзарганда тагига хум тўла олтин кўмилган ариқ тўлиб оқмоқда эди. Юсуфбек сал дармонга киргунча уни шу ерда саклаш ниятида эди, холос.

21

Юсуфбек алаҳсираб уйғонди. Ўрнидан турмоқчи бўлди. Туролмади. Тунги нам ва совуқдан елкаси батамом шишиб кетган эди. Устига-устак аъзойи-бадани ўт бўлиб ёниб оғрирди. Бундан унинг қовоғи уйилиб, юзи буришди. У:

– А...аҳ...мат!.. – деб бақирди. Лекин товуш касал одамнинг овозидай қалтираб чиқди. Шу туфайли ўзидан жирканди: "Мен соғман, отдайман!" деб тўнғиллади. Кейин ўзини синаш учун тағин қичқирди:

– Аҳмат!

Бу гал Юсуфбекнинг товуши ўқдек чиқди. Хонага Аҳмадбек югуриб кирди. У ички кийим – оқ кўйлак, оқ иштонда эди, бош яланг, оёқ яланг эди.

– Лаббай, ота.

– Уйнинг олд деворига санчилган ингичка темир қозиқ бор. Ўша билан отқулоқ баргидан олиб кел.

– Хўп!

Аҳмадбек бир пасда топширикни бажарди. Юсуфбек ётган жойида уни қўлига олиб, синчиклаб кўзидан кечирди. Кейин ўғлига буюрди:

– Қозиқнинг учини тут чўғида чўғдай қиздириб кел.

Аҳмадбек бунга ҳайрон бўлди. Аммо сабабини сўрашга чўчиди:

– Хўп! – дея ҳовлига чиқиб кетди ва отасининг айтганини тезда қилиб қайтди. Шунда у Юсуфбекнинг ярим белидан юқориси ялонғочлигини ва

юзтубан ётганини кўрди. Унинг елкаси мешдек шишган, шиш ўртасида алланима қорайиб турарди. Аҳмадбек унинг ўқ эканлигини фаҳмлади ва бунда бадани жимирлади.

– Елкамдаги ўқни темир қозиқ билан олиб ташла! Тез! – Юсуфбек ўғлига буюрди.

Аҳмадбек кўрққанидан бўздек оқариб, қалтирай бошлади. Юсуфбек таҳдид билан бақирди:

– Имиллама!

– Қўлимдан келмайди, ота.

– Бўл!

– Қўрқаман, ота.

– Бўл! Ё қозиқни кўзингга тиқаман!

– Ахир...

– Хотинга ўхшаб чайналаверма! – Юсуфбек унинг гапини олмосдек кесди. – Бўл!!!

Аҳмадбекдаги шафқат сўнди. У чўғдек алангаланиб турган темир қозиқни отасининг елкасига жазиллатиб суқа бошлади. Ҳеч қачон инграмаган Юсуфбек шердек тўлғониб, инграб юборди. Бироқ дарҳол ўзини қўлга олди. Унда одамзодга бегона, қандайдир ёввойи бир куч ва бардош бор эди. У тишини-тишига босди ва кўз олдига олтинларини келтирди. Аҳмадбек эса ингичка темир қозиқни суқиб бориб, ўқни олиб ташлади. Шунда Юсуфбекнинг тишлари қаттиқ қирчираб, биттаси синиб кетди. Аммо инграмади, ўзини йўқотмади, фақат бутун баданидан томчи-томчи тер тошиб чиқди. Аҳмадбек отасининг бундай чидамлилигига ҳайрон қолди ва унинг елкасига откулоқ барглари қўйиб, устидан дока билан яхшилаб боғлади.

22

Уч кунгача Юсуфбек ўрнидан туролмади. Сорагунг кечаю кундуз унинг олдидан жилмади. Аҳмадбек ҳам. Тўртинчи кун қалқди. Таёққа суяниб, ташқарига чиқиб келадиган бўлди. Шундан бир ҳафта кечгач, тонгда Аҳмадбек Истамбулга кетиш учун отасидан изн сўради. Юсуфбек унга оқ фотиҳа берди:

– Тангри йўлингни берсин, ўғлим! Омон бўл!

Юсуфбек кафтларини юзига тортди. Сорагунг билан Аҳмадбек ҳам. Сорагунгнинг кўзларидан айрилиқ ёшлари оқди. Аҳмадбек онасидек бўлиб қолган муштипар кампирни бағрига босди:

– Йиғламанг, момо! Мен тез кунда қайтаман, – деди.

Шу пайт кутилмаганда от дупурлари эшитилди. Юсуфбек шошиб ёстиғи тагидан тўппонча олди. Сўнг оғриқни ҳам унутиб, дераза ёнига ётди. Мўралади. Мингга яқин болшавой бостириб келмоқда. Ҳаммасининг елкаларига бешотар милтиқлар, ёнларига қиличлар осилган. Улардан фақат учтаси мусулмон: Маллабой, Онорбой, Акобир.

– Офтоб қишлоғининг бойлари, – деди Юсуфбек ёвига ташланаётган бўридек тишларини ғижирлатиб, – қасд олгани келишган. Уларга менинг "дарсим" сабоқ бўлмабди. Соткинлар!!! – Унинг жағларида ўрикдек-ўрикдек нарсалар кўтарилиб, туша бошлади. – Энди, булардан қутулиб бўлармикан? Бироқ мени бу аҳволда Маллабой танимайди. Қолаверса, унинг уйини тунда босгандик. Бунга ҳам анча бўлди. Акобир мени

кўрмаган. Онорбой ҳам. Лекин шунга қарамай, учовини ҳам отаман. Кейин у ёғи бир гап бўлар...

Отлиқлар шовқин-сурон билан яқинлашавердилар. Оқтой вовуллаб босқинчиларга ташланди. Ўрис командир бешотарда унинг бошига кетма-кет ўқ узди. У акиллаб қулади. Юсуфбек фурсатни бой бермади. Тўппончада Маллабойнинг манглайини мажаклади. Кейин ўрис командирни. Отлиқлар кутилмаган бу ҳолдан саросимага тушиб қолишди. Шу лаҳзада Юсуфбек Онорбой билан Акобирни ер тишлатди.

Отлиқлар деразани ўққа тутдилар. Ойналар синди. Айрим ўқлар похол бўғотга тегди. Уй ёна бошлади. Юсуфбек Сорагунг билан Аҳмадбек турган бурчакка чекинди. Аҳмадбекнинг қўлида тўппонча. Аммо у кампирни бағрига босган ҳолда нима воқеа бўлаётганига тушунолмай, қўрқиб, гарангсиб турибди.

Болшавойлар Ленининнинг Темур ҳокондан ўғирлаб олган ушбу сўзини тумор қилиб тақиб юрардилар:

"Онгли душмандан қўрқиш керак..."

Шундан келиб чиқароқ қизиллар Юсуфбекни ўзларига энг улкан, энг хавфли ғаним деб билардилар. Унинг Чингизхон мисол қайтмас, ботир, аёвсизлигидан кўра ҳам, халқни уйғотгувчи ақл-идрокидан қўрқардилар. Яна чет элга қочиб кетишидан, у ёқда куч тўплашидан, шўро ҳукуматининг обрўсини тўкишидан қўрқардилар. Шу сабабли Юсуфбекни тутиш учун Туркистонни алғов-далғов қилиб излардилар. Мана, ниҳоят, йиллар кечароқ уни ўз ҳовлисида исканжага олдилар. Ва томоқларини йиртароқ ғазабга қотилган нафрат билан бақирдилар:

– Юсуф босмачи таслим бўл!

– Кунинг битди!!

– Ташқарига чиқ!!!

"Эртами-кечми ўлим ҳар бир кишининг бошида бор, – деб ўйлади Юсуфбек, – Лекин, мен учун босқинчини енголмай ўлиш оғир, Тангритоғданда оғир. Тангрим, нега менга бундоқ қисматни раво кўраяпсан? Тангрим, яна озгина умр бер! Шўро қиличидан бошлари узилаётган, очликдан инграётган элим учун ўч олай!

Осмон жим.

Ерда қиёмат.

Қизиллар ёнаётган уйга яқин келдилар. Юсуфбекни тирик тутиш ниятида яна гулдираб кичқирдилар:

– Палағда тухум!

– Қонхўр!!

– Уйдан чиқ!!!

Юсуфбекнинг кўз олдига олтинлари келди.

"Буларни четга кетиш учун ит азобида йиққандим, – деди ўзига-ўзи, – энди, бир пасда ундан, жонимдан айрилаяпман. Бу қандоқ қисмат?"

Осмон жим.

Ерда қиёмат.

Юсуфбек шўродан қасос олиш учун ўлишни истамади. Ногоҳ ёвуз бир фикр уни илондай бўғди. Ундан қанча қутулай деса, шунча қаттиқ бўғди.

"Хато йўл! – деди ичида бир Юсуф, – тузатиб бўлмас хато йўл!"

"Тўғри йўл" – деди икки оёқда омонат турган Юсуф.

"Йўқ, бу улуғ гунох!"

"Ундан бошқа йўл бўлганда..."

"Йўқ, бу йўлдан қайт!"

"Йўқ, у шўро... мен...мен... ҳали... ўлмаслигим керак... Босқинчини ҳайдай, сўнг, майли, мени ўлдир, сўнг, майли, ўлигимни итга ташла ё... ё... майли, дўзахда ёндир!.."

Юсуфбек бир нимани кўнглига тугиб, тўппончасини ўқлаб, ён чўнтагига солди. Сўнг ўша эски чопонини кийди, эшик олдида ётган таёқни олди, унга суянган ҳолда саксон ёшли чолдек букчайиб ҳовлига чиқди.

– Юсуф босмачи қани?! – Бир зумда отлиқлар уни ўраб олишди. Ҳатто бу "мункиллаган чол" Юсуфбек эканлиги уларнинг хаёлларига ҳам келмади.

– Ичкарида... – деди Юсуфбек қовоғини уйиб.

– Сен кимсан? – Ўрис командир қамчиси билан унинг иягини кўтарди.

– Қўравулман.

– Чақир Юсуфбекни! – Ўрис ёнаётган уйга хавотир билан тикилди. – Тез!

Аҳмадбек отасининг гапини эшитди. Жони узилаётган одамданда тушкин бир алпозда ҳовлига чиқди. Юсуфбекнинг хаёлига эса ҳали ҳам дам олтин, чет эл, интиқом... дам ўғли келар ва ҳар вақт тарозининг интиқом... турган палласи оғир чиқарди. У энди "Мени айтиб қўймаса экан", деб чўчий бошлади. Кейин оталик туйғуси уйғондими, бу фикридан қайтди: "Айтса, тақдиримдан кўраман".

Аммо ўғлига қарашга юраги бетламади. Аҳмадбекнинг орқасидан Сорагунг ҳам чиқди. Унинг сочи тўзғиб кетган, кўзидан юм-юм ёш оқмоқда.

Отлиқлар Аҳмадбекнинг заррача кўркмаётганлигини, ҳатто ўзларига парво ҳам қилмаётганлигини, кўзлари ғам аралаш шиддат билан баланд тоғларга қадалганлигини, алп қомати тик ва мағрур турганлигини кўриб, бир лаҳза унга тегмадилар. Кейин гавдали ўрис зобит машъум сукунатни бузиб бақирди:

– Қизларингизни, молларингизни ўғирлаган Юсуф босмачи шу махлуқми?

Савол жавобсиз қолди. Чунки қизиллар ичида битта ҳам ерли йўқ эди. Шунда ўриснинг эсига ҳозиргина отиб ўлдирилган уч бой ва зобит тушди. У гап тизгинини кескин бурди:

– Бу маймун шўронинг ашаддий душмани, Кўршерматларнинг ҳамтовоғи. У ўн бир марта болшавойларнинг ҳарбий гарнизонларига босқинлар уюштирган, юзлаб қизил аскарларнинг бошларига етган.

– Ўч оламиз!!! – Отлиқлар ғазабга миндилар.

Аҳмадбек қимирламади ҳам, ҳеч кимга қарамади ҳам.

Шу даҳшатли онда унинг кўз олдида севимли хотини – Зуҳра билан ўғилчаси – Ўлмас гавдаланди. У дунёда шу иккисидан бошқа ҳеч кими йўқлигини, энди уларнинг аҳволи нима кечишини аччиқ ҳасрат билан ўйлади.

Отлиқлар Аҳмадбекни ўраб олдилар. Ўрис зобит ўз ғазабини жиловлолмади, унинг бошига қамчи тортди. У гандираклаб кетди, йиқилди. Бошқа отлиқлар ҳам қамчиларини ишга солишди. Бир зумда унинг юзбошию кийим-кечаги қонга бўялди. Бироқ Аҳмадбек инграмади ҳам, қимирламади ҳам. Фақат зўр бериб Зуҳра билан Ўлмасни ўйларди. Ҳадемай бу ширин ўй ҳам бошидан учди. Сорагунг "у..у.. у.." дея додлаб, ўзини Аҳмадбекнинг устига отди.

– Қоч, манжалақи! – деб бақирди бояги тўнғиз кўзли, сап -сариқ зобит, – коч!!! Кетма-кет қамчи босди. Сорагунг ҳам хушидан кетди. Юсуфбек бу дахшатли манзарани кўрмаслик учун ўзи билмаган ҳолда бошмалдоғини ғажиб, бошқа ёққа қараб турарди. Ва кочиш учун пайт пойларди. Шунга оғзидан оқаётган қон сокол-мўйловини булғаётганини ҳам сезмасди.

Йўғон гавдали, чўчқадек семиз бир болшавой ўзбекнинг кора қорабайиридан секин тушди. Унинг чакчайган кўкимтир кўзи жаллоднинг кўзидек конга тўлган, тўнғиз терисидек оқимтир юзи қизарган, курбақа ютган илонникига ўхшаш корни асабий силкинар эди. Афтидан, у шу минг чоғли кўшин бошлиғи ёки ўринбосари эди. У ғилофидан қиличини шарт суғурди. Шунда Юсуфбек улуғ хатога йўл кўйганини ҳис этди ва бор овози билан бакирди.

– Тўхта, тўнғиз! Мен Юсуфбекман!

– Сен алжиб қолибсан, исқирт чол! – Тўмтоқ башарали, маймунга бенгзавчи бир ёш болшавой Юсуфбекнинг кулоқ-чаккасига устма-уст қамчи тортди. У йиқилди.

Отлиқлар хо-холаб кулишди.

Семиз бор кучи билан Аҳмадбекнинг бўйнига қилич солди. У бир силкиниб, жон берди. Семиз Аҳмадбекнинг бошини қиличда танасидан айирди, зобитларга буюрди:

– Бу маймун каллани оғочга санчиб, улусга кўрсатинглар. Сўнг уни оч итларга ташланглар. Бундан тўнкалар дахшатга тушсинлар. Шундан кейин улар рус қиличига ҳурмат билан қарайдиган бўладилар. Тушунарлими?

– Тушунарли, – деб бакиришди юзлаб чериклар.

Семизнинг буйруғига биноан ўрта бўйли, озғин, эчки соқол, ит башара бир оддий аскар тандир, ўчоқлардан ўн қадамча наридаги бостирмадан ингичка, узун оғоч олиб чиқди, унга Аҳмадбекнинг бошини болғада кокиб санчди ва осмонга кўтарди.

Шу пайтда қишлоқ томондан келаётган одамларнинг бақириқ- чақириқлари эшитилди. Қўлларидаги кетмон, бел, пақирлар қуёш тиғида ялтираб, бир-бирига урилиб кетмоқда. Афтидан улар осмонга беомон ўрлаётган қалин тутунни кўришган ва шунга: "Ўй ёнаяпти", деб ўйлашган.

Болшавойлар одамлардан хавотирга тушмадилар. Чунки азонда қишлоққа боришган, Юсуфбекнинг қилмишини уларга айтишган эди. Гавҳархоним Юсуфбекнинг қизлар билан айш қилганини эшитгач, алам-дан титраб-қақшади. Шунда, аччиқ устида қизилларга Юсуфбекнинг боғ уйда эканлигини айтиб кўйди...

Бир пасда оломон етиб келди. Улар ичида куриб колган ёғочни эслатувчи Гавҳархоним ҳам бор. У таёққа санчилган бошни кўриб телбадай чинқирди.

– Бу Аҳмадбек-ку!

Оломон ҳам бундан даҳшатга тушди.

Босқинчилар гап нимадалигини билишди. Семиз ғазаб билан Юсуфбек ётган ерга борди. Ўғлининг боши олинганини сезган Юсуфбек хушига келса ҳам, "Маҳлуқлардан ўч оламан!" деб ўйлаб, тўппончасини ушлаганича атайлаб юзтубан ётган эди. Семиз аждарходай тўлғониб, оломонга укдирди:

– Мана бу чол уни Юсуфбек деб айтди.

Худди шу он "чол" яшин тезлигида қалқди ва семизнинг кўкрагини конга булғади. Болшавойлар довдираб колдилар. Юсуфбек пайтни бой

бермай, якинида турган отлиқ орқасига йўлбарсдек сакраб минди, унинг бошига бир мушт уриб ағдарди ва отнинг жиловини силтади.

– Чу!!!

– Ана, у! – Гавҳархоним Юсуфбекни тўппонча ушлаган чапақай қўлидан ва шиддатли ҳаракатидан таниди. – Ўша!..

Шу сония чўтир юз, кўк кўз зобит Юсуфбекнинг елкасидан ўқ узди. У қулади. Ва жон ҳолатда ирғиб турди, Гавҳархонимга тўппонча тепкисини босди. Лекин унда ўқ йўқ эди. Зобит Юсуфбекнинг бошига кетма-кет қамчи босди. У:

– Единг, тўнғиз! – дея гандираклаб йиқилди.

– Бу маҳлукни дарров калласини узинглар!!! – Бор овози билан чинқирди кўк кўз зобит.

– Тўхтанглар, одамлар! – Ҳамма ҳозиргина оқ отда етиб келган кимсага юзланди. У Болтанинг иниси Теша эди. У оғаси ўлдирилгандан кейин шўролар томонига ўтган эди. Калта, озғин, юзи юмалоқ, қисиқ кўзи ичига чўка бошлаган бир киши эди. У секин, аммо кескин ва таъсирли оҳангда гапида давом этди:

– Боғдонда бир одат бор. Кимки, гуноҳсиз одамни ўлдирса, у тошбўрон қилинади.

– Тошбўрон қиламиз! – Қизиллар момокалдироқдек гулдиради.

Оломоннинг дами ичига тушиб кетди.

Қизиллар Юсуфбекни чинорга танғиб боғладилар.

Теша отдан сакраб тушди. Қўлига мушукнинг бошича келадиган юмалоқ, қизғиш тош олди.

Қизиллар ҳам.

Юсуфбек заҳарли кулиб, уларга қаҳрли нигоҳини санчди.

Шўро Теша:

– Бошланглар!!! – деб хитоб қилди ва ўзи Юсуфбекка тош отди. У бехато тегди. Юсуфбек пинагини ҳам бузмади.

Узун кўйлаги йиртилиб, юз-боши қонаб, сочлари тўзғиб кетган Сорагунг: "У... у... у..." дея кулочларини кенг ёйиб, Юсуфбекнинг олдини тошдан тўсди.

Болшавойлар уни уриб, ҳушидан кетказишди. Сўнг судраб четга олиб чиқишди ва сойга улоктиришди. Шундан кейин қизиллар Юсуфбекнинг боши-кўзига гувуллатиб тош ота бошладилар. Бу тошлар мўлжалга тегса ҳам, Юсуфбек қимирламас, инграмас, қонга қорилган юзидан эса заҳарли табассум аримас эди. Бу ҳол қизилларнинг ғазабларини баттар кўзғади. Улар янада шиддат билан тошбўрон қилишда давом этдилар.

Бирок оломон Юсуфбекка тош отмади.

Унга ёрдам ҳам бермади.

Қўрқди.

Юсуфбекнинг кўзлари оқиб тушди, юзи, бадани илма-тешик бўлди, қонга бўялди.

Шундай аянчли ҳолда ҳам у максадига етолмай кетаётганини ўйларди.

Афсус-надомат билан ўйларди...

Унинг баҳайбат боши шилқ этиб кўксига тушди, тиззалари букчайиб қолди. Лекин қизиллар уни ҳамон тошбўрон қилардилар...

*Ҳамиджон ҲОМИДИЙ**

МАЪРИФАТНИ ОЛҚИШЛАБ...

Машҳур давлат арбоби, жаҳонгашта файласуф адиб, маърифат яловбардори, форс ва араб тилида баробар ижод қилиб, шеърлар девони тартиб берган серқирра ижодкор Носир Хисрав Тожикистоннинг Қубодиён туманида (1004) туғилиб, Балх, Тус, Нишопур мадрасаларида ўқиган. Замонасидаги диний, дунёвий билимларни мукаммал эгаллаган олим салжуқийлар пойтахти Марвда 17 йил солиқ маҳкамасининг бошлиғи бўлиб ишлайди; Ажам ва Араб мамлакатлари бўйлаб 7 йил (баъзи манбаларда ўн йил дейилган) сафарда бўлади. Ана шу йиллар у халқнинг оғир аҳволини кўриб, кароматийлар ҳаракатига хайрихоҳлик билдиради. Оқибатда, уламо ва зодагонлар таъқибига учрайди. Ҳаёти хавф остида қолганда аввал Нишопурга бориб олти ой яшайди. Фитна таъқибини ҳис этганда Мозандарон маркази Омулга кўчиб ўтади. Бу ерда ҳам атрофида ғаламислик пайдо бўлгач, Бадахшонга бориб, Юмгон қишлоғида 20 йил ғорда яшайди, у ерда муаллимлик билан шуғулланиб, 1088 йили шу ерда вафот этади. Гарчи айрим қасидаларида Юмгондаги ҳаёти ҳаловатли ўтганини қайд этса-да, кўпчилик қасидаларида "Менинг маконим тош зиндон эди" деб махсус қайд этган; ҳаёти маҳзун, ғамгин ўтганига ишора қилган.

Носир Хисравдан бизга форс ва араб тилларида иккита шеърлар девони, "Сафарнома", "Саодатнома", "Рўшноинома", "Жомеъ ал-ҳикматайн", "Кушоиш ва раҳоиш", "Важҳи дин", "Зод ул-мусофирин" сингари бадиий асарлари; бир неча илмий рисолалари каби бой ижодий мерос қолган. Адибнинг ҳаёт йўли ва ижоди эрон, ўзбек ва тожик олимлари томонидан нисбатан мукаммал, атрофлича ўрганилган, аммо шоирнинг илмий мероси, араб тилидаги шеърлар девони ҳамда қасидалари ҳали жиддий ўрганилмаган; яқин йилларгача унинг қасиданавис ҳам экани маълум эмас эди.

2005 йили 17–18 сентябрь кунлари Лондон университетида "Носир Хисрав шеъриятининг фалсафий моҳияти" мавзусида жаҳон шаркшуносларининг халқаро конференцияси бўлиб ўтди. Шу муносабат билан Теҳрон университетининг ўқитувчиси Маҳди Муҳаққиқий шоирнинг 30 та қасидасини "Носир Хисрав қасидалари шарҳи" номи билан уларда учрайдиган арабий ибораларни кенг шарҳлаб, нашр эттирди.

Маълумки, қасида деганда аксарият бирон бир шахсга, тарихий воқеа ёки бирон бир шаҳар, тантана мадҳига, ғалаба васфига бағишланган асар тушунилади. Тўғри, Рўдакийдан тортиб баҳор таърифи, май мадҳи, ҳасби ҳол моҳиятидаги қасидалар, Ҳоқоний, Муъиззий, Арварийларнинг

* Филология фанлари доктори, профессор

ижтимоий-сиёсий қасидалари мавжуд. Аммо бир мавзу доирасидаги ёки таълимий-маърифий, даврни танқид руҳидаги туркум қасидалар фақат Носир Хисрав ижодигагина хос фавқулодда ҳодиса ҳисобланади. Шу жиҳатдан, шоир қасидаларини мавзу ва ғоявий йўналишига кўра қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

1. Ҳасби ҳол, тақдирдан шикоят ва саргузашт мавзусидаги қасидалар.

2. Илм-маърифат, сўз, қалам таърифи ҳамда исломий аҳкомлар тарғибига доир қасидалар.

3. Замон иллатлари фош қилинган, зулм-зўрлик танқид этилган ижтимоий-фалсафий руҳдаги қасидалар.

Афтидан, адиб Шарқ мамлакатлари бўйлаб 7 йиллик сафар таассуротларини дастлаб шеърда битган. Зероки, 138 байтдан иборат бир қасидасида тоғу тошларни, саҳрою даштларни кезиб, дарёю денгизларни кечиб, баъзан ҳаётини хавф остида қолдириб, турли тоифа, қавм вакиллари билан мулоқотда бўлганини тасвирлаб, "олти йил Маккада мужовир бўлдим" деб қайд этган; тўрт марта Ҳаж тавоф этганини уктирган. Қасидада сафар давомидаги оғир, изтиробли, таҳликали лаҳзалар, айрим одамлар билан тўқнашув, баҳсу мунозаралар анча дардчил, таъсирчан ифодаланган. Демак, бу асар манзума-саргузаштноманинг илк намунаси сифатида ҳам адабиётимиз тарихидаги муҳим бир бадиий ҳодиса ҳисобланади.

Шоир қасидалари орасида иккитаси бевосита ҳасби ҳол моҳиятига эга. Уларда, бир томондан, Носир Хисрав дин-диёнат, илм-маърифат йўлида риёзат чекмай, кенг халқ оммаси орасида юриб, уларнинг корига ярамай, маҳкамада ўтган умри учун афсус-надомат чекади. Иккинчи томондан эса, мартаба-мансаби қўлдан кетгач, аксарият ҳаммаслаклари "юзингда кўзинг бормиди" демай кетганидан, кимни "дўсти жоний" деб билган бўлса, бевафо, мунофиқ, иккиюзламачи бўлиб чиққанидан нолийди. Қадим дўстлардан меҳр-мурувват ўрнига фитна, жабр кўради; кимга умид билан юз ўгирсам, ҳосили дарду ранж бўлди, деган шоир қуйидагича хулоса чиқаради:

Гашт бар ман рўзу шаб чандонки, гашт аз гашти ў,
Мўи ман монанди рўз ва рўйи ман монанди шаб.

(Кечаю кундуз менга шундай азият бердиларки, юзларим кечадай қорайиб, сочларим кундуздай оқариб кетди). Бундай қасидаларда Носир Хисрав қаерга борса, "бало-қазо рўбарў бўлгани", "жабру жафо пешвоз", юзида кулги, табассум ўрнини ғам-ҳасрат" олганини қайта-қайта таъкидлаб ўтган.

Шоир асарлари орасида фахрия моҳиятидаги қасидалар ҳам бор. Масалан, 20-қасидада ёзувчи турли баҳолардаги ғазаллари, маснавию насрий асарлари билан китобхонлар қалбини забт этганидан фахрланади.

Бир неча қасидаларида Носир Хисрав мавжуд ижтимоий тузум иллатларини қаттиқ танқид қилади; салжуқийлар салтанатининг охирги йилларидаги бошбошдоқликлар, феодал ўзаро низоларнинг мудҳиш оқибатларини оташин мисраларда тасвирлаб, юрт аҳлини бирлик, аҳилликкa чорлайди. Маълумки, салжуқийлар ҳокимиятининг заифлашганини сезган Дашти Қипчоқ ҳонлари, тоғли ғўзлар Хуросоннинг

марказий шаҳарларига ёпирилиб халқни талайдилар, обод шаҳарларга ўт қўядилар; юртда талон-тарож, зулм-зўрлик авж олади. Адибнинг "Эй Хуросон!" деб бошланадиган қасидасида ана шу ҳолат тасвирланган; Марв, Нишопур, Сиистон каби гул-гул яшнаган маърифат масканлари харобага айланганидан қаттиқ куюнади:

Кунунки деви Хуросон ба жумла вайрон кард,
Аз ў чигуна ситонам замини вайронро.
Чу халқ жумла ба бозори жаҳл рафтандаст,
Ҳаме зи бим наёрам гушод даҳонро

(Ўша китоб, 39-бет).

(Девлар бутун Хуросонни вайрон қилган бир пайтда улардан бунинг сабабини қандай сўрай оламан. Барча халқ жаҳолат бозорига кетишгач, қўркувдан ўзгаларни (яъни, адолатли ўтганларни) ёд этолмайман).

Шоир юртни "ғажиб ётган бўри"ларни, мансаб-мартаба, нафс деб уларга лаганбардорлик қилаётган амалдорларни, маддоҳ шоирларни аёвсиз танқид остига олади; фош этади; "адаб ўрни бўлмиш Хуросон юрти, энди нокас девлар уясига айланди", дейди. Уларнинг касофатига халкнинг арғувон юзи қахрабо, "алиф"дек қомати мисоли "нун" бўлди, дейди.

Гурги дарранда гарчи куштаниаст,
Беҳтар аз мардуми ситамкораст.
Аз бадии гўрг растан осон аст,
Ва-з ситамкори сахт душвораст

(Ўша китоб, 48-бет).

(Дарранда бўрини ўлдириш зарур бўлса ҳам, у зулмкор одамлардан яхшидир. Ситамкор қўлидан қутулишдан ёмон бўри чангалидан халос бўлмоқ осонроқдир).

"Яхши феъл яхшилик ганжининг калитидир", деган шоир бир неча қасидаларида бу дунёда илм ўрганиб, яхши хислатларга эга бўлиб, "дахрда яхши" деган ном қолдиришга даъват этади. Бунинг учун эса илми маъқул ва илми манқулни ҳар томонлама пухта эгаллаб, мол-дунёга, амал-мартабага ҳирс қўймаслик керак, дейди санъаткор:

Ҳар, ки дунёро ба нодони ба барнои бихўрд,
Хўрд ҳасрат чун ба рўяш боди пири барвазид.
Гашт бадбахти жаҳону шуд ба нафрину хази,
Ҳар ки ўро деви дунёжўи дар паҳлў хазид.

(Ўша китоб, 103-бет).

(Кимдаким дунёни нодонлик ва бебошлик билан еса, қарилик шамоли эсгач, ҳасратда қолди. Кимдаким дунёпарастликка мубтало бўлса, бадбахт бўлди, лаънатга қолди).

Китобдаги ўн биринчи қасида илм ва донишмандлар таърифига бағишланган. Шоир олимларни сермева хурмога ўхшатса, бехирадларни

қўққайган теракка ўхшатади ва китобхонларни ҳаёт мактабидан сабоқ олиб, сермева, халққа наф келтирадиган дарахтга ўхшаб ўсишга ундайди:

Ту хоҳи бори ширин бош бехор,
Ба феъли акнун ва хоҳи хорй бебор.
Агар бори хирад дори ва гар на
Сапедори, сапедори, сапедор

(Ўша китоб, 108-бет).

(Мевасиз тиканак бўлишни истамасанг, ширин ҳосилли дарахт бўл. Агар хирадмандлик (яъни, илм) ҳосилига эга бўлмасанг, тераксан, тераксану тераксан).

Илм тарғибига бағишланган айрим қасидалар халқ мақоллари, ҳикматли сўзлар, ранг-баранг бадиий-тасвирий воситалар, бетакрор ўхшатишлар билан зийнатланган. Бундай байт ёки мисралар ҳикматли сўзлар моҳиятини эслатади.

Хулоса қилиб айтганда, X–XII асрлар адабиётида қасида жанри алоҳида мавқега эга бўлди. Хоқоний Шервоний, Анварий, Амир Муиззий, Абулҳасан Унсурий, Фаррухийлар бу жанрнинг оддий мадҳия, таъриф-тавсифлар қамровини кенгайтирди, мавзу доирасини ривожлантирди. Носир Хисравнинг бу силсилада ўзига хос ўрни ва мавқеи бор. Чунки у ўз қасидаларида "базму тарабни ҳам, ишқу маъшуқани ҳам, айшу ишрат, майни ҳам, амиру амалдорларни ҳам, мадҳ этмай" (Маҳди Муҳаққиқий) фақат ҳаётни, табиат гўзалликларини, Наврўзи оламни васф этди, юксак инсоний хислатлар, илм-маърифатни ташвиқ қилди. Айни пайтда шоир ўндан зиёд қасидаларида ўзаро феодал низолар, босқинчилик урушларини қаттиқ қоралади, халқи, юрти бошига тушган кулфатлардан эзилди, "боши тиззасида бўлиб колган" халқига куйинди. Унинг қасидалари ўзига хос панднома, сафарнома, баҳориялар, исломий аҳкомларнинг тарғибий ойнасидир. Демак, Носир Хисрав Шарқда қасида жанрини мавзу, ғоявий йўналиш жиҳатидан янги тараққиёт чўққисига олиб чиққан санъаткор экан. Шунинг учун ҳам Носир Хисрав қасидалари махсус илмий тадқиқот мавзуси бўлишга тўла арзийди. Улар ўз тадқиқотчиларини кутмоқда.

*Каримбой ҚУРАМБОЕВ**

АЛИШЕР НАВОИЙ ВА ТУРКМАН АДАБИЁТИ

Алишер Навоий туркман адабиётида ҳурмат билан тилга олинадиган улуғ сиймолардан бири. Шоир асарларининг ҳозирги Туркманистонга кириб борганига бир неча аср бўлган. Навоийнинг эса Марв шаҳрида бўлгани, у ердаги "Хисравия" мадрасаси бевосита шоир ташаббуси билан қурилгани борасида Хондамир "Макорим ул-ахлоқ" китобида маълумот беради. Шоирнинг "Хазойин ул-маоний" девони ва "Мажолис ун-нафоис" тазкирасида Марв, туркман шоирлари тўғрисида баъзи маълумотлар учрайди. Шоирнинг туркман қизларини васф этиб, ғазал битгани ҳам илмда исботланган. Навоийнинг Ирок султони ва шоир, туркман Ёқуббек билан дўстона муносабатларини далиллайдиган илмий манбаларга ҳам эгамиз. Жумладан, "Мажолис ун нафоис"нинг еттинчи мажлисида Султон Ёқуббек ҳақида бундай дейилган: "Яъкуб Мирзо – Туркман салотинида анингдек писандида зотлиғ ва ҳамида сифотлиғ йигит оз бўлғай". Адиб Ойбек "Навоий" романида бу тарихий фактга мурожаат этиб, Навоий ва Ёқуббек муносабатлари тасвирига махсус саҳифалар ажратганидан мухлислар хабардор деб ўйлаймиз.

Алишер Навоий мероси туркман шоирлари учун ўқиш, ўрганиш, тажриба орттириб, маҳоратини чиниқтириш мактаби вазифасини ўтади. XVI–XVII асрлардан бошлаб шоир анъаналарига эргашувчилар, навоийёна услубда ижод қилишга интилувчилар адабиёт майдонига кириб келади. Масалан, XVI асрнинг ўрталари ва XVII асрнинг бошларида яшаб ижод этган туркман олими, шоир ва рассом Авшар Содиқий "Мажолис ун-нафоис" тазкираси таъсирида "Мажме ул-ҳавас" деган тазкира яратган. Тазкирада форс, араб ва туркий тилда ижод қилган 332 шоир ҳақида маълумот келтирилади. Тазкира мукаддима, саккиз бўлим ва хотимадан иборат. У барча хусусиятлари билан "Мажолис ун-нафоис"ни эслатади. Содиқий тазкиранинг мукаддимасида ўзигача тазкира ёзган ижодкорларни тилга олади. Навоийга уч байт ғазал бағишлаб, улуғ шоирга эҳтиромини билдиради. "Мажме ул-ҳавас"ни бевосита "Мажолис ун-нафоис" таъсирида ёзганини ҳам қайд этади.

XVIII–XIX асрлар туркман адабиётида Алишер Навоий меросига қизиқиш, ижодининг етакчи ғояларини янги тарихий шароитга мослаштириб ривожлантиришга мойиллик ҳар қачонгидан кучаяди. Озодий ва Андалиб, Махтумқули ва Камина, Мулланафас ва Зелилий, Шохбанди ва Сейидий, Зинҳорий ва Ғойибий, яна ўнлаб туркман шоирлари Шарқ

*Филология фанлари доктори, профессор

адабиётининг буюк мутафаккирлари қаторида Алишер Навоийни ҳам ўзларига устоз санаган. Шоир меросига ижодий ёндашиб, индивидуал услубда қалам тебратишган. Давлатмамад Озодий шундай талант соҳибларидан бири. У Махтумкулининг отаси. Ўғлининг истеъдодли шоир бўлиб етишишида алоҳида роли бор мураббий – устоз.

Озодий XVIII аср туркман адабиётида бир неча достонлари, ғазаллари билан танилди. Айниқса, олти минг мисрадан иборат "Ваъзи Озодий" достони шоирга шуҳрат келтирди. У жанри бўйича фалсафий-дидактик достон. Асар Шарқ мумтоз адабиёти, хусусан, Фирдавсий, Низомий, Саъдий, Жомий, Навоий анъаналари руҳида ёзилган. Достонда Алишер Навоийнинг достончиликдаги таржибаси, хусусан, "Ҳайрат ул-аброр"нинг таъсири кўпроқ сезилади. Навоий достонидаги илм ва илм аҳли, адолатли ва адолатсиз подшолар, сахийлик, камтаринлик ва меҳнатсеварлик каби ғояларнинг ҳикоят ва ривоятлар либосида, афсонавий образларда берилгани, Озодийнинг бадиий-эстетик қарашларини ҳаракатга келтирган. Мавзуларни ўз даври муаммоларига мослаштириб ёритишда маънавий таянч вазифасини бажарган.

XVIII аср туркман адабиётида Алишер Навоий анъаналарини муваффақиятли давом эттирган шоирлардан яна бири Нурмуҳаммад Андалибдир. Унинг туркман ёзма адабиётида ҳам достоннавис, ҳам ғазалнавис шоир сифатида алоҳида ўрни бор. Шоирнинг "Лайли ва Мажнун", "Юсуф ва Зулайҳо", "Бобораврвшан", "Зайниларабъ" достонлари XVIII аср туркман адабиётининг ёрқин саҳифаларидир. Достонларни яратишда Андалиб Шарқ адабиётидаги достончилик тажрибаларидан фойдаланган. Масалан, "Лайли ва Мажнун" ёки "Юсуф ва Зулайҳо" достонларининг мавзу, сюжет қурилиши ва образлар талқинида Шарқ достончилигини эслатадиган бадиий компонентлар бор.

Айниқса, "Лайли ва Мажнун" достонидаги воқеалар тизмасида, образ яратиш принципларида, аруз вазнида битилган шеърий шаклларда Навоий лирикаси, "Лайли ва Мажнун" достони таъсирини кўриш мумкин. Андалиб Алишер Навоий ижодига икки хил аспектда ёндашган: достончилик анъаналарини давом эттириш; Навоий шеърияти таъсирида ғазаллар, назиралар, мухаммаслар ёзиш. Икки бадиий шаклда ҳам шоир ижодий индивидуаллигини кўрсата олди. Масалан, "Лайли ва Мажнун"достони ташқи сюжети бўйича Навоий достонига қанчалик ўхшамасин, ички мазмуни, образ яратиш тамойилларида катта фарқ бор. Лайли, Мажнун, Навфал, Ибн Салом, Зайд образлари, гарчи достонда бир хил ном билан юритилса-да, характер хусусиятлари икки достонда икки ғояга хизмат қилади. Айтайлик, Навоий достонида Навфал сардор адолатли, низоли ишларни тинч йўл билан ҳал қилишга уринадиган ҳукмдор. Бошқача айтганда, бу образда Алишер Навоийнинг идеали жамланган. Андалиб достонида эса Навфал иккиюзламачи, маккор, ҳийлагар, босқинчи тимсолида гавдаланади. Навоий достонида Мажнун олим, шоирсифат, садоқатли, олижаноб шахс қиёфасида кўринса, Андалиб талқинида у шунчаки ишқ йўлида телба, ҳақиқий мажнундир. Бундай тафовут ҳар бир образда мавжуд.

Андалибнинг шоирлик салоҳияти ҳам ибратли. Бу йўлда унга Шарқ ғазалчилиги поэтикаси руҳи таянч бўлди. Асосан, шоир Алишер Навоийга эргашишга интилди. Шоирнинг ўндан ортиқ ғазалларига назиралар

ёзиб, мухаммаслар боғлагани мана шу яқинликнинг инъикоси. Навоийнинг "Келмади", "Ўлтургуси", "Ўн саккиз ёшиндадур", "Эй, кўнгил", "Гулоб айлаб","Гирифторман, мен яна" ғазалларига Андалиб боғлаган мухаммаслар бадиий-эстетик пафоси, фикр ва туйғуларининг муштараклиги, поэтик оҳанги жиҳатидан ўқувчи қалбига завқ бағишлайди. Мана, Андалибнинг мухаммасларидан бир банд:

Андалиб-а нала эйлап, бигам эт көңлуң ойин,
Жамы – сахбадыр деңиз, гөр, байрам эт көңлуң өйин,
Етмесин асиб хергиз махкем эт көңлуң өйин
Эй Новайы, бада бирле хоррам эт көңлун өйин
Не учун ким бада гирен өе гайгу гелмеди.[1]

Андалибнинг "Не бало хўб", "Рашки паризод", "Бўлди Андалиб", "Тоб очди", "Жононига етса" каби ғазалларидаги ғоя талқини, рамзий образ қўллашдаги Навоийга оҳангдошлик муваффақиятли чиққан.

Махтумқули туркман адабиётига бекиёс ҳисса қўшган, тараққиётнинг янги давонига олиб чиққан, жаҳон адабиётида ҳам нуфузи юқори донишманд шоирлардан бири. Унинг шундай юксак обрў-эътиборга эга бўлишида ўз миллий адабиёти чашмалари билан бирга, дунё адабиёти, энг аввало, Шарқ мумтоз адабиётининг ҳиссаси ҳам салмоқли. Шоирнинг "Бўлсам"радифли шеърида Умар Ҳайём, Фирдавсий, Низомий, Ҳофиз, Румий, Саъдий, Навоий каби шоирларнинг номини тилга олгани салафлари ижодига мафтунлик ифодасидир. Жумладан, Махтумқули шеър бандларидан бирида Навоий ҳақида:

Дамганында йөген уссат Новайы,
"Чар диван" ы, "Перхат – Ширин" зыбайы.
Гашларына барып мен межнун болсам[2], –

деб ёзади. Ва ўзини "Устоз Навоий этагидан тутган" шогирд ўрнида кўради. Шоирнинг "Чор девон", "Фарҳод ва Ширин" асарларини юксак ижод намунаси тарзида эътироф этади. Навоий ижодига худди "Мажнун Лайлига ошиқ бўлгандек, ошиқ бўлишни" хоҳлайди. Махтумқулининг бошқа шеърларида ҳам Навоий номи, асарлари, яратган образлари учрайди. Зеро, Махтумқули ўз шеърларида Навоий номи ёки бирор асарини тилга олиш билан кифояланмаган. Шогирдлик меҳрини ижоди орқали ҳам намойиш этган. Масалан, шоирнинг "Кўнгил", "Қоши ёй", "Тўғриси", "Эй, дўст", "Керакмас", "Айлади" ғазаллари поэтикаси, ифода усули Навоийга жуда яқин. Айниксa, унинг арузда битилган "Айт", "Тут", "Яхшидир", "Ўлмасдан бурун" радифли ғазаллари, мухаммаслари ҳам борки, улар бевосита Навоийнинг шу радифдаги ғазаллари таъсири самарасидир. Шоирнинг бешликлари орасида "Айт" радифли мухаммас бор. Биринчи банди бундай бошланади:

Бады – саба, бу арзымны ол ёвуз солтанга айт,
Элмыдам зар әйлеген, ол гөзлери хун – ганга айт,

[1] Андалып. Лирика. Ашгабат, 1976., 77-сахыпа.
[2] Магтымгулы. Сайланан эсерлер. 2 томлук. 1 т., Ашгабат, 1983., 67-сахыпа.

Шум пелекиҗ голундан гитген жаны – жананга айт,
Айра душубан, гам чекан, гарабагыт доганга айт,
Дунйәдан арманлы болган ол пахыр перванга айт.[1]

Бу мисраларни ўқиган ҳар бир китобхон беихтиёр Алишер Навоийнинг:

Эй сабо, ҳолим бориб сарви хиромонимга айт,
Йигларимнинг шиддатин гулбарги хандонимга айт, –

байти билан бошланадиган, кўпчиликка ёд бўлиб кетган "Айт" радифли ғазални эслайди. Икки шеърнинг ифода усулида ўхшашлик кўп. Вазни, қофияси радиф, бўғин ўлчови бир хил. Бироқ жанри бошқа-бошқа. Махтумқули шеъри мухаммас намунаси бўлса, Навоий ғояни ғазал шаклида очган.

Маълумки, Махтумқули лирикасида дидактик мотивлар етакчи. Афоризмларга айланиб кетган шеърлари бисёр. Шоир Шарқ фалсафаси, шарқона одоб-ахлоққа хос таълим-тарбия йўналишида ижод қилишда ҳам Шарқ адабиёти илғор тажрибаларидан сабоқ олди. Чунончи, Навоийнинг таълимий мазмундаги ҳикматли сўзлари Махтумқули учун насиҳат шеърлар битишда бадиий шакл вазифасини ўтаганини мисоллар тасдиқлайди. Навоийнинг:

Одами эрсанг, демагил одами,
Ониким, йўқ халқ гамидин гами, –

деган машҳур байтини билмайдиган ёки ёд олмаган адабиёт муҳиби йўқ ҳисоби. Улуғ шоирнинг инсонпарварлик ғоялари қуйланган бу шоҳ байт Махтумқулини ҳам илҳомлантирган. Байтдаги буюк ғоя, маъно қудрати ва талқини, оддий ифода усули туркман шоири қалбида ижод завқини уйғотган. Ва қуйидаги туркум шеърий қаторларни ижод этган:

Адам бардыр, аны шалар чагырдар,
Адам бар, зулм эдип, гарып агырдар,
Адам бар, пер душек янын агырдар,
Адам бардыр, ак киз дызына дегмез[2].

Ёки:

Адам болуп, адам гадрын билмеен,
Ондан ене отлап йөрен мал ягшы,
Сөзлегенде, сөз манысын билмеен,
Ондан ене сөзлемеен лал ягшы.

Махтумқулининг ахлоқий-таълимий шеърларида ҳам мазмун-моҳияти, ифода шакли билан Навоий байтини эслатадиган мисраларга кўп дуч келдик.

Махтумқули ижодидан Навоий ғазаллари поэтикасига ҳамоҳанг, достонларининг бадиий-эстетик хусусиятларини ёдга соладиган, ҳаёт ва во-

[1] Магтымгулы. Сайланан эсерлер. 2 томлук. 1-том, Ашгабат, 1983., 101-сахыпа.
[2] Магтымгулы. Сайланан эсерлер. 2 томлук. 1-том, Ашгабат, 1983., 210-сахыпа.

келикни буюк сўз заргарига хос услуб ва усулларда ёритган асарлар анчамунча бор. Биз уларнинг айримларигагина тўхталдик. Ваҳоланки, мавзу кенгроқ, махсус тадқиқотни тақозо этади.

XIX аср туркман адабиётида яна бир машҳур шоир бор. "Ишқ мулкининг султони" деб эътироф этилган бу шоир – Мулланафасдир. Мулланафас туркман адабиётида лирик шоир сифатида маълум ва машҳур. Бу даврда яшаб ижод этган бошқа бирор туркман шоири шу мақомга эришгани маълум эмас. Мулланафас лириканинг энг гўзал намуналарини яратди. Салафлари қаторида у ҳам Шарқ адабиётидан ижодни ўрганди, устозларига эргашиб, анъаналарини ривожлантирди. Фирдавсий, Низомий, Навоий, Фузулийдек буюк шоирларнинг ўлмас асарлари Мулланафас учун ижод мактаби бўлди. Туркман адабиётининг ёрқин сиймолааридан бири даражасига кўтарилишида устозлар маънавий хазинасининг аҳамияти катта бўлди. Бу ҳақда шоир "Кўнглим" шеърида миннатдорчилик билан ёзади:

Нызамый, Новайы, ене Фирдавси,
Яланчы дунйәден өтермен асы,
Сизе көп хызматлар гояндыр коңлум...[1]

Мулланафас мумтоз лириканинг бир неча жанрларида қалам тебратди. Аруз вазнида ғазал, мухаммас, мусаддас, назира жанрининг бетакрор намуналарини ижод қилди. Шарқ адабиётида фаол қўлланилган поэтик шакллар, лирик қаҳрамон кечинмаларини рамзли тафаккур асосида ёритиш тажрибаси, бадиий сўз қўллаш санъати, фикрни тимсолларда жилолантириб бериш унсурлари Мулланафас учун бадиият сирларини эгаллашида аскотгани Шарқона услубда ёзилган шеърларида кўриниб туради. У мумтоз шеърият йўлида ижод қилишда Навоийнинг поэтик тажрибасига эргашди. Шоирнинг "Кўрмадим", "Беқарор этди мени", "Кўзларинг", "Дилбар", "Қолдим бир чоҳ ичинда", "Ёр сенга", "Ўртанур", "Райҳон эрур", "Бир гўзал" радифли ғазал ва мухаммасларининг ифода шаклидан тортиб, мазмун талқинию бадиий тасвир воситаларигача Навоий ғазалларига яқинлиги бизни шу хулосага олиб келади. Ҳар бир байт ёки бандда, хатто ҳар бир мисрада Навоий ғазалларига уйғунлик, шаклий ўхшашлик бор. Бу ҳолат, айниқса, "Зуҳра – Тоҳир" достонида турли қирралари билан ўзига хос бадиий талқин этилгани шоирнинг жиддий ютуғидир.

"Зуҳра – Тоҳир" достони нафақат туркман адабиёти ёки Мулланафас ижоди, умуман, Шарқ адабиётида нуфузли ўринга эга гўзал ишқий-романтик достонлар сирасига киради. Достонга сайёр сюжет асос қилиб олинган бўлса-да, асар воқеалари шоир яшаган даврга анча яқинлаштирилган. Мулланафас ва унинг турмуш ўртоғи Бўстонтож достон қаҳрамонлари сифатида иштирок этиши, бошқа образларга ҳам XIX аср ҳаёти ранглари берилгани, асарнинг реалистик чизиқларини кучайтирган. Достон сюжетига Шарқ адабиётидаги ишқий-романтик достонларнинг анъаналари ҳам сингдирилган. Жумладан, достоннинг ҳар томонлама поэтик мукаммал, ўқишли чиқишида, хусусан, образлар психологиясини очишда муҳим восита саналмиш турли шеърий шакллардан

[1] Молланепес. Лирика. Ашгабат, 1973., 117-сахыпа.

фойдаланишда Навоийнинг баъзи ғазалларига мурожаат яхши натижа берган. Дунёқараши, ўз эстетик принципидан келиб чиқиб, вазиятга, образлар ҳолатига мос ғазаллар, мухаммаслар яратди. "Гул" радифли ғазали Навоий лирикасининг гўзал намуналаридан бири. Мана, ушбу ғазалнинг матлъаси:

Оразингни боғ аро чун кўрди, ҳайрон бўлди гул,
Баргсиз қолди, нединким, бас паришон бўлди гул...

Ғазал жами беш байт. Қолган байтлари ҳам шу хилда давом этади. Ғазал лирик планда, ишқий мавзуда. Шоир "гул","булбул" поэтик образлари орқали лирик қаҳрамоннинг қалб зиддиятидан сўз очади. Мулланафас ғазалнинг бадиий хусусиятлари достон воқеаларига ҳамоҳанглигини, қаҳрамоннинг мавжуд вазиятдаги ҳолатига мос тушишини ҳис қилган. Ва достоннинг бир эпизодида Навоий ғазали шаклидан фойдаланиб "гул" радифли олти байтлик ғазал ёзади. Ғазалнинг айрим байтлари билан танишинг:

Гул билен билбил гелип, гул ичре сейран кылды гул,
Гул тамашасын гөруп, өз беркини ган кылды гул.
Багбаны мен бу гун, баг ичре гөрдум билбил,
Билбилиң, сурун, гөруп чәки гирибан кылды гул[1]

Шеърлар бир хил жанрда. Иккаласи ҳам ғазал. Вазни, қофияси, радифи, бўғин ўлчовлари бир. "Гул", "булбул" рамзлари икки ғазалда ҳам бор. Мулланафас ғазали алоҳида олиб қаралганда, мустақил шеърга ҳам ўхшаб кетади. Ғазалларнинг ички мазмуни жиддий фарқланади. Поэтик образлар ҳам ҳар хил вазифани бажаради. Навоий ғазалидаги "гул", "булбул" образлари Мулланафас достонида конкрет шахсларга нисбат берилади. Мулланафас талқинида "гул" – Зуҳра, "булбул" эса Тоҳир. Мулланафас шеърида Навоий ғазалида учрамайдиган учинчи бир образ бор. Бу – "боғбон" образи. Достонда ҳикоя қилинишича, Ҳасан боғбон тушки пайт боғ оралаб юрганида, Тоҳир билан Зуҳранинг бир дарахт тагида яширинча суҳбатлашиб ўтиргани устидан чиқиб қолади ва кўрганларини Зуҳранинг отаси Бобохонга етказади. Мулланафас Ҳасан боғбон тилидан Зуҳрани боғдаги гулга, Тоҳирни эса булбулга қиёслаб "Гул" радифли ғазални келтиради. Ғазал достон воқеасига, образлар ҳатти-ҳаракатига шундай пайвандланадики, алоҳидалиги мутлақо сезилмайди. Мулланафас бу усулни достоннинг бошқа эпизодларида ҳам қўллаган. Шу билан бирга, шоир Навоий лирикасидан достон руҳига мос, образлар психологиясини очиш имконини берадиган ғазалларни танлаб, уларга ё назира ёзади, ёки мухаммас боғлайди.

XIX аср туркман адабиётининг Камина, Сейидий, Зелилий, Зинҳорий, Толибий, Котибий сингари шоирлари ҳам Алишер Навоийни ўзларига устоз деб билган. Каминанинг ишкий шеърларида, юмор ва сатирасида, Сейидийнинг ватанпарварлик мавзусидаги ғазал ва шеърларида, Зелилийнинг ахлоқий-таълимий характердаги мухаммас, ғазал, мусаддас ва мусамманларида, Зинҳорийнинг Шарқона услубда ижод этган турли

[1] Молланепес. Зохре-Тахыр. Ашгабат, 1959., 27-сахыпа.

жанрдаги назм бўстонида Шарқ мумтоз адабиёти, жумладан, Алишер Навоий шеъриятининг ҳам таъсири борлигини фақат қайд этиш билан чекланамиз.

Энди Алишер Навоий асарларининг туркман тилига таржималари ҳақида. Туркман ўқувчиларини шоир ижоди билан таништиришга ўтган асрнинг бошларида киришилган. 1925 йилда Абдулҳаким Гулмуҳаммедов таржимасида шоирнинг "Муҳокамат ул-луғатайн" асари китоб ҳолида босилади. Бу – Навоий ижодидан намуналарни ҳозирги Туркманистон ҳудудига олиб киришдаги биринчи қадам эди. 1941 йилда шоирнинг "Хазойин ул-маоний" девонидан саралаб олинган туркум ғазаллари таржимаси "Чор девон" деган номда чоп этилди. Китобдаги ғазалларни Б.Кербобоев, Ё.Носирли, П.Нурбердиев, Б.Сейтақов, Д.Оғамаммедов, К.Ишанов каби ижодкорлар туркманчалаштирган. 1948 йилда туркман тилида Навоийнинг навбатдаги "Сайланан эсерлер"и ўн минг нусхада нашр қилинди. Тўпламнинг олдингилардан фарқи шундаки, китобга Навоий ғазалларидан ташқари, рубоий ва туюқлари, шунингдек, "Фарҳод ва Ширин" достонидан парча ҳам киритилган. Таржимонларнинг сафи ҳам кенгаяди. Тилга олинган таржимонлар қатори Ш.Кекилов, Ҳ.Исмоилов, Р.Алиев, А.Аламишев, Р.Сейидов каби таниқли ижодкорлар билан тўлдирилган. Ҳар ҳолда бу таржима китоб Навоий ижодининг ранг-баранг қирралари тўғрисида туркман ўқувчиларига қисман бўлса-да, маълумот беради.

1965 йилда таниқли туркман олими ва таржимон Р.Режепов томонидан "Фарҳод ва Ширин" достонининг ўн минг нусхада туркман тилида босилиб чиққани адабий ҳаётнинг муҳим воқеаси сифатида эътироф этилди. Китобга таржимон қаламига мансуб Алишер Навоий ижоди, айниқса, "Фарҳод ва Ширин" достонига доир катта кўламли мақоланинг сўз боши ўрнида илова қилингани таржиманинг аҳамиятини янада оширди. Илмий аспектдаги бу иш Р.Режеповни нафақат йирик таржимон, балки Шарқ мумтоз адабиёти, хусусан, Алишер Навоий ижоди, "Фарҳод ва Ширин" достонининг моҳир тадқиқотчиси эканини ҳам кўрсатди.

Алишер Навоийнинг нодир асарларини туркман тилига ўгириш ишлари Туркманистонда ҳеч қачон тўхтаган эмас. Ҳамиша мутаржимлар эътиборида бўлиб келди. Қардош адабиётнинг машҳур адиблари улуғ шоир мероси билан ўз халқини баҳраманд этишда ибрат намуналарини кўрсатишди. Бу ўринда К.Гурбаннепесов, Н.Гуллаев, Т.Гурбанов, А.Маммедов, А.Атабоевдек таниқли ижодкорларнинг Навоийдан қилган таржималарини мамнуният билан тилга оламиз. Бу таржималар адабий алоқаларимизнинг ҳам муҳим ҳалқасидир. Таржималар келажакда таржимашунослик илмининг тадқиқот объектига айланса, нур устига нур бўларди.

Рустамжон УММАТОВ

БОБУР ВА НАПОЛЕОН

(эсседан боблар)

ҚИСМАТ

Муқаддима ўрнида: Бобур – мўғул ё ҳинд бўлмагани каби, Наполеон ҳам француз ё италиялик эмас эди

Заҳириддин Муҳаммад Бобур... Наполеон Бонапарт... Замони ва макони, келиб чиқиши ва насл-насаби, ҳаёти ва аъмоли, ибтидоси ва интиҳоси тамоман тафовутли бу икки арбобни таққослаб бўладими? Уларда ўхшашлик нима қилсин?..

Подшоҳ Бобур – Темурийлар сулоласига мансуб шаҳзода, Осиёда таваллуд топган, болалигида етим колса-да, барибир, шоҳ эди, хизматига қойим маҳрам-мулозимлари, беклару аскарлари ҳозиру нозир, энг оғир кунларида ҳам муҳтожлик кўрмаган, исломий аркону аҳкомларда собит ва содиқ, туркий ва форсий тилда сўзлаган ва ёзган, қўлидаги салтанати дахлсиз бўлиб, валиаҳдига мерос қолди ва етти пушти тож-тахт соҳиби бўлди...

Император Наполеон эса – ўртаҳол дворяннинг ўғли, аждодларидан хеч ким ҳеч қачон юрт сўраган эмас, Европада туғилган, болалиги иқтисодий қийинчиликда кечган, хизматкори бўлмаган, оиласи ҳамиша муҳтож эди, насроний динига мансуб, лекин эътикодда собит эмас, француз ва итальян тилларида сўзлаган, империяси дахлсиз бўлмаган, салтанатини валиаҳдига қолдирган, аммо ундан тортиб олишган...

Бу каби тафовутларни яна анчагина санаш мумкин. Бироқ ана шу фарқлар замирида ҳам ўхшашлик, ҳатто ҳайратангиз сирли қонуниятлар уйғунлиги сезилади. Икки ҳукмдор салтанати ва икки саркарданинг жанговар йўлида муштарак жиҳатлар, тарихи ва тақдирида шундай такрорлар борки, тонг қолмай илож йўқ.

Бобур тоғлар орасидаги Фарғона водийсида, Наполеон сувлар орасидаги Корсика оролида таваллуд топган. Буниси Ўрта Осиё, униси Ўртаер денгизи эди. Фарғона водийси ҳам, Корсика ороли ҳам 40-42,5-шимолий кенгликда жойлашган. Бобур ҳам, Наполеон ҳам ўзи улғайган оиладаги 8 фарзанднинг биридир.

Энди каранг: Бобур дастлаб Фарғонанинг, Наполеон эса аввал Корсиканинг мустақиллиги учун курашган. Бобурнинг қўшини "енгилмас ўрду", Наполеоннинг армияси Grand Armee аталарди: Бобур – Самарқандда уч карра (1497, 1500, 1511), Наполеон эса Парижда уч марта (1799, 1804,

1815) соҳиби давлат бўлган. Самарқандни – "сайқали рўйи заминаст", Парижни – "ер юзининг пойтахти" дейдилар. Бобур Самарқандни илк бор олиб, юз кун подшоҳлик қилганди, Наполеон эса Париждаги сўнгги зафаридан сўнг юз кун тож кийган. Бобур ҳам, Наполеон ҳам шоир, ёзувчи, мемуарнавис эдилар. Бобурнинг асарлари қанчалар қимматли бўлса, Наполеоннинг китоблари (32 жилд!) ҳам ўшанчалик мўътабар ҳисобланади.

Ҳиндистон подшоҳи Бобур – ҳинд эмас, французлар императори – Наполеон француз эмас. Бобур мўғул бўлмаса-да, "буюк мўғуллар императори" деган ном олди, Наполеон француз бўлмаса-да "француз императори" эди. Бобур Ҳиндистон бойликларини Фарғонага, Наполеон эса Франция хазинасини Корсикага ташимаган.

Иккала император деярли тенгқур ёшда: Бобур (47), Наполеон (46) тожтахтдан воз кечиб, ўрнига ўғлини қўйди. Бобур бу қарорга ихтиёрий, Наполеон эса мажбурликдан бармоқ босди. Қонуниятни кўрингки, ота-бувваси ҳукмдор ўтган Бобур бу ниятига эришди, аждодларидан бирортаси юрт сўрамаган Наполеоннинг эса муроди ҳосил бўлгани йўқ. Ва яна ажабки, подшоҳзода Бобур авлодлари Ҳиндистон тахтида давру даврон суришди, узурпатор Наполеоннинг бирор зурёдига ҳукмдорлик буюрмади.

Ҳиндистонга подшоҳ бўлиб, Бобур буни ўзига армон билди, чунки ватанжудо, мусофир эди. Ҳиндистон Наполеонга ҳам армон бўлиб, 18 йил уринса-да, босиб ололмади. Бобурийларнинг қисмати ҳам, Наполеоннинг тақдири ҳам инглизлар қўлида ҳал бўлган.

Бобур аркони давлати, оиласи, яқинлари даврасида хотиржам вафот этди. Бироқ Наполеон Атлантиканинг олис жанубидаги Авлиё Елена оролида танҳолик ва ғарибликда дунёдан кўз юмди. Бобурнинг қабри Кобулга (1540), Наполеонники эса Парижга (1840) кўчирилди. Асрлар ўтмоқдаки, ҳар икки улуғ саркарданинг хоки туроби эъзозда. Бобурнинг ноёб қўлёзмалари Парижга бориб қолган, Наполеоннинг хос мебеллари эса Самарқандда...

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, бутун бир йил (1993) Бобур йили деб эълон қилинди. Шоҳ ва шоирнинг таваллуд айёми мамлакатимизда маънавият байрами тусини олди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таъкид этганидек, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ***ўн икки ёшидан бошлаб Темурийлар давлатини сақлаб қолиш учун ўзини ўтга ҳам, чўққа ҳам урди, ҳеч қандай душмандан ҳам, синовдан ҳам қўрқмади. Ўз авлодларига Ватанга бўлган буюк муҳаббатни, эзгу фазилатларни мерос қилиб қолдирди***.

Ҳар йилнинг февраль ойи Навоийхонлик ва Бобурхонлик билан ўтмоқда. Матбуот, радио-телевидениеда бу икки сиймо шахси етакчи мавзуга айланади. Энди Наполеонга келадиган бўлсак, у император тожини кийгач, 15 август (туғилган куни) тантанавор нишонланадиган диний ва давлат байрамларининг расмий рўйхатига киритилган. Ҳар йили француз вақтли нашрларининг 15 август сони байрамона безалади, Фахрий Легионнинг янги нишондорлари рўйхати эълон қилинади... Бу йил Наполеон таваллудига икки ярим аср тўлади, шу муносабат билан Франция, Корсика ва Италияда юбилей тадориги аллақачон бошланган.

Наполеонни Бобурга ўхшатаётганимиз йўқ. Лекин Худо ўзи иккованинг ҳаётини, аъмолини, тақдирини ўхшатиб яратгач, биз бандаларда не ихтиёр?..

ҲИНД СОРИ ЮЗЛАНДИМ...

Подшоҳнинг йиғлагани. Ҳиндистонга ҳужум режаси. Ушалган орзу, армонга айланган шуҳрат

Европалик олимлар Ҳиндистонга илмий ёндашув, яъни ҳиндшунослик 19-аср бошида шаклланган дейдилар. Майли, бу – уларнинг нуктаи назари.

Ваҳоланки, ундан минг йил бурун (9-асрдаёқ) ўзбек ҳиндшунослиги мавжуд эди. Чунончи, Хоразмий ҳинд маърифатини, жумладан, риёзиёт ва жуғрофия фанларини чуқур ўрганиб, тадқиқотларида фойдаланган. Марҳум С. Чаттержи (Калькутта университетининг профессори) эътироф этгандики, ҳинд, эллин ва ислом маданий меросини теран ва мукаммал билган қомусий олим дунёда ягона бўлиб, бу Абу Райҳон Беруний эди.

Ҳиндшунослик устида гап кетаркан, Марко Поло, Афанасий Никитин кабилар тилга олинади. Бу рўйхатда Берунийнинг номи бўлса-да, бошқа мовароуннаҳрлик ва Бобурий олимларнинг илмий-тарихий хизматлари холисона эътироф этилмайди. Келинг, лоақал Афанасий Никитин фаолиятига назар солайлик. Унинг Ҳиндистонга сафари ҳақидаги китобининг асосий қисми изоҳ ва шарҳлар бўлиб, кундалик аслида 15-20 саҳифани банд этади. Шундай эса-да, Никитиннинг саёҳатномаси жуда кўп доврўқ қилинади. У ҳақда ҳужжатли ва бадиий фильмлар ("Уч денгиз оша саёҳат") яратилган, диссертациялар ёқланган. Владимир Прибитковнинг "Тверлик меҳмон" (1956) номли сертўқима қиссаси ҳам бор.

Йўқ, бизни Афанасий Никитиннинг йирик ҳиндшунос дейилиши эмас, бошқа шарқшуносларга илтифотсизлик ўйлантиради. Аввало, Заҳириддин Муҳаммад Бобур буюк ҳиндшунос эди, лекин негадир у кишининг фаолиятидаги ана шу йўналиш эътироф қилинмайди. Бобурнинг холаваччаси Мирзо Муҳаммад Ҳайдар Аёзийнинг "Тарихи Рашидий" асари ҳам Ҳиндистонни, айниқса, Кашмирни ўрганишда жуда катта аҳамиятга эга. Шунингдек, Гулбадан Бегимнинг "Ҳумоюннома", Абул Фазлнинг "Акбарнома", Бадоунийнинг "Мунтахабут таворих", Бенгалияда Бобурийлар саркардаси бўлган Мирзо Натхоннинг "Баҳористони ғойибий", Абдул Ҳамид Лоҳурийнинг "Подшоҳнома", Муҳаммад Солиҳ Комбунинг "Амали солиҳ", Ҳофийхоннинг "Мунтахаб-ул лубоб" каби асарлари Ҳиндистон хусусида бебаҳо илмий манбалар ҳисобланади. Низомиддин Аҳмад Ҳиротий (1549-1594) Гужарот армиясининг етакчи қўмондонларидан бўлиб, 1593 йилдан Бобурийлар хизматига ўтган. У ўттизга яқин манба асосида бебаҳо "Табақоти Акбарий" солномасини ёзган. Асарда Акбаршоҳ давридаги Ҳиндистон, Ғазна, Ғур, Деҳли, Мальва, Бенгалия, Синд, Кашмир каби ҳудудларнинг тарихи холис ёритилган ва ноёб маълумотлар келтирилган.

* * *

"Ўз ерни қўйиб, ҳинд сори юзландим, Ёраб, нетайин, не юз қаролиг бўлди?"

"Яқинда менга қовун келтирган эдилар, сўйиб еганимда галати таъсир қилди. Роса йиғладим".

Бобур ҳукмдор ва саркарда сифатида Кобулда камолга етди, ўрдасида хийла йиллар осойишта ва хотиржам яшамоққа ҳам муяссар бўлди. Энди унинг тож-тахтига юраксиниб дахл қила олувчи эррайим йўқ, инчунун, Кобулда бемалол давру давронини суравермоғи мумкин эди.

Унинг қалбида Ҳиндистон ҳаваси илгаритдан бўлса-да, довонлар ва дарёлардан ошиб, жонини хатарга қўйиши, жангу жадалларда яна ўлим билан юзлашуви зарурми эди? Бу саволнинг мантиқли ва лўнда жавоби ҳамиша тилимиз учида: Ҳиндистон не замонлар туркийлар тасарруфида бўлган ва соҳибкирон Темурбек мусаҳҳар этгандики, Бобур Мирзо бобомерос мулкини талаб қилиб боргани аниқ. Бу – тўғри, албатта.

Лекин айни хусусда Ҳарольд Ламбнинг мулоҳазаси янада жўяли. Ёши қирқдан ошган Бобур бу пайтгача сал кам ўттиз йилни курашлар билан ўтказди, гоҳ мағлубият заҳрини, гоҳ зафар лукмасини тотиб кўрди. Айнан ана шу зафарлар уни буюк ишларга чорлаган бўлса ажабмас. Зеро, отасида бўлган мулкгирлик дағдағаси унда ҳам кам эмасди. У ҳамон тоғни урса талқон қиладиган кучга эга – икки навкарни қўлтиғига олиб, қалъа девори устида югура оларди. Оиласигинамас, дарбадар юрган Темурий шаҳзодалар ҳам Бобурга суянадиган бўлиб колишган. Кейинги йилларда кўплаб қариндошлар нажот илинжида унинг оёғига бош уришди, ана шу хешу акраболар ҳисобига ўрданинг юки тобора вазминлашиб борарди. Боз, меҳмонларнинг "Чингизий", "Темурий" деган қуруққина номи колган бўлса-да, катта охурдан ем еб ўрганган, озга қаноат қилиш уларнинг мақомига бегона. Аксариятига мулк, салтанат, амал топиб бериш ҳам гўё Бобур учун фарзу қарз. Яна, хизматдаги ўз беклари, амиру умаролар, вазиру вузаролар, саркардалар ва аскарлар оз эмас, уларга ҳам таъминот ва даромад зарур. Қўлидаги мўъжазгина мамлакатни Темур салтанатига мукояса қилиб бўладими? Хуллас, Кобулнинг тушуми подшоҳ Бобур тасарруфидаги давлат маъмуриятининг эҳтиёжини қондира олмас эди.

Қолаверса, келажак авлод, масалан, муаррихлар ўз юртидан абадий кувилган шаҳзода Заҳириддин Муҳаммад ҳақида неларни битаркинлар?..

Бобур ҳарб санъатини мукаммал эгаллаган саркарда сифатида замонавий курол-яроқ ғалабанинг муҳим калити эканини, найза ва шамшир кўтарган суворийлар ўрнини милтиқли пиёдалар эгаллайдиган давр келганини англаб етганди. Ҳарольд Ламб айтадики, Ҳиндистон сари юриш бошлаган Бобур сиёсий ва табиий чегараларни бузиб ўтгани йўқ. "Ҳиндикушдаги чегара", "Хайбар довони", "Дюранд линияси" каби атамалар инглизларнинг мустамлакачилик сиёсати туфайли туғилган янглиш ва ноҳақ тушунчалар, холос. Европаликлар кейинроқ ташкил этган бу жуғрофий "деворлар" Бобур замонида ҳеч қандай ҳудудий ёки миллий-сиёсий аҳамиятга эга бўлган эмас. Хайбар, шунингдек, Хуррам довонлари тарихан чегара эмас, қатнов йўли сифатида эътироф этилганди. Ҳ. Ламб таъкидлайди:

"Мавжуд асарларнинг ҳеч бирида тоғ тизмалари бўйлаб чегара ўтгани айтилмайди. Агар душман йўлидаги ғов ҳақида гап борса, у Ҳинд дарёси бўлиши мумкин. Бобур улкан Панжоб воҳасини бўйсундиргач, Лохурни иккинчи Кобул қилиб олишни мўлжаллаган эди. Ана ўшанда унинг мулки Ганг дарёси соҳилларидан Бадахшон ва Амударё воҳасигача қамраб олган бўларди. Бобуршоҳ эришган ғалабаларини мустаҳкамлаб, Ҳинд дарёсининг қарши қирғоғида қолсагина бошпанасиз қочоқ деган тамғадан қутула оларди."

Бобур беш карра урониб, ахийри ана шу муродига етдики, ушалган бу орзу унинг абадий шон-шуҳратига ҳам, армонига ҳам айланди.

* * *

Ҳиндистон Бобурга қанчалар армон бўлса, Наполеонга ҳам шунчалар армон эди. Бонапарт то салтанати кунпаякун бўлгунича Ҳиндистонга интилди, қарийб ўн саккиз йил орзулади, аммо ета олмади.

Аслида, Миср ёки Ҳиндистонни Францияга қўшиб олиш Наполеон даҳосининг кашфиёти эмас. Миср ва Ҳиндистон Парижнинг кўнгли анчадан буён тусаб юрган тотли луқма эди.

Дивизия генерали Бонапарт 1797 йил 7 декабрда зафарли Италия юришидан дабдаба билан қайтди. Париж, "Люксембург" саройи, Директория – ҳукумат ғолиб кўмондонни бетимсол шон-шараф билан кутиб олди: гуллар, олқишлар, табриклар, мақтовлар. У Италияда камида ўнта жангда ғалаба козониб, карвон-карвон ўлжа, сийму зар жўнатган, тили ҳам гўё бир қарич.

"Англияга Ла-Маншдан ҳужум қилиш мушкул, чунки инглизларнинг денгиз флоти зўр. Бироқ мен қуруқликдан зарба бериб ҳам Лондонни титратиб қўя оламан. Аввал Мисрни бўйсундириб, Яқин Шарқда плацдарм яратаман-да, сўнгра Ҳиндистонга юриш бошлаб, бу мамлакатни Англиядан тортиб оламиз. Менга қўшин ва кемалар беринг, у ёғини ўзим боплайман..."

Баррас раҳнамолигидаги Директория бир қарорга келди: майли, борса бора қолсин. Ваъдасини адо этиб, соғ-омон қайтиб келса – яхши. Башарти, Ганг соҳилларида ёки пирамидалар пойида ўлиб кетса, бу ҳам ёмонмас: ўзбошимча ва қайсар корсикаликдан қутуладилар...

Хуллас, Наполеон йўл-йўлакай Мальтани эгаллади ва 2 июль куни Африка қирғоқларига лангар ташлаб, Александрия яқинидаги Марабу қишлоғида қурукликка қадам босди. Миср халқига фақат озодлик ва саодат бағишлаш учун келганини чуқур изоҳлаб, санани учта тақвимда кўрсатди: милодий – 1798 йил 2 июль, инқилобий тақвимда – VI йил 14 мессидора ва ҳижрий-қамарий ҳисобда – 1213 йил 18 муҳаррам.

У Мисрдан шарққа юриш бошлаб, асир тушган тўрт минг турк аскарининг барини денгиз бўйида оттирди. Ошикмаса бўлмасди: хомчўтига кўра 1800 йил баҳорида Ҳинд дарёсига етиб бориши зарур. Ҳиндистон орзусини рўёбга чиқариш учун Сурия, Ироқ, Эрон ва афғонлар ҳудудини бўйсундириб, кунчиқарга илдам бориши, ортига асло қайтмаслиги керак. Кошкийди, Александр Македонский зафарларини такрорлаб, Ганг ва Жамна соҳилларигача фатҳ эта олса!

Бонапарт 1799 йил 25 январь куни Сурияндан Майсурга чопар йўллади. Улар Англия истибдодига карши бош кўтарган Типу Султонни топиб, ҳамкорликда ҳаракат қилиш ҳақида битим тузишлари лозим. Наполеон Майсур ҳукмдорига муболаға ва дабдаба билан мактуб ёзади:

"Бохабардирсизки, енгилмас армиям билан Қизил денгиз қирғоқларини забт этдим. Аскарларимнинг сон-саноғи йўқ ва халқингизни босқинчилар чангалидан озод қилиш истагидаман..."

Майсур Ҳайдар Али ва унинг валиаҳди Типу Султон ҳукмронлиги даврида (1761–1799) Жанубий Ҳиндистондаги энг кудратли давлатга айлан-

ди. Бирок 55 минг суворий ва пиёда жангчиси, замонавий артиллерияси бўлишига қарамай, барибир инглизлар вассали ҳисобланарди. Ҳайдар Алининг голландлар билан иттифоқ тузишидан хавфсираган Англия мустамлака маъмурияти Нидерландия тасарруфидаги Негапатамни босиб олди. Бундан қўрқиб кетган бошқа маратхи сардорлари майсурликлар билан иттифоқ тузишдан бош тортдилар.

Ҳайдар Али ниҳоятда оғир ҳарбий-сиёсий вазиятга тушиб қолганди. Шунда гўё мўъжиза рўй берди: адмирал Сюффрэн қўмондонлигидаги француз эскадраси етиб келди ва 1782 йил январдаги денгиз жангида адмирал Хьюз бошлиқ инглиз кемаларини тор-мор қилди. Шаҳзода Типу Султон эса Англиянинг қурукликдаги йирик бўлинмасини Анагуди яқинида куршаб олди ва қириб ташлади.

Ҳайдар Али вафот этгач (1782 йил), тахтга Типу Султон чиқди. У 1783 йили Бангалурни қамал қилган кунлари адмирал Бюсси етакчилигидаги француз кемалари Майсур тасарруфидаги Куддалур бандаргоҳига лангар ташлади. Бирок ўша йили июль ойида Англия ва Франция ўртасида Канада ихтилофи бўйича сулҳ тузилди, шу боис Бюссининг матрослари ҳам, аввалдан ҳиндлар хизматида бўлган францияликлар ҳам инглизларга қарши уруш ҳаракатларини тўхтатдилар.

Қолаверса, Наполеон Бонапарт Мисрни истило қилиб, Сурияга юриш бошлаганини, аммо кўзлаган асл манзили Ҳиндистон эканини Лондонда аллақачон билиб бўлишганди. Ана шунда Ҳиндистон генерал-губернатори Р. Уэлсли (1798–1805) Лондоннинг ижозати билан муҳим бир тўхтамга келди. Аввало, Ҳиндистонда ҳар кандай куролли француз отрядларига барҳам бериш ва кейин Майсур князлигини харитадан йўқотиш зарур. Ҳайдаробод князининг хизматидаги француз бўлинмасини инглизлар куролсизлантириб, маошларигача тўлашди ва Францияга жўнатиб юборишди. Тўртинчи инглиз-майсур уруши чоғи 1799 йил 28 апрелда Серингапатам қўлдан кетди, 4 май куни Типу Султон жанг майдонида ҳалок бўлди.

* * *

1800 йилга келиб Бонапарт инглизларга қарши курашда Россия билан ҳамкорликка бел боғлади. Икки ўртада ҳар икки мамлакат манфаатларига мос сулҳ тузилди. Наполеоннинг режасига кўра энди ўрис ва фаранг қўшинлари бирикиб, Ҳиндистон сари юриши мумкин. Аввало, Марказий Осиё ва Афғонистон орқали ҳужумга ўтган маъқулрок. Ёки Афанасий Никитиннинг 15-асрдаги маршрутини такрорлаш ҳам мумкин. Наполеон Яқин Шарқ ва Кавказ орқали, император "Пол" (Павелни Францияда ана шундай аташарди) эса Шимолдан боради. Икки армия Амударёнинг ё ўнг, ё сўл соҳилида бирлашиб, ҳал килувчи ҳужумга ўтади.

Павел бу режада Россия учун катта фойда бор, деган хулосага келди. Биринчидан, Англиянинг флоти яксон килингач, рус империяси Мальта оролини олади, ҳам Ўртаер денгизида, ҳам Қора денгизда ўз флотига эга бўлади. Иккинчи ва асосий ютуқ шуки, Константинопол ва Иерусалим Россиянинг қўлига ўтиши ҳеч гапмас. Натижада, Павел ва Наполеон Европани, ҳатто бутун дунёни ўзаро таксимлаб олсалар кошки эди.

Россия подшоҳи амалий ишга киришди. Дастлаб Дон казаклари атамани М.Платов бошчилигидаги йигирма беш минг кишилик тўрт гуруҳ

тезкор казак полкларидан иборат экспедицион армия 1801 йил февралда Ҳиндистон сари йўлга тушди.

Павел Биринчи 12 январда Дон қўшинлари атамани генерал Орловга ҳам бир неча фармойиш йўллаб, казак полклари билан тезда Оренбургга етиб боришни буюрган. Режага кўра, у ердан тўппа-тўғри Ҳиндистон сари юриб, душманнинг, яъни Англиянинг қоқ юрагини жароҳатлаши зарур эди.

Фармон зудлик билан амалга оширилиб, Дондан қўзғолган казак полклари шарқ томонга йўл олди, Орловнинг йигирма икки минг кишилик отрядида ўн икки замбарак ва ўн икки қадимий рус тўпи ҳам бор эди...

Павел Биринчи илк бор (18 декабрь) Наполеонга ёзма равишда шахсан мурожаат қилди:

– Сизни тинглашга ва Сиз билан музокарага тайёрман...

Икки ўртадаги кенг кўламли иттифоқнинг марказий масаласи Ҳиндистонни фатҳ этиш эди. Бу тараддуд ўта махфий амалга оширилиб, саноқли кишиларгина (валиаҳд Александр, Пален) биларди, холос. Ўн йилларга мўлжалланган Россия-Франция ҳамкорлигига 1801 йил 12 январь куни дастлабки қадам қўйилди. Фармон:

– Зудлик билан 30 минг казак солдати Волгадан ўтсин! Бир ойда Оренбургга етиб бориб, қолган масофани уч ой муддатда босади-да, Бухария ва Хивани ортда қолдириб, Хиндус[1] соҳилларини забт этади.

Бу режа қулай, мантиқли ва пухта эди. Антик замонда Александр Македонскийнинг етакчи қаноти ҳам, 18-асрнинг 40-йилларида Нодиршоҳ суворийлари ҳам ана шу яқин ва осон йўлдан ўтиб, Ҳиндистонни забт этишган. Бунинг устига, Ҳиндистонда инглиз солдатлари кўп эмас, Эрон билан эса шартнома тузилган ҳисоби, ҳинд халқи Буюк Британиядан норози, Грузия батамом Россия қаламравига қўшилган – бу омиллар бари режанинг муваффақиятли ижросига хизмат қилиши турган гап.

Ниҳоят, Россияда яна бир тараддуд бор: Петропавловск-Камчатск бандаргоҳида учта кемани тайёрлашаётганди, замонавий замбараклар ўрнатилгач, улар ҳарбий фрегатга айланиб, Ҳинд океанига жўнайди. Маълумотларга қараганда, Узоқ Шарқ мудофаасини мустаҳкамлаш учун ўша пайтлари Иркутскдан катта куч жўнатилган. Ҳимоя қўшини ҳужум қуроли бўлиши ва кемалар Ҳиндистон фатҳига денгиздан кўмак бериши мумкин...

Наполеоннинг руслар подшоҳи билан оғиз-бурун ўпишаётгани, икков қандайдир фитна бошлаётгани, ҳатто Ҳиндистонга юриш қилмоқчи экани инглиз разведкасидан пинҳон қолармиди? Воқеалар ривожини Лондонда хавотир ва ташвиш билан кузатишарди. Балки, бўлғуси фалокатнинг олдини олса бўлар – Буюк Британия бош вазири Вильям Питтнинг шунақа умиди ҳам йўқ эмасди...

Аммо Россияда шундай мудҳиш кори ҳол содир бўлдики, бундай қабоҳатга Европада ҳеч кимнинг ақли бовар қилмай қолди. Император Павел Биринчи 1801 йил 11 мартдан 12 мартга ўтар тунда Михайловск саройида бўғиб ўлдирилди. Орзулари саробга айланган Наполеон Бонапарт қутуриб кетди: унга қолса, бу суиқасдни инглизлар уюштиргани бегумон. К.Валишевскийнинг тасдиқлашича, Павел Биринчига қарши турганларга Англия мунтазам моддий ёрдам бериб келган.

[1] Бухария – Бухоро, Хиндус – Ҳинд дарёси.

Табиийки, казакларнинг Бухарияга сафари ҳам тўхтатилди...

Бирлашган қиролликда Наполеоннинг Майсур князлари билан алоқа боғлаганидан воқиф бўлгач, Типу Султон ўлгандан кейин ҳам Лондоннинг домангирлиги таркалгани йўқ. Негаки, Бонапарт афғонлар ҳукмдори Замоншоҳ Дурронийни йўлдан уриши мумкин эди. Ҳиндистондаги Англия колониал маъмурияти Эрон шоҳига тазйиқ ўтказиб, унинг ёрдамида Кобул тахтига шаҳзода Маҳмудни чиқаришга эришди. Замоншоҳнинг кўзига мил тортилди, бу воқеа 1801 йили содир бўлди.

Наполеон Биринчи консул бўлган кезлари Франция-Англия рақобати ниҳоятда кескинлашди. У 1803 йил апрель ойида Ҳиндистонга ҳарбий-дипломатик вакилларини жўнатди. Генерал Декан раҳнамолигидаги бу махфий миссия маҳаллий рожалар билан иттифоқ тузиб, инглизларга карши ҳиндларнинг кўзғолонини ташкил этиши керак эди.

Кобулга 1808 йилнинг охирида Бирлашган қиролликнинг биринчи дипломатик миссияси келди. Икки давлат ўртасида битим тузилиб, унга Англия номидан М. Эльфинстон ва Афғонистон ҳукмдори шоҳ Шужоъ имзо қўйди. Шартномага кўра, башарти Наполеон Ҳиндистонга юриш бошласа, шоҳ француз армиясини ўз ҳудудидан ўтказмаслик мажбуриятини олганди. Аммо Шужоъ тезда тахтдан ағдарилди, Наполеон Британия мулкига қўшин тортгани ҳам йўқ.

Ҳиндистон Бонапартга ушалмас орзу эди, орзулигича қолаверди...

"АЁЛ МАКРИНИНГ БИР УЧҚУНИ – СИЁСАТДА ЗЎР ЁНҒИН..."

Ёмон хотиндан Худо сақласин. Қотил малика афв этилди. Жозефина бевафо эдими? Полинанинг "садоқати". Қиролича Луиза ва жигарсўхта Наполеон

Бобуршоҳ сафарда эканидан фойдаланиб, Кобулда давлат тўнтариши қилмоқчи бўладилар: набираси Мирзохон тахтга кўз олайтираркан, у Шоҳбегимнинг хайрихоҳлигига суянади. Бу тоифалар паноҳ сўраб келганда, не-не яхшиликлар қилиб, эвазига ёмонлик кўрган Бобуршоҳ бундан қаттиқ ранжийди. Лекин на ғаламис қариндошларига, на ўгай бувисига зарра жазони раво кўрмайди, аксинча, иззат-икром ва меҳр-мурувватни аввалгидай тутаверади. Калтабин бувн бу эъзоз ва шафқатдан шунчалар музтарлик, хижолат чекадики...

Кўз очиб кўрган умр йўлдоши Ойшасултон Бегим-чи? Бобур сарсон-саргардон, қай эшикка бош урарини билмай юрган кезлар Ойшасултон рафиқалик фарзини адо этишни ўйлагани йўқ. Негаки, эрига *бормоққа не маскан муяссар, турмоққа не давлат муқаррар*. Ахир, йигит боши омон бўлса, молли бўлар, молсиз бўлмас! Умаршайх Мирзонинг ўғлига Худонинг атаган нурафшон кунлари мўл-кўл эдики, Искандарнинг йўлларидан зафар билан ўтди, олтин бошига тожлар кийди. Неча ўн йиллардан сўнг ўша Ойшасултон Бегим Бобурийлар саройидан паноҳ топди...

Панипат – Захириддин Муҳаммад Бобур қудратининг, шон-шуҳратининг чўққиси, бирок у душмани Иброҳим Лўдийнинг оқ сочли онасига, ёнидаги набирасига раҳм-шафқатдан ўзга "ёмонлик" қилгани йўқ. Бадбахт кампир-чи? Ношукурлик ва *намакҳаромлик* йўлини тутиб, тўрт

қотилга бош бўлди. *Подшоҳнинг зотида мурувват сифати бор* эса-да, давлат хавфсизлиги жазо ва ижрони ҳам тақозо этади, қотилга эса шафқат эсиз!..

* * *

Сарой фитналари на машриқда, на мағрибда ҳеч бир салтанатни четлаб ўтган эмас.

Наполеондан олти ёш катта Жозефина 16 яшарлигида эрга берилган, умр йўлдоши генерал А. Богарне билан 15 йил яшаб, бир ўғил, бир кизли бўлган. У жодугармиди? Ҳали уйланмаган 27 яшар йигитни сеҳрлаб қўйгандими?

– *Мен уни телбаларча севаман,* – дерди Бонапарт...

Миср экспедициясининг ачинарли босқичи 1799 йил 9 февралда бошланди, мисрликларни бўйсундириш оғир кечаётганди. Бонапарт ноилож Сурияга йўл олди. Офтоб ёндираман дейди. Кайфияти тушкун Наполеон 13 минг аскарни олга бошлаб боради. Шунда гўё унинг юрагига ханжар урдилар. Кейинчалик Бурьенн бундай хотирлайди:

– *Бу воқеа Ал-Аришда бўлганди. Жюно бош қўмондон билан ёнма-ён бораётиб, унинг қулоғига нимадир деди. Бонапартнинг ранги мурда тусини олиб, ўзини йўқотиб қўйди, ҳатто унда безгак хуружи сезилиб турарди. Ўшанда Жюно Жозефинанинг хиёнатидан гапирган экан.*

Наполеоннинг қаҳри қайнаб, оғзидан боди кириб, шоди чиқаверади, бевафо аёлнинг етти пуштини "ўқиб ташлайди". Ҳамма нарсадан кечиб, узлатга чекинмоқчи, тарки дунё қилмоқчи ҳам бўлади. Алданган генералнинг кайфияти аввал-бошда ана шунақа эди, лекин Фаластин сахросидаёқ тақдир унга Жозефинадан ўч олиш "имтиёзи"ни ҳадя этди. Бу "интиқом"нинг қуроли ёш ва сулув келинчак Полина Фуре эди. Хўш, бу заифага минг-минг солдат орасида нима бор? Гап шундаки, Полина бир зобитнинг рафиқаси бўлиб, Мисрга отланаётган эрининг оёқларига чирмашди, йиғлади, ёлворди:

– *Мени ўлдириб кетинг. Сизсиз ҳаёт менга не керак?*

Келинболанинг севги ва садоқатидан лейтенант-куёвнинг юраги ўртанди, икков чорасини топдилар: Полина аскар либосини кийгач, бинойидай йигитга айланди-колди, кемада бу ҳийлани ҳеч ким пайқамади.

Наполеон учун Сен-Жан д`Акр қалъасининг мудофааси қанчалар қаттиқ бўлса, "сервафо" Полина Фуренинг садоқат қўрғони шунчалар юмшоқ ва беҳол чиқиб қолди. Олтмиш икки кун муттасил ўқ отиб, қалъа деворлари остида депсинаётган бош қўмондон "Полина фронти"да ҳамирдан қил суғургандай зафар козонди.

Ойни этак билан ёпиб бўларканми? Зобит-куёвнинг қўлидан нима ҳам келарди? Бош қўмондонни дуэлга чақиролмаса...

Наполеоннинг "муҳаббатнома"си бутун бир эпопея, ундаги "образлар"нинг сон-саноғи йўқ. Полина билан ўтган беш кунлик "ҳавас" унинг ҳаётидаги умри қисқа қиссалардан биргина сатр, холос.

Пруссия қироличаси Луиза Наполеоннинг зўравонлигидан норози кайфиятдагилар раҳнамоси бўлиб, унинг саъй-харакати билан Берлиндаги аркони давлат лафзида Францияга қарши "немис шон-шарафи", "Пруссия қиличи" қабилидаги даъватлар таҳдидли жаранглай бошлади. Бежи-

рим ҳарбий мундирдаги маликайи олия полкларни жанговар кўрикдан ўтказар чоғи олқишлар янграрди:

– *Яшасин Пруссиянинг шонли қироли ва шавкатли қироличаси!*

Кейин бошлар узра қиличлар ялонғочланиб, Франция тарафга пўписа билан силкитиларди. Ўша корсикалик, дўппидай оролда туғилган бетайин шилдир, яъни Бонапарт Пруссия шамширининг заҳрини тотиб кўргач билади асл уруш қанақа бўлишини!

Қиролича орзиқиб кутган уруш бир ойгина давом этди, холос. Фақат натижа у кутганича бўлгани йўқ. Бонапарт ҳалигача бундай тез ва осон ғалаба қозонган эмасди. Дастлабки зафар 9 октябрь куни Саксонияда кўлга киритилди. Эртасига маршал Ланн тўққиз минг кишилик Заальфельд гарнизонини тиз чўкдирди, шаҳар мудофаасининг қўмондони шаҳзода Людвиг ҳалок бўлди. Бу қайғули хабардан Пруссиядаги ёшу қарининг юраги ларзага келди, мақтанчоқлик тах еб, қўшиннинг руҳи тушиб кетди. Фақат қироличагина ҳамон ҳавойи кайфиятда, бугинамас, ҳатто ўғлининг қаҳрамонларча ҳалокатидан ифтихори жўш урарди. У мурожаат қилиб, жигаргўшасининг жонфидолигидан андоза олишга, интиқомга даъват этди...

Бонапарт эса Потсдамга бамайлихотир жойлашиб, бир муддат зафар кайфини сурди ва ҳордиқ чиқарди. Сўнгра яна Grand Armeeни олға бошлаб, 19 декабрда Варшавага кириб борди.

Худди шу куни Россия императори Александр йўллаган оқ байроқли элчи маршал Мюратга расмий нома топширди. Мазмуни:

– *Урушганимиз етар, энди сулҳ тузайлик...*

Икки подшоҳнинг юзма-юз музокаралари 25 июндан 9 июлгача (1807) давом этди. Пруссия қироли гоҳи кунлари Александрнинг далдаси билан залга кириб қолса-да, унинг иштироки кўнишганича оғзига сўк солиб ўтиришдан иборат эди, холос. Боз устига Наполеоннинг даккисини, таъна ва ҳақоратларини эшитишга, ичига ютишга мажбур.

Фридрих-Вильгельм ана шу талвасада тож-тахтидан айрилмаслик йўлини ахтара-ахтара, ахийри топди: сулув рафиқасининг сеҳру жодуси ҳозир кор келмаса, қачон кор келади? Юрагига ёруғлик оралаган қирол "сеҳргар" ни дарҳол Тильзитга чорлатди.

– *Кўйлагингиз жонбахш мўъжиза-я! Матоси крепданми ё Италияникими?* – ҳужумга ўтди император Наполеон илк учрашувда.

Пруссиянинг офатижон қироличаси суҳбати жонон аёл эдики, ақли, гўзаллиги ва ширинзабонлиги билан Бонапартнинг эс-ҳушини олди-кўйди. Ўзи кейинроқ иқрор бўлганки, "қиролича аввалроқ келганда, Пруссияга анча ён берворардим."

Узун сўзнинг қисқаси шулки, 1807 йил июль ойининг илк кунларидан бирида французлар императори ва Пруссия қироличаси холи жойда танҳо юзма-юз бўлдилар. Уни Тильзитдаги қасрга қиролнинг шахсан ўзи бошлаб келди. Отлиқ сайрдан қайтган Наполеон одми ҳарбий мундирда кўлида қамчиси билан кириб борди. Луиза энг аъло либосларда, ясанган-тусанган, упа-эликлар билан ўзига оро берган, зеб-зийнатларни таққан ҳолда ва куйдирмажон табассум билан пешвоз чиқди. (Унинг шу қиёфаси Пиримқул Қодиров тасвирлаган ва Муҳаммад Солиҳ лаънатлаган Зуҳрабегимни эслатмайдими? Қарангки, ҳар икки аёл ҳам ўғлидан айрилган, иккала шаҳзодани ҳам бу маликалар ўзини бағишлаган ҳукмдор ўлдирган.)

"Музокара" ичкарида жуда узоқ давом этди: Наполеон немис маликасини абадул-абад бўшатмайдиганга ўхшарди. Ташқаридаги қиролнинг ўзига қолса-ку, ҳар қанча кутиб туришга рози. Бахтга қарши қаср остонасида ёлғиз ўзи эмас: бир йўла уч давлат вакиллари (Франция, Россия, Пруссия), дипломатлар, арбоблар эшик очилишини кутиб туришибди.

Фридрих-Вильгельм тевараги истеҳзоли табассумлар ва заҳарли нигоҳлар таъқибига ортиқ дош беролмай қолди: шартта ўрнидан турдида, ўз рафиқаси ва боскинчи император устига кириб борди. Орада не можаро бўлган, буниси коронги, учовидан бирортаси бу ҳақда ёзиб қолдирмаган. Фақат шундай оғзаки гап юрадики, Наполеон маршалларига деган эмиш:

– Ўшанда Пруссия қироли жуда бемаврид кириб қолди-да, агар сал сабр қилганда борми, хотинига Магдебург шаҳрини бағишлардим.

Ҳар ҳолда аниқки, Франция императори ва Пруссия қироличасининг хилватдаги бу учрашувидан на дипломатик натижа чиққан, на сиёсий...

ЗАМОНЛАРИ БЎЛАК – ЗАФАРЛАРИ МУШТАРАК

Айғоқчининг ҳийласи. Императорни сомонга ўраб қўйдилар. Наполеонга тарвуз едирган аскар. Хосиятли ҳасса ва шайхнинг каромати

Наполеон Ульмда йирик зафарга эришди ва бу ғалаба 1805 йил 20 октябрь санаси билан империя солномасига кирди. Генерал Мак қўмондонлигидаги Австрия армияси 50 минг аскаридан айрилди, 23 минг жангчи асир тушди. Французларнинг талофати 6 минг кишидан ошгани йўқ.

Grand Armeeнинг мислсиз шиддатида кучли разведканинг, жосусларнинг хизмати Бонапартга ниҳоятда қўл келганди. Австрияликларда қамал ҳалқасини ёриб чиқиш имконияти бўлса-да, қўмондон Мак франциялик айғоқчиларнинг ҳийласига лаққа учди. Жосуслар раҳбари Шульмейстер Парижда кўзғолон бошланганига, яна озгина дош берса, Наполеон қамални тўхтатиб, Францияга қайтишига Макни ишонтирди. Бугина эмас, кўчма босмахонада сохта газета тайёрлаб, уни Шульмейстерга етказишади. Парижда инқилоб содир бўлгани ҳақидаги уйдирмани ўқиган Мак чиппа-чин ишониб, камалдан чиқишга уринмайди ва фурсатни бой беради.

Бонапарт Австрия қўшинини сентябрдаёқ қуршовга олди, бу – Бобур неча бор синовдан ўтказган тўлғама усули эди. Австрияликлар кунботарга қурол ўқталган бўлиб, французларнинг ҳужумини ўша тарафдан кутишарди. Наполеон эса армиясининг асосий қисмини душманнинг ортига ва икки ёнига жойлаштириб улгурганди.

Ульмда зафар қучган Наполеон 75 минг аскари билан шаркка – рус қўшинлари томон йўлга тушди. Унга қарши қўйилган Моравиядаги Австрия-Россия армияси 90 минг кишидан кам эмасди. Бонапарт бу ерда ҳам жосусларини ишга солди, полкларни қулай жойлаштириб, Працен қирларига ўзи учун алоҳида кузатув пункти жиҳозлатди. Бу Аустерлиц (ҳозирда Славков) қишлоғига яқин манзил эди.

Бертье раҳбарлигидаги бош штаб корпус қўмондонлари учун дастуруламал тайёрлаб берди. Режа шундай: айғоқчилар французларнинг қаноти

заиф эканига ишонтириши лозим ва душман ҳовлиққанича жанубдан ҳужумга ўтиши керак. Ана ундан сўнг захирадаги француз қисмлари ёвнинг ортидан зарба беради, Бонапартнинг асосий дивизиялари тўлғама усулида шимолдан сиқиб келади-да, марказни янчиб ташлайди. Беихтиёр тонг қоласиз: Аустерлиц жанги Наполеон қандай ўйлаган бўлса, ўшандай бошланди ва мислсиз ғалаба билан якунланди.

Пастқам сайҳонликка ўрнашган французларни бояги туман ёв кўзидан яшириб турарди. Ниҳоят, қиш офтоби беҳолгина юз очди: руслар ва австрияликлар не ҳайрат билан кўрсинларки, Бонапарт армияси осмондан тушган мисоли орқада ва икки ёнда турибди-да! Наполеон бобурона тўлғамани шиддат билан амалга оширдики, жанг майдони батамом францияликлар назоратига ўтди ва душманнинг исканжага олинган маркази тутдай тўкилаверди. Французлар сон жиҳатидан оз бўлса-да, ёвларни мутлақо шошириб, чекинаётган полкларни кўл ёқасига шундай қисдики, уларга чала музлаган сув устига қочишдан ўзга йўл йўқ. Юпқа муз ёрилиб, мағлубларнинг қолган-кутгани кўлга ғарқ бўлди. Руслар ва австрияликлар жанговар кучнинг учдан бирини бой берди.

Бу жаҳаннамий жангни кузатиб турган икки император – Франц ва Александр қўшинни ўз ҳолига ташлаб, қочиб қолишди. Аркони давлатга ҳам жон ширин туйилиб, тумтарақай бўлиб кетди, валинеъматларига ҳамроҳ бўлмоққа ҳам яраганлари йўқ. Ҳамма ўз бошининг қайғусида, Михаил Илларионович Кутузов эса бировнинг эсига келмайди. Ахир, у жангда жароҳат олиб, аҳволи хийла оғир эди, ҳайтовур, тақдир уни асирлик иснодига гирифтор этмади. Ваҳоланки, буюк рус саркардаси мағлубиятни олдиндан кўра билиб, ўз режасини айтса-да, унга қулоқ солмаган эдилар...

Аустерлиц жангидан бир ғаройиб эпизод тарихчилар наздидан четда қолмаган, у уч император – Наполеон, Франц ва Александр шахси билан бевосита боғлиқ. Бу воқеаларнинг шуниси қимматлики, ўша ҳукмдорларнинг таҳликали дамлардаги феъл-атворини ҳеч бир изоҳсиз шарҳлай олади.

Россия подшоҳи Александр Павлович Аустерлиц қулфатининг аввалидан охирига қадар учинчи колоннага етакчилик қилиб, узил-кесил мағлубиятни ва ўз аскарларининг тумтарақай қочиб бораётганини кўрди. У саноқли соқчилари билан ботқоқ ва қамишзордан ўтаркан, чеҳраси оғир алам ва саросимадан бўзарган эди. Ёмғир жалага айланди, қоп-қора булутлар гўё челаклаб сув қуярди. Император ярим тун чоғи зулмат қўйнидаги Годьежиц қишлоғига етиб борди. Унга маълумот беришди:

– Ҳамма ярадорлар ва улар юкланган аравалларнинг бари шу қишлоқда экан. Холироқ бирор уй йўқ, ҳазрати олийлари.

– Михаил Илларионовични топинглар! – буюрди император.

Устма-уст юборилган чопарлар ҳаммаси қуруқ қўл билан қайтаверди, фақат Чернишевгина ярадор Кутузовни топди ва подшоҳ ҳузурига бошлаб келди. Икков ҳали бир-бирлари билан ҳол сўраб улгурмасданоқ ташвишли хабар олишди:

– Бу ерда қолиш хатарли, французлар бостириб келмоқда, зудлик билан яқинроқдаги Чейчга кўчиш зарур!

Аммо императорнинг хос извоши йўқ, ҳарчанд қидирдиларки, уни ер ютганга ўхшарди. Ноилож отга миндирилган Александр Павлович олти-

етти километр юргач, батамом ҳолдан кетиб қолди. Ҳазрати олийлари ўзи тумов билан хасталанганди, маглубият алами, хунук ҳаво, номаълум истиқбол уни буткул йиқитди. Шунда кичик карвон Уржиц қишлоғига кириб келди. Улар йўлиққан биринчи қўрғон қандайдир деҳқоннинг бўмбўш кулбаси бўлиб, похол гарамидан бўлак ҳеч вақо йўқ. Чора топилмагач, ноилож, императорни ичкарига опкириб, сомон билан ўрадилар. Шу ҳолида бемаврид дардни, хижолат ва истиҳола изтиробини айтмаса, олампаноҳ бахтиёр эди. "Шунчалар бахт" устига мойчечак ва кўкнор дамламасини ҳам ичириб қўйдиларки, у пинакка кетди. Александр Павлович ухлаб қолгач, лейб-медик Виллие ҳамма врачларга хос буйруқбозликни бошлаворди:

– Яхши шароб топиш керак.

– Қаёқдан?.. Битта лўлаболишга зормиз-ку!

– Зарур! – деди пинагини бузмай доктор. – Офтоби олам уйғонишлари биланоқ тамадди қилдираман, вино танларига мадор бўлади.

Соқчилар тизза бўйи лой кечиб, қишлоқни беҳуда титиб чиқдилар. Кимдир уларга маҳаллий руҳонийнинг уйини кўрсатиб қўйди, аскарлар қўлга кирган ҳар на билан дарвозани чорак соат гумбурлатишди, ниҳоят, Австрия ҳарбий кийимидаги кишилар чиқиб келди ва зўгум қилди:

– Нега зоти олийларининг оромини бузасанлар?

– Ким экан ўша олий зот?

– Наполеон қўлидан шу ерда жон сақлаб турган Франц Иккинчи – Австрия императори.

– Ие, Худойимга шукур, ахир у кишига иттифоқчи бўлмиш бизнинг подшоҳимиз, яъни офтоби олам Александр Биринчининг аҳволлари оғир, қувват бўлар деб бир шишагина май излаб...

Дарвоза ичкарисида уйқули кўзларини ишқалаётган обергофмаршал Ламберти таассуф маъносида қулочини кериб, бош чайқади:

– Олампаноҳимизни бир амаллаб ухлатдик, уйғонсалар, дориликка ичиргудай қиттак шаробимиз қолган, уни сизга берворсак...

Қарангки, ўз полкидан айрилиб, улоқиб юрган венгер зобити худди шунинг устига келиб қолади.

– Менда шиша тўла қимматбаҳо вино бор, – дейди у муаммонинг ечимига саъй қилиб, халтасини титкиларкан, оҳиста мингирлайди: – Лекин нархи...

"Халоскор" зобит оғзига сиққан пулни айтди ва "изқуварлар" дарҳол тўлашди. Эртаси тонг чоғи Александр ва Кутузов Чейча жўнаб кетишди...

Аустерлиц зафари кунидаёқ Наполеон эътироф ва шарафлаш фармонига бармоқ босди, у эртасига ҳамма полкларда ўқиб эшиттирилди:

– Жангчиларим! Тасанно сизларга! Аустерлицда сиз мен орзулаган баҳодирликни намоён этдингиз ва номингизни абадий ўчмас шоншуҳратга буркадингиз. Россия ва Австрия императорлари ишонган юз минг кишилик қўшиннинг қисмати тўрт соатдаёқ ҳал бўлди: ё ажалга рўбарў келди, ё асирликни бўйнига олди. Шамширингизга чап бермоқни, қочиб қолмоқни кўзлаганларни кўл ютиб юборди. Авлодлар асрлар давомида унутмагувчи матонатингиз сарҳисобини билдириб қўяйки, Россиянинг 40 жанговар байроғи, 120 замбараги, 30000 зобиту аскари ва 20 нафар генерали сизнинг қўлингизда! Душманнинг мақтови кўкларга

кўтарилган армияси сиздан зиёда бўлса-да, қудратингизга дош бера олмади. Билингки, айни дамдан эътиборан Европада сизга бас келадиган куч қолмади. Солдатларим! Юртимиз саодати, фаровонлиги ва хавфсизлиги учун зарур чораларни кўриб бўлганимдан сўнг барчаларингизни Францияга қайтараман. У ерда сизларни менинг сўнгсиз меҳрим ва оталарча ғамхўрлигим доимий оғушига олади. Дарёдил халқим мардлигингизни улуғлаб, қучоғини кенг очади. Сиз оддийгина битта жумлани айтасиз:

– Мен Аустерлиц жангида қатнашган аскарман!

Сизга ҳам жуда оддий жавоб қайтарадилар:

– Сен ватаннинг жонфидо ўғлонисан!

Наполеоннинг сўзи билан иши бир эдики, бу гал ҳам ваъдаларини елга совургани йўқ. Аустерлиц иштирокчиларига олтин ҳисобида ўн беш миллион франк нақд пул мукофот тариқасида тарқатилди. Ярадор солдатларга эса бундан ташқари уч ойлик маош миқдорида устама ҳақ тўланди. Императорнинг махсус буйруғига кўра аскар беваларининг барчасига умрбодлик нафақа тайинланиб, ҳалок бўлганлар хотирасини йўқлаш учун Нотр-Дам ибодатхонасида ҳар йили бир марта давлат ҳисобидан эҳсон ва ибодат маросими жорий этилди. Аустерлицда отасидан жудо бўлган етимларнинг барини Наполеон ўзи фарзандликка олганини эълон қилди ва ҳар бир боланинг фамилияси ёнига "Бонапарт"ни қўшишга расман рухсат берди. Шунингдек, етим-есирларнинг барчаси давлат қарамоғига олиниб, империя хазинаси ҳисобига ўқийдиган бўлди. Наполеон Аустерлиц ҳақида кўп минг нусхада бюллетень-ахборотномалар нашр қилдирдики, бу жанговар варақаларда алоҳида бўлинмаларнинг, зобит ва аскарларнинг мардлик ва матонатлари мадҳ этилди.

...Ўтган асрнинг 80-90-йилларида Сталиннинг "авра-астарини" ағдариш хуружи бошланганда, унга ҳам Наполеонга тақлидчиликни тақашарди. Бошқа бировлар: "Йўқ, Сталин унга тақлид қилмасди, шоншуҳратига ғайир кўз билан қараарди", дейишарди.

Наполеонга тақлид қилган, унинг собиқ империяси ҳудудини тасарруфига олишга уринганлардан бири Гитлер эди, бунга унинг ўзи ҳам иқрор бўлган. Бу даъво Сталиннинг қулоғига тушиб, қай бир йиғилишда киноя қилган эмиш:

– Мушукбола арслонга қанчалик ўхшаш бўлса, фашистлар диктатори ҳам Наполеонга ўшанчалик ўхшайди-да...

Наполеоннинг ашаддий душмани фельдмаршал Веллингтон эса 1815 йилдаёқ *"Ҳозир ҳам, ўтган асрларда ва келгуси замонларда ҳам Наполеон Бонапарт саркардаларнинг энг буюги бўлиб қолаверади"*, – деб эътироф этган.

* * *

Наполеон Бонапарт Заҳириддин Муҳаммад Бобурни билармиди, "Бобурнома"ни ўқиганми-йўқми? Бу саволга "ҳа" дейишга дафъатан асос камроқ, чунки, "Бобурнома" француз тилида илк бор 1871 йили чоп этилган. Лекин мантиқ нуқтаи назаридан шуни тасдиқлаш мумкинки, Ҳиндистон орзусига муккасидан кетган Наполеон бу ўлка ҳақидаги адабиётларни ўқиб-ўрганганги, жумладан, Бобур шахсига ва унинг қаламига мансуб мемуарларга қизиққани рост. Илло, Бонапартнинг Ульм ва Аустер-

лицдаги зафарлари Панипат ва Канвада Бобур эришган буюк ғалабаларга жуда ўхшаб кетади, буни юқорида айтдик.

1798 йилнинг 19 май тонгида 38 минг сара аскар билан Мисрга отланган генерал Наполеон Миллий Институт аъзоси эканини унутгани йўқ. Француз ва бутун Европа фанининг яловбардори бўлмиш олимлар – Монж, Бертолле, Жофруа Сент-Иллер, Конте, Доломье, шоирлар, ёзувчилар, жумладан, шарқшунослар бош қўмондоннинг ҳамроҳи эдилар. Ана шу юришда Наполеонга ҳамроҳ бўлган илм аҳли кейинчалик мисршуносликни фан сифатида шакллантирдики, Париждаги тадқиқот маркази қўҳна Мисрни ўрганиш бўйича жаҳондаги етакчи муассасалардан бирига айланиб қолди...

Яна шуни ҳам билмоқ лозимки, Наполеон ҳали Римда эканидаёқ папага тегишли араб ҳарфли типографияни мусодара қилиб, "Орион" кемасига жойлаб қўйганди. У Миср юришига ўша босмахонани ҳам ола кетди: шарқшунослар, мутаржимлар араб, форс ва бошқа тиллардан таржима қилган рисолалар, маҳаллий аҳолига даъватномалар ана шу "Француз шарқий босмахонаси"да чоп этиларди. Арабий ва форсий матнларнинг илмий-имловий бенуқсонлиги Наполеоннинг ҳамроҳи, ёш шарқшунос Ж.Марсель зиммасида эди. Мурожаатномаларда қўлёзмалар сотиб олиниши, эвазига пиёдалар от олиши, ташнага сув, очларга нон берилиши ваъда қилинарди. Ҳатто Миср уламолари (албатта, Бонапартнинг зуғум ва зўрлиги билан) француз халқи мусулмон эканини айтишарди. Ўйлаймизки, ана шу жараёнда генерал Бонапартга шарқ қўлёзмаларини келтириб берганлари эҳтимол.

Академиянинг аъзоси Наполеон Бонапарт Миср юришида энг етук олимлар билан қарийб 15 ой бирга бўлди. Инчунин, шу воситада Ҳиндистон ҳақида маълумот олиши ва "Бобурнома" хусусида хабардор бўлиши мутлақо мумкин. Шарқшунослар Наполеонга Бобурнинг ҳарбий-стратегик санъати тўғрисида ахборотлар, шарҳлар тайёрлаб беришлари эҳтимолга яқин. Наполеон Ҳиндистонга қизиқаркан, илмий доиралар воситасида бу мамлакат ва унинг ҳукмдорлари ҳақида тасаввур олган ва ўрганган, албатта.

Бобур, "Бобурнома" ва Бобурийларнинг довруғи 16-асрданёқ Ғарбий Европада оғизга тушиб бўлганди. Аврангзеб Оламгир саройида 9 йил табобат билан шуғулланган франциялик врач ва сайёҳ Франсуа Бернье ўз ватанига қимматли маълумотлар олиб қайтган. У кўрган-кечирганлари ҳақидаги ҳикоялари билан жуда машҳур бўлиб кетади, олиймаком киборлар даврасининг эркасига айланади ва қирол қабулигача кириб боради (уни Парижда "Буюк Мўғул" деб атардилар). Ана шу жараёнда Бернье қудратли давлат арбоби Жан Батист Кольбер билан дўстлашади. Молия ва денгиз вазирлигидан ташқари, Франциянинг бутун ички сиёсати Кольбер қўлида эди. Унинг кўмаги билан қирол Людовик Ўн олтинчи ижозат беради ва Бернье ёзган "Буюк Мўғул давлатидаги сўнгги сиёсий бухронлар тарихи" китоби босилиб чиқади. Асар дастлабки 7 йилда (1670–1676) тўққиз марта чоп этилди, кейинги бир ярим аср мобайнида (1833 йилгача) Европанинг етакчи тилларида 29 марта нашр қилинган.

Тахминан Берньенинг китоби чоп этилган кезлари Франция ва чиққан д`Ербелонинг комусида ҳам Бобур ҳақида маълумот берилган. "Хатти Бобурий" тўғрисида эса французлар илк бор А. Лонгперьенинг "Асар-

лар" китобидан (1773) хабар топишган. Шунингдек, "Оға-ини Мишо" нашриёти (1811) чоп қилган "Қадимги ва ҳозирги тарихий арбоблар" тўпламида шарқшунос Ланглэнинг "Бобур" номли мақоласи бор эди, унда Бобуршоҳнинг ҳаёти ва фаолияти ёритилган... Ҳиндистон орзусини унутмаган Наполеон лоақал француз тилидаги ана шунча адабиётлардан хабардор эди дея оламиз.

Панипат ва Канвада – Бобуршоҳни, Ульм ва Аустерлицда – Наполеонни соҳиби зафар айлаган тактика айнан тўлғама эканини айтдик. Шуниси ҳам борки, Панипатда – Бобур, Аустерлицда – Наполеон сафдан чиқарган душманнинг адади ҳам қарийб бир хил: 40-50 минг ўртасида.

Баҳодирларни тақдирлаш ва ўлжа тақсимотидаги адолат Соҳибқирон Темурбекдан мерос анъана бўлиб, Заҳириддин Муҳаммад Бобур бу тамойилни янада юксак даражага кўтарди (шунинг учун ҳам Наполеон Бобурни билган-билмагани хусусида фикрлаб кўрдик-да).

"Ўтган бешта подшоҳнинг хазинаси отам ҳазратларининг қўлига тушди, – ёзади Гулбадан Бегим. Аввало, Агра ва Деҳлидаги давлат ғазналарига масъуллар тайин этилиб, борлиқ ганжина ва нақдина муҳрланди. Эслатамизки, Бҳира зафарида (1519) ҳам Бобур тўрт юз минг шоҳрухийдан иборат ўлжани аскарларга улашган эди.

1526 йил 11 майда, яъни Панипат фатҳидан йигирма кун ўтгандаёқ фотиҳ подшоҳ хазинадаги маблағни шахсан кўриб чиқди ва тақсимлашни бошлади. Энг катта улушни шаҳзода Ҳумоюн Мирзо олди. Ҳар бир бек муносиб даражада – олти лакдан то ўн лаккача насибадор бўлди. Лашкар таркибидагилар хизматига муносиб нақд пул билан мукофотланди. Бу жиҳатдан адолатли қарор шу эдики, Ҳиндистон фатҳига қалбий хайрихоҳлик билан маънавий мадад берганлар ҳам Бобуршоҳ хотамлигидан бебаҳра қолганлари йўқ. Масалан, шаҳзодалардан Комрон, Аскарий, Ҳиндол, Муҳаммад Замон ва барча уруғ-аймоқлар, ҳатто болалар қимматбаҳо туҳфаларга мушарраф этилди. Кобулда колиб, тинчликни асраётган беклар ва сипоҳийларга йирик-йирик ҳадялар юборилди. Самарканд, Хуросон, Кошғар ва Ироқдаги хешу ақробалар ҳам унутилмади. Бобур шайхларга назр-ниёзлар ажратди. Бу рўйхатни яна узоқ давом эттириш мумкин.

Гулбадан Бегим ёзишича, Бобуршоҳ Ҳиндистон ҳавосидан зорланган Хожа Калонни Кобулга жўнатаркан, шундай фармон қилади:

"Ҳамоноки кетадиган бўлсангиз, Султон Иброҳимнинг фатҳидан қўлга тушган ҳинд совғаларидан валинеъматларга, опа-сингилларга ва ҳарам аҳлига бериб юбормоқчимиз, олиб кетасиз. Муфассал рўйхатини берамиз, ўшанга қараб тарқатасиз. Айтинг, ҳар бир бегим боғ ва девонхонада алоҳида подшоҳий чодирлар тутсинлар, яхшилаб маърака ўтказиб, ғалаба шукронасига Ҳақ субҳонаҳу таоло ҳақига дуо қилсинлар, – деб буюрдилар.

Миршаб [Асас ёки Муҳаммад] амакиларига атаб уч подшоҳий сир катта ашрафий бердилар. "Агар миршаб, подшоҳ ҳазратлари менга нима бериб юбордилар, деб сўраса, бир ашрафий [танга] деб жавоб берасиз", – дея Хожа [Калонбек]га тайинлаган эдилар. Аслида ҳам бир ашрафий эканлигидан ранжиб, уч кунгача қойиндилар.

"Ашрафийни тешиб, кўзини боғлаб, бўйнига осиб ҳарам ичкарисига киритинглар", – деган ҳукм бўлган эди.

Хожа Калон Кобулга боргач, шундай қилди. Бобурнинг буйруғига мувофиқ тайёрланган махсус танганинг тешигидан ип ўтказилганди. Хожа Калон Бобуршоҳ айтгандай Асаснинг кўзини боғлаб, тангани унинг бўйнига осиб қўйди. Совғанинг оғирлиги шунчалик эдики, тунги сокчининг қадди эгилиб қолди. Асас хурсандлигидан ўзини қўярга жой тополмасди...

* * *

Булат Окужава Наполеон билан боғлиқ бир воқеани келтиради:

"Император матонатли жангчиларни алоҳида хизматлари учун "Фахрий легион" ордени билан тақдирламоқда. Умри жанггоҳларда ўтиб, соч-соқоли оқарган гренадёр яқинроқ келиб, қўлини чўзди:

– Менга-чи, ҳазрати олийлари?

– Нима иш кўрсата қолдинг, қария? – уни сўроққа тутди Наполеон. – Қандоқ жасоратинг учун мукофот талаб этасан?

– Бу Яффа саҳросида бўлувди...

– Хўш-хўш?

– Даҳшатли жазирама, нафас олишнинг иложи йўқ, қумга тухум қўйсангиз, чорак соатда пишарди... Эсингизда йўқми, офтоби олам?

– Хўп, айтавер-чи, азамат аскарим.

– Ўшанда томоғингиз қақраган чоғи мана шу қўлларим билан бир карж тарвуз берганман, ахир.

Кекса солдатнинг қиёфаси ва сўз оҳанги мутлақо жиддий эдики, император ҳам кулгани йўқ.

– Ташаккур, биродарим, – деди Наполеон бош иргаб, – яна ва яна раҳмат. Ҳа, ўша меҳрибонлигинг эсимга тушди. Бироқ хафа бўлма, азизим, "Фахрий легион"нинг нишондори бўлишга шу биргина воқеа бадал бўлолмайди-да.

Мўйсафид аскар дағдағага ўтиб, жазава бошлади:

– Бадал бўлолмайди дейсизми? – қичқирди у. – Жин урсин! Етти карра ярадор бўлганим кифоя қилмасмиш! Арколь кўпригида, Лоди ва Кастильонада, Нил соҳилидаги эҳромлар пойида, Сен-Жан-д`Акр ва Аустерлицда, яна Фриланд!.. Италия, Миср, Австрия, Пруссия, Польшада... ўн бир марта қоним тўкилган, ахир!

– Ҳай-ҳай, тўхта-тўхта, – овозига зўр берди бошини чангаллаб қолган император, – нега айюҳаннос соласан, жанговар қуролдошим?.. Лоди, Кастильона... Бор экан-ку, шуларни айтгин эди, сен бўлса тарвуз-парвуз дейсан.

– Ахир, офтоби олам, – пинак бузмай изоҳ берди мўйсафид аскар, – ўз императорига қачондир қилган хизматини миннатга айлантириш мендай жангчингизга эп келадими?

Наполеон кулди ва унинг елкасига қоқди:

– Баракалла, дўстим. Мен сени империя кавалери рутбаси билан сийлайман. Йилига минг франк даромад ҳам тайинланади. Хўш, розимисан?

– Йўқ, олампаноҳ! – дея оёқ тиради жангчи. – Уни бошимгаям урмайман, орден – хоч беринг, менга ўша афзал.

– Ие, сенда энди унисиям, бунисиям бўлади-ку. Томинг кетганга ўхшайди. Империя кавалери бўласан, империя кавалери-я!

"Томи кетган" бош чайқади:

– Кечириб қўядилар, тақсири олам, сиздан от билан туя сўраганим йўқ, биттагина орден... орденнинг ўзи...

Император Наполеон Биринчи илтифотли жилмайди-да, "Фахрий легион"ни кекса аскарнинг кўксига тақди ва бағрига босди..."

Тонг коласиз: барча инсон бир хилда – волидаларнинг буюк азоби – тўлғоқ билан туғилади. Бу – ҳақ, даҳолар таваллуди ҳам шундай, лекин улар туғилмайдилар, даҳолар дунёга келадилар. Нега? Негаки, уларга ўз замонлари, ўз маконлари торлик қилади, даҳолар ҳатто дунёга сиғмайдилар...

Ахир, Бобур ва Наполеон ҳарб санъатининг шундоқ алломаларики, курол билан қадами етган ер ва элни титрата олишган. Уларга ортикча сўз дейишга, даъво қилишга, овозини кўтаришга кимнинг журъати етсин? Аммо Мирзо Бобур тунги қоровул Асасдан, Наполеон Бонапарт оддий аскаридан ўзини баланд тутмайди. Бобур мукофотнинг аълосини ўша коровулга илиниб, қаддини эгадиган вазндаги олтин ҳадя қилади. Наполеон эса солдатининг эркалигини кўтариб, талабини адо этади ва кучоғини очади.

У илтифотли жилмайиб қўйса ё икки оғиз ширин сўз билан кўнглини кўтарса баски, ҳар битта аскар нақд ўлимнинг бағрига кириб кетаверарди. Фармонлари эса гўё ваҳийдай қабул қилиниб, "Яшасин император!" хитоби билан жон бериш шон-шарафга айланарди. Бонапарт қай бир мўйсафид солдатнинг қулоқ солинчагидан енгил чимчилаб, самимий сўз айтади:

– Сен қадрдоним, ўлимни ҳам ўтакасини ёрвординг, душманнинг додини бервординг-ку, азаматим!

Тамом! Ўша аскар борини шу одам йўлига тикадики, жисми ва кони тупроққа қоришиб, сўнгги нафаси чоғи ҳам оппоқ от устидаги чавандоз фақат ўзига тикилиб тургандай ҳис этади-да, "Яшасин император!" дея кўз юмади. У-ку, оддийгина бир солдат эди, генералларни айтмайсизми...

Мана, Бавария жанубида бўлган воқеа. 1805 йил эди. Ажалнинг жаҳаннамий бозоридан фақат бир лаҳзага чиқиб келган генерал Мутон қўлини чаккасига теккизиб ахборот бошлади:

– Сизга шуни етказишга бурчлиманки, ҳазрати олийлари...

Наполеон унинг сўзини бўлиб, елкасига оғаларча қўл ташлади:

– Мен, – деди у ўз кўксига ишора қилиб, – сизнинг олдингизда бурчлиман, азиз генералим. Ахир, бугун сиз менинг жонимга оро кирган лочинимсиз, лочиним!

Кекса генералнинг кўзларига ёш қалқди:

– Офтоби олам, камина хоки пойингиз...

– Асло! Сиз менинг бошимдаги, йўқ, Франциямнинг бошидаги зафар тожисиз! – Мутон ростакамига йиғлаб юборади, император давом этади: – Ишонаманки, захирадаги шоввозларимни фақат ўзингиз ғалабамга бошлай оласиз ва Ландсхутдаги ёвнинг думини тугишни уддалайсиз.

Оддий аскар мисоли ҳаяжондан титраётган генерал кўз ёшларини енги билан сидириб, ғоз қотди ва шаҳдам ортига бурилиб, сара гренадёрлар сафини олға бошлади. Улар кўприкдан яшиндай ўтиб боришаркан, жўровозда ҳайқирдилар:

– Императорга шон-шарафлар!

Жанг шиддатли ва оғир кечди, аммо Ландсхут генерал Мутон олдида бош эгди. У мундири дабдала ва юзи жароҳатланган ҳолда яна ахборот бергани келди:

– Ҳазрати олийлари, сизга шуни айтмоққа бурчлиманки, буйруғингизга биноан қишлоқни...

Наполеон ана шундай одамки, қанчалик серғазаб бўлса, шунчалик раҳмдил, уни нечоғли ёмон кўрсалар, ўшанча яхши кўришарди...

* * *

В.Бартольд Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг боҳимматлигига бир мисол келтиради. Пуркаромат шайх Муҳаммад Хабушоний-Кучоний Кубравия тариқатининг издоши бўлиб, Бобур унга ғойибона қўл берган, пир тутган эди. У ҳали Кобулда экан чоғлари шайхдан дуо сўраб, Самарқандга мактуб ва тухфаларини йўллаганди. Хабушонийнинг қалби ийиб, Бобурга ўз қўлидаги кўҳна асони бериб юборади. Канва жанги (1527 йил 17 март) олдидан ибодат чоғи ўша табаррук ҳассани жойнамози рўпарасига қўйган Бобуршоҳ Аллоҳдан мадад сўраркан, шайхнинг ҳаққига дуолар қилади.

Ажабки, ўша тун Хабушоний-Кучоний тушига кириб, душман ваҳмида ишончи сусайгани учун Бобурга танбеҳ беради ва қўрқмасликка даъват этиб, бўлғуси зафардан каромат айтади. Ва... Рона Санго билан тўқнашувда зафар туғи Бобурга насиб этди. Миннатдор ва мутаассир Бобуршоҳ шайхга ўлжаларидан йирик улуш ажратади-да, мактуб билан Самарқандга юборади.

Бонапарт 1802 йили таъсис қилган "Фахрий легион" орденининг анчагина суюнчи пули бор эди. Бу жасорат нишони ўшанда ҳам, ҳозир ҳам Франциянинг энг юксак мукофоти саналади. Бу орден билан хорижий фуқаролар ҳам тақдирланади. Бу орденнинг ажнабий нишондорларидан бири афғонистонлик дипломат, Зоҳиршоҳнинг Франция ва Швейцариядаги элчиси Саид Исломбек эди. Саид Исломбек (айрим манбаларда Усмонбек) аслида бизнинг ватандошимиз – Қўқон хони Худоёрхоннинг набираси бўлади. У 1888 йили Тошкентда таваллуд топган, Оренбург ва Москвада ўқиган, дипломатия соҳасида ярим асрдан ортиқ ишлаган, 1983 йилда вафот этган ва Париждаги Пер ла Шез қабристонига дафн этилган. "Фахрий Легион" орденини 1961 йилда Саид Исломбекнинг кўксига дўсти – Франция республикасининг президенти Шарль де Голль ўз қўли билан тақиб қўйган.

"Фахрий Легион" Наполеон Бонапарт номи билан боғлиқ бўлса, ушбу орден нишондори Саид Исломбек ҳам, унинг бобоси Худоёрхон ҳам Олтинбешикка авлод эдиларки, бу афсонавий гўдак Бобур наслидан, деб ривоят қиладилар...

ХАЗИНА: ҲАМ ҲАҚИҚАТ, ҲАМ АФСОНА

Олтинбешикхон ёхуд Бобурзода Муҳаммад Муқим Мирзонинг Фарғонага келиши. Ғарқ этилган тиллолар. Кремль дафинаси хусусида. Наполеон ва Стендалнинг ўлжалари

– Салтанат ва жаҳонгирлиг беасбобу олот даст бермас. Подшоҳлиқ ва амирлиқ бенавкар ва бевилоят мумкин эрмас, – дейди Бобур.

Уч юз йилдан сўнг Наполеон Бонапарт ҳам шу гапни такрорлайди:

– Ҳукмдорлик шундоқ бир касб-корки, унинг ҳам ўзига хос асбоб-ускуналари бор ва уларсиз тож-тахт мумкин эмас...

Бобур талашмаса бўлмасди, зеро, бунга у ҳам ҳақли, ҳам бурчли эди. Ҳақли экани шуки, Фарғона вилоятининг подшоҳлиги шаҳзодага отамерос, у ана ўша мамлакатнинг қонуний валиаҳди. Бурчга келсак, Соҳибқирондан қолган Самарқанд доруссалтанасини бой бериб қўймаслик зарур. Бунинг учун Темурий шаҳзода Бобур Мирзо майдондорлик қилмаса, ким қилади?

Алқисса, Мовароуннаҳр торлик қилгач, Бобур Мирзо афғонлар юрти сари йўл олиб, оёқ етганча кетиб борарди. Саргашта сафар чоғи Аллоҳ унга бир ўғил ато этди. Олдинда – мавҳум истиқбол, ортида – жони қасдидаги ёв, қошида – митти жигаргўшаси. Отга қамчи босаверса, чақалоқнинг ҳалокати муқаррар. Ташлаб кетмоқ... Бу асло мумкинмас: кимсасиз тоғу тош, бўрию айиқ... Онаизор гўдагига кўкрак тутдими, билмадик, аммо тилла бешикка белади. Осмон – узоқ, ер – қаттиқ, таваккал – Аллоҳга: отанинг боши эгилди, онанинг кўзидан ёш қуйилди, сарбон "чух" деди...

Чақалоқ ингаси акс садо берди, бешик қуйма олтин, қўлбоғ устида жавоҳирлар қадалган камар...

Бобурга нисбат бериладиган "Олтинбешик" афсонаси ана шундай бошланади. Уни кимлар қаламга олмаган дейсиз: Худоёрхонзода, Мирзо Олим Маҳдум ҳожи ("Тарихи Туркистон"), Мирзо Олим Мушриф ("Ансобул салотин ва таворихул хавоқин"), Ибрат ("Тарихи Фарғона"), Миён Бузрук ("Ўзбек адабиётига умумий қараш"), Ҳайдарбек Бобобеков ("Қўқон тарихи"), Шариф Юсупов ("Хуфия қатламлар"), Тўлаган Қосимбеков ("Синган қилич"), Алишер Ибодинов ("Худоёрхоннинг сўнгги кунлари") ва б.

Бобурий шаҳзодани яхши одамлар топиб олиб, исмини Олтинбешик қўядилар, улғайтирадилар, ўқитадилар, уйлантирадилар. Эслатамизки, Олтинбешик топилган манзил, унинг кейинги тақдири муаллифлар томонидан турлича талқин этилади. Айрим ҳолларда ўша гўдакни сирсиноатлар билан уйғунлаштириб, эртак қаҳрамонидай тасвирлашади.

Ш. Юсупов Олтинбешик 1545 йили вафот этгани, унинг ўғли Тангриёр Фарғонага ҳукмдор бўлгани хусусида ёзади. Шунингдек, Олтинбешик афсонаси ўйлаб топилгани ва Қўқон ҳукмдорлари насл-насабларини Бобурга боғлаб, ўзларини улуғламоқчи бўлишгани ҳақидаги талқинлар бор...

Ривоятнинг давомига қайтамиз, Исҳоқхон Ибрат ёзади:

Алқисса, гўдак – Тарғова қишлоғининг, жавоҳирот – Саройнинг, олтун бешик – Чанканатнинг қуръасига тушди ва ҳар бириси тақсимларини розиликда олуб, ўз жамоаларига қайтибдурлар.

Андин сўнг жамоайи Тарғова мазкур боланинг тарбиясига кўшиш айлаб, бир муттақий ва порсо заифани топибдурлар. Унга қадар олтун бешикдаги гўдакнинг хонзодалигини халқга равшан қилмоқда неча илова сўзлар қўшулуб, бошида булут соя бергон қабилидаги гаплар қулоқларга қуюлди...

Боланинг номини Олтунбешик қўйубдурлар, ҳадди балоғатқа етишгоч, тааллуқдор қилиб, минг уругининг хушчеҳра, хушсийрат ва хушсурат бир қизини олиб берибдурлар. Алар икковдин бир ўғил фарзанд таваллуд топиб, номини Тангриёр Султон қўйубдурлар. Йиллар ўтқоч, Тангриёр Сул-

тондин – Худоёр Султон, ондин Муҳаммад Амин, ондин Абулқосим дунёга келдилар. Абулқосим болиғ бўлуб уйлангоч, ўғил кўрдиким, Шаҳмасатбий ўшал боладир ва алҳол Чамашбий номи ила Фарғона аҳллари орасинда машҳурдур. Шаҳмасатбийдин – Шоҳрухбий, ондин Ҳожибий, ондин Ашурбий таваллуд топиб, ондин Шоҳрухбийи Соний туғилди. Олтунбешикхондин то бу Шоҳруххон миёнасинда ўн пушт, икки юзу икки йил муддат ўтди.

Шоҳруххони Соний бир ҳийлайи ҳарб кўрсатиб, музофотни ўз тасарруфларига олдилар ва Хўқанди латифни пойтахти салтанат қилдилар.

Худоёрхонзода ("Анжумут таворих") талқинида эса Олтинбешик Бобурнинг эмас, Муҳаммад Муқим Мирзонинг ўғли дейилади...

Ҳумоюншоҳнинг икки ўғли бор эди: Акбар ва Муҳаммад Ҳаким. Кенжа шаҳзода Муҳаммад Ҳаким Мирзога Ҳиндистон подшоҳлиги тегмагач, акаси Акбаршоҳга қарши кўзғолон кўтарди, лекин барибир ниятига етгани йўқ. Умри қисқа экан, у 1586 йили (31 ёшда) вафот этди, бир неча қиз ва уч ўғил қолди: Муҳаммад Муқим, Муҳаммад Раҳим, Муҳаммад Мўъмин. Маълумки, Акбаршоҳ қазо қилгач, тож-тахтни валиаҳд шаҳзода Салим – Жаҳонгир эгаллаган. Муҳаммад Муқим Мирзо отаси етмаган тахтдан умидворликда амакиваччасига (Жаҳонгиршоҳга) қарши исён бошлади. Оқибатда мағлуб бўлиб, Бухорога қочди: маҳаллий ҳукмдор Вали Муҳаммадхон Бобурий шаҳзодани сийлаб, шоҳона тўй қилди ва қизи Шарафнисо Бегимни никоҳлаб берди.

Узундан-узоқ қиссадан ҳисса шулки, Муҳаммад Муқим Мирзо бобокалонининг мероси даъвосида Фарғона мулкига қўшин тортади. Таассуфки, омади яна кулмайди, тўлғоқ азоби Шарафнисо Бегимни ҳалок қилади, Муҳаммад Муқим ўзи эса оғир жароҳатланиб, Ўшда (1611 йил 14 январь) оламдан ўтади. Заррин бешикдаги шаҳзодага васий этилган Камолиддин бир пайтлар Акбаршоҳ етим жияни Муҳаммад Муқимга тайинлаган бек атка эди...

Хулоса қиладиган бўлсак, гўдакнинг насл-насаби (Худоёрхонзода талқинида) шундай: Олтинбешикхон ибн Муҳаммад Муқим Мирзо ибн Муҳаммад Ҳаким Мирзо ибн Ҳумоюншоҳ ибн Бобуршоҳ.

Ривоятнинг мағзи шу. Шоҳрухбий туғилганда 1689 йил, бийликни тасарруфига киритганда 1709 йил эди. То Норбўтабийгача саккиз бий ўтиб, сўнг хонлар замони келди. Ҳижрий 1216 (1800/1801) йили оқ кигизга солиб, тож кийгизилган Олимхон Қўқоннинг биринчи хони сифатида тарихга кирди.

Ҳожибий Норбўтабийнинг ота бир, она бошқа укаси бўлиб, 1807 йили Олимхон ана шу амакисини қатл қилдирди. Ҳожибийнинг уч ўғлидан ёлғиз Шералихон омон қолди ва тоғлар орасига қочиб жон сақлади. Қўқон доруссалтанати 1842–1876 йиллари асосан ана шу Шералихон ва унинг авлодлари тасарруфида бўлдики, Олтинбешик сулоласининг ҳукмронлиги икки ярим асрдан ортиқ давом этган...

Қўқон хонларининг бобокалони Бобур Мирзонинг ўғли ёки Бобурий шаҳзода экани ҳақидаги ривоят қалбимизга яқин. Қолаверса, Бобур тоғларда ташлаб кетган бешик ўз маъносида ҳам, мажозий маънода ҳам асл хазина эди. Зеро, Олтинбешик сулоласи Марказий Осиёдаги йирик салтанатга асос солди, миллий давлатчилигимиз тарихига ўз дастхати-

ни бита олди. Энг катта шаҳарларнинг ўндан ортиғи (Андижон, Наманган, Қўқон, Марғилон, Тошкент, Хўжанд, Ўш, Туркистон каби) ва ҳатто Қашқар ҳам неча йиллар Қўқон хонларининг тасарруфида бўлди.

* * *

Икки юз йилдан ошибдики, курраи заминнинг хазинатопарлари Наполеон юрган ерлар харитасини қўлтиққа уриб, тупроқ титиш билан овора, ахир, озмунча тилло тўкилиб қолмаган-да.

Наполеон 1812 йилнинг 24 июнь куни тонг саҳарда Россияга қадам қўйди. Аскари 420 мингдан кам эмасди (айрим манбаларга кўра, қўшимча яна 150 минг киши етиб келган.) Хуллас, Grand Arme`е йўл юрди, йўл юрса ҳам мўл юрди: Бородино жанги (7 сентябрь) ўтди, Москвага кирди (14 сентябрь) ва Москвани тарк этиб (19 октябрь), изига қайтди. Бонапарт Москвадан юз минг киши билан чекинди: ҳар бир жангчининг елкасида ўлжа-бойлик бор. Зобитлар, генералу маршаллар топган-тутганларини ўнлаб араваларга юклаб олишган. Уларнинг қанчаси Парижга етиб олди экан?..

Французлар Москвани тарк этгач, ички ишлар вазирлиги ушбу хусусдаги расмий маълумотни эълон қилди: Наполеон армияси шаҳардан салкам 5,5 тонна олтин-кумуш, беҳисоб миқдорда жавоҳирот, черков осори атиқалари, кўҳна ва бебаҳо курол-аслаҳа, идиш-аёқ, газмол, мўйна ва ҳоказоларни олиб кетган. Наполеоннинг шахсий ўлжалари йигирма беш (бошқа бир манбада – қирққа яқин) аравага юкланганди. Жойни кўп олмаслиги учун тилла буюмлар эритилиб, қуйма шаклга келтирилган. Даву, Ней, Мортье, Мюрат, Богарне каби француз саркардаларининг ўлжалари ортилган аравалар ҳам борки, улар алоҳида йўлга тушди. Ҳеч ким, ҳатто маркитантлар[1] ҳам Россиядан бенасиба қайтганлари йўқ. Француз сержанти Адриен-Жан-Батист-Франсуа Бургонь кейинчалик мемуар ёзиб, йўлҳалтасида "саноқлигина" олтин-кумуш буюмлар бўлганини айтади. Машҳур француз адиби Стендаль Наполеон армиясида интендант-зобит бўлиб, шинелининг авра-астари орасига яширган тилло сўлкавойларни Парижга етказиб борганди. Бу гапни Стендаль ўз қўли билан ёзиб қолдирган.

Верейлик ўлкашунос Ю.Лискин мундай ҳисоб-китоб қилади:

"Агар Москвани ташлаб чиққан юз минг киши ярим килодан ганиматни киссасига урган бўлса, французларнинг ялпи ўлжаси эллик тонна бўлади. Араволарда, карвонларда, отларда кетаётган тиллолар бундан ташқари, албатта."

1812 йили рус тупроғида мангу уйқуга кетган французлар сон-саноқсиз. Шу сабаб "француз мозорлари" ҳақидаги чўпчаклар пайдо бўлди. Тааж-жубки, гоҳо афсоналар айни ҳақиқат бўлиб чиқади. Гжатск дафинаси бунинг далили – Соколово қишлоғи яқинидаги кичик қабристон французлар мозори эканини айтиб юришган. 1874 йили сентябрь ойида хазинатопарлар таваккал қилиб, қўлларига курак олишди. Дарҳақиқат, мозорга аскарлар кўмилгани аён бўлади, улар франциялик экани эҳтимолдан холимас. Суяклар ичида кўриниб турган чарм камар ярим чириган бўлиб, уни тортсалар узилиб, орасига яширилган етмишта йирик танга тўкилиб кетади...

[1] Маркитантлар – уруш шароитида қўшин ортидан эргашиб, савдо қилувчи сайёр тужжорлар.

Бундай француз мозорлари Вязьмада ҳам топилган. Литвиново қишлоғи яқинида кичкина кўл бор, маҳаллий аҳоли уни "Ғазнакўл" атайди. Сабаби шуки, чекинаётган французлар замбаракларини... ва учта хўкиз терисига ўралган олтинни чўкдириб кетишганмиш.

5 ноябрда (1812) русларнинг гвардиячи уланлар полки Красний шаҳри остоналарида маршал Давуга тегишли ўлжалар карвонини қўлга киритди. Санаб кўрсалар, 31 минг рублга баробар олтин ва кумуш танга экан. Хазина полкнинг тасарруфига берилиб, ҳар бир жангчи эллик рублдан улуш олган.

Француз армиясининг Березина дарёсидан ўтиб олиши нақ фожиа бўлди. Миш-мишларга кўра, дарёга чакана ўлжа чўкдирилган эмас (жон аччиғида). Березина яқинидаги помешчиклар кейинроқ ўз хизматкорларини дарёга тушиб, француз тиллаларини олиб чиқишга мажбур қилишаркан...

Хўш, унда, Россиядан тўналган олтин-аравалар бари йўл-йўлакай адойи-тамом бўлганми? Парижгача ҳеч нима етиб борган эмасми?

Йўқ. Анча-мунчаси етиб борган. Чунончи, Наполеонга тегишли шахсий ўлжаларни олисдан-олис сафарнинг минг бир хатаридан асраб, пойтахтга омон-эсон оборишган. Бу юмушга маршал Бертье масъул бўлиб, унинг қўмондонлигидаги император гвардияси жон-жаҳди билан уринган ва зиммасидаги вазифани бекам уддалаган. Мемуарларда ёзилишича, қирларга кўтарилиш чоғи ғазна ортилган араваларнинг ҳар бирига то йигирматагача, ҳатто ундан ҳам кўпроқ отларни қўшар эканлар...

Шарқ ва Ғарбнинг икки буюк императори ҳақидаги ривоятларнинг индаллоси шуки, Бобур ватанни тарк этар чоғи, Наполеон эса пойтахтига қайтаётиб афсонавий олтин (балки хазина) қолдириб кетишган. Бобур Мирзонинг "тиллоси" – Олтинбешик дарҳол топилиб, ворислар тасарруфига ўтган бўлса, Наполеоннинг дафинасини изловчилар ҳамон жонҳалак, ҳалигача сарсон-саргардон: ё топади, ё тополмайди...

ҲАЗРАТЛАРГА ҲАСРАТ БЎЛГАН ОЛМОСЛАР

Осиё Европадан кичкина эмиш. "Кўҳинур"нинг аччиқ тақдири. Кўзи ўйиб олинган олампаноҳлар. Элчининг ўлдирилиши

Қадим замонлардан то ўрта асрларгача олмоснинг ватани фақат Ҳиндистон деб билишарди. Жаҳонда энг қиммат баҳоланган, теварагида шов-шувлар кўтарилган маълум ва машҳур бриллиант (гавҳар)лар сони юзтага боради. Дарҳақиқат, шуларнинг йигирмага якини Ҳиндистондан топилган, деярли ҳаммаси Бобур ва Бобурийлар ёки Наполеон билан боғлиқ. Шарқий ва Жанубий Осиё мамлакатлари ҳали европаликларга яхши таниш бўлмаган аллазамонларда мантиқсиз тахминлар юрарди.

– Европа шунчалар азим қитъаки, – деб ёзганди Геродот, – Осиё ва Африка иккининг ҳудудидан ҳам у бир неча баробар каттадир.

Унинг таърифича, Ҳиндистоннинг тупроғи сийму зардан иборат, олтин оёқлар остида ғичирлаб ётади. Геродот қаламига мансуб (9 китобдан иборат) "Тарих"нинг 3-жилдида шундай бир маълумот борки, уни фақат чўпчак деб баҳолаш мумкин.

Ҳиндистон саҳросидаги тиллатопар чумолиларнинг жуссаси итга баробар. Овчилар ўлжа олган шу ҳашаротлардан бир нечтаси форслар

шоҳининг саройида турибди. Ҳайбатли чумолилар еростида ўзига ин кавлайди, чиқарилган қум фақат олтин бўлади. Ҳиндлар ана шу бойликка мазаҳўрак бўлишган ва хазина олгани учтадан туя қўшилган аравларда чўлга борадилар. Аммо улар олтин қумни ниҳоятда чапдастлик билан қоплашлари ва туяларни қамчилаб, ура қочишлари зарур. Негаки, чумолиларнинг ҳид билиш сезгиси зўр, дарров сезиб, овчиларни қувиб етади, буни мен форслардан эшитдим. Бирор жонзот тез чопишда тиллатопар чумолидан ўтолмайди, олтин қумни олаётганлар имиллаб қолса, тамом, итдай келадиган ўша ҳашаротлар бирортасини ҳам тирик қўймас экан.

Европалик истилочиларнинг қадами Ҳиндистонга етгач, Голконда шаҳри афсонавий хазиналарнинг синонимига айланиб қолгани бежиз эмас. Бу ерда олмос кони тасодифан очилган: бир чўпон ярқироқ тош топиб олади-да, бошқа бир ҳамкасбига буғдой эвазига беради. Иккинчи қўйчивондан ҳам кимдир олади ва қўлдан-қўлга ўтиб, ахийри олмос билгич кишига келади. Ана шундан сўнг кидир-кидир бошланади.

Голкондага 1622 йили келган англиялик Метгольд ёзади:

Кондаги одамларга қараб ҳайратда қолдик, чунки маҳаллий аҳоли орасида олмос хуружида ишлаётган ажнабийлар ҳам оз эмасди. Рожа Рай Ровий қабулида бўлганимизда, у ниҳоятда жилвадор ва бебаҳо тошларни кўрсатдики, айримларини 30 қирот чамаладик.

Эртаси куни Голкондадан икки мил наридаги копларга бордик, ўттиз минг киши тупроқ титкилаш билан овора эди. Кон маҳаллий тужжорлардан бировининг тасарруфида бўлиб, шартномага кўра, 10 қиротдан вазмин олмос подшоҳнинг хазинасига топширилиши керак. Ажнабийларга сотган ва хорижга олиб чиқишга уринган ҳар қандай одам ўлим жазосига маҳкум. Лекин бу фармон маҳаллий аҳолини ортиқча қўрқитмайди шекилли. Негаки, менга бир неча тошни таклиф этишди, иккитаси 20 қиротдан кам эмасди.

Метгольднинг ҳисобича, яқин коплардаги[1] ишчилар сони юз минг нафарга борарди. У ўша ерда бўлган куни рожанинг буйруғи билан иш тўхтатилади. Лекин кутилмаганда Деҳлидан фармони олий келади: Жаҳонгиршоҳ уч фунт сара ва тиниқ олмос юборишни буюргандики, кончилар дарҳол копга тушадилар...

Олмос – жуда қиммат тош. Чунончи, энг йирик олмос "Куллинан" бўлиб, 1905 йили Жанубий Африкадан топилган ва ундан юздан зиёд катта-кичик гавҳар ясалган. "Куллинан"нинг хомашё ҳолидаги вазни 3106 қирот эди, яъни 621 грамм тош босадиган ўша бир дона олмос пулга чақилса, 290 миллион долларга баробар бўлади. Рус императори Павел Биринчи 1800 йили 10 қиротлик қирмизи-гулранг гавҳарни юз минг рублга олган. Қиёслаб кўрамиз: ўшанда ўрис бозорида 5 рублга сигир сотилган, демак, 2 грамм олмос 2000 сигирга тенг ҳисобланган. Боз, олмоснинг баҳоси тушмайди, фақат ўсади: бир грамм гавҳарнинг нархи 1975 йили 3000 доллардан аввал 7000 ва сўнгроқ ўн мингга кўтарилиб, 1978 йил баҳорида 18000 долларга чиққан, яъни тўрт йилда 6 марта ошган. Бу – қирқ йил бурунги баҳо...

[1] Коп – олмос кони.

* * *

"Кўҳинур" сўнгги беш аср давомида Ҳиндистон, Эрон ва Афғонистонда 18 ҳукмдорнинг қўлидан ўтган: Бобур, Ҳумоюн, Таҳмосп, Бурҳон, Шоҳжаҳон, Аврангзеб, Баҳодиршоҳ, Жаҳондоршоҳ, Фаррухсияр, Муҳаммадшоҳ, эронлик Нодиршоҳ Афшар, Аҳмадшоҳ Дурроний (унинг авлодларидан – Темур, Замоншоҳ, Маҳмуд, Шужоъ ул-Мулк), Ранжит Сингх ва Далин Сингх. "Кўҳинур" 1850 йилдан буён Виктория, кейин Виндзор сулоласига мансуб барча қироллар (Эдуард VII, Георг V, Эдуард VIII, Георг VI, Елизавета Иккинчи) саройининг зийнати ва фахрига айланган.

Аммо шуниси ҳам борки, машҳур олмослар ичида фақат "Кўҳинур" бозор кўрмаган, ҳеч қачон кимгадир сотилган эмас. Кўҳна ривоятларга кўра, унинг илк тарихи эрамиздан аввалги 56 йилга бориб тақалади. Хилжийлар сулоласидан бўлган Аълоуддин Муҳаммадшоҳ Жанубий Ҳиндистонга юриш қилиб, олмосни Мальва султонидан 1304 йили тортиб олгани ҳақида ҳам тахмин юради. Лекин у илк бор қайд этилган ёзма манба "Бобурнома" эди.

"Кўҳинур"нинг Бобур саройига келиши Бикраможит шахси билан алокадор, Султон Иброҳим мағлуб бўлганда, у вафот этганди. Оиласи Аграда яшаб, қочиб қолиш хаёлида, бироқ Ҳумоюн Мирзонинг соқчилари ҳамиша сергак, бунга асло йўл қўймайди. Шунда Бикраможитнинг аҳли аёли катта миқдордаги зар-зевар ва жавоҳирларни Ҳумоюнга ҳадя қилади. *Шуҳратий олмос* ана шу туҳфалар орасида эди. "Бобурнома"да у Султон Аълоуддинга дахлдорлиги эслаб ўтилади. Ноёб олмос *тамомий оламнинг икки ярим кунлуқ*[1] *харжи қийматига тенг эди. Бобуршоҳ Аграга келганда, Ҳумоюн олмосни унга пешкаш қилди, ота уни олади ва яна ўғилга қайтаради.*

Бу сирли тошнинг бизга маълум илк "саргузашти" Бобур саройида содир бўлган (аслида бўлганича йўқ) эди. Шундоқки, Ҳиндистон подшоҳининг суянган тоғи, валиаҳд Ҳумоюн Мирзо хаста. Муолажа, табиблар, дори-дармон етарли, лекин шаҳзода шифо топмайди. Шунда Бобурга "Кўҳинур"ни тасаддуқ қилишни маслаҳат беришади. Ана шунда ота бемор фарзанди бошидан уч қатла айланиб, нола қилди:

– Мен кўтардим ҳар не дардинг бор?

Тасаддуқ воқеаси ҳам, ундан кейинги жадал ҳодисалар ҳам Бобурнинг жасоратини, буюклигини энг олий мақомда исботлайди...

Шершоҳ Ҳиндистонни эгаллаб, ўз ҳукмини муқим ўрнатган, Кобул, Қандаҳор ва Бадахшон Комрон Мирзо билан Аскарий Мирзо қўлида, асир олинган Ҳиндол Мирзо эса Комроннинг зиндонида эрксиз тутқун. Бобурнинг тўнғич ўғли – Ҳумоюншоҳ сарсон-саргардон: Аскарий Мирзо акасининг Қандаҳор кўрғони ташида тўхташига изн берди, аммо шаҳарга киритмади.

Ҳумоюнга укалари тасарруфидаги юртларда қолиш энди хавфли эди. У Худога таваккал қилиб, Эрон ва Ироқ сари отланди: жажжи валиаҳди Жа-

[1] Шуҳратий олмос хусусидаги Бобурнинг айни таъкидига асосланиб, "Кўҳинур"нинг ҳозирги баҳосини чамалаш мумкин. Бир кишининг кунлик эҳтиёжи учун 1-1,5 доллар кифоя десак, Ер юзидаги 7 миллиарддан зиёд аҳолининг 2,5 кунлик сарфи 20 (йигирма) миллиард доллардан ошиб кетарди.

* Таҳририят изоҳи: Бу гавҳар ҳозирда 94 тонна олтинга тенг деб баҳоланади. Бу эса 3,7 миллиард доллар дегани. Мана шу миқдор Бобур замонидаги Ер юзи одамларининг (500 миллион нафар атрофида) икки ярим кунлик маошига ҳам тўғри келади.

лолиддин Акбарни Қандаҳорда қолдирди, ёнида суюкли Ҳамидабону ва 44 йигитдан ўзга ҳамроҳи йўқ. Карвон Хуросон ҳудудига кириб, Ҳилманд дарёсига етганда, бундан хабар топган Шоҳ Таҳмосп укалари Баҳром, Алфоз, Сом ва арбобларига мўътабар меҳмонни муносиб кутиб олишни буюрди.

"Ҳумоюннома"дан ўқиймиз:

"Яқин боришганда, укалар хабар бердилар ва Таҳмосп ўзлари ҳам отга миниб, ҳазратларининг истиқболига чиқдилар. Олий рутбали икки подшоҳнинг дўст-бирадарлиги шунчалик эдики, бир бодом ичидаги ялакат магиздай яқин демоққа арзийди. Улар орасидаги ихлос ва иттифоқ шу даражага етдики, ҳазратларининг манзилига шоҳ (Таҳмосп) доим келардилар, шоҳ келмай қолган кунлари (Ҳумоюн) ҳазратлари у ёққа ташриф этардилар. Шоҳ ҳар гал овга чиққанларида ҳазратларини ҳам таклиф қилардилар. Хулласи калом, Эрон шоҳи Ҳумоюн ҳазратларига ҳаддан зиёда меҳрибонлик ва мурувват кўрсатиб, отадай, онадай мушфиқлик, ғамхўрлик қилардилар.

Мусофирчиликда қучоқ очиб, мўл-кўл яхшиликлар қилган Таҳмоспдан қарздор бўлиб қолишни кимсан Ҳумоюн Мирзо ўзига номуносиб биларди, албатта. У жавоҳирлар сақланадиган картмонидан "Кўҳинур" олмосини олди-да, Эрон шоҳига туҳфа этди. Гулбадан Бегимнинг таърифича, бу ҳадя Ҳумоюн учун Таҳмосп қилган харажатларни тўрт хисса ортиғи билан қоплашга етарди. Иккала ҳукмдор хайр-хуш қилдилар, ўз йигитлари ва Таҳмоспнинг ҳарбий кўмагини олға етаклаган Ҳумоюн Мирзо Кобул ва Қандаҳор тарафларга азм қилди. Шунда 1545 йил бўлиб, Ҳумоюннинг отамерос тахт учун ҳали яна ўн йил давом этадиган мардона кураши бошланди, аммо биз ўз мавзумиз – "Кўҳинур"га қайта қоламиз.

Таҳмосп 1547 йили "Кўҳинур"ни дўсти Бурҳонга (аҳмаднагарлик) совға қилади. Орадан юз йил ўтгач, олмос яна Деҳлига қайтиб, Бобурийлар хазинасидан жой олади.

"Тож Маҳал"даги Шоҳжаҳон қабри ҳақида бир муаллиф ёзади:

Саганага араб алифбосида Аллоҳнинг 99 исми хуснихат билан битилган, Қуръондан оятлар нақшланган. Бир замонлар жаҳонда энг катта – 117 қиротли "Кўҳинур" олмоси ушбу қабртошни зийнатлаб турарди. Бобурийлар империяси инқирозга учрагач, форс ҳукмдори Нодиршоҳ "Кўҳинур"ни ҳам, машҳур "Товус тахт"ни ҳам Деҳлидан олиб кетган. Ҳозирда "Кўҳинур" Англия қироличасининг тожини безаб турибди, бир бўлаги эса (?) Британия музейига қўйилган.

Бу тошнинг кейинги "ҳаёти" хусусида яна икки ривоят бор, ҳар иккиси ҳам Эроннинг Ҳиндистонга босқинига ва Нодиршоҳ шахсига бориб тақалади. Нодиршоҳ Деҳлини эгаллагач, фотиҳнинг кўнглига ёқиш учун Султон Муҳаммад Гурхон лаганларда олтину жавоҳирларни пешкаш қилади, лекин "Кўҳинур"ни бермайди. Шоҳ Нодир олмос мағлуб ҳукмдорнинг салласи қаватига яширилганидан хабардор эди.

– Кел, – дейди у, – мана сулҳ тузилди, энди дўстлигимиз рамзи сифатида бош кийимларни алмаштирайлик ва бу икковимизга ҳам эсдалик бўлиб қолсин.

Шундай қилиб, салла ҳам, унинг орасидаги жавоҳир ҳам Нодиршоҳга ўтганмиш.

Иккинчи ривоятда ҳам ўша ғолиб билан мағлуб мусоҳабаси, фақат бунисида олмос Муҳаммад Гурхоннинг тожига қадалган, қуёшдай чарақлаб

турибди. Нодиршоҳнинг кўзлари қамашиб, ҳаяжон билан она тилида хитоб қилади:

– Кўҳи нур! Кўҳи нур! Кўҳи нур!

Эрон шоҳи бу қадар бойликни ташлаб кетолмасди. У ҳийлага ўтиб, Гурхон шу топда ҳар не шартига кўнишини билгани боис, тожларни алмаштиришни таклиф этади ва олмосни қўлга киритади.

Ана шундан сўнг тош "Кўҳинур" – нур тоғи деган ном олганмиш[1]. Бу ривоятларда ҳақиқат унсурлари бор-йўқлигидан қатъи назар, Нодиршоҳ 1739 йил Ҳиндистонга бостириб киргани ҳам, "Кўҳинур"ни ўзи билан Исфаҳонга[2] ола кетгани ҳам аниқ.

Нодиршоҳ Афшар аслида узурпатор бўлиб, Таҳмосп Иккинчининг ҳарбий бошлиқларидан эди. Ўн йилдан сўнг уни ҳам, ўғли Аббос Учинчини ҳам тахтдан ағдариб, 1736 йили ўзини шоҳ деб эълон қилди. У ўта шафқатсиз босқинчилик сиёсати билан катта ҳудудни асоратга солди, Нодиршоҳ империяси Кавказ, Марказий Осиё ва Шимолий Ҳиндистонни қамраб олади. Қасосли дунё деганларидай, 1747 йили сарой фитнасида ўлдирилди ва империяси парчаланиб кетди. Ана шу тартибсизликлардан Аҳмад Абдуали фойдаланиб қолди: у ҳарбий саркарда бўлиб, Эрон тахтини эгаллашга жон-жаҳди билан уринса-да, уддалай олгани йўқ. Шундан сўнг ўз аскарлари билан афғонлар ҳудудига йўл олди ва Қандаҳорни пойтахт қилиб, Аҳмадшоҳ Дурри Даврон номи билан тож кийди. (Унинг авлодлари Дурронийлар бўлиб тарихга кирдилар.) Аҳмадшоҳ Исфаҳонни тарк этаркан, "Кўҳинур"ни ола кетишни ҳам унутмади, албатта. (Ўшанда "Лаъли Темурий" ҳам унинг қўлида эдики, бу ҳақда алоҳида ҳикоя қиламиз.) Аҳмадшоҳ вафот этгач (1773), унинг ўғли шаҳзода Темур Дурроний тахтга ўтириб, пойтахтни Кобулга кўчирди ва отасидан қолган "Кўҳинур" ва "Лаъли Темурий" соҳиби бўлди. Темур Дурронийнинг 25 ўғли бор эди, уларнинг бешинчиси бўлмиш Замоншоҳ тож-тахтни эгаллади, лекин акаси Маҳмуд Мирзо ундан ҳокимиятни тортиб олди. Бу қонли можаролар 1813 йилга қадар давом этиб, шаҳзода Шужоъул Мулк ўзини Шужоъшоҳ деб эълон қилди. Бироқ унинг ҳукмдорлиги ҳам омонат бўлиб, жон сақлаш қайғусида Ранжит Сингҳ қўлидаги Лаҳордан бошпана топади. Шунда "Кўҳинур" у билан бирга бўлиб, махарожага бергиси келмайди. Шужоъул Мулкни қийноққа соладилар, барибир қаёққа яширганини айтмайди. Ахийри, кўзини ўйиб оладилар ва шундагина сирни очади. Ранжит Сингҳга тошни ҳуфия жойдан топиб беришади ва у тожига қадаб олади.

1799 йили Лаҳорни босиб олган, кейинроқ (1810–1811) Панжобни тўлиқ бирлаштирган Ранжит Сингҳ кучли давлат тузиб, махарожа рутбасига эришди. Аммо Ранжит Сингҳга оғир дард ёпишиб, 1839 йил ёзида тўшакка михланиб қолгач, махарожанинг аъёнлари маслаҳат беришди:

Ҳазрати олийлари, илоҳлардан мадад умидида "Кўҳинур"ни маъбуд Жўганатҳ йўлида тасаддуқ қилсак не дейсиз? Ажабмаски...

Рамақижон Ранжит Сингҳ тилдан қолганди, вазиру аъёнлар тасаддуқ учун олампаноҳнинг имо билан розилик берганини тасдиқлашди. Аммо хазинабон буни ўз кўзи билан кўрмагани боис саркашлик билан оёқ тирайди:

[1] Таҳририят изоҳи: "Кўҳинур" – "Кохи нур", яъни нур қасри, деган сўздан олинган деган талқин ҳам бор.

[2] Исфаҳон – Сафавийлар ҳукмронлиги даврида ва то 1786 йилгача Эроннинг пойтахти.

Бармоқ ва муҳр босилган фармони олий бўлмаса, етти иқлимда ягона олмосни беролмайман.

Бундай ҳужжатнинг иншоси ва имзосига ҳеч кимнинг юраги дов урмайди. Алқисса, Ранжит Сингҳнинг кун-соати битганди, унинг тахтига 12 яшар валиаҳди Далин Сингҳ ўтирди. Бағоят таажжубки, "Кўҳинур" 1530 йили Ҳумоюн бошида тасаддуқ бўлмагани каби бу гал ҳам (1839) тасаддуқ қилингани йўқ.

Ўн тўққизинчи асрнинг 40-йилларигача Панжобга инглиз харбийларининг оёғи етмаганди. Ост-Индиянинг икки тажовузидан сўнг (1845–1846, 1848–1849) Панжоб ўз мустақиллигидан айрилди ва таслим хатига қўл қўйди. Ғолиблар тузган "шартнома"га кўра Далин Сингҳ тахтидан воз кечади, эвазига компания махарожани умрбодлик нафақа билан "сийлайди" ва Панжобнинг давлат ғазнасини ўз тасарруфига олади.

Бу пайтда "Кўҳинур" Лаҳор яқинидаги махсус қўриқланадиган "Тошхона" номли ерости хазинасида сақланарди. Буюк олмос 1849 йили Ост-Индиянинг ўлжасига айланди ва компаниянинг топшириғи билан лорд Далхаузи 1850 йилнинг 3 июнида қиролича Викторияга ҳадя этди. "Кўҳинур" 1851 йили Лондондаги кўргазмада намойиш қилинган.

Ҳазрати олиялари Амстердамдан атоқли заргар Форзангерни (1852) чақиртирди: санъаткор фақат маслаҳат бериб турди, олмосни Виктория ўзи ишловдан чиқарди. Пардоз ва сайқаллаш жараёни 38 кун давом этиб, шунинг ўзига саккиз минг фунт-стерлинг маблағ кетди ва 186 қиротлик тошдан 106 қиротлик гавҳар вужудга келди.

Гап – кўп, кўмир – оз деганларидай, бошқача тахмин ҳам бор: сарой маъданшуноси Жеймс Теннант ишлов бериб, 191 қиротлик олмосдан 108,9 қиротлик гавҳар ясаган. Лекин у энди асл жозибасини йўқотганди.

Виктория уни зебигардонига жойлаштириб, кўксига тақиб юрган. У вафот этгач, давлат хазинасига олинган ва қиролича Александранинг (Эдуард Еттинчининг хотини) тожига қадалган.

Викториянинг набираси қирол Георг Бешинчи 1911 йилда рафиқаси Мария (ҳозирги қиролича Елизавета Иккинчининг бувиси) учун тож буюриб, унга "Кўҳинур"ни асосий безак қилди. У кейинчалик "қиролича Мэри", "кичкина тож" деб ном олганди.

У қиролича Марияннинг тожига қадалганича хийла муддат турди. Сўнг "Гаррард ва Ко" фирмаси ундан "Кўҳинур"ни кўчириб олиб, янги тожни безади. 1952 йилда уни Буюк Британиянинг ҳозирги қироличаси Елизавета Иккинчи ўз бошига қўйиб, отамерос тахтга ўтирди...

(Давоми келгуси сонда)

Ҳовард Филлипс ЛАВКРАФТ

(1890–1937)

Огюст ДЕРЛЕТТ

(1909–1971)

ОСТОНАДА ПИНҲОНА[1]

Рус тилидан
Рустам ОБИД
таржимаси

"Нью-Даннич, 27 апрель.

Муҳтарам дўстим!

Биз аввал ҳам муҳокама қилган масалага келсак, мен кеча тунда иккимиз қидирган ўша Мавжудотни кўрдим. Унинг қанотлари қоп-қора бўлиб, танасидан илонга ўхшаш ўсимталар ўрмалаб чиқар, лекин уларнинг думи Мавжудотга ёпишган эди. Мен уни Адирга чорладим-да, Ҳалқа ичига киритдим, лекин бу жуда қийин ва азобли кечди. Яъни бу хил Махлуқни узоқ тутиб туриш учун Ҳалқа етарлича қудратга эга эмасдек кўринарди. Мен Махлуқ билан гаплашишга уриниб кўрдим, аммо бу ишимдан натижа чиқмади. Бироқ, ҳар қалай, гўнгирлашига қараганда, Сизнинг Китобингизда тилга олинган Ленг ясситоғлиги ёнида жойлашган Совуқ Ялангликнинг Кадат деган еридан экан. Баъзилар Адирда оловни кўриб қолиб, бу ҳақда гап тарқатди. Улардан бири – Вилбур Коури бир балони бошлашмаса гўрга эди, чунки у ўзига жуда бино қўйган, бунинг устига ўта қизиқувчан одам. Агар у Адирликка мен ўша ердалик пайтимда келиб қолса, ҳолига вой деяверинг, аммо у, барибир, келади, бунга шубҳа қилолмайман. Мен ўша Мавжудот ҳақида иложи борича кўпроқ нарса билишни хоҳлаяпман. Бу борада Сизнинг олийнасаб аждодингиз Ричард Б. жуда чапдаст эдики, унинг номи Йогг-Сотот ва барча Улуг Қадимгиларга аталган тошларга ўйиб битилганча абадий қолажак. Сиз яна шу ерда эканингиздан қалбим қувончга тўлди ва аргумоғимни қайтариб олишим биланоқ дарҳол Сизни кўргани йўл оламан, сабаби – бошқа отда юришни сира кўнглим тусамайди. Роппа-роса бир ҳафта олдин тун пайти ўрмонда кучли қичқириқ ва дод-войни эшитдим-у, Сиз ўз уйингизга қайтган бўлсангиз керак, деб ўйладим. Агар Сизга малол келмаса, тез орада зиёрат қилишга бораман, сэр, деб

садоқатли қулингиз Жонатан Б."

[1] Давоми. Бошланиши аввалги сонда.

Биринчи мактубни ўқиб тугатгач, Дюарт дарҳол иккинчисини бошлади:

"Нью-Даннич, 17 май.

Олижаноб дўстим!

Мактубингизни олдим. Каминанинг ожиз уринишлари Сизга ва номини айтиш тақиқланган Ўшанга ёки Улугларга хизмат қилувчи барчага ташвиш тўгдирганидан афсусдаман. Бироқ, начора, Вилбур Коури деган ўша "хирапашша" тошлар ёнида машгуллик пайтимда тўсатдан пайдо бўлиб, мени жодугарликда айблаб қичқирди-да, агар буни бошқаларга айтиб берса, аҳволим вой бўлиши ҳақида пўписа қилди. Шунда жуда газабим қўзгаб, ўзим осмондан чорлаган Махлуқни унга қайрадим. Бир зумда Коурининг танаси қонга беланди, бурда-бурда этилди, сўнгра Махлуқ уни кўтариб, маконига равона бўлди. Боёқиш қаерга олиб кетилганини билмайман, фақат шуни биламанки, энди Коурини бу жойларда ҳеч ким бошқа кўрмайди, ўзи ҳам менинг машгулотим ҳақида ҳеч кимга айтиб беролмайди. Тан оламанки, бу қонли воқеадан ниҳоятда қўрқиб кетдим, қолаверса, Ташқаридагилар бизга қандай қарашидан хавотирдаман. Менимча, улар ўтиш йўлини очиб берганимиз учун биздан миннатдор бўлсалар керак. Устига-устак, ўша ерда Бошқалар ҳам яшириниб турганидан ҳадикдаман, ахир, шундай деб тахмин қилишга асос бор. Қайси бир кечада Китобингиздаги сўзларни ўзгартириб айтганим ҳамоно ҳар галги жойда ҳаддан зиёд баҳайбат бир Махлуқ пайдо бўлди. Унинг қиёфаси ҳар сония ўзгариб турар, бунга қарашнинг ўзиёқ нақадар азоб эди. Бу Махлуққа бошқа кичикроқ мавжудотлар ҳамроҳлик қилар ва найга ўхшаш асбобларда куй чалишарди. Куй жуда гаройиб бўлиб, аввал эшитганларимга сира ўхшамасди. Мен бундан саросимага тушдим, охири арвоҳ ғойиб бўлди. У қандай мавжудотлигини билолмай қолдим. Китобда бу ҳақда ҳеч нима дейилмаган. Бу Махлуқ Ирдан ёки Совуқ Ялангликдаги Кадатнинг олис чеккасида жойлашган Н'нгранинг ҳам нарёғидан келгандир эҳтимол? Менга Сизнинг фикрингиз ва маслаҳатингиз зарур, негаки, қидирувимни якунламай туриб, кетишни хоҳламаяпман. Сизни тез орада кўриш умидидаман.

Сэр, Киш белгиси остида Сизга содиқ қул
бўлиб қолгувчи Жонатан Б."

Бу хат билан учинчи мактуб ўртасида анча вақт ўтган кўринади, зеро, кейинги хатда сана кўрсатилмаган бўлса-да, об-ҳавога доир ишоралардан камида ярим йил вақт ўтгани англашилади.

"Нью-Даннич.

Олижаноб биродарим!

Кеча кечқурун қорда нимани кўрганимни тезроқ айтишга ошиқяпман. Бу йирик-йирик оёқ излари эди-ю, аммо уларни оёқ деб ҳам бўлмасди. Излар баҳайбат тирноқли панжаларники бўлиб, диаметри бир футдан ортар, узунлиги бундан-да кўпроқ – икки футга етиб қоларди. Панжалар пардали, аниқроғи, қисман пардали бўлиб, ғалати ва сирли эди. Ўрмонда каклик овлаб юрган Олни Бауэн ҳам шундай излардан бирига дуч келибди, аммо овдан қайтгач, шу ҳақда гапирганида, унга мендан бошқа ҳеч ким ишонмади. Мен бир четда индамай эшитиб турдим-да, ўша изларни қаерда кўрганини билиб олиб, текшириб кўргани ўрмонга бордим. Биринчи изни кўрганим заҳоти хаёлимга бундай изларни ўрмон ичкариси-

дан ҳам топиш мумкин, деган ўй келди ва мен тез орадаёқ бунга гувоҳ бўлдим. Тошлар ёнида кўпдан-кўп шундай изларга дуч кедим, лекин бирон бир жонли мавжудотни учратмадим. Изларни синчиклаб кўздан кечиргач, уларни қанотли махлуқлар қолдирган, деб ўйладим. Мен аввал тошлар атрофини бир марта айланиб чиқдим, кейин янаям каттароқ ҳалқа ясаб, тагин бор марта айландим ва ниҳоят, одам изларига дуч келиб, улар ортидан кетдим. Бир оздан сўнг бу излар оралиғи кенгайганидан ўша одам югуришга тушганини англадим. Бу ҳол ҳафсаламни пир қилди, айни пайтда хавотирга солди. Хавотирланганим бежиз эмас экан – ўрмон адоғида, адир ортидаги пастқамликда излар бирдан тугади. Шу ерда, қор устида милтиқ, каклик патлари ва шапка ётарди. Шапкага қараб, ўн тўрт ёшли ўспирин Жедидия Тиндалнинг бош кийимини танидим. Бугун эрталаб эса ўша бола ҳақида суриштириб, ғойиб бўлганини билдим, ўзимам худди шундан қўрққандим. Охири тушундимки, ўтиш йўли очиқ қолган ва бирон бир Махлуқ бу ёққа ўтган, лекин қайси Махлуқлигини билмайман. Сиздан ўтиниб сўрайман, агар билсангиз, Китобдан зарур афсунни кўрсатинг, токи афсунни ўқиб, Махлуқни келган жойига қайтариб юборай. Бу ҳам етмагандек, изларига қараганда, Махлуқ битта эмас, бир нечта бўлган, яна ҳаммаси – баҳайбат. Тагин шуниси ҳам борки, бу Махлуқлар ўзи кўзга кўринадими ёки йўқми, негаки, Уларни ҳеч ким кўрмаган, чунончи, камина ҳам. Айниқса, шуни билишни истардимки, улар Н., ёки Йогг-Сотот, ёки бошқасининг гумашталарими? Ўзингиз шунга ўхшаш бирор Махлуқни ҳеч учратганмисиз? Ўтиниб сўрайман, шуларни тезроқ аниқлаштириб берсангиз, токи бу Махлуқлар янаям кўпроқ қулфатларни келтириб чиқармасин. Чунки Бошқалар каби Улар ҳам қонхўрлиги аниқ. Махлуқлар ўша ёқдан бизга қирон келтириш учун яна қачон ёприлиши-ю, жиғилдонини тўлдириш учун одам овлашини ҳеч ким билмайди.

Йогг-Сотот Неблод Цин!

Жонатан Б.”

Тўртинчи мактуб баъзи жиҳатдан аввалгиларидан ҳам қўрқинчли эди. Дастлабки учтасиёқ Дюартни бирваракайига ҳайрат, жирканиш ва даҳшатга чирмаган бўлса, тўртинчи хатда юракни илкис музлатиб юборувчи ваҳима сезилар, аммо бу ваҳима нималар айтилаётганида эмас, нималарга шаъма қилинаётганида эди.

“Нью-Даннич, 7 апрель.

Қадрдон ва муҳтарам дўстим!

Кеча тунда ухлашга ётаётиб, У деразамга учиб келгани ва исмимни айтиб чақиргани қулоғимга чалинди. У ҳали ёнингга келаман, дея ваъда қилди, бироқ мен қоронғида дераза олдига дадил бордим-да, ташқарига қарадим, ҳеч нима кўринмагач, деразани очгандим, мурданинг қўланса ҳиди димоғимга урилди, у шунақаям бадбўй эдики, чидолмай ўзимни орқага ташладим. Шунда очиқ деразадан ичкарига кирган Алланима юзимга тегиб ўтди. Қисман тангачалар билан қопланган бу елимшак Махлуқ кўнгилни айнитар даражада жирканч эдики, ўша лаҳзадаёқ ҳушимдан кетиб, қанча вақт ётганимни ҳам билмайман. Ўзимга келиб, деразани ёпдим-да, энди ўрнимга ётаётгандим, худди зилзила бўлаётгандек, уй силкина бошлади. Алланима шу атрофда, уй ёнида ерни ларзага солиб юрарди, У номимни айтиб, ҳали яна ёнингга келаман, деди, мен бу

таҳдидни эшитдим, аммо ҳеч қандай жавоб бермадим. Нуқул бир нарсани ўйлардим – мендан қандай айб ўтдики, арабча сўзларни нотўғри талаффуз қилиш оқибатида очиқ қолган йўлдан аввалига қанотли маҳлуқлар, Н.нинг малайлари ва мана энди бу Мавжудот ўтиб келди? Бу Мавжудот ҳақида ҳеч нима билмайман, билганим фақат шуки, у Шамол бўйлаб Кезувчи бўлиб, бир неча, аниқроғи, Вендиго, Итака ёки Лоэгар номлари билан маълум. Мен Уни ҳеч қачон кўрган эмасман, балки умуман кўрмасман ҳам. Ҳозир кўнглим ниҳоятда нотинч, тошларга ёки адирларга чорлаган пайтимда Н. ҳам эмас, С. ҳам эмас, балки исмимни Ер юзида ҳеч кимга маълум бўлмаган бир талаффузда айтиб чақирувчи мана шу Махлуқ ўтиб келса, у ёғи нима бўлади? Шундай ҳол юз бергудек бўлса, Сиздан ўтиниб сўрайман, тунда келиб, йўлни беркитинг, токи одамлар орасига кириши тақиқланган Бошқалар ўтиб келмасинлар. Зеро, Улуғ Қадимгиларнинг ёвузлиги биз каби ожизлар учун жуда огирлик қилади. Майли, Катта Маъбудлар уларни маҳв қилмаган тақдирда ҳам, ой ва юлдузлар нур сочиб турган паллаларда тош отсангиз, етиб борадиган жойдаги бўшлиқ ва чуқурликларга банди этсинлар. Ишончим комилки, менга ажал хавф соляпти, агарда шундай бўлмаса, бундан беҳад қувонган бўлардим. Шу вақтгача бирон бир Махлуқ тунда номимни айтиб чақирган эмас эди, шунга паймонам тўлмадимикан, деб жуда қўрқиб кетяпман. Камина хатингизни камоли диққат билан ўқиёлмаганим боис сўзларингизни нотўғри тушундим шекилли. Шунинг учун "Ўзинг жиловлай олмайдиган Махлуқни чақирма", деган танбеҳингизни янглиш талқин қилдим. Сизнинг танбеҳингиз "Ўзинг жиловлай олмайдиган Махлуқни чақирсанг, У, ўз галида, сенга қарши шундай бир кучни чақириши мумкинки, у ҳолда энг қудратли воситалар ҳам фойда беролмайди. Доимо киччиқроқ истакни сўрагинки, Улуғ Қадимгилар чорловингга жавоб бермасин ва сендан кўра юксакроқ ҳукумронликка эга бўлмасин", деган маънони англатади. Мабодо мен хатога йўл қўйган бўлсам, Сиздан ўтинаман, уни иложи бўлса, тезроқ тузатинг.

Хизматингизда итоаткор қулингиз Н. Жонатан Б."

Дюарт бу хат устида узоқ вақт бош қотирди. Қарангки, унинг бобокалони аллақандай машғулотлар билан шуғулланган, уларга данвичлик Жонатан Бишопни ҳам аралаштирган-у, аммо ўз ҳимоясидаги шеригига ҳамма сирларни очмаган. Дюарт бу машғулотлар мағзини ҳали-ҳануз чақолмас, афтидан, сеҳр-жоду қилган ва арвоҳлар билан суҳбатлашган бўлса керак, деб тусмол қиларди. Бироқ ушбу мактублардаги шаъмалар бир вақтнинг ўзида ҳам шу қадар ғалати, ҳам шу қадар мудҳиш эдики, Дюарт ҳатто булар кийроий ҳазил-мазахнинг бир қисми эмасмикан, деб ўйлашгача бориб етди.

Буни аниқлашнинг, гарчи серзаҳмат бўлса-да, бир усули бор эди, холос. Архамдаги Мискатоник университети кутубхонаси, ҳайтовур, очиқ бўлса керак. Ҳозироқ ўша кутубхонага бориб, Архам ҳафтаномалари тахламларини варақлаш, 1790 йилдан 1815 йилгача бўлган даврда ғалати тарзда ғойиб бўлган ва жасади топилган кишилар номини имкон қадар билиб олмоқ лозим.

Аслида-ку, кутубхонага боргиси йўқ – бир томондан, рўйхатга солиштириб, яна буюмларни текшириб чиқиши зарур, иккинчи томондан, қалин-қалин тахламларни кавлаштиришга кимнинг тоби бор? Бироқ,

нафсиламри, газеталар ўлчами кичик, саҳифалари ҳам оз, кўриб чиқишга кўп вақт кетмайди. Дюарт ҳаялламай йўлга тушди, агар иложини топса, кечгача ўтирса ҳам, шу ишни битиришни кўзларди.

Тахламларни кўздан кечириб бўлганида вақт чиндан алламаҳал бўлиб қолганди. У излаганини 1807 йилги газета саҳифаларидан топди, аммо топгани чамасидан анча кўп бўлиб чиқди. Вужудини қамраган дахшатни бостириш учун лабларини қимтиганча, топилмаларнинг аниқ рўйхатини тузиб чиқди ва уйга етиб келган заҳоти стол ёнига қулай жойлашиб олди-ю, маълумотларни тартибга солиш ва таҳлил этишга киришди.

Дастлаб Вилбур Коури, сўнгра болакай Жедедия Тиндал ғойиб бўлган. Шундан сал кейинроқ яна тўрт-бешта одам йўқолган, охири Жонатан Бишопнинг ўзи ҳам дом-дараксиз кетган! Бироқ Дюартнинг кашфиётлари шу билан ниҳоя топмади. Бишоп ғойиб бўлгунига қадар Коури билан Тиндалнинг мурдалари топилган, уларнинг бири Нью-Плимут яқинидан, бошқаси Кингспортдан чиққан. Коурининг танаси тилка-пора қилиб ташланган, аммо Тиндалнинг жасадида ҳеч қандай зўравонлик аломатлари йўқ эди. Ҳар иккови ҳам ғойиб бўлгач, орадан бир неча ой ўтгандан сўнг топилган. Бу мудҳиш хабарлар Бишопнинг ёзишмалари аҳамиятини оширди, албатта. Бироқ ана шу қўшимча маълумотларга қарамай, воқеалар қай тарзда кечгани ҳамон ноаниқ, уларнинг моҳияти аввалгидек мубҳам эди.

Дюарт холаваччаси Стивен Бейтс ҳақида янаям кўпроқ ўйлай бошлади. Бейтс Массачусетс штатининг илк тарихи бўйича нуфузли олим эди. Боз устига, энг ёпиқ архивларга ҳам кириб бора олардики, Дюартга шу жиҳатдан ёрдами тегиши мумкин эди. Айни пайтда, Дюарт эҳтиёт бўлиш зарурлигини ҳам пайқади; текширувни шошмасдан, ими-жимида олиб бориш лозим, унга иложи борича бошқаларни жалб этмаслик, ҳеч кимнинг диққатини тортмаслик даркор.

Дюарт шу фикрга келгач, яна ўйланиб қолди – бу қадар махфийликка зарурат борми ўзи? Бироқ шу ҳақда ўйлай бошлаган заҳотиёқ ўжарлик билан, барибир, сир тутган маъқул, деган фикрга қайтиб келаверди. Бундан ташқари, ўтмишга нега бунчалик қизиқиб қолганини изоҳлаш учун бирон бир ишонарлироқ баҳона топиб қўйса, нур устига нур бўларди. Дарвоқе, унинг қадимий меъморчиликка қизиқиши айнан шундай дастак бўла олади-ку!

Газета хабарларини Бишопнинг хатларига қўшиб йиғиштириб қўйгач, Дюарт ётоқхонага йўл олди. Чуқур ўйга толганча, жумбокни ечишга чоғланар, газетадан топган маълумотларини изоҳлашга уринар, аммо улар ўртасида арзирли боғлиқлик тополмасди. Бир асрлик ўша воқеаларга беҳаловат қизиқиши сабаб бўлди чоғи, у кечаси туш кўрди. Дюарт шу вақтгача ҳеч бунақа туш кўрмаган эди. Тушига ўлжасини бурда-бурда қилаётган баҳайбат қушлар кирибди. Уларнинг юзи одамникига ўхшар, аммо дахшатли тарзда кинғир-кийшик эмиш. Тушига яна аллақандай Махлуқлар ҳам кирибди, ўзи эса бир қараса, гумашта, яна бир қараса, коҳин эмиш. У эгнида ғаройиб либос билан уйдан чиқиб, ўрмонга, бақа ва ёнарқуртлар ботқоғини ёқалаб, минорага қараб борармиш. Минорада ва кабинет деразасида худди сигнал бераётгандек шуъла ўчиб-ёниб турармиш.

У друидларнинг тош ҳалқаси ичига, минора кўлкасига кирибди ва ўзи очган туйнукдан нарёққа қарабди, сўнг лотин тилини ниҳоятда бузиб,

чайнаб кўкка нидо қилибди. У афсунни уч марта ўқибди ва қум устига белгилар чизибди. Шунда шамолнинг кучли эпкини каби, минорадаги туйнукдан кўрқинчли ва жирканч қиёфали Мавжудот ичкарига отилиб кирибди. Танаси минорани тўлдириб турган Махлуқ Дюартни бир четга туртиб юборганча, девордан ташқарига сузиб чиқибди. У йўл-йўлакай ғўлдираганча, Дюартдан қурбон талаб қилибди.

Шундан сўнг Дюарт тош ҳалқага чопиб борибди-ю, мудҳиш "меҳмон"ни Данвичга йўллабди. Саккизоёқни эсга соладиган, айни пайтда бешаклсуюқ Жонзот дарахтлар орасидан худди шамолдек, ёнбағирликлардан эса худди сувдек елиб-оқиб кетибди. Ўзининг ҳайротомуз, мўъжизакор иқтидори сабаб бу Махлуқ, хоҳишига қараб, қисман ёки буткул кўринмас ҳолатга ўта олар эмиш. Дюарт минора кўлкасида бесас турганча, теваракка қулоқ тутар эмиш, тез орада тун бағрини ёрганча, шовқин-сурон, дод-войлар эшитилибди. Шу овозларни тинглаб, у яна бирпас турибди, шу орада Махлуқ пайпаслагичларида қурбонини чангаллаганча, қайтиб келибди-ю, минорадаги туйнукдан яна ўз маконига қайтибди. Сукунат чўккач, Дюарт уйига қайтиб, ўрнига чўзилибди...

Боёқиш тунни шу зайлда ўтказди, қўрқинчли тушдан тинкаси қуриган чоғи, уйғонганида хийла кўпроқ ухлаб қолганини англади. У ўрнидан озод турган ҳам эдики, оёқлари зирқираб оғриганидан яна тўшакка йиқилди. Оёқлари авваллари оғримагани сабабли уларни синчиклаб кўздан кечира бошлади. Товонлари қонталаш бўлган, бирмунча шишган, тўпиқлари эса шилиниб-тилиниб ётарди. У гўё наъматакка ўхшаш тиканакли буталар орасида изғигандек эди. Дюарт ҳайрон қолди, лекин унга негадир ўзи шундай бўлиши керакдек туюлди. Яна ўрнидан туриб кўрди, шунда кучли оғриқ энди пасайганини сезиб ажабланди. Демак, дастлаб оғриқ кучли бўлгани учун эмас, ногаҳоний бўлгани учун уни эсанкиратиб қўйган экан.

Дюарт пайпоқ ва туфлисини бир амаллаб кийди, оёқлари сал-пал зириллаб турса ҳам, юра олишига ишонч ҳосил қилди. Бироқ оёқ ва тўпиқларидаги жароҳатлар қаердан пайдо бўлди? Уйқуда юриб чиқдим шекилли, деган фикрга келди у дарров. Бу кутилмаган ҳодиса эди, чунки шу пайтгача унда ойпарастлик касали йўқ эди. Буниси ҳам майлику-я, у уйдан чиқиб, ўрмонга борганга ўхшайди, бўлмаса, бу кўкарган, шилинган-тилинган жойлар қаёқда эди! Тунда кўрган тушини аста-секин эслай бошлади, бутунича аниқ эслаёлмаса ҳам, ҳартугул, минорада бўлгани ёдига тушди. У кийиниб, уйдан чиқаркан, ўрмондан ўзимнинг оёқ изларим топилиб колар, дея умид қиларди. Аввалига ҳеч қаерда оёқ излари кўринмади. Бироқ минорага келганида, тош ҳалқаси ёнидаги қумлоқда яланг оёқ изларига кўзи тушди. Улар, хойнаҳой, ўзиники бўлса керак. У кўзга аранг чалинаётган излар ортидан минора ичига кирди ва яхшироқ кўринсин, деб гугурт чақди.

Гугуртнинг заиф ёғдусида баъзи нарсаларни илғади.

Иккинчи чўпни ёқиб, тағин атрофга боқди. Унинг хаёллари қўққис пайдо бўлган хавотир ва ўзаро зид ҳис-туйғулар гирдобида айқаш-уйқаш бўлиб кетди. Дюарт қумлоқ полда, зина бўсағасида ва пиллапояларда чаплашиб кетган, қип-қизил, ёркин доғларни кўрди ва ҳали бармоғини текизмай бурун улар қон эканини билди!

Дюарт доғлардан кўз узолмай туриб қолди, у ҳатто гугурт чўпи ёниб тугагани, бармоқларини куйдирганини ҳам сезмасди. Яна гугурт чақмоқчи

бўлди-ю, аммо журъати етмади. У гандираклаганча, минорадан чиқди-да, тонгги қуёшнинг илиқ нури остида деворга суянганча, туриб қолди. Шу туришида у фикрларини йиғиштириб олишга уринарди. Аниқки, ўтмишни ҳадеб титкилайвериб чакки қилган, шунинг оқибатида, мана, хаёлотига шикаст етиб турибди.

Бундоқ ўйлаб қаралса, минора – доим очиқ. Демак, қуёнми, бошқа бирор жониворми шу ерга ҳаширинши, унга эса, масалан, сувсарми ҳужум қилиши, у ёғига ҳаёт-мамот жанги кетган бўлиши мумкин-ку! Ёинки томдаги туйнукдан бойқуш учиб кириб, каламуш ёки шунга ўхшаш катталикдаги бошқа жонзотга чанг солган бўлса ҳам эҳтимол. Бироқ... қон доғи жудаям катта, қолаверса, бир тутам жун ёки патга ўхшаш далиллар йўққи, бояги тахминни асосласа.

Бир оз кутиб тургандан сўнг у минорага дадил қайтиб кирди-да, яна бир гугурт чўпини ёндирди. У ўз фикрини тасдиқлайдиган бирор далил қидирди, аммо бу уриниши зое кетди. Табиатнинг одатдаги яна бир фожиаси-да, деб изоҳласа бўладиган ҳаёт-момот жангидан ҳеч бир асар йўқ эди. Бошқа хил далиллар ҳам кўзга ташланмасди. Атиги бемаврид жойда қонга ўхшаш доғлар бор эди, холос.

Дюарт буларнинг барини ўша жирканч тушга боғламасдан хотиржам ўйлаб кўришга уринди, бироқ минора ичида қон тўкилганига ишонч ҳосил қилган заҳоти бу алоқадорлик ўз-ўзидан аён бўлди-қолди. Пастлаб учаётган бирон мавжудотдан қон тўкилгандагина шундай доғ пайдо бўлиши мумкин, буни асло инкор этиб бўлмасди.

Дюарт юрак ютиб, шу хулосага келди, буни тан олгач эса, ушбу манзарани ҳам, кечаги қўрқинчли тушни ҳам изоҳлаб беролмаслигига, бундан ташқари, майда-чуйда кўринса-да, аммо жуда ғалати ҳодисалар тобора кўпайиб, бардавомлик касб этаётганини ҳам тушунтириб беролмаслигига иқрор бўлди.

У минорадан чиқди-да, боткоқ ва ўрмонни ёқалаганча, уйига қайтди. Чойшабни кўздан кечириб, оёқ яраларидан юққан қон доғларини кўрди. Шунда у оёқлари янаям чуқурроқ тилиниб, шилинмаганидан афсусланди. Ўшанда минорадаги қон доғларини изоҳлаш осонроқ кечармиди?! Аммо у ўзини ҳар қанча зўриқтириб тасаввур қилмасин, аслида нима бўлганини, барибир, кўз олдига келтиролмади.

Дюарт чойшабни алмаштириб, одатдаги юмушларга уннади – қаҳва қайнатди. Яна ўй-хаёлга берилиб, ўзини гоҳ у, гоҳ бу қутбга ураётганига илк бор иқрор бўлди, назарида, вужудида икки киши яшаяпти-ю, улар бир-биридан фарқли, ҳатто бир-бирига зид нарсаларни хоҳлаётгандек эди. Ҳа, холаваччаси Стивен Бейтсми ёки бошқа бирор одамми уникига меҳмонга келиб, ҳатто бир муддатга бўлса ҳам, ёлғизлик азобидан қутқармаса, бошқа иложи йўққа ўхшайди. Шу хулосага келиши ҳамоно кўнгли дарров бунга қарши чиқиб, табиатига зид тарзда ўжарлик билан туриб олганини ҳис этди. Охири ўз-ўзини Англиядан юборилган буюмларни яна бир сидра кўриб чиқишга кўндирди. Хаёлотини яна қўзғамаслик, мудҳиш тушни тағин эсламаслик учун ҳужжатлар ёки хатларни ўқишдан ўзини тийди.

Пешинга бориб, французлар "ҳаёт қувончи" деб атайдиган ҳолатга шу қадар қайта олдики, энди одатдаги кун тартибига бемалол риоя қила бошлади. Ишларини бир четга суриб, мусиқа тинглагани радиони қўйди, аммо эфирда янгиликлар эшиттирилаётган экан. У беҳафсала тинглай

бошлади. Франциянинг қайсидир намояндаси Саар вилоятидаги можарога муносабат билдирди, Британиянинг қайсидир арбоби бунга ўта дудмол раддия берди.

"Россия ва Хитойдаги очарчилик ҳақида овозалар… Ҳар доим бир хил гап-а", деб ўйлади у. Яна Массачусетс штати губернатори хасталикка чалинибди.

"Архамдан телефон орқали олинган хабар", – деди диктор. Дюарт қулоғини динг қилди.

"Ҳозирча текширилмаган маълумотга кўра, Архамда бир киши бедарак йўқолган. Данвичликлардан бирининг хабар қилишича, ўша ҳудудда яшовчи ўрта ёш фермер Жейсон Осборн тунда тўсатдан ғойиб бўлган. Қўшнилари кучли шовқинни эшитса-да, аммо буни изоҳлай олишмади. Мистер Осборн ёлғиз яшар, бой ҳам эмасди, шу боис уни товон пули ундириш учун ўғирлаб кетишган, деб ҳисоблашга асос йўқ."

Амбрознинг кўнглининг бир чеккасида ҳамон, бу – атиги тасодиф бўлса керак, деган умид яшарди. Бироқ у шу қадар хавотирга тушдики, ётган жойидан ирғиб турди-да, шоша-пиша радиони ўчирди. Сўнгра беихтиёр шошиб Стивен Бейтсга хат ёзишга ўтирди-ю, қандай қилиб бўлмасин тезроқ етиб келишини, ҳозир унинг ёрдамига ниҳоятда мухтожлигини ўтиниб-ёлвориб тушунтирди. Мактубни ёзиб тугатгач, дарҳол почтага йўл олди, аммо кўнглининг бир чеккасида хатни жўнатишга ошиқмай туриш, ўз аҳволини яна бир бор атрофлича ўйлаб кўришга кучли иштиёқ сезаётганини ҳам фаҳмлаб турарди.

У бор иродасини ишга солиб, бу иштиёқни базўр бостирди, Архамга шитоб бориб, хатни почта бўлинмасига топширди. Почтахонанинг икки нишабли томи ва дераза эшиклари, худди мудҳиш сирга шерик эски оғайнилардек, машинада ўтиб бораётган Дюартни мулозамат аралаш муғомбирлик билан кузатиб турарди.

II ҚИСМ

СТИВЕН БЕЙТС ҚЎЛЁЗМАСИ

Холаваччам Амброз Дюартнинг шошилинч чақириғига биноан, ундан хат олганимнинг кейинги ҳафтасида Биллингтонлар ер-мулкига етиб келдим. Шундан сўнг гарчи энг оддий воқеалардан бошланса-да, аммо жуда ғайриоддий оқибатларни келтириб чиқарган бир қатор ҳодисалар юз бердики, шу боис Амбрознинг қўли билан битилган узуқ-юлуқ хабарлар ва турли-туман ёзувларга одамни тонг қолдирувчи ҳикояларимни ҳам қўшишга жазм қилдим.

Ҳаммаси энг оддий воқеалардан бошланди дедим-у, аммо бу унчалик ҳам тўғри эмас. Сўнгроқ каминага аён бўлдики, бирин-кетин юз бераётган ҳодисалар қанчалик пароканда, тасодифий ва ўзаро алоқадор эмасдек кўринмасин, аслида, уларни воқеалар бўлиб ўтган жой, яъни Биллингонлар уйи ва унга ёндош дарахтзор бир занжирга боғлаб турарди. Таассуфки, мен бунга аввал-бошда эътибор бермаган эканман. Ўша пайтда мен холаваччамда руҳий бузилишнинг илк аломатларини сезгандим, бироқ кейинчалик янада даҳшатлироқ бошқа нарса ҳам борлигини кўркув аралаш пайқадим.

Дюарт шахсининг иккига бўлингани кузатишларимни анча кийинлаштирди, зеро, мен, бир томондан, унга дўстона муносабатни сақласам, иккинчи томондан, доим ҳушёр туришимга ҳам тўғри келарди. Бари аввал-бошданоқ кўзга ҳассадек эди. Менга куйиб-пишиб хат ёзган Амброз чиндан ҳам ёрдамга муҳтож эди ва каминадан худди шуни кутарди, бироқ ташрифим ҳақидаги телеграммани олиб, мени Архам бекатида қаршилаган Амброз бетакаллуф, эҳтиёткор ва совуккон эди. У ўз истагини баён этиб, аввал-бошданоқ менинг бу ерда бўлишим икки ҳафтадан ошмаслиги, эҳтимол, ундан ҳам камроқ бўлишини маълум қилди. У хушмуомала, ҳатто илтифотли кўринарди-ю, лекин одамни ҳайрон қолдирар даражада камгап, хуллас, ўша нотекис дастхат билан шоша-пиша ёзилган хатдаги Дюартга сира мос келмасди.

– Телеграмманг келганда англадимки, иккинчи хатим сенга етиб бормабди.

– Йўқ, уни олмадим.

Дюарт елкасини қисиб қўйди-да, бу хатни биринчи мактубни ўқиб, хавотирга тушмаслигим учун ёзганини айтди. Юзага келган машаққатларни ўзим енга оламан, деб умид қиламан, бироқ гарчи илтимосимга кўра зудлик билан етиб келишингга энди зарурат қолмаган бўлса ҳам, барибир, ташрифингдан жуда хурсандман, деди.

Дюарт бор ҳақиқатни охиригача тўкиб солмаганини бутун вужудим билан сезиб турардим. Мен ҳам, ўз навбатида, хатда баён этилган – дарҳол ҳал этилиши лозим бўлган муаммонинг энди аҳамияти қолмаганидан мамнун эканимни айтдим. Бу гапим уни қаноатлантирди шекилли, анча хотиржам тортди, самимий бўлиб қолди, ҳатто Эйлсберига йўл оларканмиз, ўша жойларга доир айрим фикрлари билан ўртоқлашди ҳам. Мен бундан ажабландим, албатта, чунки Дюартнинг Массачусетсга келганига ҳали унча кўп бўлгани йўқ, демакки, бу штатнинг ўтмиши ва ҳозири тўғрисида шунча кўп нарса билиши ажабтовур ҳолат эди. Қолаверса, бу ҳудуд Янги Англиянинг аҳоли энг аввал келиб ўрнашган вилоятлари орасида ҳам энг қадимгиси ва ўзига хоси эди! Меҳмонлар серқатнов Архам ҳам унинг тасарруфидаги шаҳар бўлиб, меъморчиликни ўрганувчи олимлар учун муқаддас зиёратгоҳ деса ҳам бўларди. Чунки бу ердаги томи икки нишабли, эшиги устида ярим айлана шаклида чироқлари бор эски уйлар, шаҳарнинг серсоя, нимқоронғи кўчаларида улардан кейин қад кўтарган, жозибадорликда сира қолишмайдиган грузинча ва грекча уйларни осори-атиқа сифатида ортда қолдирар эди.

Бошқа жиҳатдан, бу ҳудуд тушкунлик, разолат ва инкироздан дарак берувчи Данвичга ўхшаш овлоқ водийлари, шунингдек, сал нарироқда жойлашган, қарғиш теккан Иннсмут денгиз бандаргоҳи билан ҳам доврук таратган эди. Иннсмутда одамларнинг ғалати тарзда ғойиб бўлиши ёки ўлдириб кетилиши, ёввойи диний эътиқодларнинг қайта тикланиши, бошқа жиноятлару инсоний тубанлашувлар ҳақида, одатда, қулоққа шивирлаб айтиладиган шунақанги даҳшатли мишмишлар юрадики, уларни тилга олай десанг, ҳатто тил ҳам айланмайди. Бу кирдикорларни, яхшиси, бутунлай унутган маъқул, чунки улар ков-ков қилинса, шундай гаплар юзага чиқадики, ошкор қилгандан пинҳон тутиш – минг карра аъло.

Шу зайлда суҳбатлашганча, уйга ҳам етиб бордик. Мен бу уйни охирги марта йигирма йил олдин кўрган бўлсам-да, у жуда яхши сақланиб

қолганини пайқадим. Нафсиламри, ўзимнинг ва онамнинг хотирасига кандай мухрланган бўлса, шундай сақланган, яъни ҳалиям бинойидек эди. Юзлаб қўшни уйлар анча эски ва ташландиқ кўринишига қарамай, бу уйга вақт ва каровсизлик жуда кам таъсир ўтказганди. Бундан ташқари, Амброз уни қайта таъмирлаб, жиҳозларни деярли тўлиқ янгилаган эди. У иморатнинг ташқи томонини ўзгартирмаган, фақат олд кисмини бўяш билан кифояланган, шу боис бино ўтган асрга хос қиёфасини сақлаб колганди. Чорси киррали тўртта баланд устун олдинга бўртиб чиққан ва марказга шундай мутаносиб ўрнатилган эдики, бу бинонинг меъморий тарҳи мукаммаллигини чандон оширганди. Ички безаклар ҳам бинонинг ташки киёфасини уйғун бойитган, Амбрознинг таъби уйга номуносиб янгиликлар киритишга изн бермаган, бу эса, мен кутганимдек, ижобий самара берган эди.

Қаерга бокманг, барча ерда Амброз кўп йиллардан буён машғул бўлган ва Бостондаги сухбатимизда ўзиям тилга олган тадкиқот аломатларини кўриш мумкин эди. Бу, асосан, шажарашуносликкa доир изланишлар бўлиб, кабинетдаги сарғайган қоғозлар ва қадимги китоблар буни тасдиқлаб турарди.

Кабинетга кирганимизда, яна бир ғалати ҳолни пайқадимки, бу каминанинг кейинги кидирувларида жуда муҳим роль ўйнади. Амброз бу ердаги ғаройиб дераза-витражга кандайдир фалокатни олдиндан сезган, уни хушёр каршилашга шайланган одамдек назар ташлаганига эътибор бердим. У деразадан юзини четга бурганда эса қиёфасида ташвиш ариганлик ва ҳафсаласи пир бўлганлик ифодалари бирваракайига зуҳур этди.

Бу шунчалар ғайриоддий ҳол эдики, кўнглимга машъум бир туйғу оралади. Лекин ҳеч нима демадим, фақат бир кунми, бир ҳафтами, ундан ҳам кўпрокми вакт ўтиб, Амброз мендан ёрдам сўрашга мажбур бўлган ўша кайфиятга яна албатта тушади-ку, деб ўйладим. Аммо бу фурсат мен тахмин килгандан ҳам анча барвакт етиб келди.

Ўша кечаси алламаҳалгача гаплашиб ўтирдик, унинг толиққани шундок кўриниб турар, кўзлари тез-тез юмилиб кетар эди. Шунда чарчаганимни баҳона килдим-да, уни зўраки илтифот кўрсатиш мажбуриятидан халос этдим ва ўзимга ажратилган хона сари йўл олдим. Аслида-ку, ҳечам толикмагандим. Шунинг учун дарҳол ўринга ётмай, бирпас китоб ўқимоқчи бўлдим. Лекин қўлга олган романим зерикарли экан, ноилож чироқни ўчирдим. Холаваччам чироқларни ўчирмай ухлашга одатлангани ғашимни келтирар, бунга сираям кўника олмасдим. Энди эсласам, ўшанда вакт ярим тунга яқинлашиб колган экан. Мен ечинаётганимда хона ғира-шира эди-ю, аммо коп-коронғи эмасди. Деразадан ой мўралар, унинг хира ёғдусида теваракни кўрса бўларди.

Ҳали ечиниб бўлмаган ҳам эдимки, кўккис кичкирикдан сесканиб кетдим. Уйда Амброз билан мендан бошка ҳеч ким йўк. У бирортасини меҳмонга ҳам таклиф килмаган. Демак, мен кичкирмаган эканман, Дюарт кичкиргани ўз-ўзидан аён. Агар дод солмаган у ҳам бўлмаса, демак, бирорта чакирилмаган меҳмон фарёд кўтарди. Мен иккиланиб ўтирмай, холлга югуриб чикдим. Зинадан тушиб келаётган оқ либосли одамни кўрган захотим унинг ортидан шошилдим.

Шу онда кичкирик яна такрорланди, энди уни аник эшитдим – бу маъносини англаб бўлмас ғалати хайкирик эди – "На! Шаб-Ниггротт! Йа!

Нарлототеп". Шу лаҳзадаёқ овозни ҳам, унинг эгасини ҳам танидим. У холлаваччам Амброз бўлиб, эси оғиб қолган бир ҳолатда эди. Мен унинг қўлидан маҳкам тутдим-да, каравотига қайтармоқчи бўлдим, аммо у менга дарғазаб бўлиб каршилик кўрсатди. Шунда уни қўйиб юбордим-да, ортидан секин эргашдим.

Амброз уйдан чиқиш учун эшикка қараб йўналганида, уни тўхтатишга яна урониб кўрдим. У тағин менга каршилик кўрсатди, у телбавор кучга тўлиб-тошганди , мен эса нега у ҳалиям уйғонмаётганидан ажабланардим. Бу гал тоза ўжарлигим тутди, анча вакт сарфласам ва роса толиқсам ҳам, уни охири ортига қайтаришга, зинадан олиб чиқиб, ётоқхонасига киритишга муваффақ бўлдим, у итоаткорона ўрнига ётди.

Ҳам ҳайрон бўлган, ҳам хавотирга тушган кўйи, холаваччам уйғониб қолишидан чўчиганча, бирпас ёнида ўтирдим. Унинг каравоти қарғиш теккан бобокалонимиз Илиянинг кабинетига қўйилган эди. Дераза-нинг каршисида туриб қолганим сабаб гоҳ-гоҳ ташқарига нигоҳ ташлаб, қадимий тош миноранинг конуссимон томида жилва қилаётган ёғдуга ўхшаш бир нимадан ҳайратга тушдим. Бу сирли ҳодисани анча пайт тек кузатиб турдим-да, бу ой нурида чўмилаётган тошларнинг ажабтовур хусусияти бўлса керак, деган тахминга, барибир, ўзимни ишонтира олмадим.

Охири хонадан чиқдим. Мени уйқу буткул тарк этган, Амброз сабаб бошдан кечирган "саргузашт"имдан сўнг тонг отгунча мижжа қоқмай чиқишим аниқ эди. Хонамнинг эшигини қия очиб қўйдим, холаваччам яна бирор ҳунар кўрсатса, хушёр туришим керак, ахир! У ўрнидан бошқа турмади, аммо тўсатдан беҳаловат уйқусида бир нималар деб ғўлдирай кетди. Мен қанчалик диққат билан эшитмай, у нималар деяётганини фаҳмлай олмадим. Шунда унинг сўзларини ёзиб олиш учун қоғоз-қалам олдим-да, чироқни ёқмаслик учун, ой ёғдуси тушиб турган дераза ёнига келдим. Амброз ғўлдираётган гапларнинг аксари мутлақо маъносиз бўлиб, бу алжирашлар орасидан бирор сўзни ажратиб олиш иложсиз эди. Бироқ орада аниқ-тиниқ гаплар ҳам учраб қолардики, уларни тугал жумлага ўхшаб кетгани учунгина шундай атаса бўларди. Амбрознинг уйқудаги овози нотабиий, ғалати эди. Қисқаси, еттита шундай жумлани аниқладим, уларнинг ҳар бири беш дақиқа оралиқ билан айтилар, бу пайтда Амброз ғўлдирар, йўталар, у ёқдан-бу ёққа ағанарди. Мен бу гапларни бир амаллаб ёзиб олдим ва кейин тузатишлар киритиб, ўқиб бўладиган кўринишга келтирдим. Пировардида эса қуйидаги жумлаларга эга бўлдим, улар боя тилга олганимдек, тушунарсиз тўнғиллашлар билан алмашиниб турарди:

"Йогг-Сототни чорлаш учун сен қуёш бешинчи уйда чиқишини кут, ўшанда Сатурн қулай нуқтага келади, сўнгра Белтайнга ўтар кечаси ёки Барча Авлиёлар Куни арафасида оловли пентаграмма чизиб, тўққизинчи шеърни уч марта такрорла: Махлуқни Йогг-Сотот бўлган Дарвоза ортидаги очиқ фазода намоён бўлишга мажбур эт".

"У жамики илмларга эга; ўтмиш абадиятда Қадимгилар қаерга кетгани Унга маълум; Қадимгилар қандай говни ёриб ўтиб, яна пайдо бўлиши ҳам Унга аён".

"Ўтмиш, ҳозир, келажак – бари Унда жамулжам".

"Айбланувчи Биллингтон шовқин кўтарилишига сабабчи бўлганини тан олмади, шунда ҳиринглаш ва хохолаш янгради, хайриятки, булар унинг ўзигагина эшитилди."

"О-о! Қандай қўланса хид! Қанчалик бадбўй! Йа! Йа! Нарлототеп!"

"Абадият марҳумлар билан чиқиша олмайди, бироқ абадият билан ҳатто ўлим ҳам йитиши мумкин".

"Р'лиедаги уйида, Р'лиедаги катта уйида у ўлиб эмас, ухлаб ётибди..."

Шу қичқириқ ортидан чуқур сукунат чўкди, сўнгра холаваччамнинг бир маромда нафас олиши эшитилди – у, ниҳоят, тинч ва осуда уйқуга кетганди.

Хуллас, Биллингтонлар уйидаги дастлабки соатларим турли-туман ва зидма-зид таассуротлар куршовида ўтди. Бироқ саргузаштларим шу билан якун топмади. Қоғозларимни йиғиштириб, эшикни кия очиқ қолдирганча, энди ўрнимга ётган ва ухлашга чоғланган ҳам эдимки, эшикнинг ногоҳ қаттиқ тақиллашидан чўчиб, ирғиб турдим. Не кўз билан кўрайки, Амброз каравотим олдида тикка турар, қўлларини мен томон чўзиб олганди.

– Амброз, бирор фалокат рўй бердими? – деб сўрадим шоша-пиша.

Унинг бутун вужуди қалтирар, овози ҳаяжондан титрарди.

– Сен ҳам эшитингми? – деб сўради у дудуқланиб.

– Нимани?

– Мана, эшит!..

Бутун вужудим қулоққа айланди.

– Хўш, нимани эшитдинг?

– Шамолда дарахтлар шовуллаяпти.

Унинг юзида заҳарханда акс этди.

– Шамол Уларнинг овози билан бир нималар деяпти, ер эса Уларнинг иродасига бўйсуниб тўнғиллаяпти. Топган гапингни қара, шамол эмиш! Наҳотки шамолнинг ўзигина бўлса?

– Шамолнинг ўзи,–дедим катъият билан мен. – Дарвоқе, бугун кечаси босинкирамадингми, Амброз?

– Йўқ, йўқ! – деди у мени ишонтиришга уриниб, титроқ овозда – Бугун босиринкираганим йўқ. Жиндек безовта бўлдим-у, лекин, хайрият, ўтиб кетди.

Мен гарчи тунги воқеадан хабардор бўлсам ҳам, унга ҳеч нима демадим.

У каравотга ўтирди-да, елкамга меҳр билан қўлини қўйди:

– Стивен, келганингдан жуда хурсандман. Агар қўққис телба-тескари, пойинтор-сойинтор гапира бошласам, эътибор берма. Баъзан хаёлим ўзимда бўлмайди.

– Бу – зўриқиб ишлаганингдан.

– Балки шундайдир, билмадим. – У бошини кўтарганди, ой ёғдусида юзи жиддийлашганини кўрдим. У яна шовқинга қулоқ соларди. – Йўқ, йўқ, – деди у. – Бу дарахтлар баргини шовуллатаётган шамол эмас, ҳатто юлдузлар орасида изғиб юрган шамол ҳам эмас, бу жудаям узоқдаги, ақл бовар қилмас масофадаги алланима. Стивен, наҳотки эшитмаётган бўлсанг?

– Ҳеч нимани эшитмаяпман, – дедим юмшоқлик билан. – Агар бориб ухласанг, сен ҳам ҳеч нимани эшитмайсан.

– Гап ҳечам уйқуда эмас, – деди у бирров эшитиб қолишидан қўрққандек қулоғимга секин шивирлаб. – Уйқуда бешбаттар бўлади.

Мен ўрнимдан туриб, дераза ёнига бордим-да, уни ланг очиб юбордим:

– Қани, яқин келиб қулоқ сол-чи.

Амброз дераза ёнига келди-да, унинг рахига тирсакларини тиради.

– Дарахт баргларининг шовуллашидан бўлак ҳеч нарса йўқ.

У хўрсинди.

– Эртага ҳаммасини айтиб бераман, агарда жазм этолсам.

– Қачон хоҳласанг, бемалол. Аммо сени бирор нима безовта қилаётган бўлса, нега ҳозироқ айтиб бера қолмайсан?

– Ҳозир-а? – У елкаси оша қараганди, чеҳрасида росмана қўркув акс этди. – Шу тобда-я? – Кейин хирилдоқ овозда давом этди: – Илия минорада нима қилганини айтайми? У тошларга қандай ёлворганиними? Адирларга қандай ҳитоб этганиними? Балки осмондан нималар сўраганини айтарман?! Ўлай агар, ўзимам билмайман! Қайси остонада нима писиб ётганини ҳам билмайман!

Одамни гангитиб қўювчи бу ғалати саволлар ниҳоясида у кўзларимга синовчан тикилди-да, бош чайқаб деди:

– Сен ҳам билмайсан, мен ҳам. Лекин, Худо ҳаққи, мудҳиш бир ҳодиса юз беряпти-ю, унинг сабабчиси ўзим бўлмай тағин, деган хавотирдаман. Аммо кимнинг қуткуси билан шундай бўляпти – буни тушунишга ақлим ожиз!

У шундай деб кескин ўгирилди-да, "Яхши ётиб тур, Стивен", деганича хонасига қайтиб, эшикни беркитиб олди.

Мен очиқ дераза ёнида таажжубдан этим сесканганча, бир муддат туриб қолдим. Бу нима ўзи – ўрмондан эшитилаётган шамол шовуллашими? Ёки бирор бошқа нарсами? Ё бўлмаса, кимларнингдир овозими? Холаваччамнинг ғалати хатти-ҳаракати қалбимни ларзага солган, мени ҳам ўз сезгиларимга ишонмасликка мажбур қилган эди. Шамолнинг салқин эпкинини бутун вужудим билан ҳис қилиб турганим шу лаҳзада мени бирдан тушкунлик, умидсизлик қамраб олаётганини пайқадим; атрофтеваракда қуюқлашиб бораётган тубан, маккор ёвузликни қалбимнинг туб-тубигача туйдим; инсон руҳининг энг теран сир-асрорлари устидан бемисл жирканиш ҳис этдим.

Бу хаёлот ўйини эмас, балки ҳаётий воқеалик эди, зеро, мен очиқ деразадан хонага ёприлиб кираётган сарин шабада билан худди булутдек муаллақ турган ёвузлик, даҳшат ва нафрат ўртасидаги зиддиятни ҳис қилдим. Ўша "булут" ётоқхона деворларига писиб-биқиниб, мени кўзга кўринмас тумандек ўраб олаётганини пайқадим. Мен деразадан узоқлашиб, залга йўл олдим. Лекин ўша ғалати ҳиссиёт бу ерда ҳам мени тарк этмади, зулмат ичра пастга тушсам ҳам, ҳеч қандай ўзгариш бўлмади: бу қадимий уйда ҳалокат ва ёвузлик ҳар қадамда биқиниб ётар, улар холаваччамнинг руҳиятига таъсир кўрсатмай иложи йўқ эди.

Мен бор иродамни тўпладим-да, қалбимдан тушкунлик, умидсизликни ҳайдаб солдим, девор қаъридан сизиб чиқаётган ва мени тўрт тобора қуршаб олаётган ёвузлик қуйқасини ўзимга яқин йўлатмаслик учун ақл билан иш тутиш керак, дедим ўз-ўзимга. Бу – вужудсиз бир душман билан олишув эдики, унинг куч-қудрати мен – вужудли рақибиникидан икки баравар кўп эди.

Хонамга қайтганимда эса иккиланаётганимни, ухлашга ётишни хоҳламаётганимни тушундим. Ухлаб қолиб, ана шу ғаддор, маккор кучнинг қурбони бўлишни истамадим, чунки ўша ёвуз куч шу уйни ва холаваччам Амброзни аллақачон ўз измига олган ва энди мени ҳам тузоққа тушириш пайида эди.

Шу боис мен куш уйқусида андак мизғиб олмоқчи бўлдим. Бир соатча кейин ёвузлик, даҳшат, нафрат ҳисси аста-секин сусайди, охири қандай тўсатдан пайдо бўлган бўлса, шундай тўсатдан йўқолди-қолди. Бу пайтда ўзимни анча бардам ҳис этардим, шу сабаб қаттиқроқ ухлашга уринмай қўя қолдим.

Тонгда туриб кийиндим-да, пастга тушдим. Амброз ҳали ҳам кабинетда эди, бу менга айрим қоғозларни кўриб чиқишимга имкон берди. Улар ниҳоятда хилма-хил бўлса-да, лоақал бирортаси, масалан, Амбрознинг хатига ўхшаб, шахсий мазмунга эга эмас эди. Улар турли-туман қизиқарли воқеалар, айниқса, Илия Биллингтон иштирокидаги баъзи ҳодисалар тўғрисида газетада босилган мақолалар нусхалари эди. Америка ҳали ёш бир мамлакат бўлган пайтлар, Амбрознинг дастхати билан "Р. Биллингтон" дея белги қўйилган "Ричард Беллинхэм ёки Боллинхэм" бош қаҳрамон ролини ўйнаган ҳодисаларга оид ҳикоя ҳар хил қайдлар билан бўяб ташланган эди. Данвич атрофларида икки кишининг ғойиб бўлгани тўғрисида яқинда босилган газета хабарлари кирқими ҳам учрардики, уларга Архамга келмасимдан аввал Бостон газеталарида кўзим тушган эди. Ғаройиб коллекцияга бирров кўз ташлашга улгурмасимдан холаваччамнинг оёқ товушлари эшитилди, мен бу машғулотни тўхтатиб, уни кута бошладим.

Кабинетга киришдан пинҳона бир мақсадим бор эди – Дюартнинг витражли катта деразага муносабатини кузатмоқчи бўлгандим. Кутганимдек, у хонага кирган ҳамоно беихтиёр елкаси оша ўша ёққа қаради. Бироқ ҳозирги Амброз мени кеча Архамда кутиб олган одамми ёки тунда менга дилини ёрган холаваччамми – шуни аниқлай олмасдим.

– Барвақт турибсанми, Стивен! Ҳозир нонушта тайёрлайман. Дарвоқе, қаердадир янги газета ётувди. Архамда қишлоқ почтасига кўникишга тўғри келяпти. Шаҳарга энди тез-тез қатнаётганим йўқ. Почтальон болага шунча ердан газета олиб келтиришга эса отнинг калласидек ҳақ тўлаш керак. Ҳатто гап, нимайди... ҳалиги мавзуда борган тақдирда ҳам... – у чайналиб тўхтаб қолди.

– Қанақа мавзуда? – деб дангалига сўрадим мен.

– Шу уй ва шу яқиндаги дарахтзор мавзуида.

– Ҳмм...

– Бирор гап эшитганинг борми?

– Фақат унча-бунча...

У менга қаттиқ тикилганча, бир муддат туриб қолди, шунда тушундимки, боёқиш иккиланяпти – менга ниманидир айтгиси бор-у, аммо қай бир сабабга кўра, дангал суҳбатдан хавфсираяпти. У ўгирилиб, кабинетдан чиқиб кетди.

"Янги" дегани ўтган кунги газета экан, лекин шу тобда унга ҳам, бошқа ҳужжату қоғозларга ҳам тоқатим йўқ эди – дарҳол ўша ажабтовур деразага ўгирилдим. Амброз бу деразадан қаттиқ кўркади, айни пайтда ундан қандайдир ҳузур ҳам олади ёки, янаям аниқроғи, борлиғининг бир қисми ундан хавотирланса, иккинчи қисми роҳатланади.

Мен деразани ҳар хил жойдан синчиклаб ўргандим. Унинг безаги, шубҳасиз, ноёб бўлиб, рангли шишалардан ясалган ва халқа ичига халқа киритилган, қоқ марказдан эса ҳар томонга нурлар таралган эди. Рангли шишалар ҳар хил тусда бўлиб, марказга яқин жойлашган баъзилари од-

дий шишадан эди. Менингча, ҳам Европа, ҳам Америка ибодатхоналарида бунақаси учрамайди. На андоза, на бўёқ жиҳатидан айнан шунақаси йўқ, Европа ва Америка шишалари бошқачароқ бўлади.

Рангли ойналар ҳайратомуз уйғунлиги билан диққатни тортар, бамисоли бир ранг товланиб, бошқасига кўчаётгандек бўлар, айни пайтда улар ўзининг хилма-хил – зангори, сафсар ва ҳоказо тусини сақлаб қолаётгандек ҳам туюларди. Улар ташқи ҳалқаларда қанчалик оч рангда бўлса, марказий "кўз"га яқинлашгани сари тўқлашиб борарди. Энг ўртадаги тўқ рангли ҳалқадан энг чеккадаги ҳалқагача "очилиб" ёхуд, аксинча, энг чеккадаги оч рангли ҳалқадан энг ўртадаги ҳалқага томон тўқлашиб борарди. Диққат билан қаралса, шу ранглар ҳаракатланаётгандек, гўё чарх ура-ура, биргаликда сузиб бораётгандек кўринарди.

Аммо холаваччамни безовта қилаётган нарса, чамаси, бу эмас эди. Мен каби Амброз ҳам тез фурсатдаёқ шундай хулосага келган, ҳалқалар ҳаракати ҳам уни хавотирга солмаган. Аммо деразага узоқ вақт қараб турилса, шу хил таассуротдан қочиб қутилиш қийин. Зеро, мазкур безак номаълум мусаввирдан фавқулодда техник қобилият ва хаёлот уйинини талаб қилган аниқ.

Мазкур ҳодисани илмий изоҳлаш мумкин – мен буни тезда англаб етдим, аммо бу ғалати деразага қанчалик синчиклаб тикилсам, кўнглимни алғовдалғов қилувчи мубҳам ҳиссиёт шунчалик кучаяр ва уни ақлга бўйсундириш осон кечмас эди. Назаримда, вақти-вақти билан деразада қандайдир манзара ёки кимнингдир қиёфаси қўққис пайдо бўлиб қолар, аммо бу тасвирлар шишага туширилмаган, унинг қаридан сизиб чиқар эди.

Мен бу ёруғлик ҳодисасини нурлар таъсири билан изоҳлаб бўлмаслигини тушундим, чунки дераза кунботарга қараган бўлиб, шу пайт сояда қолган, бунинг устига, шу атрофда ойнага шуъла ташлаши мумкин бўлган ҳеч нарса йўқ эди. Мен китоб жавони устига чиқиб, оддий шишали марказий ҳалқадан қараганимда, бунга узил-кесил ишонч ҳосил қилдим. Деразадан нигоҳимни узмай синчиклаб ўрганиб чиқдим, бироқ бари аввалгидек ноаниқ бўлиб турар, айни пайтда бу сир менга ҳеч тинчлик бермасди.

Ҳолаваччам нонушта тайёрлигини айтиб, ошхонага чақирди. Деразадан кўз узарканман, бу кузатишни якунлашга ҳали вақтим етарли, деб ўзимни ишонтирдим. Амброзни безовта қилаётган нарса нималигини аниқламагунча Бостонга қайтмасликка қарор қилдим. Мени-ку ўзи чақириб олди, аммо нега энди дилидагини тўкиб солмаяпти? Ёки бунга жазм этолмаяптимикан?

– Илия Биллингтон ҳақида баъзи маълумотларни топган кўринасан, – дедим стол ёнига ўтираётиб.

У бош ирғади:

– Осори-атиқалар ва шажарашуносликка қизиқишимни биласан. Сен ҳам қарашиб юборсанг, ёмон бўлмасди…

– Тадқиқотларинггами?

– Ҳа.

Мен бош чайқадим:

– Менингча, аралашмаганим маъқул. Аммо бу газеталардан бирор гап чиқиб қолса ажабмас. Агар қарши бўлмасанг, уларни бир кўриб чиқсам, дегандим.

У тараддудланиб қолди, буни истамаётгани яққол кўриниб турарди. Аммо… нима учун?

– Нега карши бўларканман, бемалол кўриб чиқавер, – деди у лоқайдгина. – Ўзим улардан арзигулик ҳеч нарса тополмадим. – У мени ўйчан кузатган кўйи қаҳвадан бир-икки ҳўплади. – Биласанми, Стивен, бу масалада шунчалик чалкашиб кетдимки, калаванинг учини тополмай бошим қотган. Лекин, ҳар қалай, мубҳам бир туйғу сира тинчлик бермаяпти. Чамаси, бу ерда қандайдир даҳшатли ҳодисалар юз беряпти, аммо уларнинг олдини олса бўлади. Фақат қандай қилиб, қанийди шуни билолсам…

– Қанақа воқеаларни айтаяпсан?

– Кошки ўзим ҳам билсам.

– Жумбоқли гапирадиган бўлиб қолибсан, Амброз.

– Ҳа! – деди у деярли қичқиргудек бўлиб. – Бошдан-оёқ жумбоқ ҳамммаси. Бари шунчалик чалкашиб кетганки, ўзим ҳам аросатда қолганман. Аввалига ҳамма бало Илиядан бошланган, деб ўйлардим, аммо энди фикрим ўзгарди… Бу ғалва-машмашалар қачон тугаши ҳеч кимга аён эмас.

– Шунинг учун ёрдамга чақирганмидинг? – Мен рўпарамда холаваччам – тунги сухбатдошим ўтирганидан хурсанд эдим.

У бош ирғади.

– Ундай бўлса, мен келгунимча нималар қилганингни бир бошдан айтиб беришинг керак.

У нонуштани ҳам эсидан чиқариб, кўчиб келган кунидан буён бу ерда қандай воқеалар юз берганини шоша-пиша ҳикоя қила кетди. Бироқ кўнглидан ўтган шубҳа-гумонлар ҳақида ҳеч нима демади, буларнинг асосий масалага ҳеч қандай алоқаси йўқ, деб кўя қолди. Амброз қўлга киритишга муваффақ бўлган ҳужжатлари – Лааннинг кундалиги, юз йилдан ҳам олдинроқ Илия билан Архам аҳолиси ўртасида бўлиб ўтган тўқнашув ҳақидаги газета мақоласи, руҳоний Вард Филипснинг мактублари ва ҳоказоларни мухтасар санаб ўтди. Сўнгра, мен чиқарган хулосаларга келишинг учун буларнинг барини ўрганиб чиқишинг керак, деб таъкидлаб кўйди.

Ҳа, жумбоқ деганлари чиндан ҳам қалашиб ётарди. Аммо холаваччам бу улкан бошқотирманинг алоҳида қисмларини, улар бир қарашда нечоғли пароканда кўринмасин, барибир, қўлга киритишга муваффақ бўлибди, деган таассурот қолди менда. У келтирган ҳар бир янги далил билан танишар эканман, Амброз қандай тузоққа тушиб қолганини янаям аниқроқ ҳис қила бошладим. Мен уни тинчлантиришга уриндим, нонуштани охирига етказишга ва агар ақлу ҳушидан айрилиб қолмай деса, бу ҳақда кечаю кундуз ўйлаверишни бас қилишга кўндирдим.

Нонуштадан кейинроқ мен Амброз қидириб топган ёки қоғозга туширган барча ҳужжатларни холаваччам белгилаган тартибда диққат билан ўрганиб чиқдим. У стол устига кўйган хилма-хил қоғозларни кўриб чиқишга бир соатдан мўлроқ вақтим кетди. Бу чиндан ҳам, Амброз айтганидек, чигал жумбоқ эса-да, барибир, уни ечиш қизиқарли эди. Турфа ҳужжатларда тарихдек сочилиб ётган далиллардан бирор хулоса чиқариш мумкиндек туюларди.

Энг биринчи, энг салмоқли далил шу эдики, Илия Биллингтон аллақандай махфий бир иш билан шуғулланган. Бу ишни аввал Ричард

Биллингтон бошлаган-у, кейин Илия давом эттирган бўлса ҳам ажабмас. Ҳар қалай бу ишда ёвузликни юзага келтирувчи нимадир бўлган, бироқ буни тан олган ҳолда маҳаллий аҳолининг бидъат-хурофотга берилгани, ҳақиқат билан афсонани қориштириб юборганини ҳам ҳисобга олиш лозимки, шулар сабаб энг оддий вокеа ҳам ғаройиб чўпчакка айланиши ҳеч гап эмас. Ҳозирча фақат бир нарса аниқ – бу ерликлар Илия Биллингтонни ҳам ёмон кўрган, ҳам ундан кўрққан, бунга, асосан, Биллингтон дарахтзоридан гўё тунда эшитилиб турган товушлар сабаб бўлган. Иккинчи томондан, руҳоний Вард Филипс, мухбир Жон Друвен ва Илия Биллингтон уйига ташриф буюрган уч кишидан яна биттаси, аслида, оми қишлоқи одамлар эмас эди.

Шу жентелменлардан жиллақурса иккитаси Биллингтоннинг машғулотлари ёвузлик руҳида эканига ишонарди. Бироқ уларнинг қўлида қандай далиллар бўлган? Очиғини айтганда, буларнинг бари мубҳам, мужмал эди.

Биллингтонлар уйи ёнидаги ўрмондан жонли мавжудотлар "қичқириғи" ёки "инграши"га ўхшаш қандайдир ноаниқ товушлар эшитилган. Биллингтоннинг асосий рақиби – Жон Друвен шу ҳудудда ғалати тарзда ғойиб бўлган ва жасади ҳам ғалати алфозда топилган. Шу вокеадан анча кейин ҳам одамлар йўқолиб, мурдаси топилиши давом этаверган. Текширишлар натижасига кўра, ўлим жасадлар топилишидан сал олдинроқ юз берган. Одам йўқолишидан мурда топилгунича орадан бир неча ҳафтадан бир неча ойгача вақт ўтган ва нега шундайлигига бирор сабаб келтирилмаган.

Друвен ўз айблов мактубида Биллингтонлар уйига ташриф буюрган учта жентелменнинг таомига Илия хотирани ўчирувчи бирор нима қўшиб қўйган, деган тахминни билдиради. Бу эса, табиийки, меҳмонлар нимани-дир кўрган, деган фаразга олиб келади. Лекин буни ҳечам қонуний далил деб ҳисоблаб бўлмасди. Илия Биллингтон тириклигида унга қарши қўзғатилган ва катта шов-шувга сабаб бўлган суд ишига доир бор-йўқ маълумотлар шу эди, холос. Бироқ ўтмишдаги ва ҳозирдаги далил, тахмин ва ишораларни ўзаро қиёслаш унга айб тақаган Друвен ва бошка кимсаларга бетакаллуфлик билан кўрс жавоб қайтарган ҳамда ўзини айбсиз деб даъво қилган Илия Биллингтонни буткул ўзгача қиёфада гавдалантирар эди.

Илия Биллингтон руҳоний Вард Филипснинг "Янги Англия Ханаанида юз берган сирли вокеа-ҳодисалар" номли китобига Жон Друвен ёзган тақризни танқид қилаётиб: *"...дунёда шундай нарсалар борки, уларни ўз ҳолига қўйган ва беҳуда тилга олмаган маъқул"*, деб ёзган сўзлари ана шу даллиларнинг энг биринчиси бўлди. Илия Биллингтон нима ҳақида ёзаётганини яхши билган бўлса керакки, руҳоний Вард Филпс унга кескин жавоб қайтарган.

Башарти шундай бўлса, ўсмир Лаан кундалигида пала-партиш баён этган вокеалар алоҳида аҳамият касб этади. Улардан эса ўрмонда чиндан ҳам қандайдир ҳодисалар юз берган ва бунда Илия Биллинтоннинг қўли бўлган, деган хулоса келиб чиқади. Бу – холаваччам Амброз аввал тахмин қилганидек, контрабанда бўлмаса керак, чунки контрабанда молларни олиб ўтиш Архам газеталари ва Лаан кундалигида тилга олинган ғалати товушларни юзага келтириши ҳечам ақлга тўғри келмайди.

Йўқ, бу ерда гап янаям ғаройиб бошқа нарса ҳақида кетаётган бўлса керак. Бунинг устига, мени кундаликдаги бир ёзув билан ўзим шу кеча бошдан кечирган воқеа ўртасида ўхшашлик борлиги ҳам ўйга, ҳам хавотирга солар эди. Болакай Лаан яқин кишиси – ҳинду Квамис тиз чўккан кўйи ўз тилида тушунарсиз сўзларни баланд овозда айтгани, улар орасида "Нарлато" ёки "Нарлотеп" га ўхшаш сўзларни аниқ эшитганини ёзади. Бугун тунда мени холаваччамнинг босинқираган овози уйғотиб юборди, ўшанда у "Йа! Нарлатотеп" дея қичқирди.

Кундаликни ўқир эканман, хаёлимдан яна бир фикр ўтди. Назаримда, кундаликда етишмаётган саҳифалар текширув ўтказаётган уч киши Илия Биллингтонникига ташриф буюрган вақтга тўғри келгандек эди. Мабодо шундай бўлса, болакай кўрган ва битган воқеа ҳақиқатни аниқлашга ёрдам берган бўлармиди? Ўша ташрифдан кейиноқ отаси бу ёзувларни кўриб қолган ва улар қайд этилган саҳифаларни йиртиб олиб, йўқотиб юбормаганмикан? Бироқ у ҳолда Илия кундаликнинг ўзини ҳам йўқ қилиб юбориши мумкин эди-ку?

Агар у чиндан-да разил ишларга аралашиб қолган бўлса, Лааннинг кундалигидаги ёзувлар уни фош этувчи ҳужжатга айланарди. Бироқ энг муҳим ёзувлар айнан йиртиб олинган саҳифалар ортидан келади. Балки Илия уни айбловчи саҳифаларни йўқ қилган пайтда, ундан олдингилари ўзига қарши гувоҳлик бера олмайди, деб ҳисоблагандир. Эҳтимол кундаликни ўғлига қайтариб бериб, бунақа гапларни бошқа ҳеч қачон ёзмаслик ҳақида қасам ичдиргандир. Энди фараз қилайлик: Лаан сўзида турмаган, айнан шуниси менга кундалик сақланиб қолганию холаваччам Амброз уни топиб олганига энг мақбул изоҳ бўлиб кўринарди.

Бироқ "Янги Англиядаги иблисона ишлар ва иблислар тўғрисида" деган қизиқарли ҳужжатдан олинган кўчирма таққосланаётган далиллар орасида энг хавотирлиси эди: *"...Ёвузлик китобларини ўқиб, таълим олган, ёввойи ҳиндулардан бўлмиш афсунгар Мисквамакус йўлдан оздирган Ричард Биллингтон исмли кимса ўрмонда тошлардан катта ҳалқа ясаб, унинг ичида Иблисга илтижо қилган ҳамда Кўҳна ва Янги аҳд нафрат билан қораловчи айрим жодугарлик амалларини қўшиқлар айтиб бажарган. Ўзи тунда осмондан ерга чорловчи Мавжудотдан қаттиқ қўрқишига иқрор бўлган. Ўша йили ўрмонда, Ричард Биллингтоннинг тош ҳалқаси яқинида еттита қотиллик юз берган..."*

Ушбу парча, икки сабабга кўра, бундай ваҳимали фикрга олиб келади. Ричард Биллингтон қарийб икки аср мукаддам яшаган. Аммо ўшандан бери анча вақт ўтганига қарамай, унинг давридаги воқеалар билан Илия Биллингтон давридаги ҳодисалар, қолаверса, Илия Биллингтон давридаги воқеалар билан ҳозирги даврдаги ҳодисалар ўртасида боғлиқлик бор. Илия яшаган даврда тош ҳалқа бус-бутун бўлган ва унинг ёнида сирли котилликлар юз берган эди. Бизнинг давримизда эса тош ҳалқадан вайрона қолган, аммо, барибир, яна узлуксиз қотилликлар бошланган. Турли вазияту шароитларни назарда тутган тақдиримизда ҳам бу ўхшашликларни шунчаки тўғри келиб қолиш деб ҳисоблаб бўлмас эди.

Хўш, тасодифий ўхшашликни соқит қилсак, унда нима қолади ўзи? Илия Биллингтоннинг бир талай кўрсатмалари, чунончи, Амброз Дюартга ва бошқа ҳар қандай меросхўрга адирларга чорламасликни тайинлагани қолади. Ричард Биллингтон "тунда осмондан ерга Мавжудот-

ни чорлагани" ва ўзи ундан қаттиқ қўрққани ҳақидаги гувоҳликни эсга олайлик. Башарти тасодифий ўхшашлик истисно этилса, ана шу умумийлик қолади. Аммо бу ўхшашликдан кўра ҳам ақл бовар қилмас бир гапку! Ҳартугул жумбоқнинг калити бор эди. Илиянинг васиятномасидаги кўрсатмалар ҳар қанча тушунарсиз бўлмасин, барибир, у кўрсатмалар маъноси "ўрмондаги Биллингтонлар уйи номи билан маълум гўшада қолдирилган китоблардан" топилади, деб таъкидлаб кетган. Хуллас, ўша калит шу ердан, яъни аниқроғи, шу кабинетдан топилади.

Бу жумбоқ менинг содда ва лақмалигимни расмона синовдан ўтказди. Агар Илия Биллингтон қандайдир махфий иш билан шуғулланган ва буни ҳинду Квамисдан бошқа барчадан сир тутганини эътиборга олсак, у Жон Друвенни нега бир йўлини топиб йўқ қилганини тушуниш мумкин. Бундан келиб чиқадики, унинг машғулоти қонунга хилоф бўлган. Бунинг устига, Друвенга қилинган суиқасд усули нафақат Илиянинг ўзи, балки у қўллаган ўч олиш усули ҳақида ҳам баъзи фаразлар туғдирадики, бу усул Данвичда юз берган бир қанча қотилликларни беихтиёр эсга солади. Шу тариқа Илия Биллингтон Жон Друвенни гумдон қилган, деган дастлабки тахминдан бошланиб, у бошқа қотилликларга ҳам дахлдор, деган яна бир фаразда туговчи мантиқий занжир ҳосил бўлади. Барча ҳолларда айнан шу бир усул қўлланган.

Биз ён беришни талаб этувчи бир қанча гумону фаразларга дуч келамиз, бироқ уларга ён бергудек бўлсак, охир-оқибат мўлжални буткул йўқотиб, аросатда қолиб кетишимиз мумкин. Шу вақтгача жўяли деб келинган фаразлардан воз кечиб, барини қайтадан бошлаш тақозо этиларди. Мабодо Ричард Биллингтон чиндан ҳам тунда осмондан бирор нимани чорлаган бўлса, у нима бўлиши мумкин?

Фанга номаълум ўша "Мавжудот"ни алақачон қирилиб кетган, аммо икки аср олдин бирдан қайта пайдо бўлган птеродактил деб тасаввур қилиш мумкин, холос. Аммо бу тахмин менга бошқа фаразлардан кўра ҳам ишонарсизроқ бўлиб туюлди.

Чунки фан птеродактиллар ҳақида аллақачон узил-кесил ҳукмини чиқариб бўлган, аммо манови учар "Мавжудот" ҳақида эса у ҳеч қандай маълумотга эга эмас. Бундан ташқари, ҳеч ким ҳеч ерда ўша "Мавжудот" учади, деб ёзиб ҳам қолдирмаган. Бироқ агар у учишни билмаса, осмондан қандай қилиб ерга тушди?

Мен бошимни чайқар, саволларим кўпайиб борарди. Шу пайт юзида зўраки жилмайиш билан холаваччам кириб келди.

– Хўш, қалай, Стивен? Тошёнғоқ эканми ҳаммаси?

– Ҳадеб шу ҳақда бош қотираверсанг, бундан ҳам бешбаттар бўлиши аниқ. Илия ёзиб қолдирган васиятда жумбоқнинг калити шу китобларда дейилади. Уларни ўқиб кўрдингми ўзи?

– Калит китобларда дейсанми, Стивен? Уларда ҳеч қанақа калит йўқ.

– Бу фикрингга қўшилмайман, Амброз. Калит бор, бор бўлганда ҳам бир эмас, бир қанча – Нарлатотепми ёки Нарлотепми, Йог-Сототми ёки Йогг- Сототеми, калит бўлмай, нима булар? Лааннинг кундалигида, миссис Бишопнинг ғўлдирашида, Жонатан Бишопнинг хатларида ҳам шу сўзлар учрайди, ахир! Бундан ташқари, Жонатаннинг хатларида яна талай иловалар борки, уларни ҳам мана шу қадимий китоблардан излаб топишимиз мумкин.

Мен яна Бишопнинг хатларини мисол қилиб келтирдим, улардаги қотилликларга доир маълумотларни Амбрознинг ўзи ҳам Архам газеталаридаги хабарлар билан қиёслаб чиққанини эслатдим. Мактубларда ҳам дилимда хавотир уйғотувчи ўхшашлик кўзга ташланарди, аммо мен Амброзга бу ҳақда гапириб ўтирмадим, ўзи шундоғам уйқусида ҳаловат бўлмаганидан аҳволи яхши эмасди. Шуни назардан қочирмаслик лозимки, Жонатон Бишопнинг кетидан айғоқчилик қилиб юрган сурбет одамларнинг ҳаммаси аввалига ғойиб бўлган, кейин эса мурдалари топилган эди.

Илия Биллингтоннинг ишларига доим тумшуғини тиқиб юрган Жон Друвеннинг бошига ҳам шундай қулфат тушган. Бунинг устига, юз берган воқеаларга ақл бовар қилмаслиги ҳақида нима деб ўйламайлик, Жонатон Бишоп тилга олган одамлар чиндан ҳам ғойиб бўлганини инкор этиш даргумон – уларнинг ўлими ҳақида барча газеталар ёзган, ким ҳоҳласа, ўқиб кўриши мумкин.

– Ҳатто шундай бўлган тақдирда ҳам, – деди Амброз ҳужжатлардан кўз узиб унга қараганимда, – барибир, ишни нимадан бошлашни билмайман. Бу ердаги китобларнинг ҳаммаси ҳам қадимий, қолаверса, аксарини ўқиш осон эмас. Айрим жилдларни муқоваланган қулёзмалар деса ҳам бўлаверади.

– Ҳечкиси йўқ, вақтимиз ошиб-тошиб ётибди. Ҳаммасига бир кунда улгуриш шартмас-ку, ахир.

Амброз бу гапимдан енгил тортгандек бўлди, лекин, афтидан, суҳбатни давом эттириш нияти ҳам йўқ эмас эди. Аммо шу пайт асосий кириш эшиги тиқиллаб қолди-ю, у меҳмонга пешвоз чиқиш учун ўрнидан турди. Амброз кимнидир ичкарига таклиф этаётганнини эшитдим-у, стол устида ёйилиб ётган газета ва ҳужжатларни шоша-пиша йиғиштиришга тушдим. Меҳмонлар икки киши эди, Амброз уларни кабинетга олиб кирмади. Ярим соатча вақт ўтгач, уларни бошқа хонадан кузатиб, яна кабинетга қайтди.

– Маҳаллий мансабдорлар келган экан, – деди у. – Данвич атрофида юз берган қотилликларни, аниқроғи, одамларнинг ғойиб бўлишини текширишаётган экан. Уларнинг аҳволини тушунаман – жуда дахшатли воқеалар содир бўляпти. Башарти аввалги қурбон сингари буларнинг ҳам мурдасини топишса, бу фожиа Архамда ҳали узоқ вақтгача унутилмайди.

Данвич машъум донг таратганини мен ҳам қистириб ўтдим.

– Уларнинг сенда нима иши бор экан, Амброз?

– Афтидан, маҳаллий аҳоли қичқириқ ва дод-фарёд овозини эшитиб, шикоят қилган. Уйим Осборн йўқолган ерга яқинлиги учун сиз ҳам бирон нима эшитмадингизми, деб сўрагани келишибди.

– Сен ҳеч нима эшитмагансан, тўғрими?

– Албатта-да...

Ўтмишдаги ва ҳозирдаги ўч олиш усули мудҳиш тарзда мос тушаётгани унинг хаёлига ҳам келмаяпти шекилли ёки буни хаёлига келтирган тақдирда ҳам ташига чиқармаяптимикан? Мен унинг диққатини шу масалага тортмаслик учун сухбат мавзуини ўзгартирдим.

Газеталарни йиғиштириб қўйганимни айтиб, тушликдан аввал бир сайр қилиб келсак, нима дейсан, тоза ҳаво сенга фойда берармиди, дедим. У мамнуният билан рози бўлди.

Уйдан чиқдик. Юзимизга совуқ эпкин урилди, бу – қиш яқинлашиб қолганидан дарак эди. Дарахтлар остига тўкилаётган заъфарон япроқларга қараб, уларга қадимги друидлар қанчалар эҳтиром билан боққанини хавотир аралаш эсладим. Чамаси, бу минора яқинидаги тош ҳалқа ҳақида муттасил ўйлайверганимдан юзага келган оний таассурот эди. Қолаверса, "сайр" ҳақидаги таклифим замирида ҳам минорани холаваччам ҳамроҳлигида кўришдек яширин ният ётарди. Бу истагим унга маълум бўлиб қолишини истамасдим, албатта, бироқ қулай фурсат туғилса, бу хоҳишимни ёлғиз амалга оширишим муқаррар эди.

Мен минора билан уй оралиғидаги ботқоқлик ёқалаб ўтувчи йўлни танладим. Биз ботқоқликни четлаб ўтиб, Мискатоник ирмоғининг қуриган ўзани бўйлаб минорага жануб томондан яқинлашдик. Холаваччам дам-бадам бу дарахтлар узоқ замонларда экилганига диққатимни тортар, уларда болта ёки арра тиғидан қолган из йўқлигини таъкидларди. У буларни фахрланиб айтяптими ёки хавотирланибми, билиб бўлмасди. Кекса эманлар друидлар дарахтларига ўхшашини айтганимда эса у менга синчков нигоҳ ташлаб қўйди.

– Друидлар ҳақида нималарни биласан? – дея қизиқсиниб сўради.

Баъзи нарсаларни билишимни айтдим. Қадимги динлар билан друидлар эътиқоди ўртасида ўхшашлик борлигини ҳеч ўйлаб кўрмаган эканман. Бу етти ухлаб тушимга кирмаганини очиқ тан олдим. Асотирларнинг яралиш усуллари, асос-моҳиятига кўра, бир хил, уларнинг бари номаълумлик олдидаги қўрқув ёки шунчаки қизиқиш окибатидир. Бироқ асотирлар билан диний эътиқодлар ўртасидаги фарқни аниқ ажрата олиш зарур. Худди шунингдек, бир томондан, бидъат ва афсона, иккинчи томондан, диний эътиқод ва ахлоқ ўртасида ҳам тафовут мавжуд. Амброз бу гапларимни сукут сақлаб тинглади.

Биз индамай кетиб борар эканмиз, ногаҳон ғалати бир воқеа юз берди. Ўшанда ирмоқнинг куриб қолган ўзанига етиб келгандик.

– Мана, Мисквамакусга ҳам етиб келдик, – деди у бирдан ҳирқираган овозда.

– Бу нима деганинг? –деб сўрадим таажубланиб.

Амброзменга юзини бурганда, кўзлари аланг-жаланг бўлиб қолганини кўрдим. У дудуқланиб деди:

– С-с-сен н-н-ни-ма д-д-де-динг, Стивен?

– Жилғанинг номини қандай атадинг?

– Ҳеч нима демадим – деди у бош чайқаб. – Уни бирор ном билан атаган бўлишим мумкин эмас, чунки унинг бирор номи бўлганидан бехабарман.

Холаваччам астойдил ҳайратланиб, ҳатто сал қизишиб ҳам кетди. Унинг қандай аҳволдалигини кўриб, қисти-бастига олиб ўтирмадим. Менга шундай эшитилгандек бўлди, ёки хаёлотим панд бердимикан-а, деб кўя қолдим. Ваҳоланки, шу ўзан бўйлаб бир вақтлар ўйноклаб оққан ирмоқ номини у ҳозиргина айтган эди. Боз устига, бу ном анча ғалати эшитиларди – вампанауглар қабиласидан бўлмиш "қадимги сеҳргар", афсоналарга кўра, Ричард Биллингтонни қуткуга солган "Мавжудот"ни тош ҳалқа ичига қамаган қари "жодугар" номига ўхшаб кетарди! Бу воқеа менда нохуш таассурот қолдирди. Холаваччамнинг аҳволи аввал ўйлаганимдан ҳам ёмонроқ эканини англаб, хавотирга тушдим. Янги кашфиётимнинг

ғалати табиати хадиксирашимни янада кучайтирди. Каминанинг хавотирланиши кўп ўтмай янаям ғаройиброқ тарзда тасдиқланди.

Биз бошқа гаплашмай, сукут сақлаганча, ирмоқўзани бўйлаб юқорига бемалолкўтарилиб боравердик. Тез орада бутазордан чиқдик-да, қум ва шағалдан иборат оролчадаги минора олдидан чиқдик. Минора атрофига катта, дағалчағиртошлардан ҳалқа ясалган эди. Холаваччам бу тошларга диққатимни тортиб, уларни "друидлар" келтирган деб тушунтирди, аммо бирров кўз ташлабоқ бундай эмаслигини пайқаса бўларди.

Масалан, бу ҳарсанглар тош даври усулида терилмаган эди. Кўп жойлари бузилган, қуриб-ёрилган лой парчалари билан ажабтовур қопланган тош ҳалқада инсон меҳнати излари яққол кўриниб турибди. Уларда қандайдир нақшлар ҳам ғира-шира кўзга ташланади, аммо мен девор бошқа вазифани адо этгани, минора қаршисидаги ғов бўлганини англадим, тўғрироғи, фаҳмладим. Минорани кўздан кечирганимда, кеча хужжатларга таяниб қилган тахминларим тўлиқ тасдиқланди.

Аввал бу минорага кўп келганман, бироқ ҳозир вайрона тош ҳалқа ичига кирганимда, бу ерга илк бор келгандек сездим ўзимни. Қалбимда бундай ҳиссиёт уйғонишини, бир томондан, Амброз тўплаган ҳужжатларни ўқиб чиққаним, иккинчи томондан, эндиликда шарт-шароит ўзгаргани билан изоҳладим.

Менда шу пайтгача минора жуда узоқ ўтмишдан сақланиб қолган ташландиқ бир осори-атиқа сифатида таассурот уйғотарди. Эндиликда эса, оний кайфият таъсиридами, у кўз ўнгимда қўрқинчли, даҳшатли бир иншоот бўлиб қад ростлади, унинг теграсида ёвузликни вақт ҳукмидан муҳофаза этувчи бир аура кўнгилда ғашлик уйғотувчи қабристон ҳидига коришганча кезиб юрарди.

Хуллас, минорага мутлақо нотаниш иншоотдек яқинлаша бошладим. Мен бунақа кечинмани аввал ҳеч бошдан кечирмаган эдим. Миноранинг ташқи кўринишини яхши билардим, аммо шу пайтда унинг ичкарисига киришни, тош пиллапоядаги ўйма нақшларни, шунингдек, холаваччам томдан суғуриб олган кўпам йирик, аммо қадимий бўлмаган тошдаги расм ёки нақшни ўргансам дердим.

Зинапоя бўйлаб тошга ўйилган нақш холаваччамнинг кабинетидаги сирли деразанинг митти эгизи эканини бир қарашдаёқ англадим. Аммо томдан суғуриб олинган тошдаги нақш, ажабки, бунинг мутлақо акси бўлиб чиқди – унда айлана эмас, юлдуз, тўғри чизиқлар эмас, ромб ва олов устуни ёхуд шунга ўхшаш бир нарса акс этган эди.

Эшикда Амброз кўринганида, унинг диққатини тошлардаги расм деразадаги шакл билан бир хиллигига қаратмоқчи бўлдим, аммо унинг совуқ муомаласидан тилимни тишлаб қолдим:

– Бирор нимани аниқлай олдингми?

Бу гапни у лоқайд оҳангда эмас, адоват оҳангида айтди. Шу тобда холаваччам мени Архам бекатида кутиб олган одамга айлангани, каминани тезроқ Бостонга қайтариб юбориш пайига тушганини дарров пайқадим. Табиийки, менда бундай тахмин туғилди – холаваччам минорага яқинлашиши билан шундай одамга айланмадимикан?

Бироқ мен кўнглимга оралаган хавотир ҳақида ҳам, бу ерда нимани аниқлаганим ҳақида ҳам оғиз очмадим. Фақат минора анча қадимда барпо этилганию тошлардаги нақшлар ибтидоийлигини айтиш билан кифоя-

ландим. Холаваччам қайғу ва шубҳа акс этган нигоҳини бирпас мендан узмади, лекин жавобимдан қониққандек кўринди. Остонада ортга бурилар экан, уйга қайтиш вақти бўлгани, тушлик пайти етганини айтиб, овқат тайёрлашга ортиқча вақт сарфлагани тоқатим йўқ, деб тўнғиллаб қўйди.

Мен Амбрознинг хоҳишига бўйсуниб, дарров минорадан чиқдим ва йўл бўйи унинг қули ширин пазанда эканини чин дилдан мақташга тушиб кетдим. Аммо бирор уста ошпазни хизматга олиб, овқат тайёрлашдан ўзини холос этса, янада соз бўлишини шипшитиб ҳам қўйдим. Тўғри, гоҳо-гоҳо рохатланиш учун овқат пишириш ҳам маъқулдир балки, аммо бир кунмас-бир кун меъдага тегиб, асабий мажбуриятга айланиши мукаррар-да.

Шу ўринда миямга бир фикр келиб қолди-ю, Амброзга тушликка овқат тайёрлаб ўтирмасдан, Архамга борсак-да, бирор ресторанда маза қилиб овқатлансак-чи, дея таклиф киритдим. Бу гапим унга жуда ёқиб тушди-ю, бироздан сўнг машинада, гарчи қадимий бўлса-да, аммо меҳмонлар кўп ҳам йўқлайвермайдиган шаҳарга қараб йўл олдик. Мен шу ерда холаваччамни бир муддатга ёлғиз қолдириб, Мискатоник университети кутубхонасига боришни ва Амбрознинг қайдномалари Илия Биллингтон фаолиятини қанчалик аниқ акс эттирганини ўз кўзим билан кўриб, ишонч ҳосил қилишни мўлжаллаган эдим.

Буни қарангки, шундай имконият кутганимдан ҳам эртароқ туғила қолди. Энди тушлик қилиб бўлган ҳам эдикки, Амброз баъзи зарур майда-чуйда ишлари борлиги, модомики шаҳарга келган экан, уларга ҳам озроқ вақт ажратмаса бўлмаслигидан сўз очиб қолди. Ўз навбатида, мен ҳам университет кутубхонасига бирров кириб, бултур Бостондаги конференцияда танишганим доктор Армитиж Харперни зиёрат қилиш ниятим борлигини айтдим. Бир соатдан сўнг Коллеж-стрит хиёбони ёнида учрашишга келишиб, иккимиз ўз ишимиз билан иккиёққа кетдик.

Доктор Харпер бир неча ойдан буён таътилда бўлиб, унинг кабинети университет кутубхонаси ёнидаги бинонинг иккинчи қаватида жойлашган, китобсеварлар ва Массачусетс штати тарихини ўрганувчи ҳамкасблари учун доим очиқ эди. У одамларда кучли таасурот қолдирувчи етмиш ёшлардаги жентелмен бўлиб, ўзини ёшроқ кўрсатишга очиқ-ошкор ҳаракат қиладиган, кулранг мўйлабини чиройли қирқтириб, ҳафсала билан кийиниб юрадиган, қорамтир кўзлари одамга қувлик билан тетик боқадиган киши эди.

У мен билан бор-йўғи икки мартагина суҳбатлашган, сўнгги марта бир йил аввал кўришган бўлса-да, бир лаҳзалик тараддуддан сўнг дарров таниди-ю, йўқлаб келганимдан қувониб кетди. Сўнгра Ўрта Ғарблик бир муаллифнинг китобини ўқиб чиқишни тавсия этганлари, ҳозирда шу китоб мутоаласи билан бандлиги ҳақида сўзлаб берди. Унинг фикрича, асар эзмаланиб ёзилган, чўзилиб кетган, ҳеч қандай жозибаси йўқ эмиш.

– Кўп фикрлар Инжилдан олинган, – дея изоҳ берди у очиқ юз билан жилмайганича. Сўнг ёнида турган китобни менга узатди. Бу Шервуд Андерсоннинг "Уайнсбург, Огайо" асари эди.

– Архамга қайси шамоллар учирди, мистер Бейтс? – деб сўради доктор Харпер ўзини стул суянчиғига ташлаганича.

Мен холаваччам Амброз Дюартникида меҳмон бўлиб турганимни айтдим. Лекин бу ном унга нотанишлигини билгач, холаваччам Биллингтон-

лар ер-мулкининг меросхўри, дея қўшимча қилдим-да, фурсатдан фойдаланиб, Армитиж Харпернинг олдига маслаҳат сўраб келганимни айтдим.

– Биллингтонлар – Массачусетс штатидаги қадимий уруғлардан, – деди доктор Харпер қуруққина қилиб.

Бундай маълумот ўзимда ҳам бор, лекин бу қандай уруғлигини, афтидан, ҳеч ким билмайди, менингча, у фахрланишга арзигулик уруғга ўхшамайди, дея жавоб бердим.

– Биллингтонларнинг гербга эгалик ҳуқуқи бор, – дея эслатди у. – Шу ўртада ўша герб турган бўлса ҳам керак.

Бу ҳам менга маълум эди. Хўш, менга доктор Харпер Ричард ёки Илия Биллингтон ҳақида яна қандай янги маълумотларни бера оларкан?

Қария кўзларини қисганча, табассум қилди:

– Кутубхонамиздаги Ричард айрим китобларда ҳақида маълумотлар учрайди, лекин, очиғи, кўпам ижобий маънода эмас. Илия ҳақидаги барча маълумотларни эса у яшаган даврдаги ҳафталик газеталарнинг хроника бўлимидан топиш мумкин.

Жавобдан қониқмадим, буни у дарҳол юз кўзимдан сезди.

– Дарвоқе, буларнинг бари ўзингизга ҳам маълум-ку, тўғримасми? – дея давом этди у.

Мен газета хабарлари билан танишиб чиққанимни тасдиқладим. Ричард ва Илия Биллингтонлар ҳақидаги мақолалар бир-бирига жуда ўхшашлигидан ҳайратга тушганимни ҳам яширмадим. Ҳисоботларнинг гувоҳлик беришича, ҳар иккови ҳамшундай машғулот билан шуғулланганки, унинг ноконунийлиги тасдиқланмаган бўлса-да, аммо барчада шубҳа уйғотган.

Доктор Харпернинг қиёфаси тундлашди. Бир неча сония жим қолди, бу унда ички кураш бораётганидан далолат эди. Доктор айтсамми-айтмасамми, деб иккиланиб турарди. Охири бир қарорга келди-да, бундай гап бошлади. Ҳа, Биллингтонлар насли ва уларнинг дарахтзори ҳақидаги афсоналар унга ҳам кўпдан бери маълум; сирасини айтганда, бу ривоятлар Массачусетс фольклорининг катта бир қисми.

Ўша афсоналар жодугарликка ихлос ялпи тус олган давр акс эттирилганидек кўринади-ю, лекин айрим воқеалар, вакт нуктаи назаридан, жодугарларни овлаш замонидан аввалроқ юз берган. Ўз даврида Ричард Биллингтон сеҳргар, афсунгар деган ном олган, Илия эса кечалари ўрмонда шубҳали ишлар билан шуғулланган кимса сифатида танилган.

Одатда миш-мишлар болалаб кетишига тўсқинлик қилишнинг иложи йўқ; улар бир зумда пайдо бўлади-ю, оғиздан-оғизга кўчиб, янги маънолар касб этади. Дастлаб ғалати ва кўркинчли бўлган воқеалар бора-бора хаёлий, ақл бовар қилмас ходисаларга айланади. Бошқача айтганда, илк афсоналардаги ҳақиқат уруғи ана шу зайлда йўқолиб кетган.

Бироқ ҳар иккала Биллингтон бир ғалвани бошлаганига шак-шубҳа йўқ, дея тан олди доктор Харпер. Бугун ўтган асрга ва ундан-да олдинроққа назар ташлаб, Биллингтонлар қўл урган тажрибанинг жодугарликка балки алоқаси йўқдир; у баъзи урф-одат, расм-русмлар ҳечам боғлиқ эмасдир, деган фикрга ҳам борасан киши. Бу хусусда Харпер бот-бот шубҳаларга бориб турар экан.

Ушбу маросимлар маданиятдан орқада қолган қолоқ жойларда, масалан, Данвич ва Иннсмут ҳудудларида тарқалган. Жумладан, бу ерларда

друидлар маросимлари ўтказиб турилган, уларда дарахтлар руҳига топинишга ўхшаш ирим-сиримлар адо этилган.

Доктор Харпер бу билан Биллингтонлар дриадалар, ўрмон нимфалари ёки шунга ўхшаш мифологик мавжудотларга сиғинишган,демоқчими – шуни билишга қизиқдим.

Йўқ, у дриадаларни назарда тутмабди. Ҳозирда ҳам энг қадимги дину эътиқодларнинг бирмунча ғалати, даҳшатли қолдиқлариящаб қолган экан. Уларга кўпам аҳамиятли эмас деб қаралганидан йирик олим ва тадқиқотчилар эътиборидан четда қолган, оқибатда мавзу билан майдароқ олим ва тадқиқотчилар шуғулланган ва ана шу қолдиқларни имкон қадар ҳужжатли асосда қайд этишга уринган.

Бундан чиқди, доктор Харпер фикрича, каминанинг аждодлари диннинг қандайдир ғалати, ибтидоий шаклига эътиқод қилган экан-да?

Шундай дейиш ҳам мумкин деди суҳбатдошим. Сўнгра агар сиз барча маълумотларни синчиклаб ўрганган бўлсангиз, бир жиҳатга эътибор қаратган бўлсангиз керак, деб қўшимча қилди. Ричард ва Илия Биллингтонлар тажриба қилган маросимлар инсонни қурбон қилишни ҳам ўз ичига олган бўлиши мумкин, дейишга асос бор, бироқ бу борада ҳеч нарса исботланган эмас. Аммо ҳар иккови – Ричард ҳам, Илия ҳам – ғойиб бўлган: Ричард қаёққа ном-нишонсиз йўқолгани маълум эмас, Илия эса Англияга йўл олиб, ўша ерда вафот этган.

Ричарднинг тирик қолгани ҳақидаги барча овозалар ғийбатчи хотинларнинг миш-мишидан бошқа нарса эмас, деди қатъий қилиб доктор Харпер. Ричард билан Илия шу маънода яшаб қолганки, уларнинг ҳаёти Амброз Дюарт ва менда давом этмоқда.

Бир-бирига зид ахборотларни эса кенг ўқувчи омманиҳайратга солишни хоҳлаган муаллифлар таркатган – улар энг оддий воқеаларни ҳам ўз хаёлотида бўяб-бежаган. Бироқ, деди у, яшаб қолишнинг "парапсихологик қолдиқ" деган бир тури ҳам бор: ёвузлик бир вақтлар ҳукмрон бўлган жойда яшаб қолаверади.

– Эзгулик ҳам худди шунақами?

– Келинг, "куч" ҳукмрон жойда, дея қолайлик деб жавоб қайтарди у яна жилмайиб. – Биллингтонлар уйида қандайдир куч, қандайдир зулм пинҳон яшаб қолган бўлиши мумкин, ахир. Дарвоқе, мистер Бейтс, буни ўзингиз ҳам ҳис килгандирсиз?

– Худди шундай.

Доктор Харпер ҳайрон қолди – бу кўнглига ёқмагани шундоқ аён эди. У бир сесканиб тушди-да, яна жилмайишга уринди.

– У ҳолда сизга айтадиган гапим қолмабди.

– Аксинча, давом этаверинг, сизнинг изоҳларингизни эшитарман, ахир. Мен бу эски уйда ҳар тарафни чулғаб олган ёвузликни ҳис этдим, энди бўлса, унга қарши нима қилишни билмай гарангман.

– Эҳтимол ёвузлик худди шу уйда юз берган-у сўнгра, Ричард ва Илия Биллингтонлар ҳақида миш-мишлар болалаб кетишига ҳам ўша сабаб бўлгандир. Ўша ҳиссиёт қандай ўзи, мистер Бейтс?

Доктор Харперга буни аниқ тушунтириб беролмадим. Бошдан кечирган қўрқув ва даҳшат ҳисларимни ифода этолмай қийналардим. Мен зарур сўзларни топишга ҳарчанд уринмай, улар, барибир, қуруқ, тузсизмаъносиз бўлиб чиқаверар, аммо доктор Харпер мени жиддий қиёфада

тингларди. Қисқаҳикоямни бир амаллаб тугатганимда эса, у бир лаҳза жим қолди, қандайдир ўйларга чўмди.

– Хўш, мистер Дюартнинг бунга муносабати қандай? – деб сўради у ниҳоят.

– Сиздан худди шу саволни кутгандим, доктор! Мени ҳузурингизга етаклаб келган ҳам худди шу савол.

Хуллас, ўз кузатишларимга асосланиб, Амбрознинг шахсияти иккига ажралган бўлса керак, деган гумонимни айтдим. Холаваччамни узоқ куттириб қўймаслик учун майда-чуйда тафсилотларни ташлаб ўтдим, албатта.

Доктор Харпер мени диққат билан эшитди, ҳикоямни тугатгач эса, ўйга чўмиб кетди. Бир неча лаҳза ўтгач эса, фикрини айтди. Уй билан дарахтзор холаваччамга "ёмон таъсир" ўтказган эмиш. Уни маълум вақтга, дейлик, киш ўтгунча бу ердан олиб кетган маъқул эмиш. Шарт-шароитнинг ўзгариши қандай самара беришини ўшанда аниқлаш мумкин экан. Хўш, уни қаерга жюборса бўлади?

Амброзни Бостондаги уйимга олиб кетишим мумкин, деб жавоб бердим. Лекин Биллингтон кутубхонасидаги тегишли китобларни ўрганиш учун худо берган имкониятдан фойдаланиб қолмоқчилигимни ҳам очиқ айтдим. Холаваччам рози бўлса, китобларни ўзимиз билан олиб кетсак ҳам бўлади-ку!

Бироқ Амброз қишни Бостонда ўтказишга рози бўлишига ақлим бовар қилмасди. Уни шунга кўндириш учун қаловини топишим – кайфияти соз пайтда оғиз очишим керак. Доктор Харперга ана шу анна шу ҳақда маслаҳат солдим. У дарров, шундай қилинг, дея уқдира кетди. Чунки, деб таъкидлади у, яшаб турган жойини вақтинча бўлса ҳам алмаштириш Дюартга фақат фойда бўлади, қолаверса, кейинги пайтда юз берган қотилликлар юзасидан Данвичда текширувлар бошланган пайтда энг маъқул йўл – шу.

Доктор Харпер билан хайрлашиб, кўчага чиқдим-да, куз офтобрўясида Амброзни кутдим, у бир неча дақиқа кечикиб келди. Холаваччамнинг кайфияти ёмонлиги дарров сездим, у шаҳардан чиққунимизча оғиз очмади. Шундан сўнггина, доктор Харпер билан учраша олдингми, деб зардали охангда сўради. Учрашганимни билди-ю, тафсилотларини сўрамади, аслида-ку, доктор билан Амбрознинг руҳиятини муҳокама қилганимизни эшитса, унга сўзсиз ҳақоратдек туюларди. Шу тобда у бошқа, янаям кучли ҳис-туйғулар гирдобида қолгандек эди гўё. Шу тарика то уйга етиб боргунча, бутун йўл бўйи миқ этмай кетдик.

Қош қорайиб, холаваччам ошхонада кечки овқат тайёрлашга уннади. Бу пайтда мен кутубхонада куймаланиб юрдим. Амброз Бостонга қайси китобларни бирга олиб кетгани маъқул, шуларни саралай олмай бошим қотди. Дюартни бир амаллаб кўндира оларман, дея умид қилардим.

Мен жилдларни бир-бир кўздан кечирарканман, калит сўзларга ўхшаш бирон нима қидирардим, агар ўша сўзлар топила қолса, холаваччамни қийнаётган жумбоқ ҳам ечилармиди.

Жавондаги китобларнинг аксарияти тарих ёки насл-насабга доир солномалар бўлиб чиқди. Уларда шу ўлка ҳақида, нуфузли хонадонлар хусусида ҳикоя қилинарди. Аммо улар, асосан, акидада собит туриш руҳидаги ҳикоялардан иборат бўлиб, бундай кўлёзмалар, албатта, бадавлат кишилар ёки хомий ташкилотлар маблағига нашр этиларди.

Улар генеалогияни ўрганувчи талабанигина қизиқтирар, чунки шажара дарахтига доир кўплаб ғаройиб расмлари бор эди. Бир неча китоб каминага нотаниш тилда, яна бир нечаси лотин тилида эди. Бир қанча китоблар инглиз готика шрифтида босилганди. Тўртта китоб эса кўлёзма бўлиб, гарчи муқоваланган эса-да, тугалланмаган таржималарга ўхшарди. Ана шу сўнгги гуруҳ орасидан ўзимга керакли маълумотларни топишга умид қилардим.

Аввалига бу таржималарни Ричард ёки Илия Биллингтон ҳафсала билан қилган, деб ўйладим, аммо уларга бирров кўз югуртирибоқ янглишганимни англадим. Чунки ҳарфлар ҳаддан ортиқ кўпол дастхатда ёзилган бўлиб, бу хунук дастхат зиёли одамлар бўлмиш ҳар икки Биллингтонга тегишли эмас эди. Бироқ қўлёзмага кейинроқ тузатишлар киритилганки, уларда Илия Биллингтоннинг дастхати яққол кўриниб турибди.

Қўлёзмаларнинг ақалли бирортасини Ричард Биллингтон ёзган деб бўлмаса-да, унинг мулки бўлгани аниқ, зеро, деярли ҳаммаси анча қадимий. Ҳеч қаерга сана қўйилмаган эса-да, лекин кўпчилиги Илия Биллингтондан аввал бу ерга келтирилган кўринади.

Мен бир қўлёзмани кўлга олдим-да оромкурсига ястанганча, диққат билан ўрганишга киришдим. Китоб номи битилмаган муқова майин теридан ишланган бўлиб, сиртидан одам терисига ўхшаб кетарди.

Ҳеч қандай дебочасиз бошланиб кетгантаржима матнидан сал олдиндаги бир саҳифада "Ал-Азиф – Араб Китоби" деган афсона турарди. Китобни тезда варақлаб чиқиб, унга бир ёки бир неча матннинг узук-юлуқ таржималари жамланган, матнлардан биттаси лотин, бошқаси юнон тилида ёзилган, деган хулосага келдим.

Бундан ташқари, анчагина саҳифалар четда букилган жой излари сақланиб қолган, изоҳлар эса ҳавола тарзида эди: "Бр.музейи", "Биб. Национале", "Вайднер", "Ун. Буэнос-Айрес..." Бир неча дақиқа вақт сарфлаб, бу ёзувлар Лондон, Париж, Кембриж, Буэнос-Айрес ва Лимадаги машҳур музей, кутубхона ҳамда университетларга ҳавола эканига ишонч ҳосил қилдим. Қўлёзма ҳар хил дастхатларда ёзилгани эса бу "қурама" бир неча кишининг меҳнат маҳсули эканидан далолат берарди.

Буларнинг бари, кимдир – балки Илиянинг ўзи чиқар – бу китоб нусхасининг асосий қисмини кўлга киритишни ниҳоятда хоҳлаганини кўрсатиб турарди. У кўплаб кишиларга китобдан кўчирма олишга буюртма берган ва бунга, чамаси, анчагина маблағ сарфлаган. Шу ҳам кўзга яққол ташланардики, китоб якунига етказилмаган, унда пала-партишлик бор; лекин айни пайтда, қўлёзмани муқовалаган киши дунёнинг турли чеккасидан жўнатилган парчаларни ҳафсала билан батартиб жойлаштиришга урингани ҳам кўринди.

Саҳифаларни иккинчи бор, бу гал шошилмай, кўздан кечираётиб, дарахтзорда юз берган кўнгилсиз ҳодисаларга қай жиҳатдандир алоқадор бўлган бир номни илк бор учратиб қолдим. Қўлимда ғоят юпқа қоғозга ўргимчак ипиникидек нозик дастхат битилган бир қоғозни тутиб турардим. Уни ёруғликка яқинлаштирдим-да, ўқишга тутиндим:

"Инсон Ернинг энг аввалгию энг охирги соҳиби, деб ўйламанг асло; йўқ, ҳаёт ва модданинг аксар қисми танҳо эмас. Қадимийлар бўлган, Қадимийлар бор, Қадимийлар доимо бўлади. Бироқ улар бизга таниш фазода яшамайди, тўғрироги, бизга таниш-у нотаниш фазолар оралиғида,

яшайди. Улар, одатда, тинч-осойишта юришади, уларда ҳеч қандай ўлчам йўқ, улар биз учун кўринмасдир. Йогг-Сототга Дарвозалар аён, илло, Йогг-Сотот – Дарвозанинг ўзидир, Йогг-Сотот – дарвозалар калити, у – Дарвозалар қўриқчисидир. Ўтмишда ким эдик, ҳозирда киммиз, келажакда ким бўламиз – ҳаммаси фақат Йогг-Сототда жамулжамдир. Қадимгилар кексалик говини қаерда енгиб ўтишга муваффақ бўлгани-ю, бир доира ҳосил қилингач, яна қаерда ҳозир бўлиши ҳам бир Унга аён. Уларни юрган пайтида нега ҳеч ким кўра олмаслиги сабаби Унга маълум. Одамлар баъзида Уларни инсонга мутлақо нотаниш – жуда узоқ замонлар аввал яшаган Махлуқдан келувчи ҳидга ўхшаш исидан пайқаши мумкин.

Улар яратган Махлуқларнинг баъзи хусусиятларини истисно этганда, Ўзлари қандай қиёфадалиги ҳақида одамзот ҳеч нарса билмайди. Махлуқларнинг қиёфаси даҳшатли, аммо бу махлуқларни яратган қиёфаси чандон даҳшатлидир. Бундай наслда хилма-хил тур бор ва уларнинг қиёфаси инсоннинг энг асил тимсолидан, энг латиф руҳдан ҳам кескин фарқланади, зотан, Уларнинг ҳилқати на-да нур, на-да моддиятга тобедир.

Улар доим кезиб юради, аммо ҳеч ким пайқамайди. Улар овлоқда бадбўй ҳид таратиб изгийди, Ўз Каломини айтади ва Ўз Байрам маросимларини адо этади, бу байрам қон билан нишонланиб, одамзотнинг байрамларига ўхшамайди. Шамол Уларнинг овозига тўлади, Ер Уларнинг иродасига бўйсуниб, бўғиқ гулдирайди. Улар ўрмондаги дарахтларни эгиб-букади. Тўлқинларни кўкка сапчитади. Шаҳарларни вайрон этади. Биронбир ўрмон, бирон бир уммон, бирон бир шаҳар уларнинг ҳукмидан омон қолишга қодир эмас.

Совуқ Ялангликдаги Кадат Уларданогоҳ, бироқ Кадатнинг ўзидан огоҳ кимса борми? Жанубдаги музлик саҳро ва уммонга гарқ бўлган оролар ўз бағрида Уларнинг муҳри ўйилган тошларни асрайди. Бироқ денгиз сувўтларию чиганоқлар маржони билан безатилган қулфлоғлиқ баланд минорадан туриб ким батамом музлатилган шаҳарникўрибди?

Буюк Хтулу – Уларнинг иниси, бироқ ҳатто у ҳам фақатшарпадек эргашмоққа маҳкум. Улар одам наслига фақат бадбахтлик, маразлик сифатидагина аён. Улар абадулабад – олам яралганидан то қиёматгача – одамлар гирибонидан маҳкам бўгиб туради, аммо шунга қарамай, Уларни ҳеч ким кўрмайди. Уларнинг макони сен сергак туриб қўриқлайдиган уйингнинг остонасидир, остонанг билан бир қабатдадир.

Йогг-Сотот – фазолар бирлашувчи Дарвозалар калитидир. Ҳозир инсон ҳукмронлик қилаётган жойда аввал Улар ҳукмронлик килган; ҳозир инсон ҳукмронлик қилаётган жойни тез орада яна Улар ўз дастига олади. Ёздан кейин қиш келади, қишдан кейин яна ёз қайтади. Куч-қудрат ва сабр-тоқат эгаси бўлмиш Улар пайт пойлаётир, чунки Улар яна ҳукмронлик қилишади, Улар қайтганида ҳеч ким қаршилик кўрсатмас, ҳамма сўзсиз бўйсунур. Дарвозалар ҳақида эшитган-билганлар Уларга йўл очади ва Улар амрига мувофиқ хизмат қилади. Бироқ Дарвозаларни бехос очиб юборганлар бунинг оқибатини оз фурсатда англаб етади".

Шундан сўнг қўлёзмада очиқ жой қолган, ортидан янги саҳифа бошланган. У бошқа дастхат билан битилган, чамаси, бошқа манбадан олинган, у мен ҳозиргина ўқиган матндан анча қадимий бўлиб, коғози янаям кўпроқ сарғайган, ҳарфлар ҳам анча эски услубда битилган.

"Ҳаммаси илгари ваъда қилинганидек бўлди. У Кимларга қарши чиққан бўлса, Ўшалар уни олиб кетди – уммон қаърининг энг олис пучмоғига тушириб, чиғаноқлар билан қопланган Минорага жойлаштирилди. Эмишки, бу Минора Ғарқ бўлган Шаҳар Р'лиенинг азим харобалари аро қад кўтариб турибди ва ичкарисидан Олий тамға билан муҳрланган. У ўзини банди этганларга газабини сочган ва Улар қаҳрига баттар дучор бўлган. Шунда Унга Ўлимга ўхшаш бир нимани йўллашган ва Уни шу жойда, денгиз остида ухлаётган ҳолатида қолдириб, Ўзлари келган жойларига қайтишиган.

Юлдузлар орасидаги Глю-Во, хазонрезги бошланган вақтдан то қўшчи далага қайтгунича, ердан кўз узмайди. У эса Р'лиедаги Ўз Уйида абадий ухлаганча ётади, Унинг тарафдорлари йўлдаги жамики тўсиқларни енгиб, тўда-тўда бўлиб дарҳол ўша жойга интилишади. Улар ўша ерга жойлашиб олади-да, Унинг уйғонишини кутишади, зеро, Олий тамғага қўл теккизишолмайди, унинг бемисл кучидан қўрқишади. Улар давра якунланаётгани, У озод бўлиб, Ерни яна чирмаши, уни ўз Салтанатига айлантириши, яна Олий Илоҳларни курашга чорлашини билишади. Унинг биродарлари қисмати ҳам шундай бўлган – Улар кимлар қарши чиқишган бўлса, Ўшаларнинг қувгинига учраган. Номини айтиб бўлмас Махлуқ юлдуздан ҳам наридаги олис фазога бошқалар билан бирга жўнатилган, токи Ер улардан халос бўлсин. Оловли Минора қиёфасидагилар ҳам қаердан келган бўлса, ўша жойга қайтарилди ва ўшандан буён Уларни ҳеч ким бошқа кўрмади. Ер юзида қарор топган тинчликка, афсуски, дарз кетди. Уларнинг Тарафдорлари тўпланиб, Қадимгиларни қутқариш учун чоралар излай бошлади, инсон келиб, қатағон жойнинг сир-синоатларини англаб, Дарвозани очишини кута бошлади..."

Саҳифани шартта варақладим-у, кейинги саҳифада тутилиб қолдим. Олдингисидан чоғроқ бу юпқа, тиниқ қоғоздаги матнни кимдир яширинча, бегона кўзлардан панада ёзганга ўхшарди. Муаллиф айрим сўзларни қисқартириб ёзгани учун тез-тез тўхталиб, сўз нима устида бораётганини чамалаб олишга тўғри келар, бу эса, албатта, қўшимча қийинчилик туғдирарди.

Иккинчи парча биринчисига унча мос келмагандек эса-да, аммо учинчи парча иккинчисининг бевосита давомидек туюларди:

"...Қадимгилар ҳамма вақт Дарвозалар ёнида кутади, Дарвозалар эса барча замонларда ҳар ерда мавжуддир, илло, Уларга вақт ва фазонинг ҳеч қандай таъсири йўқ. Улар, гарчанд кўзга кўринмасалар ҳам, бир вақтнинг ўзида ҳамма жойда бордирлар. Улар орасида шундайлари ҳам борки, хилма-хил шакл-шамойилга, ҳар қандай қиёфага кира олади ва Уларга ҳам Дарвозалар ҳамма ерда мавжуд...

Иремда, саҳро остида жойлашган шаҳар – Иремда, Устунлар Шаҳрида одамлар Тошларни ўрнатиб, қатағон Сўзларни уч марта айтса, Дарвозалар пайдо бўлади-да, ўзидан Ўтгувчиларни кута бошлайди. Улар бу Дарвозалардан худди Долв, даҳшатли Ми-Го, Тчо-Тчо халқи ва Қаърдаги дхолилар, Гуглар, Тунги Арвоҳлар ва Шогготлар, Вормислар, Шантакслар каби ўтгайлар. Улар Совуқ Ялангликдаги ва Ленг текислигидаги Кадатни қўриқлагайлар.

Уларнинг бари Олий Илоҳларнинг авлодларидир, бироқ Йитнинг Улуғ ирқи билан Буюк Қадимгилар ўзаро келишолмай, ажралиб кетди-

лар... Кейинчалик Улар ўзининг Буюк Қайтиши билан яна пайдо бўлади ва Улуғ Хтулу Денгиз қаъридаги Р'лиедан озод қилинади. Номини Айтиб Бўлмас Махлуқ Хали кўли ёнидаги Каркосдан қайтади ва Шаб-Ниггрот ўз номаъқулчиликларини кўпайтириш учун чиқиб келади. Нарлототеп барча Буюк Қадимгиларга ва Уларнинг Тарафдорларига ўз каломини ёяди. Кулл – Жузда ва Жуз – Куллда бўлган Йогг-Сотот соққаларни сочиб юборади... ва Ердаги қоронғи ғорлардан Цаттогва чиқиб, барчадан устун бўлади... Буюк Чоҳ Ҳожаси Улар қайтганини билиб, Ўз Биродарлари билан Ёвузлик уруғини сочмоққа чиқиб келади".

Мен китобни бир чеккага қўйдим, бу машъум ҳаволалар менга ноаён оламга ишора қилаётганидан қаттиқ ташвишга тушгандим. Айни пайтда жамики сир-асрорлар калити ҳам шу тўзган саҳифаларда эканига имоним комил эди. Бу қурама парчаларни йиғиш охир-оқибат "ўзи осмондан чақирган Махлукка қурбон бўлган" Ричард Биллингтон ташаббуси билан бошлангани-ю, сўнгра бу ишни кандайдир мақсадда Илия давом эттирганига энди шубҳамқолмаган эди. Биллингтонлар ўқиганларини қандай талқин этиш ва бу билимлардан қандай фойдаланишни билган. Бунинг оқибати эса кўркинчли, улар ҳаётлик чоғида юз берган воқеалар назарда тутилса, ҳатто даҳшатли бўлган.

Мен ошхонага чикиш учун бурилганимда, нигоҳим беихтиёр витражли деразага тушди-ю, бундан асабим қақшаб, ларзага келдим. Ботаётган қуёшнинг сўнгги алвон нурлари рангин шишада қандайдир баҳайбат ҳаёлий махлуқнинг инсон чеҳрасига ҳечам ўхшамас жирканч башарасини ҳосил қилганди. Бу башара ниҳоятда қинғир-қийшик: кўзлари – агар улар кўз бўлса – чўғ бўлиб ёнар; бурун тешиклари бор-у, аммо буруннинг ўзи йўқ; боши тап-тақир ва ялтироқ, даҳанидан бир талай ингичка пайпаслагичлар осилиб турарди...

Мен даҳшатга тушганча, бу шарпадан кўз узолмай турарканман, кабинетга ёприлиб кириб, чор тарафни чулғаган ҳалокатни яна бир карра ҳис этдим; мени ёвузликнинг мудҳиш ҳиссиёти ҳамма ёқдан қуршаб олди, у девору деразалардан шиддат-ла ёпирилаётган сув оқимидек эзиб қисарди, ўз йўлида учраган ҳар кандай жонзотни йўқ қилиб юборгудек важоҳатда эди. Шу он димоғимга қўланса ҳид – кўнгилни ағдарувчи ва ирганиш уйғотувчи барча уфунатлар жамулжами бўлмиш қабристон ҳиди урилди.

Ларзага тушганча, кўзларимни юмиб, ўгирилиб кетмоқчи бўлдим-у, аммо деразага тикилганча туравердим, мен, хулёга йўликдим, боя ўқиганларим хаёлотимда жонланяпти, деб ишонардим. Шу тобда жирканч башара кичрайди-да, эриб кетди, дераза яна асил ҳолига қайтди, кўланса ҳид ҳам ғойиб бўлди. Бироқ шундан сўнг янада даҳшатлироқ воқеа юз бердики, бунга энди ўзим сабабчиман.

Кўзимга хулё кўринди – аввал Амброз тушган тузоққа бу гал мен илиндим, деган хулосадан таскин топмадим. Дераза тагидаги жавон устига яна тирмашиб чиқиб, марказдаги оддий шиша ойнадан тош минорага қарадим. Мен уни яна бўйчан дарахтлар қуршовида ва уфққа ёнбошлаётган қуёш нурлари остида кўраман деб кутгандим. Бироқ кўз олдимда буткул ўзга манзара намоён бўлдики, ундан борлиғим даҳшатга тушди. Жавон устида тиззалаб турган жойимдан қулаб тушай дедим, аммо ўша ғалати манзарадан сира кўз узолмасдим. Ҳар ер-ҳар ери кавлаб ташланган

аллақандай текислик, унинг устида эса менга номаълум юлдуз туркумлари сирли жимирлаган осмон. Гиада юлдуз туркумини эслатувчи бир бурж бундан истисно, гўё у Ерга миллион ёруғлик йилига тенг масофадан яқинлашиб келгандек туюларди. Мен кўрган бутун манзара – ўша бегона осмон ҳам, ўша ўйдим-чуқур текислик ҳам – тинч эмас, ҳаракатда эди, аллақандай баҳайбат ва беўхшов махлуқлар устимга ошкора ёвуз ниятда шитоб билан бостириб келарди.

Бу синовга асабим ортиқ дош беролмади, мен дарров кўзимни юмдимда, пастга қандай тушганимни ҳам билмай қолдим. Кейин уйдан югуриб чиқдим-у, муздек ҳаводан ютоқиб-ютоқиб нафас олдим-да, аста-секин ўзимга кела бошладим. Яратганга шукрким, бари аввалгидек ўз жойида турибди, буни кўзим билан кўриб, ишонч ҳосил қилдим. Ўша куни Амброзга бу ҳақда ҳеч нима демадим.

Кечаси нотинч ухладим. Тунги товушларни эшитмаслик учун чойшабга бошимни буркаб уринардим. Лаънат теккан бу жойда чин ва рўё ўртасида бирор чегара бормикан ўзи? Ана шу бежавоб саволни деб яна ўзимни қийнагим келмасди.

Уйғонганимда тонг ёришиб келмоқда эди – бу ёғига ухлай олмаслигимни тушундим. Уй ичида сукунат ҳукм сурар, ташқарида эса тун бўйи ёққан қор кўзни қамаштирарди. Мен бироз айланиб келмоқчи бўлдим, чунки баъзи нарсаларни ўйлаб олишим керак эди. Бироқ эшикни очганим заҳоти остонадан бошланган изларни кўриб, ажабландим.Уларни синчиклаб кўздан кечирдим-да, шундай оддий тажриба ўтказдим: Амбрознинг ботинкасини олдим-у, изга солиштириб кўрдим. Шунга ишоч ҳосил қилдимки, у тунда яна юриб чиқибди. Янги ёққан кордаги излар холаваччамнинг қаерларга борганини текширишимга имкон берарди. Амброз ҳозир ухлаб ётганига аниқ ишонч ҳосил қилгач, излар бўйлаб кета бошладим.

Излар, ўйлаганимдек, минорага олиб борди, Амброз томда очган туйнукдан тушган қор холаваччам зинапоядан кўтарилиб, том остидаги майдончага чиққанини кўрсатарди... Мана, мен тунда Амброз тўхтаган ва уйга юзланган жойдаман. Холаваччам бу ерда нима қилганини билиш учун пастга қарагандим, минора якинида ғалати изларни кўриб ичимга ғулғула тушди. Булар нима бўлди экан-а, деб бирпас кузатдим-да, у ерда мени нима кутаётганини ўйлаб, юрагимга кўрқув оралаганча, зинапоядан тушиб, улар ёнига бордим.

Қорда учхил из кўзга ташланар, ҳар бири юрагимга ваҳима соларди. Анча йирик, тахминан ўн иккига йигирма беш фут ўлчамдаги дастлабки из бу ерда филга ўхшаш бирор махлуқ тўхтаган, деган фикрга олиб келарди. Қорга чуқур ботган изнинг чет қисмига разм солиб, бу ерда чўнқайган махлуқ қандайлигидан қатъи назар, териси силлиқлигига ишонч ҳосил қилдим. Уч футга яқин ўлчамли тирноксимон иккинчи из гўё ўргимчак тўри билан қоплангандек эди. Учинчи из эса қору лой аралашмаси бўлиб, уларчангаллаб сочиб ташланганди.

Қандайдир жонзот бу ерда қанотларини қоққандек таассурот пайдо бўлар, лекин унинг айнан қандай жонзотлигини аниқлаб бўлмасди. Мен бу излардан анчагача кўз узолмай туриб қолдим. Обдон кўриб бўлгач, ярим карахт аҳволда уйга қайтиш учун бурилдим. Қайтишда холаваччам очган сўкмоқ йўлдан иложи борича узокроқ юришга, уйда йўқлигимда

нима билан машғул бўлганимни пайқамаслиги учун айланма йўлдан кетишга қарор қилдим.

Холаваччам, ўйлаганимдек, уйқудан турган экан, у аввалги ҳолига қайтганини кўриб, анча енгил тортдим. У толиккан кўринарди, йўқлигимда зерикканидан тўнғиллай бошлади. Амброз ҳорғинлиги сабабини изоҳлаб беролмас, чунки тонггача қотиб ухлаганига ишонар, аммо нимадир уни эзиб-янчиб турарди. Буниси ҳам майлику-я, бир ўзи азбаройи зерикиб, мени изламоқчи бўлганида, тунда бизга меҳмон келгани, остонадан чақириб, бизни уйғотолмай, яна қайтиб кетганини изларидан аниқлабди. У ўз изларини кўрган-у, лекин танимаганини дарҳол фаҳмладим. Унинг сўзларидан тунда минорага бориб келганида ҳам уйқуда бўлгани аниқ эди.

Мен сайр қилгани чиққанимни айтдим. Шаҳарда шунга ўрганиб қолганман, бу ерда ҳам одатимни тарк этолмадим, деб кўшиб қўйдим.

– Менга нима бўлаётганини билолмаяпман, – деб зорланди у. – Нонушта тайёрлашга тоб-тоқатим йўқ.

– Кел, мен тайёрлай қолай, – дедим-у, ишга киришиб кетдим.

У жон деб рози бўлди ва стулга чўкиб, пешонасини ишқалай бошлади.

– Назаримда, ҳамма нарсани унутиб қўйгандекман. Бугунга баъзи ишларни режалаштиргандик шекилли?

– Ҳеч қандай иш-пиш йўқ. Атиги чарчагансан, бор-йўғи шу, холос.

Мана, қишни Бостондаги уйимда ўтказишни таклиф этишга қулай фурсат келди, деб ўйладим кўнглимда. Тўғриси, ўзим ҳам Биллингтонлар уйини тезроқ тарк этишни истар, бу ерда пинҳона ёвузлик ва ошкора хатар борлигини яққол сезиб турардим.

– Менга қара, Амброз, ҳаво алмаштириш фикри ҳеч хаёлингга келмаганми?

– Йўқ, нимайди? – дея жавоб берди у.

– Мен озроқ бошқа жойда ҳам яшаб кўрсангчи, демоқчиман. Шу қишни Бостонда ўтказсанг, қалай бўларкин? Кейин баҳорда биргалашиб қайтардик. Агар хоҳласанг, машғулотларингни Вайднерда ҳам давом эттиришинг мумкин – у ерда лекциялар ўқишади, концертлар кўйишади. Қолаверса, у ерда янги танишлар орттирардинг, улар билан борди-келдилар қилардинг, сенга айнан шу керак.

У иккиланиб қолди, демак, рози бўлиши учун вақт керак эди. Кўнглимда кувонсам ҳам, сиртимда сездирмадим. Энди яна тажовузкор кайфияти қайтиб келмасидан тезроқ розилигини олиш учун унга бетўхтов таъсир ўтказиб туришим керак. Мабодо тажовузкор кайфияти қайтиб келса, таклифни рад этиши аниқ, унда шунча уринганим зое кетади. Шу сабабдан мен бутун тонг бўйи уни ёлғиз қолдирмадим, Бостондаги машғулотлари учун Биллингтонлар кутубхонасидан бир неча китобни олиб кетиши мумкинлигини ҳам қистириб ўтдим, ахийри, пешиндан кейин уни кўндирдим. Қишни Бостонда биргаликда ўтказадиган бўлдик. Амброз шу қарорга келганидан сўнг бу ердан тезроқ жўнаб кетишни хоҳлаб қолди – қалбининг туб-тубидаги ўз-ўзини сақлаш туйғуси уни шунга ундагандек эди – биз кечга бориб, жўнашга тайёр бўлдик.

Бостондан мартнинг охирларида – Амброз сабри тугаган ва қизиқиши ортган, мен эса хавотири кучайган бир алфозда қайтдик. Шуни эътироф этишим керакки, дастлабки кечаларда яна уйқусида ўзи билмай дайдиб

юрганларини айтмаса, Амброз бутун киш бўйи аввалги холаваччам кайфиятида юрди. Бир қарашда у менга, тез етиб кел, деб хат ёзганўша қаттиқ тушкунликдан батамом халос бўлгандек эди.

Амброз бостонликлар орасида анча машҳур бўлиб кетди, камина эса бу борада ундан хийла ортда қолдим, чунки Илия Биллингтоннинг кўҳна китоблари мутолаасига бошим билан шўнғиб кетган эдим. Бутун киш бўйи уларни синчиклаб ўрганиб чиқдим.

Мен бу китоблардан илгари ўқиганларимга ўхшаш анча-мунча саҳифаларни топдим. Уларда менга таниш атамаю номларга доир талай ҳаволалар учрар, айни пайтда ўзаро зид келувчи парчалар ҳам кўзга ташланарди. Бироқ мен ўша эътиқод қандайлигини аниқ тунунтириб берувчи бирор маълумотни ҳеч қаердан тополмадим, ушбу парчаларда барча ҳаволаю хулосаларга мос тушувчи бирор аниқ қолип, андозанинг ўзи йўқ эди.

Баҳор якинлашгани сайин холаваччам бетоқат бўлиб, Биллингтонлар уйига тезроқ қайтгим келяпти, деб тез-тез гап оча бошлади, ўша маскан, ҳар қалай, ўз уйим, ҳар бир буюми қадрдон, деб зорланиб қоларди. Бу ҳол Амбрознинг кўлёзмалардаги айрим ишораларга мутлақо беписанд қарашига буткул зид келарди. Ваҳоланки, Бостонда ўтган киш кунларида мен у билан бот-бот шу ишораларни муҳокама қилишга жон-жаҳдим билан тиришардим.

Бу орада Архам тарафларда атиги икки воқеа юз берди – Бостон газеталари улар ҳақида дарҳол хабар тарқатди. Хабарларда Данвичда биринкетин икки жасад топилгани, булар анча олдинроқ сирли ғойиб бўлган кишиларнинг мурдаси бўлиб чиққани ҳақида сўз борарди. Бири шу кишда, Рождество билан Янги йил оралиғида, бошқаси ундан сал кейин, февралнинг бошларида топилган эди.

Илгариги сирли ҳотилликлардаги каби, ҳам бўлганидек, ҳар иккала курбон яқин орада ўлган ва, афтидан, мурдалари турли баландликдан ташлаб юборилган эди. Суяклари синиб, териси ёрилиб, бир қоп эту устихонга айланган жасадлар энг дийдаси қаттиқ одамни ҳам ларзага солар, аммо уларни, ҳайтовур, таниш мумкин эди.

Ҳар иккаовида ҳам одамларнинг ғойиб бўлиши ва жасадлари топилиши ўртасида бир неча ой ўтган. Газеталар қурбонлар учун товон талаб қилиб ҳеч ким мурожаат этмаганини таъкидлашди, марҳумлар ўз уйини тарк этишига ҳеч қандай сабаб бўлмаганига урғу беришди. Жасадлардан бири Мискатоникдаги оролчадан, бошқаси шу дарёнинг қуйилиш жойидан топилган. Шунга қарамай, афсуски, одамларнинг ғойиб бўлиши билан мурдалари топилиши ўртасида ҳеч қандай из қолмаган, бу жиноятни ёритувчи синчков журналистлар ҳар қанча уринишмасин, уларни топишолмади. Холаваччам газеталарнинг шу наъв ҳисоботларига ҳаддан зиёд қизиқиш билан қараётганини кўриб, ҳам дахшатга, ҳам ҳайратга тушардим. У мақолаларни битта қўймай ўқиб борар, ўзини шу воқеа-ҳодисаларнинг туб сабабини биладиган, аммо хотираси панд бериб, ўша сабабни тилига чиқаролмаётган одамдек тутарди.

Мен Амброзни хавотир ичида кузатардим. Аввал ҳам айтганимдек, баҳорнинг яқинлашуви унда бетоқатликни кучайтирди, Бостондан Биллингтонлар уйига тезроқ қайтиш истагини алангалатди. Бу ҳол мени ташвишга солар, у ерда бизни кутиб турган кулфатларни олдиндан се-

зиб, кўнглим ғашланарди. Қайтганимизда эса холаваччам шу заҳотиёқ ўзгарди, унда уч ой шаҳардаги уйимда меҳмон бўлган одамдан асар ҳам қолмади.

Биз мартнинг охирида, қуёш ботаётган паллада Биллингтонлар мулкига етиб келдик. Салқин, ёқимли оқшом қўнар, тоза ҳаво ҳаёт шарбати яна танасига югуриб, куртак ёзаётган дов-дарахтлару гул очаётган майсагиёҳлар бўйига тўйинган, бу эса ғарбдан эсаётган енгил шабадага тутунникидек ширин-тахир таъм ато этар эди. Буюмларимизни жойлаштирганимиз ҳамоно холаваччам хонасидан чиқиб келди, у нимадандир қаттиқ ҳаяжонда эди. Агар қўлидан тутиб қолмасам, у мени пайқамай, ёнимдан ўтиб кетиши тайин эди.

– Нима бўлди, Амброз?

У менга ёвқараш қилди, лекин ўзини тутиб, мулойим жавоб қайтарди:

– Нима бўларди, бақалар-да! Ё сенга қуриллаши эшитилмаяптими? – У қўлини ажратиб олди. – Бориб, яқинроқдан эшитмоқчиман. Агар билсанг, улар қайтиб келганимни олқишлашяпти.

Унга эргашсам, малол олишини англаб, холаваччамнинг ортидан бормадим. Бунинг ўрнига зал орқали унинг хонасига йўл олдим-да, очиқ деразала олдидаги курсига чўкканча, Лаан юз йил аввал худди шу жойда ўтириб, отаси ва ҳинду Квамис ҳақида нималарни ўйлаганини эслаб кетдим.

Бақалар ростдан бор овозда шовқин кўтарар, куриллаши қулоқни батанг қилар, хонани тўлдириб юборган эди. Минора билан уйни бирбиридан ажратиб турган дарахтзорнинг ботқоксимон чимзоридан узуқ-юлуқ товушлар эшитиларди. Мен бу шовқин-суронга қулоқ тутар эканман, улардан ҳам ғалатироқ бошқа бир нарса ҳақида ўйлаб кетдим.

Мўътадил иқлимли аксар минтақаларда фақат "hylidae" тури вакиллари – дарахт бақаси, чигиртка-бақа, гоҳо ўрмон бақаси ҳам жўр бўлиб апрель арафасида қуриллай бошлайди. Ҳаво жуда исиб кетган кунлар бундан мустасно, бироқ баҳорнинг илк ҳафтасида, одатда, бундай иссиқ кунлар бўлмайди. Улардан кейин оддий бақалар, ниҳоят, бука-бақалар уйғонади.

Бироқ мен ботқоқликдан келаётган қоришиқ товушлар орасидан чигиртка-бақа, дарахт бақаси, жигарранг бақа, ҳовуз бақаси, ёш бақа, олабула бақа ва ҳатто бука-бақа овозини бемалол ажратардим. Бу ҳолдан, табиийки, ажабландим ва дастлаб қулоқларим панд беряпти, деб ўйладим.

Мен кўкламги бақаларнинг баланд овоздаги қичқириғини олисдаги тентаккушнинг аянчли чинқириғи, деб ўйлаб кўп янглишганман ва бу янглишувимни ҳар гал эшитиш рўёсига йўйганман. Аммо бу гал дарров англадимки, эшитиш қобилиятим – жойида, мен атиги хилма-хил овозларнию уларнинг товланишларини бемалол фарқлаяпман, холос! Ҳа, мен товушларни бемалол фарқлар ва бундан қаттиқ ваҳимага тушар эдим. Йўқ, бу ҳодиса мен астойдил ўрганган табиат қонунларига зид келгани учун эмас, балки ўзим титкилаган қўлёзмаларда сирлигина қилиб "мавжудот" деб аталган махлуқ келганда ёки яқинлашганда, сув ва қуруқликда яшовчи жонзотлар ўзини шундай тутишига мавҳум ишоралар учрагани учун шундай қўрқувга тушаётгандим.

Бошқача айтганда, сув ва қуруқликда яшовчи жонзотларнинг бу қилиғи уларнинг қўлёзма муаллифи "телба араб"деб атаган мавжудотнинг иси-

ни олишга алоҳида сезгирлигидан далолат берарди. Яъни бу жонзотлар у билан азал-азалдан муносабатда бўлган, Уммон Маъбудининг "Денгиз дхоллари" деб ном олган малайларига ўхшаб.

Қисқаси, муаллиф тахминича, "сув ва қуруқликда яшовчи жонзотлар азалий қондошларини сезганда, ҳаддан зиёд жонсарак ва бақироқ бўлиб қолади, ҳатто "бу қондошлар кўриниш берадими, йўқми, барибир, жонзотлар уларни сезади ва чинқира бошлайди". Шу боис мен бу мудҳиш овозларни бир-бирига зид, оғир ҳис-туйғулар ичида эшитиб турардим. Мен қиш давомида холаваччамнинг руҳий аҳволи яхшиланди, энди салбий томонга ўзгармайди, деган қатъий хулосага келган эдим.

Энди эса Амброз қисқа вақтда аввалги ҳолига қайтди ва бунга ўзи зарача ҳам қаршилик кўрсатмади. Холаваччам шу тобда бақалар қўшиғини жуда мамнун ҳолда тинглаётган бўлса керак. Бу Илия Биллингтоннинг ғаройиб йўриқномасидаги бир бандни беихтиёр ёдимга солди: *"У минора билан уй оралиғидаги ботқоқда яшовчи бақалар, айниқса, қурбақаларни, учар ёнарқуртлар, тентаккўшларни безовта қилмаслиги, қулф ва танбаларни ҳамиша ёпиқ тутиши зарур"*.

Бу чалкаш жумла, сирли таъқиқ, у нимани англатишидан қатъи назар, кўнглимга ҳечам ёқмасди. Ўша кўрсатма Амброзни кўзга кўринмас "алланима" ёнида тургани ёки бегона бир кимса – чақирилмаган меҳмон яқин орада пайдо бўлиши ҳақида огоҳ этмаяптимикан, ўша чақирилмаган меҳмон, унинг ҳаловатини бузган кимса мен бўлишим мумкин, ахир!

Мен дараза ёнидан узоқлашдим-да, шошиб хонадан чиқдим, зинадан тушиб, холаваччамнинг ёнига бордим. У икки қўлини кўкрагида қовуштирганча, бошини сал орқага ташлаб, иягини олдинга чўзиб, сукут сақлар, кўзларида ғалати ёлқин акс этарди. Мен унга хаёлини чалғитиш учун яқинлашдим, аммо шу пайт бирдан шаштим пасайди. Аввалига жимлик жонимга тегмагунича тек туравердим, сўнгра Амброздан шомда бақаларнинг қуриллаши авжга чиққани ёқяптими, деб сўрадим.

У менга ўгирилмай, сирли жавоб қилди:

– Ҳадемай тентаккўшлар аянчли чинқиради, ялтироқ қўнғизлар ёна бошлайди – ана ўшанда фурсат етади.

– Ниманинг фурсати етади?

У жавоб бермади, мен уйга қайтдим. Қайтаётиб тобора қуюқлашаётган зулматда уй яқинида қандайдир шарпани пайқадим-у, беихтиёр ўша томонга чопдим. Мактабдалик пайтимда жуда чопоғон эдим, ҳалиям ўша қобилиятимни йўқотганим йўқ. Уйни айланиб ўтаётганда жулдур кийимли, қўрқинчли кимсага кўзим тушди, у ўрмондан чиқа солиб, йўл ёқасидаги бутазорга ўзини урди. Уни қувиб етиб, тутиб олдим. У йигирма ёшлардаги йигитча бўлиб, қўлимдан чиқишга жон-жаҳди билан уринарди.

– Қўйиб юборинг мени! – деди у йиғламсираганча ёлвориб. – Мен ҳеч қандай жиноят қилганим йўқ.

– Бу ерда нима қилаётган эдингиз? – деб сўрадим кескин оҳангда.

– У ростдан ҳам қайтибдими, шуни билмоқчи бўлувдим. Шунчаки кўрмоқчийдим. Уни қайтди, дейишганди.

– Ким айтганди?

– Бақалар-да! Наҳотки эшитмаётган бўлсанг?

Мен бу гапдан довдираб қўлини каттиқроқ сиқдим. Йигитча оғриқдан оҳ деб юборди. Қўлимни сал бўшатиб, кимлигингни айтсанг, қўйиб юбораман, дедим.

– Фақат Унга айтмайсиз, хўпми! – деб ёлворди у.

– Ваъда бераман!

– Мен Лим Уэйтли бўламан!

Йигитнинг қўлини қўйиб юбордим, у шу заҳотиёқ қочди, ортидан қувмаслигимга ишонмасди, чоғи. Бироқ ортидан қувмаганимни кўриб, тўхтади-ю, бир оз тараддудланиб, орқасига ўгирилди ва шоша-пиша ёнимга келди. Сўнг енгимдан чангаллаганча, оҳиста деди:

– Сиз улардан эмассиз, бунга имоним комил. Яхшиси, бирор кор-ҳол юз бермай, бу ердан кетинг!

У яна ўзини чеккага олди, аммо бу сафар ортга қайтмади – бутун ўрмонни куршаб келаётган коронғилик бағрига сингиб кетди. Каминанинг ортида эса бақалар қўшиғи авж пардасига етганди. Шу лаҳзада уйнинг шарқий қанотида жойлашган хонамнинг деразаси ботқоқликка қарамаганини эслаб, суюниб ҳам қўйдим, лекин шундаям бақалар овози хонамдан дурустгина эшитилиб турарди.

Қулоқларимда ҳали ҳам Лим Уэйтлининг овози жаранглаб, кўнглимда ваҳима уйғотарди. Бундай кўркув Номаълумликка, ақл бовар қилмас воқеа-ҳодисага дуч келган ҳар бир одамнинг қалбини увиштиради, оёғини қўлига олиб, тезроқ қочиб қолишга ундайди. Бир неча дақиқадан сўнг қалбимда ўрмалаётган кўркувни, Лим Уэйтли маслаҳатига кириб, тезда қочиб қолиш истагини енгишга муваффақ бўлдим.

Уйга ета-етгунча Данвич аҳолисига хавф солиб турган муаммо устида ўйлаб кетдим. Бугунги воқеа бошқа кулфатлар билан бирлашиб, мени бу ерда юз берган котилликлар изоҳини маҳаллий аҳоли орасидан излаш керак деган карорга етаклаб келди. Агар холаваччамдан машинасини сўраб олсам, кейинги қидирувларни ўтказишимга имкон туғилар эди.

Амброз ҳали ҳам ўша жойда турар, чамаси, бир неча дақиқа бу ерда бўлмаганимни ҳам пайқамаган эди. Унга ҳалақит бермай деб уйга йўл олган ҳам эдимки, номимни айтиб чақирди-да, тез етиб келиб, ёнимда индамай кетаверди.

Мен холаваччамни оғир ўй-хаёллардан чалғитишга уриниб кўрдим:

– Бу йил бақалар эртароқ қуриллаб қолишгани ғалати-я.

– Менимча, ҳеч қанақа ғалати жойи йўқ, – деди у гапни қисқа қилиб.

Суҳбатга иштиёқим шу заҳотиёқ сўнди, чунки унда душманлик руҳи кучайиб бораётгани яққол кўринарди. Қайсарлик қилсам, ўзимга зарар: холаваччамда суҳбатга тоб-тоқат йўқ эди. Мен яна бир-икки тирғалсам, жаҳли чиқиб, ҳайдаб солиши турган гап. Сирасини айтганда, ўзим ҳам жон-жон деб жўнаб қолардим-у, аммо бурч ҳисси мени бу ерда иложи борича узоқроқ қолишга ундарди.

(Охири келгуси сонда)

АЛИШЕР НАВОИЙ ҒАЗАЛЛАРИ МАҚОМ ОҲАНГЛАРИ ТАЛҚИНИДА

Ўзбек номоддий маданиятининг мумтоз намунаси ҳисобланган мақом санъати борасида сўз кетганида, юксак ижро маҳорати билан бу соҳа ривожига беназир ҳиссаларини қўшган устозлар номини ҳурмат билан ёдга оламиз, уларнинг маънавий мероси бугун ҳам халқимизга хизмат қилаётганидан мамнун бўламиз. Улар, айниқса, улуғ мутафаккир Алишер Навоий ғазалларининг янгидан-янги мусиқий талқинларини яратиш ишига салмоқли улуш қўшганларки, буни алоҳида эътироф этишимиз зарур. Навоий ғазалларининг мақом оҳангларидаги ижро услубида инсоннинг ҳазин, изтиробга тўлиқ кечинмаларини ифода этувчи овоз ва соз уйғунлиги, мунг ва таъсирчан нолалар ётади.

Ҳассос ҳофизлар шоир мисраларини аслига монанд талқин этишга, шеър ва куй матнларининг уйғун ифодаланишига эришадилар. Шунингдек, улуғ устозлар мақомнинг мавжуд турли ижро йўллари ва услубларига хос хусусиятларни яхши англаган ҳолда маромига етказиб куйлаганлари боис тингловчиларнинг юксак баҳосига сазовор бўладилар. Элда ҳурмат-эътибор топиш учун чинакам санъаткорга бундан бошқа йўл йўқ.

Мусиқа борасида ва мақомшуносликда шеърий сатрлар ва мусиқий оҳангни алоҳида-алоҳида таҳлил этиш билан бирга, уларни маънан ва мантиқан тўғри баҳолай олиш, мутаносиблик даражасини тўғри аниқлаш ҳам ғоят муҳим. Бунда, табиийки, мақом усталарининг ижоди мисолида аруз шеърияти ҳамда мусиқий қонуниятлар уйғунлигини аниқлаш учун, энг аввало, ижро санъатини юксак даражада эгаллаш, бастакорлик амалиётидан чуқур хабардор бўлиш талаб этилди.

Ўзбекистонда Алишер Навоий ғазаллари асосида ашула айтмаган ҳофизлар камдан-кам учрайди. Улуғ шоирнинг мумтоз шеърияти ҳар қандай ижрочи учун жиддий синов вазифасини ўтаб, ижодий етукликка эришишнинг олий мезони бўлиб хизмат қилади. Ўзбек миллий мусиқа санъатининг дурдонаси ҳисобланмиш "Шашмақом"да Алишер Навоий ғазаллари билан айтиладиган кўплаб асарларнинг мавжудлиги бунинг яққол далилидир. Хусусан, Бузрук мақомида "Насруллои", "Насри Уззол", "Ироқ", Рост мақомида "Чапандози Савти Ушшоқ", "Соқиномаи Савти Наво", Наво мақомида "Талқини Баёт" ва унинг таронаси, "Насри Баёт"нинг таронаси, Дугоҳ мақомида "Сарахбори Дугоҳ" ва унинг I-III тароналари, "Насри Сегоҳ", "Ҳусайни Дугоҳ", "Муғулчаи Дугоҳ", Сегоҳ мақомида "Сарахбори Сегоҳ" ва унинг IV таронаси, "Наврўзи ажам", "Муғулчаи Сегоҳ", Сегоҳ мақоми иловасидан жой олган "Нимчўпони", "Гулузорим", "Дугоҳ Ҳусайн I", Ироқ мақомида "Сарахбори Ироқ", "Мухайяри Ироқнинг таронаси" ва Ироқ мақомининг иловасидан жой олган "Муножот" каби дурдона асарларда мақом оҳанглари ва ҳазрат Навоий

ғазалларининг ажиб уйғунлиги мавжудки, бундан табиий равишда ҳайратга тушиш мумкин.

Навоий ғазалларига яратилган бундай мумтоз ва халқ ашулалари ҳар бир ҳофиз ижрочилигида муҳим ўрин тутади. "Уфари баёт", "Баёт II, III", "Чоргоҳ III", "Қашқарчаи Савти Чоргоҳ", Д.Зокировнинг "Эй, сабо", Ғ.Тошматовнинг "Истадим", О.Ҳатамовнинг "Қоши ёсинму дейин", Очилхон Отахонов ижросидаги "Чўли Ирок" ва бошқа ашулалар ўзгача мусиқий талқини билан ажралиб туради. Навоий назмининг нозик, айни чоғда чукур фалсафаси, пурмаъно ишқий байтлари ҳофизлар ижросида шоир истаганидек "мунглуғ наво" билан ҳамнафас бўлади.

Ҳар бир тажрибали ҳофиз шеърга лойиқ мусиқий вазн танлаб, унга монанд оҳангдошликни топишга интилади. Ҳофизлар Навоий ғазалларидан илҳом олар экан, бастакорлар ўша назмий мазмундан олинган илҳомни мусиқий воситалар ила янада таъсирлироқ ифода этишга интилади. Бундай асарлар йиллар давомидаги ижро жараёнида сайқаллашиб бораверади.

Ҳазрат Навоий ижодиётининг мусиқий талқинларини яратишда ўзбек мусиқа санъатида катта тажриба йўли босиб ўтилганки, бунга муносиб ҳисса қўшган ижодкорлар меҳнатини доимо миннатдорлик ва катта ҳурмат билан эътироф этамиз. Жумладан, устоз Фаттоҳхон Мамадалиев ижодининг аксар қисми Навоий ижоди билан боғлиқ. Устоз бастакор Алишер Навоий ғазалларига ўтган асрнинг 60-йилларида мурожаат этиб, "Ёр ўлмагай" ашуласини яратган. "Оқибат", "Интизор" ("Қурбон қайтарма" номли чолғу куйи асосида), "Ишқ боғи", "Фош ўлсин" асарлари бастакорнинг шоир назмидан олган илҳомлари маҳсули десак, муболаға бўлмайди.

Ўтган асрнинг 90-йилларида Фаттоҳхон Мамадалиев ижодий изланишларини давом эттириб, "Ушшоқ савти талқинча"сига "Фиғонким", якуний "Ушшоқ савти уфор"ига "Дилдорлиғ билмас" ғазалларини боғлади. Асли чолғу йўли бўлмиш "Муножот" тўрт қисмли ашула туркумида ва ниҳоят, "Насруллойи" туркумининг бош қисмида ҳам Навоий ғазалларидан фойдаланилди. Мазкур намуналардан бастакорнинг "Фош ўлсин" ашуласига алоҳида тўхталиш лозим. Бизнингча, ушбу асарда Фаттоҳхон Мамадалиевнинг ижодий-ижровий маҳорати яна ҳам ёркинроқ намоён бўлган.

Улуғ шоирнинг "Бадойиъ ул-бидоя" девонидан ўрин олган "Ўлсун" радифли ғазали ишқий мавзуда бўлиб, фалсафий жиҳатдан теранлиги, олам-олам маъноси ва ҳис-туйғуни ўзгача ифода этиши билан бастакорни ром этади. Бу ғазалнинг бадиий образлар силсиласи, мазмунан анча мураккаблиги, ҳажман катталиги, қолаверса, ҳофизлар бисотида учрамаганлиги у кишинии чўчитмади. Ф.Мамадалиев ғазалдаги мавжуд ўн бир байтдан фақат бештасини ашула матни учун танлаб олар экан, мусиқий шакл тузилиши ҳамда куй ривожи мантиқидан келиб чиқади. Натижада қуйидаги сатрлар "Фош ўлсун" ашуласининг тўлиқ шеърий матни сифатида хизмат қилади:

Агар ишқинг ҳавосида ёгар ҳар жола тош ўлсун,
Нишона ҳар бирига дерман, ушбу ҳаста бош ўлсун.

Қуёшни бўлмас, эй гардун, ул ойга айламас ташбеҳ,
Оғиз гар зарра, Чўлпон – кўз, янги ой анга қош ўлсун.

Агар пайконларинг кўз истабон топди кўнгул, ғам йўқ,
Келиб йиғлар маҳал ул қатра сувлар кўзга ёш ўлсун.

Кўнгулда ишқинг асрай-асрай, ўлдум, эй соқий,
Қадаҳ тутким, харобот аҳлига фош ўлса фош ўлсун.

Навоий ашк дурридек тиларким кўзга ер бергай,
Агар ишқинг ҳавосида ёғар ҳар жола тош ўлсун.

Ашуланинг бошидан охиригача тўрт чоракли вазн ўлчамида ҳиссалари тенг бўлган салобатли усул: яъни "бак-бак-бум-бум" – куйнинг пойдевори вазифасини бажаради. Ушбу нисбатан содда, мувозанати яхши сақланган ийқоъ жараёни шеърий баён табиатига ниҳоятда мос тушган. Шунингдек, дастлабки байтнинг бош мисраси, иккинчи, учинчи ва охирги байтларнинг эса иккинчи мисралари ўз жойида такроран айтилгани бежиз эмас. Бу – адабий-мусиқий ривожланиш муштараклигини янада кучайтиришга қаратилган муҳим воситалардандир.

Ишқий мавзудаги бундай ашулаларнинг парда тузилиши "ошиқлар" маъносини билдирувчи "Ушшоқ" номли мақомга тўғри келиши устоз Фаттоҳхон Мамадалиевнинг илмий-ижодий ёндашувидан дарак берса, ажаб эмас. Товушлар замирида нолали, шу билан бирга, руҳан тетик, умидбахш куй садо беради. Барча мусиқий жумлалар ғазал мисраларининг андозаси бўйича тўқилганлиги, оҳанглар тизими гўё сўзларни ифодали ўқиш садоларидан пайдо бўлиши, айниқса, радифга боғланувчи қофиядош сўзларга урғули-чўзимли ҳиссада мутаносиб парданинг мунтазам уйғунлиги асарга бадиий баркамоллик бағишлайди.

Ихчамгина чолғу муқаддимасидан кейин баён этиладиган бош куй мавзуси пастки уч поғона ўртасидаги ҳаракатдан ҳосил бўлиб, равонлиги билан ажралиб туради:



Бунда товушлар алмашинуви бевосита сўз бўғинларидан келиб чиққандек туюлади. Куйнинг, асосан, поғонама-поғона силлиқ ҳаракатланиши учинчи парда таянчлилар ўрнида икки маротаба урғули-чўзимли даражада кўрсатилиши бошланғич шеърий мисранинг ифодали-маънодор мусиқий ўқилишини таъминлайди, унга кўтаринки кайфият бағишлайди. Ашула давомида мунтазам янграб турувчи чолғу нақорат ҳам айнан бош куй жумласининг создаги йўли, дейиш мумкин.

Асарнинг авж палласи учинчи байт ўқилишидан бошланиб, то охирги байтнинг биринчи мисрасига қадар давом этади. Унинг мусиқий шакл-

ланиши мақом қисмларига ўхшаш: етакчи куй жумласи бироз ўзгарган ҳолда бир октава юқорига кўтарилиши орқали бешинчи поғонага аввал қайтиб келиб:



сўнгра яна бир маротаба шижоат билан ундан ҳам ҳийла баландроқ пардаларнинг забт этилишидан иборат. "Фош ўлсун"нинг хотима қисмида бош куй мавзуси асл кўринишида қайта намоён бўлиб, "ёраман" сўзига оҳанг уланиб, якун ясалади.

Санъатшунослик фанлари номзоди Р.Юнусовнинг таъбирича, "Фаттоҳхон Мамадалиев бундан ўн беш йил аввал яратган, ўзи бекаму кўст ижро этган ушбу ашулани тинглар эканмиз, бизга замондош бўлган йирик санъаткорларимиз ҳазрат Алишер Навоий даъватига замонлар оша яна бир бор амал қилиб, зўр муваффақият қозонганидан, чинакам ижодий кашфиёт қила олганидан кўнглимиз ҳузур топади". Дарҳақиқат, "Фош ўлсун" ашуласи ўзбек мусиқий "Навоийнома"сига яна бир мумтоз асар бўлиб қўшилди.

Биргина бастакор ва ҳофиз ижодинига назар ташлаб, у кишининг мусиқий тажрибаси мисолида ҳазрати Навоий ижоди юқори мусиқий савияга эгалиги, ҳар бир ғазалнинг ўз оҳанги борлигига икрор бўламиз.

Салоҳиддин АЗИЗБОЕВ,
Ўзбекистон давлат
Консерваторияси
профессори в.б.

ШОМАҲМУД МУҲАММАДЖОНОВ

Шарқ миниатюраси ва китобот санъати асрлар давомида тараққий этган, инсоният тамаддунининг бетакрор намунасига айланган санъатдир. Ўз нафосати ва жозибасига эга миниатюра анъаналари бизнинг давримизга келиб, ўзига хос ривожланиш жараёнини бошдан кечирмоқда. Маълумки, бугунги кунда тарихий китобларга қайта ҳаёт бағишлашдек мураккаб ва масъулиятли ишни амалга оширишда хаттотлик, нақкошлик ва албатта миниатюра санъати усул ва технологиялари фаол қўлланилади. Ўзбек тасвирий санъатида миниатюра алоҳида йўналиш сифатида ривожланишида мумтоз Шарқ шеъриятининг таъсири катта. Бу мўъжаз санъатнинг қадимий анъаналари замонавий ўзбек рассомлари асарларида янада такомил топиб, янги маъно-мазмун билан бойиди. Бу саъй-ҳаракатлар туфайли хорижий мамлакатларда Шарқ миниатюрасига бўлган қизиқиш тобора ортиб боряпти. Шу кунгача Ўзбекистон рассомлари ҳамда халқ усталари яратган кўплаб дурдона асарлар санъат ихлосмандларини ҳайратга солиб келмоқда.

Ўзбекистонда анъанавий миниатюранинг тикланиши 1980 йилларда жадал тус олиб, бунда катор ўзбек мусаввирлари бекиёс хизмат қилдилар. Ўзбекистон халқ рассоми Шомаҳмуд Муҳаммаджонов ўз ижоди билан фидойилик кўрсатган миниатюра санъати усталаридан биридир. Санъат аҳли Шомаҳмуд Муҳаммаджоновни бутун умрини миниатюра санъати анъаналарини тиклаш ва ўзи ҳам бетакрор асарлар яратишга бағишлаган серқирра, фидойи мусаввир сифатида яхши биладилар.

Рассом 1954 йил 27 апрелда Тошкент шаҳрида таваллуд топган. У бугунги кунда сермаҳсул ижод қилиб келаётган рассом, китобат санъати устаси, абрибаҳор санъатини қайта тиклаш ташаббускори, қоғоз яратиш бўйича моҳир уста ҳисобланади. Ёшлигидан миниатюрага қизиққани боис устози профессор Ҳамид Сулаймоновдан олган сабоқларининг амалий самарасини Шарқ мумтоз адабиётининг ўлмас намуналарига бағишланган илк ижодий изланишларида намоён қилишга интилган. Жумладан, Маҳмуд Кошғарийнинг "Девони луғотит-турк" асарига ишланган миниатюралари унинг дастлабки йирик асари саналади.

Рассом ёш бўлишига қарамасдан, кейинги изланишларини боқий мумтоз адабиёт намуналари билан боғлади. Хусусан, 1968 йилда Ўзбекистонда Алишер Навоий таваллудининг 525 йиллиги муносабати билан ўтказилган кўргазмада ҳазрат Навоийнинг "Ҳайрат ул-аброр" асари мавзусида сувбўёқда ишланган элликка яқин миниатюралари билан қатнашди. Шомаҳмуд Муҳаммаджоновнинг Ўзбекистон тарихига оид илк асарларидан иккитаси 1972 йили Прагада ўтказилган кўргазмада биринчи даражали диплом билан тақдирланган.

Ш.Муҳаммаджонов 1974 йилда Бенков номидаги Республика рассомлик билим юртини тугатиб, миниатюра йўналишидаги изланишларини мустақил давом эттирди. Рассомнинг "Темур тузуклари" мавзусида ишланган миниатюралари соҳа вакиллари орасида катта эътибор козонди. Ҳозирда мазкур асари Американинг Нью-Йорк шаҳридаги Метрополитен музейида сақланмоқда. Бундан ташқари, устози Ҳамид Сулаймонов тавсиясига кўра, музей экспозицияси учун Абдулла Қодирийнинг "Меҳробдан чаён" романи мавзусида туркум расмлар ишлайди. Романнинг турли воқеаларига бағишлаб ишлаган расмларида қаҳрамонларнинг ички кечинмаларини тасвир орқали очиб беришга ҳаракат қилади. Мусаввирнинг ушбу роман мавзусига бағишлаб ишлаган асарлари ҳозирда Алишер Навоий номидаги адабиёт музейида сақланмоқда.

Ш.Муҳаммаджонов 1981 йилда "Усто" бирлашмасининг локли миниатюра илмий-тажриба устахонасига таклиф этилди. Бу ерда Ч. Ахмаров раҳбарлигида лок қопланган темпера рангтасвир усулида дастлабки машқларни бошлаган. Шомаҳмуд Муҳаммаджонов ўз асарларида, асосан, беш-олти турдаги рангдан фойдаланади, яъни қизил, олтинранг, оқ, кўк ва яшил. Бу рангларда унинг асарлари янада жилваланиб, ўйноқилик касб этиб, кўркамроқ кўринади. Унинг локли миниатюраларидаги одам қадди-қомати ва хайвонлар шакли талқинида ўзига хос услубни сезиш қийин эмас, манзара тасвирларида ҳам ўзгача шартлилик бор. У отларни кўпинча оч яшил, қояларни оч бинафша, дўнгликларни эса мовий рангда тасвирлайди. Аралашмаган тоза бўёқлар мажмуи бадиий таъсирчанликка эришишга ёрдам беради ва миниатюраларга алоҳида жозиба ва сирлилик бахш этади.

Ш.Муҳаммаджонов узоқ йиллик ижодий фаолияти давомида Алишер Навоий, Абдураҳмон Жомий, Фирдавсий, Низомий ва бошқа қатор Шарқ адабиётининг йирик вакиллари асарларига бағишлаб кўплаб мўъжаз суратлар ишлаган. Шунингдек, 1983 йилда шарқшунос олим Маҳмуд Ҳасанов тузган "Табобат хазинаси дурдоналаридан" китобида рассом чизган тўққизта миниатюра ўрин олган. 1985–1991 йилларда ҳинд халқининг машҳур пандномаси – "Калила ва Димна" асари боблари бўйича иккита асар яратган. 1999 йилда ишланган "Ипак йўли ҳикоялари" туркуми эса мусаввир номини дунёга танитган асарлар сирасига киради. Бугунги кунда устоз мусаввирнинг асарлари Япония, Эрон, Туркия, АҚШ ва бошқа мамлакатларнинг нуфузли музейларидан жой олган.

Ўзбекистон халқ рассоми Шомаҳмуд Муҳаммаджоновнинг миллий маданиятимизни тиклашдаги изланишлари муносиб қадр топди. У киши Ўзбекистон Бадиий Академиясининг аъзоси сифатида бугунги кунда ҳам қизғин ижодий фаолиятини давом эттириш билан бирга, кўплаб шогирдларига миниатюра санъати сирларини ўргатиб келмоқда.

Мафтуна КАЛБАЕВА,
Камолиддин Беҳзод номидаги
Миллий рассомлик
ва дизайн институти
магистранти

QOMUS

ЖАҲОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ ҚИСҚАЧА ҚОМУСИ

ВОКАЛ – мусиқий ижрочилик имконияти ва овоз маҳоратини эгаллаш санъати. Вокалчи қўшиқ айтувчи, турли вокал партиялари, чолғу ансамбли вокал қисмларини ижро этувчи мусиқий касб эгаси ҳисобланади. Вокал усталари икки турга бўлинади: етакчи вокалчи – асосий вокал қисмларининг ижрочиси ҳамда фон вокалчиси (бэк-вокалист), яъни мусиқий гуруҳнинг қўшимча гормоник қисмларини ижро этувчи аъзоси. Услуби ва ижрочининг имкониятларига кўра опера, оперетта, мюзикл, романс, фольклор, рок-жаз эстрада каби вокал йўналишларига тавсифланади. Ижрочилар сонига кўра эса яккахон (солист), ансамбль ва хор ашулачилиги вокал шаклларига бўлинади. Вокалнинг академик шакли опера ва оперетта XVI асрда пайдо бўлиб, бугунги кунга қадар мумтоз ижронинг юқори позицияси, соф, мукаммал овознинг энг катта товуш даражасини англатади. Эстрада вокали эса омма истеъмолига йўналтирилган бўлиб, нисбатан оддий ва эсда қоларли ижро услуби ҳисобланади.

ВОКАБУЛА – лексикология ва лексикографияга доир мазкур атама бир тилдан иккинчи тилга таржима қилинадиган муайян хорижий тилдаги сўз ёки жумлани англатади ва у луғат матнида қалин ёзув билан ажратилган асосий детерминант сўз ёки ибора ҳисобланади. Ушбу атаманинг келиб чиқиши дастлабки босма алифбо луғатларининг пайдо бўлиши билан боғлиқ. Вокабула лотинча "vokabolum» – "сўз", "исм" маъноларини англатади. Вокабула ёки муайян хорижий тил жумлалари энциклопедия ва луғатларда ҳар битта сўз – семантика, лексикология ва лексикографияда ўрганиш мавзуси ҳисобланади. Вокабулани қайта ишлашнинг иккита асосий йўналиши ва шунга кўра луғатларнинг иккита катта гуруҳи мавжуд. Уларнинг биринчиси, тил луғатлари ва иккинчиси, энциклопедик луғатлардир. Биринчиси, сўзнинг грамматикасига, иккинчиси эса вокабула билан белгиланган объект ва ҳодисанинг моҳиятига эътибор беради.

ВОЛАНД – XX аср жаҳон адабиётининг йирик намояндаси, атоқли рус адиби Михаил Булгаковнинг машҳур "Уста ва Маргарита" романининг асосий қаҳрамонларидан бири, иблис. Мазкур асар хусусидаги таҳлилларга кўра, Булгаков мазкур исмни немис ёзувчиси Иоганн Вольфранг Гётенинг "Фауст" асаридан олган. Унда Мифестофель ўзига нисбатан "Жаноб Воланд келмоқда" иборасини қўллайди. Адабиётшунос Борис Соколовнинг "Булгаков жумбоғи. "Уста ва Маргарита" сири" китобида келтирилишича, Воланд ўрта асрлар адабий манбаларида шайтоннинг исмларидан бири бўлган ва у "ёлғончи", "хийлагар" маъносини берувчи "Фаланд" сўзидан келиб чиққан, Булгаков романидаги Воланд ўша Фаландга ишора деб қаралади.

Булгаковнинг "Уста ва Маргарита" романи асосида бугунги кунга қадар ўнга яқин саҳна ва экран асарлари яратилган. Одам киёфасидаги иблис

Воланд образини ижро этиш кино санъатида Ален Кюни (1972), Густав Холубек (1989), Валентин Гафт (1994), Михайл Козаков (1995), Олег Баселашвили (2005) каби санъаткорлар, сахнада эса Александр Градский (2009), Иван Ожогин (2014) сингари халқаро нуфуздаги рус ва голливуд актёрларига насиб этган.

ВОЛАПУК – 1879 йилда немис католик руҳонийси Иоганн Мартен Шлейер томонидан ихтиро қилинган халқаро сунъий тил. Волапук алфавити асосан лотин ва қисман немис алифбоси асосида тузилган бўлиб, ҳарфлар сони 27 та, фонетик жиҳатдан эса товушлар 38 тагача бўлган. Сунъий халқаро тилнинг грамматикаси синтетик характерга эга.

Шлейер инглиз, немис ва лотин тилларини волапукнинг лексик таркибига асос қилиб олади ва бошқа тилларда гапириш қийин бўладиган товушларни чиқариб ташлашга ҳаракат қилади. Унинг максади фикрни осон ва аниқ ифода этадиган халқаро умумий тилни яратиб бериш ва одамларга иложи борича маълумот олишни осонлаштириш эди.

Волапук тили илмий ва адабий доираларда жуда оз қизиқиш уйғотди. 1882 йилда Вена шаҳрида ушбу тил ҳақида маълумот таркатиш билан шуғулланадиган жамият тузилиб, Белгия ва Голландияга Европа, Шимолий ва Жанубий Америка, Россия ва қисман Осиёда қизиқиш уйғотишга ҳаракатлар пайдо бўлди. Ушбу тилда бир қатор журналлар нашр этилди ва конференциялар ўтказилди.

Голландия ва Германия ҳукуматига нацистлар келиши билан, бу мамлакатларда сунъий тилларни ўрганиш ман этилиб, сунъий тилни тарғиб қилиш ҳаракатлари бутунлай бекор қилинган.

ВОЛОДИН АЛЕКСАНДР – рус драматурги, сценаринавис. Володин унинг адабий тахаллуси бўлиб, асл исми Лифшитз бўлган. Театри ва кино санъати мухлисларига номи яхши таниш бўлган Володин 1919 йил 10 февралда Белорусиянинг Минск шаҳридан таваллуд топган. 2001 йилда Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида вафот этган.

Дастлаб ижодини ҳикоя ёзишдан бошлаган Александр Володин 1954 йилда илк "Завод қиз" номли пьесаси билан драматургияга кириб келади. Унинг "Беш оқшом", "Менинг опам", "Идеалпараст", "Учрашув", "Севганингдан айрилма", "Дульсинея Тобосская", "Қизлар хамда оналар", "Ойимча", "Исонинг онаси" сингари пьесалари катта шуҳрат қозонган.

Муаллиф рус кинематографларининг ҳам қимматли ҳамкорига айланди. Унинг "Ўтган ёз", "Чакиряпти, эшикни оч", "Катта опа", "Ёмғирли портрет", "Кузги марафон", "Севганингдан айрилма", "Кўзёш томчилари", "Сирано де Бержирак" каби асарлари асосида ўттизга яқин бадиий фильмлар суратга олинган.

Бугунги кунга қадар бу уч драматургнинг асарларига ўзбек театрлари ҳам бир неча марталаб мурожаат этган. Хусусан, Александр Володиннинг "Севганингдан айрилма" пьесаси 2018 йилда Ўзбекистон давлат сатира театрида таниқли режиссёр Валижон Умаров томонидан сахналаштирилди.

Мафтуна МУҲАММАДАМИНОВА
тайёрлади

РЕЗЮМЕ

●●● В этом году испонилось 578 лет великому узбекскому поэту Алишеру Навои. В статье доктора филологических наук, профессора Каримбая Курамбаева "Алишер Навои и туркменская литература" исследуется влияние творчества поэта на развитие туркменской классической поэзии, а известный музыковед Салахиддин Азизбаев в своей работе "Интерпретация газелей Алишера Навои в макомах" рассказывает о текстах газелей великого поэта в их музыкальном предъялении.

●●● Под рубрикой "Трибуна редактора" публикуется статья Ахмеджана Мелибаева "Капли из океана истории", где автор анализирует близкое и далекое прошлое нашей страны и размышляет о вопросах правильного понимания исторических событий, доведения их сути до читателя без изъятий и искажений, а также о существующих проблемах в данной области.

●●● Повесть известного писателя Мамадали Махмудова "Туманные дни или багданский волк" опубликована в 1975 году. Писатель рассказывает об участниках движения басмачества как о борцах за национальное освобождение.

●●● "Современная литература в соответствии с временем, терпящем изменения и преобразования, стала искать новые формы, способы и пути художественного описания человека. Но читателю, привыкшему к форме и значимости вчерашней литературы, принять эти изменения сразу трудно, он и сейчас мучается переваривая их". – Это отрывок из статьи известного писателя, доктора филологических наук Улугбека Хамдама "О литературе периода Независимости", публикующейся под рубрикой "Литературоведение. Философия".

●●● Захириддин Мухаммад Бабур и Наполеон Бонапарт, государственные деятели, жившие в разное время в разных государственных образованиях, жизнь и деятельность которых абсолютно различаются друг от друга, но все же в некоторых аспектах пересекаются. Известный ученый и переводчик Рустамджон Умматов в своей статье "Бабур и Наполеон" приводит сравнительный анализ жизненного пути, характера и мировоззрения двух великих исторических личностей.

RESUME

This year we celebrate the 578th anniversary of great Uzbek poet Alisher Navoi. Doctor of philology, professor Karimboy Quramboev writes about influence of creativity of the great poet to Turkmen literature in his article named "Alisher Navoi and Turkmen Literary" and well-known researcher of music Salohiddin Azizboev investigates musical interpretation of the poet's ghazals in article "Alisher Navoi's Ghazals in Maqam Melody".

Ahmadjon Meliboev analyzes events of new and old times and writes about problems of objectively interpretation and reliable explanation of historical events to nowadays readers in his article "Drops from the Ocean of History" presented in rubric "Tribune of the Editor".

Well-known writer Mamadali Mahmudov's narrative named "Foggy Days" was published in 1975. He describes members of armed militia as fighters for national freedom.

"Nowadays literary looks like boiling as mercury, changing modern times. It tries to find new methods, new ways to recreating an image of human in another manner. But it was difficult to readers used to old literary to accept these changes. It is still difficult to them". These sentences are brought from well-known author, doctor of philology Ulugbek Hamdam's article named "About Literature of the Period of Independence" which is published in "Literary Criticism. Philosophy" rubric.

Zahiriddin Muhammad Bobur and Napoleon Bonaparte. What brings together these two great persons who lived in different times and countries? What is similar in their fate, character and world outlook? Well-known scientist and translator Rustamjon Ummatov comparatively researches lives of these great leaders in article "Bobur and Napoleon".

Jahon
ADABIYOTI
Adabiy-badiiy, ijtimoiy-publitsistik jurnal

Навбатчи муҳаррир: М.РАҲИМОВ
Техник муҳаррир: Ғ.ЎНАРОВ
Мусаҳҳиҳ: Ш.НИЁЗМЕТОВА
Компьютерда саҳифаловчи: М.АЛИЕВА

ИНДЕКС 828, 829
2007 йилда №0252 рақами билан лицензия олинган.
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинган, №189.
Уч босма табоқ ҳажмгача бўлган қўлёзмалар қайтарилмайди.
"Жаҳон адабиёти" журналида эълон қилинган асарларни кўчириб босишда
ва қайта нашр этишда таҳририятнинг ёзма розилиги олиниши шарт.

Таҳририят манзили:
100011, Тошкент, Алишер Навоий номидаги Миллий
боғ ҳудудида жойлашган Адиблар хиёбони.
Телефонлар: (0371) 231-23-54, 231-23-56, 231-23-57.
Сайт: www.jahonadabiyoti.uz
E-mail: jahonadabiyoti@list.ru

Босишга рухсат этилди 25.03.2019 й. Бичими 70x108 1/16. Офсет қоғози.
Офсет босма. Шартли босма табоқ 18,2. Нашриёт босма табоғи 20,0.
Адади 1840 нусха. 493 рақамли буюртма. Баҳоси шартнома асосида.
"Жаҳон адабиёти" журнали компьютер марказида
терилиб, "Sharq" НМАКда чоп этилди.

Босмахона манзили:
100000, Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41.

© Жаҳон адабиёти, 2019 й.

ҲАМКОРИМИЗ – “DELTA-QURMAH” МЧЖ

“Delta-Qurmah” масъулияти чекланган жамияти уй ва офис, дўконлар ва савдо марказлари, кафе ва ресторанлар, интерьер ва ландшафт дизайни учун металл конструкцияларнинг кенг ассортиментини таклиф этади: деворлар, дарвозалар, эшикчалар, панжаралар, зина ва балкон учун гулли тўсинлар, гулдонлар, гултуваклар учун безакли вазалар, интерьер предметлари ва бошқа жиҳозлар.

Ушбу маҳсулотларни намуналар бўйича ҳамда индивидуал дизайн асосида тайёрлаш имконияти бор.

DELTA-QURMAH

Тоф. 19016с.

Жаҳон
АДАБИЁТИ
Индекс 828, 829



Шомаҳмуд Муҳаммаджонов. *"Богда"*

ОБУНАЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!
Журналнинг обуначиларга етказилишида муаммо пайдо бўлса, қуйидаги манзилга мурожаат қилинг:
Тошкент шаҳри, Амир Темур 1-тор кўчаси, 2-уй. Тел.: (0371) 233-60-78, 233-67-98.

Муковамизда:
Ғофур АБДУРАҲМОНОВ.
"Заҳириддин Муҳаммад Бобур портрети"